

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА  
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

# ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ЯНГИ МУЛОҲАЗАЛАР



Ф. ХУЖАЕВ

## БУХОРО ИНҚИЛОБИНИНГ ТАРИХИГА МАТЕРИАЛЛАР

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ФАН» НАШРИЕТИ  
1997

Мазкур асар мустақиллик шарофати туфайли илк бор ҳолисона талқин этилаётган долзарб муаммо Ф. Хўжаевнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодий меросини ўрганиш йўлидаги дастлабки урнишдир. Тўпلام икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида Ф. Хўжаевнинг ҳаёти, фаолияти ва қарашлари ҳақидаги янги маълумотлар асосида мушоҳада этувчи мақолалар киритилган. Бу мақолалар унинг таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган илмий анжумандаги маърузалар асосида тайёрланган. Иккинчи қисмида эса Ф. Хўжаевнинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» номли асарининг 1926 йилда эски ўзбек ёзувида чоп этилган биринчи нашрининг илк бор кирилл алифбосига ўгирилган матни ўрин олган.

Тўпلام илмий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

#### Таҳрир ҳайъати:

ЎзР ФА академиклари А. АСҚАРОВ, И. ИСКАНДАРОВ,  
ЎзР ФА мухбир аъзоси А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ,  
тарих фанлари докторлари Д. А. АЛИМОВА, Р. Х. КАРИМОВ,  
тарих фанлари номзоди М. ЖУРАЕВ

#### Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори Д. А. АЛИМОВА

Ф 050100000—3-120/97 Рез. 97  
М 355 (04) —97

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан»  
нашриёти, 1997 й.

ISBN 5—648—02466—5

## МУҚАДДИМА

Қадрли китобхон! Ўз Ватанимиз ўтмиши ҳақида ҳамда юртимиз равнақи учун ҳаётини бахш этган аждодларимиз тўғрисида холисона ва ҳаққоний тарихни ўрганиш фурсати етди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ўзбек халқи янгилашиб ва тараққиёт йўлида ўз тақдирини ҳал этаётган бугунги кунда биз тарихчи олимлар тарихимиздаги қаҳрамон сиймолар ҳақидаги ҳақиқатни айтиш имконига эга бўлдик. Ўз даврининг шафқатсизликларига қарамай, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган ана шундай сиймолардан бири Файзулла Хўжаев эди. Халқ орасида катта обрў-эътибор қозонган бу шахснинг қуйидаги сўзлари алоҳида эътиборга молик: «Барча фикр ва барча билимлар ягона олий мақсад — бизнинг буюк Ватанимизни барча чоралар билан мустаҳкамлашга йўналтирилиши лозим».

Файзулла Хўжаев тақдирини ўша давр зиёлилари учун рамзий тус олган бўлиб, ниҳоятда мушкул ва фожiali бўлди. Республика ҳаётида тоталитар режим ва марказнинг империячилик сиёсатининг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб бир шароитда Ф. Хўжаев иқтисодий ва хўжалик муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистон манфаатларини имкон қадар ҳимоя этиш учун бутун куч-қувватини сарфлади. Унинг бу саъй-ҳаракатлари баъзан муваффақиятли тугади, баъзан эса зое кетди. Ф. Хўжаевнинг мустақил иш олиб бориш учун ошқора ҳаракат қилишга уринишлари кескин қаршиликка учради. БХСР Халқ Нозирлари Совети раҳбари лавозимида ишлаган даврда у РСФСР билан тўғридан-тўғри, партиявий устқурма РКП(б) Урта Осие бюроси билан келишмаган ҳолда иқтисодий шартнома тузишга уринади. У Ўзбекистон ХКС Ранси лавозимида ишлаган кезлари эса марказнинг дикта-

торлик, яъни ҳукмини ўтказиш снёсатига (айниқса пахтачилик масаласида) қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қилади. Баъзан Ф. Хўжаев усталик ва дипломатика билан иш тутиб, содиқлик, итоатгўйлик ниқобини кийишга мажбур бўлади, чунки у республика манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз фаолиятини давом эттириши лозим эди. Ф. Хўжаев шахсини ўз давридан айри ҳолда кўриш ва баҳолаш мумкин эмас. Ташқаридан қараганда «партиянинг содиқ фарзанди» сифатида кўрингани учун уни бетайинликда, тутуриқсизликда айблаш Ф. Хўжаев яшаган ва ишлаган фожiali муҳитни тушунмай асоссиз ва шошилинч хулоса қилиш натижаси бўлур эди. Сталинча режимнинг барча мураккаблигига қарамай халқ яшаш, республика ривожланиши лозим эди ва бунда Ф. Хўжаев каби шахсларнинг хизмати чексиз бўлди. Бу хизматлари эвазига у халқ орасида катта эътибор ва меҳр қозонди. Ф. Хўжаев халқ ибораси билан айтганда «меъдаси тўқ» кишилардан эди. У жадидчиликка, тараққиётга, ўз мамлакатни келажакка катта ихлос қўйиб, бу йўлда ўзининг ота мерос бойлигини ҳам аямади. Юқори лавозимларни эгаллаганлигига қарамай, у баъзи раҳбарлар каби ўз ҳамёнини ўйламади. Бунини жуда кўпчилик яхши биларди ва унинг бу хислати бошқа фазилатлари билан биргаликда ўз тарафдорларини кўпайишида катта роль ўйнаган.

Уша йилларда иқтисод ва маданият масалаларида партия муҳолифлари бўлган масъул шахслардан бир қанчаси Ф. Хўжаев билан маслақдош эдилар. Уша даврда марказнинг зўравонлиги, эски зиёлиларга салбий муносабати, кадрларни синфий асосда танлаш, пахтачиликда ўз ҳукмини ўтказиш, хусусий мулкни зўрлик билан мусодара этиш снёсатига, 1925—1929 йилларда олиб борилган ер-сув ислоҳоти услубларига қарши чиқиб, норозилик билдирган республикадаги 18 кишидан иборат масъул ходимларнинг чиқишларида Ф. Хўжаев ҳам иштирок этиб, қўллаб-қувватлагани бугунги кунда маълум бўлди. Совет тарихшунослигида қайд этилишича, кейинчалик у ўзининг «хатоларини» тан олган. Ф. Хўжаев бир неча бор ўз қарашларидан чекинмишга, ўзи истамаган ҳолда муроса қилишга мажбур бўлган. Бироқ Ф. Хўжаевнинг амалга оширган ва оширмақчи бўлган ишларининг ўзиёқ уни Сталин қатағонларининг дўзахи домига тортиш учун етарли бўлган.

Барча мушкулотларга қарамай, Ф. Хўжаев республиканинг индустриал тараққиёти, капитал қурилиши,

қишлоқ хўжалиги, ирригация ривожига катта ҳисса қўшди. Чуқур интеллект ва нотиклик қобилияти, ақл-заковат эгаси бўлган бу шахс ўзидан катта ижодий мерос қолдирди. Бу мероснинг энг муҳим ва қимматли намуналаридан бири унинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» номли асари бўлиб, у Бухородаги миллий тараққиёт учун олиб борилган ҳаракат-жадидчиликнинг юзага келиши ва ривожланиши тарихига бағишланган. Бу асар совет даврида ман этилган бўлиб, кутубхоналарнинг махсус бўлимларида сақланган.

1996 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йирик давлат ва жамоат арбоби Ф. Хўжаевнинг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда Ф. Хўжаев асарларини чоп этиш зарурияти ҳам қайд этилди. ЎЗР ФА Тарих институти ходимлари дарҳол Ф. Хўжаев асарларини тайёрлаш ва чоп этишга киришдилар. Шу йилнинг май ойида республикада Ф. Хўжаевнинг 100 йиллик таваллуд ёши кенг нишонланди. Шу муносабат билан ўтказилган илмий анжуманда Ф. Хўжаевнинг давлат қурилиши, маданий, иқтисодий тараққиёт борасидаги фаолиятига янгича ёндошув ва баҳолар аниқ намоён бўлди. Мазкур тўплам Тарих институти илмий кенгаши қарори билан тарихшунослик бўлимида тайёрланди. Тўплам икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Ф. Хўжаевнинг турли соҳалардаги фаолияти, ижоди ва шахси ҳақида ёзилган мақола-маърузалардан иборат. Ушбу мақолалар анжуманда қилинган маърузаларни ўз асоси қилиб олган. Иккинчи қисмига эса Ф. Хўжаевнинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» номли асарининг биринчи нашри киритилган бўлиб, бу асар аслида Бухоро жадидчилик тарихини яратиш йўлидаги дастлабки уринишдир.

Ф. Хўжаевнинг «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» номли асари 1926 йил рус тилида ёзилган бўлиб, ўзбек тилига таржима этилган ва икки тилда чоп этилган. Унинг араб графикаси ёзувида чоп этилган ўзбекча нусхаси чуқур ўрганилди ва кирилл ёзувига ўгирилди. Ушбу нашрга таҳририй ва стилистик ўзгаришлар киритилмади, яъни матннинг дастлабки нусхаси ҳеч бир ўзгаришсиз сақланди. Масалан Ф. Хўжаев «Рус» атамаси билан большевизм деб большевистик Россияни атаган. Матида шундайлигича қолдирилган. Фақат аввалги нашрда илова этилган имло хатолари ушбу нашр матнида тузатилди, исм-шарифлардаги но-

аниқлик ва хатоликлар тўғрилиди. 1926 йилда асар рус тилидан ўзбек тилига таржима этилганда айрим сўзларнинг рус тилидаги маъноси қавс ичида берилган. Араб ёзуvidан кирилл ёзувига ўгиришда ҳам бу сақла-ниб қолинди. 1926 йилдаги таржима мукамал эмас эди, албатта. Чунки бундай таржима соҳасида катта тажриба ва мутахассислар деярли бўлмаган, мувофиқ-лаштирилган терминология ҳам йўқ эди. Шу туфайли матнда баъзи қайдлар нотўғри маъно касб этган. Масалан, русча нусха матнида (33-бетда) Ф. Хўжаев жа-дидчилик ҳаракатидан мулк эгалари тоифасининг чет-лашувини ҳақида гапириб «отошли от движения, конечно, еще более далекие от подлинной революционности, даже подлинного либерализма круги, связанные с духов-енством, с муллою Икрамом во главе» деб қайд этади. Ўзбек тилига таржима этилганда унинг мазмуни бузи-либ, қуйидагича қайд этилади: «Албатта, ҳақиқий ин-қилобдан, ҳатто ҳақиқий тараққийпарварликдан узоқ бўлган уламолар билан боғланган мулла Икром гуруҳи ҳам янги ҳаракатдан ажралди» (56-бет, ўзбекча нусха). Ф. Хўжаев мулла Икромни «тараққийпарварликдан йироқ» шахс сифатида таърифлаш ниятидан холи эди, албатта. Асарнинг бошида у мулла Икром фаоллигини юксак баҳолаган. Бу ўрнида «либерализм» сўзининг таржимаси сифатида «тараққийпарварлик» сўзи мут-лақо ноўрин ишлатилган. Натижада муаллиф фикри нотўғри акс этган. Айрим исм-шарифларнинг ёзилиши-да ҳам ноаниқликлар учрайди. Масалан, Абду Воҳид Бурҳонов ва Абдул Воҳид Бурҳонов. Бундай ҳолларда биз Ф. Хўжаев ёзган тартибни тўла сақладик. Ноаниқ-ликлар анчагина бўлишига қарамай, таржимонлар ўз вазифасини уддасидан чиқа олганини таъкидлаш ло-зим. Бу борада тажрибанинг камлигига қарамай, улар бунга эриша олганлар. Айрим ўзлари учун мураккаб бўлган сўзларни таржима қилишда ноаниқликка ёки англашилмовчиликка йўл қўймаслик учун улар қавс ичида бу сўзларни Ф. Хўжаев қўллаган русча маъно-сини келтирганлар (масалан, стратегия, патриарх, кон-троль, копия, маклер, монархия, саботаж). Китобнинг ўзбекча нусхаси муқаддимаси сўнггида Ф. Хўжаев ўз асарини «Жадидчиликдан Бухоро коммунист фирқаси-га» деб номлаганининг сабаби номаълум бўлиб қолди, чунки русча нусхада у асарни «Бухоро инқилоби тари-хига доир» деб номлаган. Асар 28 бобдан иборат бў-либ, уларда Бухорода жадидчиликнинг ривожланиш

босқичлари ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда таърифланади. Умуман, Ф. Хўжаев Бухорода жади́дчиликнинг юзага келиши ва ривожланишини XX аср бошида Бухоро хонлигидаги ижтимоий иқтисодий аҳволни 1920 йилда инқилоб билан тугаган ёш бухороликлар ҳаракатини ғоялаштириш асосида эмас, балки ҳолисона аке эттиришга уринади. Бироқ асарнинг сўнгги боблари бундай ёндашувдан холи бўлиб (айниқса «Туркистоннинг Русия билан қўшилиши. Турккомиссиянинг келиши» номли боби), уларда Туркистондаги большевиклар сиёсати ижобий баҳоланди ва уларнинг ўзи фақат илиқ сўзлар билан тилга олинади. Уйлаймизки, китобхон бу бобларни ўқиш давомида ушбу масала ўзгача талқин этилганда асар ўша давр шароитида чоп этила олмаслигини тўғри англаб етади.

Матннинг ушбу нашрида тўртбурчак қавсларда 1926 йилдаги биринчи нашридаги бетлар кўрсатилган. таҳририй изоҳлар мати остидаги ҳаволада қисқартирилган ҳолда (*ред.*) қайд этилган. Асар матнини араб ёзувидан кирилл ёзувига ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Д. А. Рашидова ўгирди. Тўпламнинг биринчи қисми Ф. Хўжаевнинг жади́дчилик ва ёш бухороликлар ҳаракатидаги иштироки, унинг асарининг ёзилиш тарихи, қайта чоп этилиш ва кейинчалик ман этилиши сабаблари, шунингдек унинг «босмачилик», 1916 йил қўзғолони ва умуман, Ўзбекистондаги 20—30 йилларда юз берган тарихий ҳодисаларга муносабати янгича талқин этилган мақолалардан иборат.

Таҳрир ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат Қўмитасига тўпламни чоп этишда берган ёрдами учун миннатдорчилик билдиради.

Тарих фанлари доктори А. АЛИМОВА

## ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Р. Ҳ. Каримов

### ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ АТОКЛИ ЖАМОАТ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

Миллий истиқлол мафкураси халқимиз ўтмишининг гина эмас, унинг кўзга кўринган арбобларини ҳам билишни, ўрганишни ҳамда улар тўғрисида тарихий ҳаққонийлик замирида туриб сўз юритишни муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Шўро ҳокимияти даврида Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва бошқа жабҳаларда фаолият кўрсатган халқимиз вакиллари, уларнинг шахси, рўй берган воқеаларга муносабатларини тадқиқ этиш мураккаб, лекин зарур, долзарб илмий муаммодир. Раҳбар лавозимларда хизмат қилган Ф. Хўжаев ва унинг замондошлари фаолиятларига улар оқлангандан кейин ҳам ҳаққонийлик билан баҳо берилмасдан келинди. Бухоро республикаси ва Ўзбекистон ҳукуматлари бошлиғи бўлган Ф. Хўжаевнинг фаолияти бир қатор рисолалар ва мақолаларда ёритилган. Унинг сайланма асарларининг уч жилдлиги ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган. Лекин унинг фаолияти бир томонлама, қисқа ва айрим жараёнлари бузиб талқин қилинган. Ф. Хўжаевнинг республика иқтисодий ва сиёсий ривожланишида мустақил иш тутишга қилган ҳаракатлари адашишлар ва хатолар сифатида баҳоланган. Айни пайтда унинг бой ижодий меросини ўрганиш Ф. Хўжаев Ўзбекистоннинг аҳволи ва халқнинг келажаги тўғрисида теран, истиқлол ғоялари билан ҳамоҳанг фикрларни илгари сурганини, уларни ҳаётга тадбиқ этишга жон-дили билан интилганини кўрсатмоқда. Республикаимизнинг мустақиллиги шароитида бу меросни, унинг истиқлол мафкураси учун қимматли бўлган томонларини ўрганиш жиддий илмий назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ф. Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари унинг кўп қиррали ва сермазмун фаолияти иккита ижти-



мой тузум, улардаги муносабатлар, воқеалар кечган жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган, уларни аке эттирган. Биринчиси 1920 йилгача бўлган давр, иккинчиси 1920 йилдан кейинги даврлар. Ўз навбатида 1920—1938 йиллар Ф. Хўжаевнинг Бухоро ва Ўзбекистон Республикаларида фаолият кўрсатган босқичларидон иборат.

XX аср бошида Бухоро давлати ижтимоий муносабатлар классик шарқона йўсинда шаклланган, ўзинга хос моддий-иқтисодий пойдевори, олтин захирасига эга, таълим тизими ва маънавияти турли-туман, чет элларда обрў қозонган мамлакат эди. Шу билан бирга бунда Ғарб цивилизациясига онд пул-товар муносабатлари, транспорт, корхоналар, нашр-матбуот ишлари, чет эллар билан иқтисодий, маданий алоқалар пайдо бўлиб кенгаймоқда эди. Хўкмрон доиралар, тадбиркору тижорат аҳли, ҳунармандлар оммаси, руҳонийлару зиёлилар Бухоро давлати фуқаролари асрий миллий қадриятлар, ижтимоий тузум, ислом дини таълимотлари заминида туриб янги давр, унинг кўринишлари ва аломатларига йўл очганлар, уларни қўллаб-қувватлаганлар. Халқ ҳаётини, ижтимоий муносабатларни янгилаш ҳаракатида фуқароларнинг ишчан, тадбиркор, ўткир зеҳнли намоёндалари қатнашганлар, бу ҳаракат — ижтимоий ҳаракат эди.

Мана шундай бир шароитда, асрнинг ўнинчи йиллари бошида ёш Файзулланнинг дунёқарашини, ижтимоий онги таркиб топа бошлайди. У 1913 йилдан ёш бухороликлар ҳаракатига қўшилганини кўрсатган. Ижтимоий ҳаракатнинг ғоявий-маънавий мазмунини Бухоро давлатида силжишлар ва жараёнларнинг бўш кечганлиги ва уларни жойлантириш зарурати омиллари ташкил қилган. Бу ғояга тадбиркор-тижоратчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар жамиятини бошқариш тизимини янги омилларга мослаштириш кераклиги нуқтаи назаридан ёндошган бўлсалар, ҳаракатнинг асосий қисмини ташкил қилган зиёлилар, айниқса жадид зиёлилари маърифатчилик, маориф ишларини туб янги йўлдан ривожлантириш кераклигини тарғиб қилдилар, саъй-ҳаракатлар олиб бордилар. Мамлакатдаги ижтимоий ҳаракатнинг қисмларга бўлиниши ва қатнашчиларни доирасини белгилаш маълум даражада нисбийдир. Чунки жамият, унинг онгли, илғор вакиллари ислохотларни амалга ошириш зарурати етилганини тушунишда яқдил эдилар.

Ф. Хўжаев зўрлик, қон тўкишлар, фитналар йўлини инкор қилган, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ бўлган, халқ оммасининг хоҳиш-иродаси, манфаатлари ва интилишларини диққат марказида сақлаган, шунинг учун ҳам у ислоҳотлар йўлини танлаган шахс сифатида фаолият кўрсатди. Шунини алоҳида таъкидламоқ лозимки, бу олижаноб ва инсонпарварлик тамойилларига у бутун ҳаёти давомида амал қилишга интилдди, уларни ўзининг инсоний бурчи деб билди. Лекин замонанинг аянчли ва мудҳиш ўзгаришлари, Ф. Хўжаев тушиб қолган сиёсат ва воқеалар гирдоби унинг интилиш ва умидларини саробга чиқарди, эътиқодларидан баъзиларини ўзгартиришга, оғир ва ўта зиддиятли шароитларда фаолиятини давом эттиришга, ўз инсоний бурчини ўташга мажбур қилди.

Шарқона қадриятлар ва тамойиллар идеаллари ҳамда ислоҳотлар йўлини танлаб келган ёш бухороликлар, шу қаторда Ф. Хўжаевнинг сиёсий мавқеи 1917 йил Россиядаги большевикча тўнтариш, хусусан 1918 йил март ойидаги Колесовнинг Бухорога қилган хуружидан кейин ўзгаришга йўл тутди. Уларга нисбатан кўрсатилган таъйиқ натижасида Бухоро давлатига нисбатан куч, зўрлик ишлатиб ундаги тузумни ағдариш сиёсати илгарив сурилди. Бухоро халқининг туб манфаатларини, ундаги ижтимоий-сиёсий шароитни оқилона идрок этиб иш тутмоқчи бўлган ёш бухороликлар фикри инobatга олинмади.

Ф. Хўжаев Бухоро республикасининг бош ноziри вазифасида фаолият кўрсатган даврда унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари жамиятдаги кучлар мувозанати, у ёки бу сиёсий оқимлар таъсирининг кучи, халқ оммаси ва унинг намояндаларининг кайфиятлари билан боғлиқ равишда рўйбга чиққан. Амир ҳокимияти ағдарилгандан кейин қизил армия қисмлари мамлакатда қолди, бу ерга кўплаб юборилган Россия большевиклари ва қизил армия янги ҳокимиятни ва инқилобий тузумни мустаҳкамлаш учун тўхтовсиз кураш олиб бордилар. ТАССРдаги сиёсий ва хўжалик органлари Бухоро республикаси устидан қаттиқ назорат олиб бордилар. Революцион йўналишдаги ўзгаришлар кўплаб шу асосда келиб чиққан ва амалга оширилган. Республика бошқарувидаги бошқа гуруҳ арбоблар қатъий ва зўравонлик сиёсатига монелик йўлини тутдилар. Булар ерли халқ вакиллари эди. Бухоро республикасида, сўнгра Ўзбекистон тузилгандан кейин ҳам аҳвол асосан шундай давом эт-

ди. Ф. Хўжаев республикалар бошқарувларидаги бу гуруҳлар ўртасида иш олиб борди, улар мувозанатини сақлашга, халқ бошига оғиб келаётган ўзгаришлар, янгиликларнинг ижобий томонларини сақлаб қолишга, мустақкамлашга, салбий томонларини эса мумкин қадар юмшатишга, ачиқ синовлар захрини тезроқ бартараф қилишга ҳаракат қилди. Мураккаб шароитларда она-Ватан, халқ манфаатлари йўлида иш олиб боришда у ёлғиз эмас эди. Бироқ қатъийлик билан олиб борилган большевикча сиёсат собитқадам миллий етакчилар, соф виждонли зиёлилар, мутахассислар, бошқа халқпарварлар қаторига раҳна солиб борди.

Ф. Хўжаев хизмат фаолияти давомида, айниқса 20-йилларнинг иккинчи ярмидан умрининг охиригача расмий ақидалар, жумладан, синфийлик, иқтисодиёт, тақсимот, маданият ва бошқаларни социалистик асосда ташкил қилиш ўзанида иш олиб борди. Шу билан бир қаторда унинг дунёқарашини изчил халқчиллик, миллий кадриятларга содиқлик, Ўзбекистоннинг озод ва ривожланган республика бўлишига қатъий ишонч таъминлашлари ташкил этган. Большевиклик марказ минтақанинг қарам ва хом ашё манбаи даражасида сақлаш учун бутун чораларни амалга ошириб борган. Миллий етакчиларнинг кўпчилиги, шу қаторда Файзулла Хўжаев ҳам ўз фаолиятини эл-юрт мустақиллиги, истиқлолига қаратган эдилар.

Фрунзе бошчилигида келган ҳарбий қисмлар амр ҳокимияти ағдарилгандан кейин Бухоро давлати ҳудудида қолдилар, уларнинг таъминоти аҳоли зиммасига юклатилди, Республикадан Россияга хом ашё моллари, озиқ-овқат ва бошқа бойликлар олиб кетилди. Нозирлар кенгашининг раиси Ф. Хўжаев 1921 йил баҳорида республика ҳудудидаги Россия ҳарбийлари сонини 15 минг кишидан ошмасин деган талабни қўйди<sup>1</sup>. Яна у Турккомиссиядаги кенгашда Бухородан олиб кетилаётган озиқ-овқат ва хом ашё моллари нархига тенг келадиган моллар бериш масаласини илгарини сурди. Бу нарса Турккомиссия раҳбарларига ёқмади<sup>2</sup>. Давлат қурилиши масаласида Ф. Хўжаев трибуналлар, Чека (фавқулодда комиссия — Р. К.), хавфсизлик органлари бўлимларининг Бухоро республикасида ташкил этилишини танқид қилиб чиқди<sup>3</sup>. У шунингдек Ўрта Осиё республика-

<sup>1</sup> История Бухарской Народной Советской Республики. Сборник документов. Ташкент, 1976, с. 196.

<sup>2</sup> Ўша асар, 197-бет.

<sup>3</sup> Бухоро ахбори. 1921 йил, 23 июнь.

рининг иқтисодий бирлаштирилишига эътироз билдирди<sup>4</sup>. Миллий чегаралаш масаласига ижобий ёндошган бўлсада, 1924 йил февралда эълон қилган тезисларида минтақа туркий халқларининг тарихий илдизлари муштараклиги гоёсини баён қилди<sup>5</sup>. Шунинг билан бирга, Ф. Хўжаев гувоҳлик беришича, Бухоро республикасида чегаралашга кучли қаршилик кўрсатилган, унинг ибораси бўйича «дўстлар доирасидан ҳам» қарши чиққанлар бўлган<sup>6</sup>. 20-йиллар ўртасида Ф. Хўжаев бундан ойдинроқ гапирга олмас эди...

Республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ф. Хўжаев, унинг сафдошлари ислоҳотлар ва ижобий ўзгаришларга интилдилар. Ф. Хўжаев, ҳукумат аъзолари А. Фитрат, М. Саиджонов, М. Мансуров, унинг ўғли А. Мансуров ва бошқалар чуқур билимга эга маданиятли арбоблар эдилар. А. Чўлпон, Мунаввар Қори, Қ. Отабоевлар Бухорода фаолият кўрсатганлар. Ф. Хўжаев ҳамда республика раҳбариятининг қўлчиллиги барқарорлик ўрнатишга, келиб чиққан можаро ва қуроли тўқнашувларга барҳам беришга интилганлар, хўжалик ҳаётини, савдо-тижорат, маданий-маърифий ишларни ривожлантириш чораларини кўрганлар, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, осойишталиги учун қайғурганлар. Аҳолидан, тadbиркорлардан мусодара қилиб тортиб олинган мол-мулкларни эгаларига қайтариб берилган<sup>7</sup>. Мачит-мадрасалар, мактаблар, вақфлар фаолияти давом этган, шунингдек янги маданият ўчоғлари — ўқув юртлари, клублар, матбуот йўлга қўйиб борилган. Ёшлар 20-йиллар бошида чет элларга ўқишга юборилган. Ф. Хўжаев 1922 йил охири 1923 йил бошида Германияда табобатда бўлганида уларнинг яшаш жойи ва моддий таъминоти масалаларини ҳал қилган, унинг иштирокида Москвада Бухоро республикасининг ўқув юрти ташкил қилинган.

Ф. Хўжаев, республика ҳукумати қизил армия томонидан аҳолининг озиқ-овқатлари, ем-ҳашаклари тортиб олинишига, истиқлол учун ҳаракатда қатнашган ёки шунда гумон қилинганларнинг қариндошлари, ҳамқишлоқлари гаровга олинишига, мол-мулкларни мусодара қилинишига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар<sup>8</sup>. Чунки

<sup>4</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. I том. Тошкент, 50, 258-бетлар.

<sup>5</sup> Уша асар, 54-бет.

<sup>6</sup> Уша асар, 285—286-бетлар.

<sup>7</sup> «Правда Востока», 11 декабрь 1991 года.

<sup>8</sup> История БНСР. Сб. документов, с. 256, 271, 273, 278.

1922 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиларининг 60 оила аъзолари гаровга олинган эди<sup>9</sup>. 1922 йил декабрида Бухоро республикаси ҳукумати Ф. Хўжаев маърузаси асосида ҳарбий қисмлар алоҳида бўлимларининг аҳолига нисбатан жазо ҳаракатларини тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қилди<sup>10</sup>. Жазо учликлари фаолиятини, аҳоли мулкини мусодара қилишни тўхтатишни талаб қилиб РКП МКнинг Ўрта Осиё бюросига мурожаат қилинди<sup>11</sup>. Бу талаблар шунчалик қатъий бўлдики, Ўрта Осиё бюроси жазо учликларини дарҳол тўхтатиш, ҳарбий қисмларнинг Бухоро республика аҳолисига қарзларини тез орада узиш тўғрисида қарор қабул қилди<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ташкил бўлиб Ф. Хўжаев Халқ комиссарлари советининг раиси қилиб тайинланди. У яна бир қатор лавозимларга сайланди. Ўзбекистон республикасининг пайдо бўлишини Ф. Хўжаев, шунингдек, қатор миллий етакчилар ўзбек халқи миллий давлатчилигининг янги даври деб тушундилар, бу воқеа Ўзбекистон истиқлолига хизмат қилади деб умид боғладилар. Республиканинг суверенитети ҳақиқат ва воқеликка айланиши учун ҳаракат қилдилар, бу эзгу ишга ўз ҳиссаларини қўшиш учун фаолият кўрсатдилар.

Республика ҳукуматининг раиси сифатида Ф. Хўжаев амалга оширилган ўзгаришларни, уларнинг қайси мақсадларга йўналтирилганини анчагина чуқур мушоҳада қилди, ўз ватани ва халқи равиоқли, манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ёқлаб иш тутиш қапчалик мураккаб, оғир ва хавфли эканини тушуниб етди, лекин бу йўлни у ягона ва шарафли деб тушуниб унга умрининг охиригача содиқ қолди. Шунини таъкидлаш муҳимики, Ф. Хўжаев ва бошқа арбобларнинг ўз халқи фарзандлари сифатидаги фаолияти бошқа халқлар, мамлакатларга қарши қаратилган эмас эди, улар ғайриинсоний, тоталитар тузумнинг мудҳиш кирдикорларини рад этиб улардан норозиликларини билдириб бор-

---

<sup>9</sup> Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Тошкент, 1990, 129-бет. Муаллиф М. Ҳасанов бу иш Ф. Хўжаев кўрсатмаси билан қилинди, дейди. Лекин у гаровга олишлар, одамлар мулкларини мусодара қилиш қизил армия алоҳида бўлимлари, марказ вакиллари бошқарган сиёсий бўлимлар томонидан амалга оширилганини ҳисобга олмасдан поаниқликка йўл қўйган.

<sup>10</sup> История БНСР. Сб. документов, с. 264.

<sup>11</sup> Там же, с. 271—272.

<sup>12</sup> Там же, с. 277—278.

гаилар, огир, аянчли шаронитларда ҳам ўз халқининг вакили эканлигини сир тутмаганлар. Мамлакат шовинистик доираларининг ерли халқ вакилларига ишонмаганлиги мана шундан келиб чиққан. Бу нарса СССР раҳбарияти, марказнинг Ўзбекистонга, унинг вакилларига муносабатини, уларни парчалаш, яккалаб таҳқирлаш ва руҳсизлантириш хатти-ҳаракатини белгилади. Республикадаги марказ вакиллари бу йўлга қатъий амал қилдилар.

20—30 йилларда Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданий ҳаёт соҳаларида ижобий ишлар қилинган, бу ишларни албатта кенг халқ оммаси, миллий етакчилар, зиёлиларнинг яратувчилик меҳнати ва фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу даврнинг узида тоталитар тузум одамлар бошига, жумладан деҳқонлар, миллий зиёлилар, ҳунармандлар бошига кулфатлар ёғдирган чора-тадбирларни амалга оширди. Пахта якка ҳокимлигини амалга ошириш, Ўзбекистонни хом ашё манбаига айналтириш жадал олиб борилди, қатагонлар бегуноҳ одамлар ёстигини қуритди, уларнинг кўплари қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Шундай мураккаб ва огир шаронитларда ҳам халқ, унинг асил фарзандлари Ўзбекистоннинг ёруғ келажагига, асрий қадриятларимизга умид ва содиқлик кайфиятларини йўқотмадилар.

Ф. Хўжаев ижтимоий муносабатлар, давлат сиёсатининг асосий мезони маълум бир синф эмас, балки халқ оммаси, унинг манфаатлари, умид-орзу ва интилишлари деб тушунган, ҳукумат, ижтимоий ташкилотлар фаолиятига, рўй бериб турган воқеаларга шу асосда муносабат билдирган, ўз фаолиятини эзгуликка, иложи борича нохуш ҳоллар олдинчи олишга қаратган. Ўзбекистон ҳукумати раиси сифатида фаолиятининг бошидан республика, унинг халқ манфаатлари, унинг мустақиллиги йўлида иш кўрган. 1925 йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган Ўзкомпартия II съездида қилган «Хўжалик қурилиши тўғрисида»ги маърузасида пахтачиликнинг жадал суръатлар билан кенгайтирилиши деҳқонларни иттифоқдан ғалла ва саноат моллари келтирилишига қарам қилиб қўяди, лекин агар иттифоқда қурғоқчилик бўлса ёки темир йўл ишида бирон бир камчилик рўй берса, унда жиддий ҳалокат келиб чиқади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўла-тўқис пахта нархига, иттифоқ саноат моллари, ундаги ғалла ҳосилига боғлиқ бўлиб

қолмаслиги керак, деган фикрни дадил айтган<sup>13</sup>. Ф. Хўжаев нафақат бир марта, балки бир неча марта ўз фикрларини баралла баён этган. Марказ ва Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистонда амалга оширган қатор тadbирларини жиддий танқид қилган ҳамда масалани ҳал қилишнинг анчайин мақбул йўлларини ўртага ташлаган, кечган жараёнларни чуқур мушоҳада этган.

1925 йилнинг кузида халқ комиссарлари ва бошқа раҳбарлардан иборат қатор ходимлар (18 лар гуруҳи) Ўзбекистонда фаолият кўрсатиш шароитларидан норози бўлиб баёнот эълон қиладилар. Ф. Хўжаев бундан хабардор бўлиб, Ўрта Осиё бюросига тушунтириш хати ёзган, хатда кадрлар сиёсати нотўғри олиб борилгани тўғрисида бир неча бор гапирганини, 18 ларнинг баёоти ҳам кадрлар сиёсатидан норозилик туфайли келиб чиққанини уқтирган<sup>14</sup>. Муҳим томони шундаки, гуруҳ иштирокчилари қаттиқ таъқиб қилинганига қарамасдан Ф. Хўжаев уларга хайрихоҳ бўлганини инкор қилган эмас<sup>15</sup>. 1929 йилда Ф. Хўжаев Ўрта Осиё республикалари федерациясини ташкил қилиш ҳамда компартия Ўрта Осиё бюросини тугатиб, унинг ўрнига ўлканинг сайлаб қўйиладиган партия органини тузиш таклифини қўллаб чиқди. Мавжуд бўлган «мураккаб сиёсий ва хўжалик муаммолари, жиддий қийинчиликлар» бу чораларни амалга оширишни талаб қилади деб уқтирди<sup>16</sup>. Бу талаблар Ўзкомпартия IV съезди қарорларида ҳам ўз аксини топди<sup>17</sup>, лекин марказ уларни рад қилди.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолар ва жиддий қийинчиликлар, марказ кўрсатмалари асосида зўрлик ва тазйиқ йўллари билан амалга оширилган ўзгаришлар ўта синфийлик сиёсатининг амалга оширилиши ва маҳаллий шароитларни инкор қилиш натижалари бўлди. Ф. Хўжаев ўн минглаб деҳқон oilаларининг қулоқлар деб узоқ ўлкаларга бадарга қилинишига, аҳолининг катта қисмига душманлар деб муносабатда бўлишга қатъий эътироз билдирди. Унинг фикрича республика қишлоқ хўжалигини янгича ташкил қилиш, ижтимоий муносабатларни текис-

<sup>13</sup> Второй съезд КП(б) Узбекистана. Стеногр. отчет. Самарканд, 1926, с. 19.

<sup>14</sup> Қаранг: Зайченко Ж. Из истории одного заявления//Человек и политика. 1991, № 1, с. 93.

<sup>15</sup> Унинг Республикаси Компартияси III, VII съездларига чиқишларига қаралсин.

<sup>16</sup> «Правда Востока», 10 февраля 1929 г.

<sup>17</sup> КП Узб. в резолюциях... Т. I, с. 458.

лаштиришнинг мақбул тарзи — бу аҳоли асосий қатламлари манфаатларини назарда тутиб пухта тайёргарлик кўриш йўли билан ислоҳотларни амалга ошириш эди. Афсуски бу қараш ва мулоҳазалар инobatга олинмади. 1929 йилдан бошлаб пахта майдонини уч марта кўпайтиришга киришилгани деҳқончиликни қийин аҳволга со-



Файзулла Хўжаев, 1931 йил (Тошкент).

либ қўйди, натижада унинг маҳсудоти жиддий камайиб борди. Ф. Хўжаев халқ хўжалигида моддий манфаатдорлик тамойилига амал қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш лозимлиги ғоясини илгарин сурди. Чорвачилик, боғдорчилик, ғаллакдорчиликнинг сунъий қисқартирилиб борилишини ўта салбий ҳол деб, аҳволни ўнглаб олиш чораларини кўрди ва шунга қатъиян даъват қилди.

Пахта яккаҳокимлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётга синфийликни сингдириш мақсадида Ўзбекистонда чорвачилик пахта учун зарарли, гуруч бу қулоқлар емиши каби асоссиз ғоялар тарқатилди. Ф. Хўжаев бундай



сафсатадар ғаламислик оқибати ва зарарли деб, уларни қатъий фoш қилди. Яна чорвачилик масаласига қайтиб энг муҳими чўпоннинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, деди. Ўзбекистон деҳқончилигининг энг жиддий камчилиги деҳқон тажрибасини инкор қилишдир, биз деҳқон тажрибасини ва фанин уйғунлаштиришимиз керак, деб алоҳида уқтириб ўтди<sup>18</sup>.

Жамоалаштириш компанияси бошлаб юборилган пайтда Ф. Хўжаев ҳали маълум муддат давомида якка хўжаликлар маҳсулот етказиш бўйича аҳамиятларини йўқотмайдилар ва давлат зарурият юзасидан якка хўжаликлар билан муносабатда бўлади. Шунинг учун бу хўжаликларнинг унумдорлигини ошириш чораларини кўриш ва улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш лозим, деб чиқди. У деҳқонга нисбатан маъмурий тазйиқ кўрсатиш эмас, тушунтириш иши олиб бориш тарафдори эди<sup>19</sup>. У қишлоқ ишлаб чиқариши асосан ўрта ҳол деҳқон хўжаликларига таяниб турганини кўп марта такрор айтган, лекин унинг 1928 йил ёзида эътироф этишича қатор жойларда ўрта ҳол деҳқонга нисбатан маъмуриятчилик таъсири кўрсатилган<sup>20</sup>. Маъмуриятчиликка нисбатан салбий муносабатини давом эттирган, йнғинларда гапирган, унга барҳам беришга интилган. 1931 йил февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон советларининг IV съездида у ўзининг бу масалага қарашини жиддий баён қилади: «Жамоа (колхоз)га йўл тутган эканмиз, камбағал-ўрта ҳол якка хўжаликларни унутмаслигимиз керак, маъмуриятчилик қилиш даркор эмас, бизнинг режаларимиз юқоридан амалга оширилмасдан, балки омма орасида муҳокама қилиниши зарур»<sup>21</sup>. Ўзбек деҳқонининг бошига оғир ишлар тушганда Ф. Хўжаев зўрлик билан жамоалаштиришни, минглаб заҳматқаш деҳқонларни қулоқлаштириб, уларнинг инсоний ҳақ-хуқуқлари оёқости қилинганини қоралади, қишлоқда ривожланишининг маърифий-цивилизацияцион йўллариини қўллаб қувватлади.

У меҳнатини янги технология ҳамда илғор усулларга асосланиб ташкил қилиш тарафдори эди. Ишчининг юқори кўрсаткичларга эришиши фақатгина сон кўрсаткичи бўлмасдан, балки меҳнат унумдорлигининг ошиби

<sup>18</sup> ЎзР МДА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 75-иш, 25-варақ; 136-иш, 5-варақ.

<sup>19</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар, II том, 446-бет.

<sup>20</sup> УР МДА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 3-иш, 85-варақ.

<sup>21</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар, III том, 99-бет.

бориши натижаси бўлиши лозим эди. Ишчилар ўрта-сида авж олдириб борилган компанияларга, масалан, зарбдорлар ҳаракати, стахановчилар ҳаракатига шу мезон билан баҳо берган. «Ўзбекистон саноатининг вази-фалари» мақоласида (1933 йил, феврал) «Социалистик мусобақа ва зарбдорлар ҳаракатини хўжа кўрсин-га эмас, балки ҳақиқий кенгайтириш керак»<sup>22</sup>, деб ёз-ган. Қалбаки зарбдорлар бўлгани сингари баъзи жой-ларда қалбаки стахановчилар пайдо бўлганини жид-дий танқид остига олган (1936 йил, март)<sup>23</sup>.

20—30 йилларда Ўзбекистонда ҳунармандлар сон жиҳатидан анчагина салмоқли эди. Шунинг учун Ф. Хў-жаев бу ижтимоий табақага алоҳида аҳамият берди, улар фаолияти учун шароит яратиш муҳимлигини таъ-кидлади. Уша даврда истеъмол моллари тақчиллиги ту-файли ҳунармандлар тўғрисида бир қатор қарорлар қа-бул қилинган, чора-тадбирлар белгиланган эди. Бироқ Ф. Хўжаевнинг 1928 йил ёзида эътироф этишича, бу қарорлар бажарилмаган. Бунинг устига устак ҳунар-мандларга нисбатан тазйиқ кўрсатилган ва Ф. Хўжаев «Марғилонда, Бухорода ва қатор бошқа районларда ҳунармандларнинг шикоятлари ниҳоятда кўпайиб кет-ганини»<sup>24</sup> очик айтган, улар ҳақ эканлигини қайд қил-ган.

Ф. Хўжаев Ўзбекистон республикасида барқарорлик ўрнатилиши, унда яшаган халқлар тенг ҳуқуқли, қар-дош ва тотув бўлишларини истаган ҳамда ўз фао-лияти давомида шу улғу мақсадга интилган. Шу билан бирга у ўз ватани — Ўзбекистоннинг шон-шухрати, об-рўсини тушириш йўлида бўлган интилишларга қатъий зарба берган, бундай ғаламисликларни фош қилган, республика салоҳиятини кўтаришга ўз ҳиссасини қўш-ган. Гап шундаки, 20-йиллар, ҳатто 30-йиллар бошла-рида баъзи донралар Ўзбекистон замини қашшоқ, унда минерал қазилмалар йўқ, Ўрта Осиёнинг об-ҳаво ша-ронтида йирик саноат ривожланиши мумкин эмас, Тош-кентнинг эски шаҳарида саноат корхоналари қуриш мумкин эмас, ерли аҳоли саноат корхоналарида меҳ-нат қилишга мослашмаган сингари бўҳтон гапларни, миш-мишларни тарқатганлар. Ф. Хўжаев бу гаплар бўҳтон эканлигини айтган ва уларга қарши чиққан. Ачинарли жойи шундаки, маълум даврда марказ номи-

<sup>22</sup> УР МДА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 136-иш, 13-варақ.

<sup>23</sup> Уша жойда, 207-иш, 106-варақ.

<sup>24</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар, II том, 575-бет.

дан бундай ғаразли ақидаларга амал қилишан. 1931 йил бошида қилган маърузасида Ф. Хўжаев шундай жиддий нарсаларга эътиборни қаратади: 1929 йил ўрталаридан Тошкентнинг эски шаҳарида биронта ҳам саноат корхонаси қурилмаган. Гарчанд бу даврда (яъни бир ярим йилдан ортиқ даврда — Р. К.) Тошкентда кўпгина корхоналар қурилган бўлсада... колонизатор-олимлардан иборат комиссия эски шаҳарда ҳаво бузилган ва шунинг учун у ерда саноатни ривожлантириш мумкин эмас, деб даъво қилган. ...Кейинги комиссия ундаги ер тўғри келмаслигини айтган. Бу воқеа,— деб таъкидлади у,— «бизлар улуғ рус шовинизми, колонизаторликнинг қолдиқлари билан кураш олиб боришимиз кераклигини кўрсатди»<sup>25</sup>. Ф. Хўжаев бир неча марта улуғ рус шовинизмини кескин танқид қилган. Шунинг учун марказ 30 йиллар ўрталарида улуғ рус шовинизмини қоралашни ман қилган. Ф. Хўжаев энг нуфузли марказ олимлари ва мутахассислари йилларида Ўзбекистоннинг ери қазилма маъданларга ниҳоятда бойлигини асослаб берган<sup>26</sup>. Бу бойликларни излаш, шу асосда республикада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, янги-янги саноат тармоқларини вужудга келтириш, биринчи навбатда, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришга, унинг салоҳиятини кучайтиришга ёрдам беради, деб умид қилган. Бу соҳалардаги режаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб борган. Унинг ташаббуси билан республика ҳукумати 1936 йил кузида қуйидагиларни амалга ошириш бўйича марказий ҳукуматга ёзма маърузалар билан мурожаат қилган: Қувасой ГРЭСини қуриш; Тошкент шаҳрини электр қуввати билан таъминлаш учун Оқтепа ГЭСини қуриш; Республикада туз саноатини ривожлантириш; Тошкентда академик театрни қуриш учун 3 млн сўм ажратиш; «Ўзбекфильм» учун овоз ёзадиган «Кинап» аппаратини юбориш ва ҳоказо<sup>27</sup>. Булар Ўзбекистон, унинг халқи, маданияти эҳтиёжларидан келиб чиққан талаблар эди, албатта.

Ф. Хўжаев илгари сурган, лекин маълум сабабларга кўра унинг сайланма асарлари III жилдидаги матндан тушириб қолдирилган равшан ва дадил айтилган

<sup>25</sup> ҲР МДА. Р-837-фонд, 15-рўйхат, 239-нш, 19-варақ. Маърузанинг Ф. Хўжаев сайланма асарлари III жилдидаги матнида бу фикр ва баъзи бошқа фикрлар берилмаган.

<sup>26</sup> ҲР МДА. Р-837-фонд, 15-рўйхат, 137-нш.

<sup>27</sup> Уша жойда, 173-нш.

яна бир фикрга мурожаат қиламиз. У жиддий масъулият ва куюнчаклик билан шундай деган эди: «Бизга умуман кадрлар эмас, балки биринчи навбатда миллий, ўзбек кадрлари керак, чунки бусиз биз советлар аппаратини миллийлаштира олмаймиз, миллий пролетар кадрларни вужудга келтира олмаймиз, колхоз хўжалигини қайта ташкил қилиш муаммосига яқинлаша олмаймиз. ...Колонизаторлик унсурлари кучлироқ бўлган совет органларида ерли миллат вакилларининг ўсиши қийинроқ, ...техникумларда, рабфакларда, ишчи университетларида, педвузларда ўзбеклар салмоғи катта эмас. Булар жуда қониқарсиз, энг паст, шармандали рақамлар»<sup>28</sup>. Бундай оташин сўзларни фақат хавфу хатарни писанд қилмасдан эл-юртига бутун вужуди билан берилиб хизмат қилган ўз халқининг асил фарзандигина айтиши мумкин эди.

Шу ўринда баъзи мулоҳазалар келиб чиқади. 20—30 йилларда Ўзбекистонда қатор ўзгаришлар рўй берган, катта қурилишлар, маориф-маданият соҳаларидаги ишлар режалаштирилган ва бошлаб юборилган. Бас, нечун Ф. Хўжаев ижтимоий-сиёсий қарашларида, баён қилган фикрлари ва теварак-атроф воқеаларига муносабатларида қаноатсизлик ва танқидий қараш анча усту ва белгилувчи ўрни тутган? Назаримизда, Ф. Хўжаев ижтимоий-сиёсий қарашларининг моҳияти унинг ўз халқи билан бирдамлигидан келиб чиққан, шу асосий омил билан белгиланган. Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсат, амалга ошириб берилган асосий, фундаментал ўзгаришлар, тадбирлар халқ оmmasи ва унинг намоёндалари муносабатларини ҳисобга олмасдан маъмурий йўл билан ўтказилган, аҳолининг маълум қисмига нисбатан тазйиқ, қатағонлар амалга оширилган, аҳолининг фаол қисми кўрсатмаларни бажарувчилар даражасига тушириб қўйилган. Буларнинг барчаси одамларнинг бир қисмида хафсаласизлик, иккинчи бир қисмида эса танқидий қарашлар, ҳатто оппозиция кўринишларини келтириб чиқариши табиий ҳол эди. Ф. Хўжаевнинг сиёсий ва ижтимоий қарашлари маълум даражада объектив омиллар оғушида бўлган, шулардан келиб чиқиб, у ўз хатти-ҳаракатларини белгилаган. Бунга қўшимча Ф. Хўжаев гарчи ўз қобилиятини, бутун ақл-идрокинни мураккаб шароитларда ҳам Ўзбекистонга, унинг халқига астойдил хизмат қилишга қа-

<sup>28</sup> УР МДА. Р-837-фонд, 15-рўйхат, 239-иш, 17—18-варақлар.

ратган бўлса-да, республикада мавжуд бўлган чексиз ва бой имкониятлар рўёбга чақмаганидан ва тўлалигича халқ манфаатлари учун хизмат қилмаганидан азият чеккан.

Мамлакатда синфийлик сиёсатининг амалга оширилиши, сиёсий бошқарма, Давлат хавфсизлиги органларининг кенгайиб борган ҳаракатлари, тоталитар тузумнинг ўрнатилиши, машъум шахсга сиғинишнинг таркиб топиб боргани тўғрисида гапириш қатъий ман қилинган — бунинг имконияти йўқ эди. Ф. Хўжаев бундай ўта салбий ҳолатларнинг жамиятда содир бўлиб турган кўринишларини, уларнинг хавфли оқибатларга олиб борганини, кенг халқ оммаси, давлат жиддий ва кўпинча ҳалокатли зарар кўрганни гапирган, уларни қатъий қоралаган, қуюқлашган қора булутларни тарқатиб юбориш устида мушоҳада қилган, қўлидан келгунча шу йўналишда ҳаракат қилган. У синфийлик сиёсати асосида мактаблар ва бошқа ўқув юртларидан ёшларни «синфий унсурга алоқадор» деб ҳайдалишини давлат ва жамият манфаатларига зид, зарарли, деб чиққан. Ўзбекистон советларининг III съездида шу тўғрида гапириб мактаб ўқувчисини ёки талабани 7—8 йил ўқитиш учун давлат кўпгина маблағ сарф қилган. Агар бола тузумга қарши чиқмаган бўлса, битириш олдидан уни ҳайдаш ақл-идрокдан эмас, деб таъкидлаган. «Шуни назарда тутиш керакки,— деган эди Ф. Хўжаев,— бизда маданий кучларга талаб катта, фан-техникани эгаллаган одамлар бизга керак. ...Чистка қилиш керак, аммо кимни чистка қилишни билиш керак»<sup>29</sup>.

Компартия, яқка ҳукмронлиги Советлар, касабасоюзлар, бошқа ижтимоий ташкилотлар фаолиятини чеклаб, уларни буйруқ ва топшириқларни бажарувчи воҳитага айлантирган. Ф. Хўжаев ҳокимият органи сифатида советлар, айниқса маҳаллий советлар, уларнинг ижроня қисмлари ўз салоҳиятларини амалда тадбиқ эта олмаганларини ва бунинг асосий сабабларини қайта-қайта гапирган. Унинг фикрича (1932 йил, июн) қишлоқ советлари «фаолиятида ишлаб чиқариш масалалари, суғориладиган сувни тақсимлаш ва шу кабилар марказий ўринда бўлгандагина»<sup>30</sup>, улар қишлоқда тўлақонли хўжайин бўлишлари мумкин эди. Ф. Хўжаев советлар фаолиятини кўтариш йўлларида муҳими рес-

<sup>29</sup> УзР МДА. Р-837-фонд, 15-рўйхат, 61-иш, 46—47-варақлар.

<sup>30</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар. III том, 153-бет.

публика раҳбариятининг уларга яқин бўлиши, деб билган, советлар ишлари билан бориб танишган, уларга амалий ёрдам берган, тегишли хулосалар чиқарган. Масалан, 1933 йилда унинг иштирокида иккита районлараро қишлоқ советлари раисларининг кенгашлари ўтказилган: Қарши, Косон, Ғузор районлари бўйича Қарши шаҳрида: Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи районлари бўйича Шаҳрисабзда. Бу кенгашлар мазмунини батафсил таҳлил қилиб<sup>31</sup> аҳоли, унинг вакиллари билан жойларда мулоқотда бўлиш, улар фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш раҳбар ходимлар фаолияти учун жуда зарур ва муҳим, деган хулосани яна бир бор такрорлаган. Ва ўз навбатида маҳаллий ҳокимиятнинг самарали фаолияти — жамият маъмурияти, аҳоли ободончилигининг бош мезони, деб билган<sup>32</sup>.

Ф. Хўжаев маҳаллий ҳокимият масаласи билан қонунчилик, ҳуқуқбузарлик масаласи ўртасидаги боғлиқликни, революцион қонунчилик яхши амалга оширилмоқда, деган даъволар хато, нотўғри эканлигини кўрсатади. Чунинчи, 1934—1935 йилларда «Қармана ва бошқа районларда солиғ солиш иши бўйича советлар ходимлари суд қилинган»<sup>33</sup>. Булар ҳуқуқбузарлиқнинг ўзи, деб таъкидлайди.

Машғум 1937 йил қатағонлари анча олдиндан бошланиб кетган. Ф. Хўжаев тобора кенгайиб борган қонунбузарликларга бефарқ қараб турган эмас, уларнинг олдини олиш кераклигини қайта-қайта такрорлаган, шунга даъват қилган. 1936 йил январ ойида Ўзкомпартия Пленумида «бизда қонушларга етарли аҳамият берилмаяпти», деб ўзи қатнашган воқеани гапирган: Рометан район пахта пунктига келиб, унда 14 кишининг қамалганини ва уларни бошқаларга ибрат бўлсин учун суд қилмоқчи бўлганларини кўрган. Ўзи, райкомпартия секретари ва оперсектор бошлиғи уюштирган 5 дақиқалик сўроқ бу одамларнинг батамом гуноҳсиз эканини кўрсатган ва улар озод қилиб юборилганлар<sup>34</sup>. Лекин қатағонлар ғилдирагининг шиддати ошиб борган ва тез орада Ф. Хўжаевни ҳам ажал гирдобига тортган.

Ф. Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари сермазмун ва кўп қирраллиги билан ажралиб туради. У Ўзбекистонда рўй берган ва кечган асосий, узвий воқеалар,

<sup>31</sup> ЎзР МДА, Р-837-фонд, 15-рўйхат, 127-иш.

<sup>32</sup> Уша жойда, 8-варақ.

<sup>33</sup> Уша жойда, 153-иш, 8-варақ.

<sup>34</sup> Уша жойда, 160-иш, 22-варақ.

жараёнлар, муаммолар тўғрисида ўйлаган, муносаба-тини билдирган. Унинг фикр-мулоҳазалари, фаолияти ва илгари сурган ғоялари эл-юрт манфаатлари, осойишталиги, Ўзбекистон истиқлоли, орзу ва умидлари билан йўғрилган. Унинг дунёқарашининг дастлабки босқичи либерал ислоҳотчиликка хос бўлиб, кейинги ривожланиб бориши жараёнида большевизм пардаси билан ўралган, лекин мазмун-моҳияти билан миллатпарварликдан иборат эди. Ф. Хўжаев ҳайратомуз изчиллик билан ўз халқининг, ватани — Ўзбекистоннинг фарзанди эканлигини унутмади, у миллий давлатчилигимизнинг тарихий илдизларини, шарқона гуманизм анъаналарини, ислом дини, унинг ахлоқий-тарбиявий ролини ва бошқа миллий қадриятларимизни ниғиллестларча инкор қилиш позициясида бир лаҳза бўлса ҳам турган эмас. Бутун фаолияти давомида Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли бу — миллийлик билан замонанинг илғор цивилизациясини мужассамлаштириб бориш йўли, деб тасаввур қилди. Ф. Хўжаевнинг республика воқеалигини таҳлил қилиши, кузатиши, хулосалари ва умумлаштиришлари илмий-назарий жиҳатдан чуқур, сиёсий-ижтимоий томондан пухта асосланган. Шунинг учун ҳам катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлди ва шундай бўлиб келмоқда.

Атоқли, ардоқли миллий етакчиларимиз, шу қаторда Ф. Хўжаевнинг халқ бахт-саодатини тарапшум қилишлари авлодлар бағрида истиқлол кўриниши сақланиб қолишига кўмаклашган. Мустақил Ўзбекистоннинг истиқлол, буюк келажак томон компл ишонч билан ҳаракат қилишида улар донмо биз билан бирга. Халқимиз ота-боболарининг хизматларини асло унутмайдн.

## ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА ВАТАН ТАРИХИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Р. А. Нуруллин

1991 йилда Ўзбекистоннинг ўзини суверен давлат деб эълон қилиши жонажон ўлка озодлиги ва мустақиллиги учун ўзбек халқининг неча-неча авлоди узоқ муддат олиб борган кураши якуни бўлди.

Ўзбек халқининг шавкатли ўғлони, Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёнинг йирик давлат ва жамоат арбоби, 100 йиллик юбилейи республикамизда кенг нишонланган Файзулла Хўжаев ҳақ иш учун кураш олиб борган ажойиб намоёндалар сафидан муносиб ўрин ол-

ган. Файзулла Хўжаев нисбатан қисқа умр кечирди — 40 йилдан кўпроқ яшадн, бироқ ўзбек халқи, балки Марказий Осиёнинг бошқа халқлари тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Унинг ҳаёт йўли мураккаб, баъзан зиддиятли кечди. Бухоро амирлигининг энг бадавлат кишиларидан бирининг ўғли бўлган Файзулла Хўжаев Бухоро республикаси ҳукуматини то, у тугатилгунга қадар бошқарди, сўнгра 12 йилдан кўпроқ Ўзбекистон ҳукуматига раҳбарлик қилди. Унинг ёрқин ҳаёти 1938 йили сталинча қийноқхоналарда фожиона барҳам топди.

Файзулла Хўжаев 1896 йил июлида Бухоро шаҳрида бадавлат савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли оиласида туғилди. Отаси Россия ва бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда қоракўл савдоси олиб борган. Ёш Файзулла бошланғич таълимни Бухорода олди. 1907 йили отаси уни Москвага олиб боради, Файзулла беш йил мобайнида уй шаронтида, таклиф этилган рус муаллимларидан билим олади. Шундан сўнг у Бухорога қайтиб келади ва 1913 йилдан жамиятни янгилаш учун кураш йўлига қадам қўяди. У мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишдаги турғунликдан демократия ва тараққиёт йўлига олиб чиқишни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйди. Файзулла Хўжаев Бухорода ҳукм сурган турғунликнинг асосий сабабини ўша пайтда мавжуд бўлган амир мустабиллигида деб билди<sup>1</sup>; унга қарши курашни бухоролик жадидлар сафида бошлади ва тез орада унинг кўзга кўринган йўлбошчиларидан бири сифатида танилди.

Мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шаронтни эътиборга олиб, Бухоро жадидлари дастлабки пайтларда монархия тузумини йўқотиш вазифасини олдинга сурмадилар, юқоридан ислоҳот орқали амирликни капиталистик йўлга йўналтиришга интилдилар<sup>2</sup>. Улар диний (конфессионал) мактаблар ўрнига дунёвий янги усулдаги, европача намунадаги мактабларни, бир қадар эркин матбуотни яратиш, тadbиркорликни кенг ривожлантириш учун бирор-бир ҳуқуқий кафолатни таъминлаш, Бухорода ёш туркчилар намунаси бўйича конституцияни киритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишди. Бухоро жадидларининг 1917 йилгача бўлган амалий

<sup>1</sup> Файзулла Хўжаев. Танилган асарлар. 1-том. Тошкент, 1976, 314-бет.

<sup>2</sup> Бухоро жадидлари ҳақида ушбу тўлламдаги Д. А. Алимова мақоласига қаранг.



фаолияти эса, кейинчалик Ф. Хўжаев таъкидлаганидек, асосан маърифатпарварлик — янги усулдаги мактаблар ва ҳоказоларни ташкил этишга қаратилган эди<sup>3</sup>.

Жадидчилик ҳаракати амирликдаги халқлар манфаатларини ифодаларди, у ўша даврда ҳукмрон тузумга нисбатан ягона қарама-қарши сиёсий куч бўлиб, Бухоро жамияти истиқболли йўлини излади ва шу боис унинг демократик, тараққийпарвар кайфиятдаги барча қатламларини бирлаштирди ва жипслаштирди.

Ингирма ёшли навқирон Файзулла Хўжаев бухоролик бошқа жадидлар сингари Россиядаги Феврал инқилоби ғалабаси ҳақидаги хабарни катта қувонч билан кутиб олди. Чор ҳукуматининг ағдарилиши ёш бухороликларда амирдан демократик ислоҳотларга эришишга умид уйғотди, шу мақсадларда Россия Вақтли ҳукуматидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилди. Улар Бухоро амирини ислоҳотларга ундаш ҳақида Петроградга телеграмма йўллашди.

1917 йил 7 апрелда амир саройида бўлиб ўтган кўп миш кишилик аҳоли турли қатламлари мажлисида Саид Олимхон манифести эълон қилинди. Гарчи манифестда кўзда тутилган ислоҳотлар монархия тузуми асосларига тегмаган бўлса ҳам, бироқ унинг эълон қилиниши Бухоро жамиятини қўзғотиб юборди, мамлакатда сиёсий шароитни кескинлаштирди. Ёш бухороликлар амир манифестини олқишлаб кутиб олишди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ёш бухороликлар гуруҳи 8 апрелда амир эълон қилган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб намойиш ўтказдилар. Бироқ намойиш қонга ботирилди. Мамлакатда реакция кескин кучайди. Омон қолган ёш бухороликлар, шу жумладан Файзулла Хўжаев ҳам оммавий равишда Тошкент, Самарқанд ва Янги Бухоро (Когон)га муҳожирликка кетишга мажбур бўлдилар.

Бухорода реакциянинг кучайиши, Россияда Октябрь тўнтарилиши ёш бухороликларнинг Ф. Хўжаев бошчилигидаги сул қисми амир тузуми билан курашда анча радикал вазифаларни, хусусан — амир мустабид тузумини чеклаш вазифасини олдинга суришига имкон яратди. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун, Бухорода 1917 йил баҳоридаги фожияли воқеалар кўрсатганидек, амирликнинг ўзида кенг ижтимоий база йўқлигини эътиборга олиб, Файзулла Хўжаев ва унинг сафдошлари бу ишда Совет Туркистони ёрдамига суя-

<sup>3</sup> Файзулла Хўжаев. Кўрсатилган асар, 93—101-бет.

нишга қарор қилди. Бу мақсадларда ёш бухороликлар партияси МК, кейинчалик Ф. Хўжаев ёзганидек, Бухоро рус аҳолиси Советларининг II вилоят съезди 1917 йил декабр бошида ташкил этган Бухоро ишлари бўйича коллегияси аъзоси большевик М. А. Преображенскийнинг «маслаҳати» билан қуролли ёрдам сўраб, Туркистон Совнаркоми раиси большевик Ф. И. Колесовга мурожаат этади. Адабиётларда шу ва кейинги воқеалар муносабати билан юқорида айтилган коллегиянинг ифвогарона роли номаълум бўлиб қолмоқда. Хужжатлардан бирида таъкидланганича, Бухорога инқилобни экспорт қилиш йўлини тутган инқилобий ҳужум, ҳокимиятни эгаллашни «рус кучлари билан амалга оширишга ва ҳокимиятни ёш бухороликларга беришга нитилган»<sup>4</sup>. Бу коллегия, назаримда, Бухородаги 1918 йил март фоживий воқеаларига ўз «улуши»ни қўшган. 6 декабрда Ф. Хўжаев ва Мирзо Муҳитдин Мансуров<sup>5</sup> таркибидаги ёш бухороликлар делегацияси М. А. Преображенский ҳамроҳлигида Тошкентга келади ва Ф. И. Колесов томонидан қабул қилинади. Бироқ Туркистон большевиклари раҳбарияти ёш бухороликларга ёрдамни сал кейинроқ амалга оширади:

1918 йил мартада Туркистон Совнаркоми раиси Ф. И. Колесов Қизил гвардия ва кам сонли қуролли ёш бухороликлар ҳамда уларнинг тарафдорлари бошчилигида суверен Бухоро давлати ҳудудига бостириб кирди. Бу юриш, кутилганидек, тўлиқ муваффақиятсизлик билан тугади. Тарихда у «Колесов юриши» деб ном олди ва қизил гвардиячилар пайзаси ёрдамида Бухорода мажбур тузумни ағдариб ва унинг халқига совет давлатига бутунлай боғлиқ янги тизимни зўрлаб тақшиштиришга уриниб бўлди. Файзулла Хўжаевнинг ўзи бу воқеалардаги ўз ролини ўта танқидий баҳолади. У бу ҳақда кейинчалик шундай деб ёзади: «Ташкилотнинг масъул ходимларидан бири бўлган мен рўй берган воқеалар, Колесов воқеаларида Марказий Комитет йўл қўйган хатоларнинг ҳаммаси учун бошқаларга қараганда камроқ эмас, балки кўпроқ жавобгарман»<sup>6</sup>. Амрликдаги халқ оммаси нафақат қўллаб-қувватламаган, балки большевик босқинчиларга бир овоздан

<sup>4</sup> Ўзбекистон МДА. 3-фонд, 2-рўйхат, 21-нш, 15—17-варақлар.

<sup>5</sup> Саид Олимхон. Бухоро халқи чеккан кулфатлар тарихи//«Фан ва турмуш», 1991, 3-сон.

<sup>6</sup> Файзулла Хўжаев. Кўрсатилган асар, 145—146-бетлар.

қарши чиққан. «Колесов юриши»дан сўнг Бухорода реакция янада кучайди. Амир ҳокимиятининг асосий зарбаси ёш бухороликлар ва демократик кайфиятдаги кишиларга қарши қаратилди, Ф. Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, 1,5 мингга яқин киши ўлдирилди<sup>7</sup>. Қамоқ ва жазодан омон қолган ёш бухороликлар Туркистонга муҳожирликка кетинди.

Совет Россиясининг большевик раҳбарияти «Колесов юриши»га қандай муносабатда бўлди? Хужжатларга қараб ҳукм чиқарилса, у бу юришни олқишлади. РСФСР миллатлар халқ қўмитаси вакили Ориф Клевлеев Туркистон Советларининг V ўлка съездида нутқ сўзлаб, бу хусусда қуйидагиларни айтди: «Москвада бу ҳақда эшитишганда, яъни Колесов қизил гвардия билан Бухоро ҳукумати қўшинларига қарши курашаётганини марказий ишчи-деҳқон ҳукумати олқишлади. Бироқ ўртоқ Колесов ҳамма нарсани қандай бўлса, шундайлигича ташлаб, Бухородан қайтгач, марказий ҳукумат ишни бошлаб охиригача етказмаганлиги учун ўртоқ Колесовдан жуда норози бўлди»<sup>8</sup>.

Март воқеаларидан сўнг Файзулла Хўжаев 1918 йил ёзида РСФСР ҳукумати қўллаб-қувватлашига эришиш учун Москвага боради. 1918 йил октябрида у РСФСР ҳукумати қошидаги Туркеспублика ваколатхонасида ёш бухороликлар МҚ Москва қўмитаси раиси бўлади. Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, ёш бухороликларнинг Москвадаги бу органи Туркеспублика маблағи ҳисобидан таъминланган, натижада унга тобе бўлиб қолган<sup>9</sup>.

Ф. Хўжаев Москвада бўлган чоғида Бухоро халқи амир мустабидлигидан фақат зўрлик йўли билан, большевиктик Россияга таяниб қутулиши мумкинлигига ишончи орта борди. 1918 йил ноябрида Москвада у тузган ёш бухороликлар қўмитаси «Инструкцияси» (дастури) лойиҳаси бунга гувоҳлик беради. Бу хужжатда амир ҳокимиятини Совет Россияси ёрдамига таяниб, қуроли қўзғолон йўли билан ағдарish мумкинлиги тан олинади<sup>10</sup>. Файзулла Хўжаев бу ёрдамни амалда олишга ҳаракат қилади. 1919 йил 19 январда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Я. М. Свердловга

<sup>7</sup> Уша жойда, 157-бет.

<sup>8</sup> «Наша газета», 1 мая 1918 г.

<sup>9</sup> РФ Марказий Давлат архиви, 1334-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 142-варақ.

<sup>10</sup> Уша жойда, 1318-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 98—99-варақлар.

ёзган хатнда ундан «партиямиз ишига моддий жиҳатдан ҳам, шунингдек амир ҳокимиятига қарши қурол-яроғ билан ҳам ёрдам беришни» сўраган<sup>11</sup>. Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, гап ёш бухороликларга қўшин билан эмас (1920 йил эрта кузда бўлганидек), фақат қурол-яроғ билан ёрдам кўрсатиш ҳақида кетаяпти.

1920 йил январида Тошкентга қайтган Ф. Хўжаев ёш бухороликларнинг сўл қисмидан ёш бухоролик инқилобчилар партиясини ташкил этади, унинг Туркистон Марказий бюросини барпо қилади. Ушбу Марказий бюро Турккомиссия томонидан 12 февралда рўйхатга олинди<sup>12</sup>. Сўнги ҳол шундан гувоҳлик берадики, РКП(б) МК ва Россия ҳукуматининг Туркистондаги бу ваколатли органи ўз таъсири остига Туркистон ва Бухородаги нафақат коммунистик ташкилотларни, балки мақсад ва вазифалари Бухоро компартияси дастурий қондаларидан жиддий фарқланувчи Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги ёш бухоролик инқилобчилар ва унинг Туркистон Марказий бюросини ҳам бўйсундиради. 1920 йил 12 июнда ёш бухоролик инқилобчилар партияси конференциясида Ф. Хўжаев тузган унинг дастури қабул қилинди. У БКП дастуридан фарқли равишда изчил демократик хусусиятга эга бўлиб, мамлакатнинг конкрет-тарихий ва миллий-маиший ўзига хослигини кўпроқ ҳисобга олганди. Агар БКП энг бошида Бухорода совет тузуми ўрнатилиши учун қатъий турган бўлса, ёш бухоролик инқилобчилар партияси эса мамлакатда демократик республика бўлиши, «тегишли олий органи бўлган Бухоро республикаси барча меҳнаткашларининг халқ ҳокимияти асосидаги янги адолатли тузум» ўрнатиш тарафдори бўлиб чиқди. Улар аҳоли диндорлиги юқори даражадалигини ҳисобга олиб, Бухоро коммунистлари каби Исломга қўл силтамади, аксинча, мамлакатда янги жамиятни шариатнинг принципал асосларида қуришга чоғландилар<sup>13</sup>.

БКП ва ёш бухоролик инқилобчиларининг дастурий қондалари ўртасидаги фарқ анча бўлишига қарамай, РКП(б) МК, БМИҚ Турккомиссияси, РСФСР ХКС Бухорода тўнтариш тайёрлаб, бу партиядан ўз мақсадларида фойдаланишга қарор қилишди. Мазкур партия амриликдаги демократик кайфиятдаги майда буржуа унсурлари, зиёлиларнинг кўпчилик қисми, шунингдек

<sup>11</sup> Файзулла Хўжаев. Кўрсатилган асар, 19-бет.

<sup>12</sup> Уша асар, 23-бет.

<sup>13</sup> Файзулла Хўжаев. Кўрсатилган асар, 24—25-бетлар.

тартиблардан норози қуйи ва ўрта руҳонийларга суяниши, қўшинда маълум таъсирга эгаллигини ҳисобга олишди<sup>14</sup>. 1920 йил 29 июлда РКП(б) ташкилий бюроси ушбу партияга муносабатини кўриб чиқиб, «бу ташкилотга унинг инқилобий курашида ёрдам кўрсатишлари лозим деб топди». Бу директива асосида Турккомиссия раҳбарлигида БКП ва ёш бухоролик инқилобчилар партияси ўртасида вақтинчалик иттифоқ тузилди<sup>15</sup>.

1920 йил ёзида Москва ва Тошкентда Бухоро амрлигини ағдариб режаси ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишга Турккомиссия Ф. Хўжаев бошчилигида ёш бухоролик инқилобчилар партиясини ҳам жалб этди. «Бухоро инқилоби» деб аталадиган бу қонли кунлардан анча илгари унинг ташкилотчилари амрлик чегарасига Туркистон fronti қўшинларини келтира бошлади. 24 июнда Тошкентда, Бухорода ҳарбий қўзғолонни тайёрлаш бўйича ҳарбий-инқилобий бюро тузилди. Унинг таркибига Турккомиссия, ТКП, БКП ва ёш бухоролик инқилобчилар партияси (унинг вакили Ф. Хўжаев эди) вакиллари кирди. Ҳарбий-инқилобий бюро томонидан Умумбухоро ревкоми «инқилоб» ғалаба қилган кунни эълон қилиш мақсадида аҳолига мурожаат ва директивалар тайёрланди. Бухоро ҳукуматиининг бўлғуси таркиби ва дастури олдиндан тайёрланди, амрлик ағдарилгандан сўнг, юзага келадиган янги давлат хусусияти — «меҳнатқашларнинг мустақил совет республикаси» белгиланди, унинг РСФСР билан иттифоқи мажбурий ўрнатилиши кўзда тутилди<sup>16</sup>.

Бухородаги «инқилобий воқеалар» Москва ва Тошкентда аниқ ишлаб чиқилган сценарийга мувофиқ ривожланди. 23 августда Сакар қишлоғида қўзғолон кўтарган коммунист Бешим Сардор қўмондонлигидаги туркман полки 1920 йил 29 августда совет қўшинлари ёрдамида эски Чоржўйни эгаллади. Чоржўй ревкоми ташкил этилиб, «қўзғолон кўтарган халқ» номидан ёрдам сўраб совет ҳукуматига мурожаат қилди. Туркистон fronti қўмондонининг буйруғи билан 28 августдан 29 августга ўтар кечаси амрлик ҳудудига совет қўшини-

<sup>14</sup> РФ МДА, 130-фонд, 1-рўйхат, 43—44-варақлар.

<sup>15</sup> Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1967, с. 697.

<sup>16</sup> Медведев Э. Нечаянная революция/«Дружба народов», 1992, № 1, с. 165; Крушельницкий А. Телеграф орқали сўралган диктатура//«Фан ва турмуш», 1990, 4-сон, 13-бет.

лари кириб келди; унинг таркибида 7 минг найзали милитик ва қилличли жангчи, 46 замбарак, 230 га яқин пулемёт, 5 бронепоезд, 12 самолёт, 10 броеавтомобиль мавжуд эди<sup>17</sup>. Туркистон fronti қисмлари билан биргаликда Бухоро оппозицияси отрядлари ҳам йўлга чиқди, улар асосан ўқ отадиган қурол билан қуролланган бўлиб, совет қўмондонлиги томонидан гўёки амирга қарши «қўзғолон кўтарган» бухороликлар курашаётганини кўрсатиш, улар «илтимосини» бажариш, кўзбўямачилик учун фойдаланилди. Туркистон fronti қисмлари Хатирчи, Қарши, Китоб, Шаҳрисабзни жанглар билан олиб, амирлик пойтахтига яқинлашди. Бу ерда нафақат амир қўшинларининг, балки кўкси билан мимояга отланган тинч аҳолининг кескин қаршилигига дуч келинди. Бухоро остоналарида тўрт кеча-кундуз қонли жанглар бўлиб ўтди. М. В. Фрунзе буйруғи билан шаҳар самолётдан бомбардимон қиллини, совет замбараклари ва бронепоездлари ажал уруғини тинмай оловдек ёғдириб турди. Тинч аҳолининг кўпчилиги қисми ҳалок бўлди, шаҳарнинг қарийб ярми ёниб битди. 2 сентябрда пойтахтнинг сўнгги қалқони бўлган Арк забт этилди. Бундан олдинроқ, 29 августда амир Саид Олимхон ўз яқинлари ва қуролли қўриқчилари билан душманга қаршилик кўрсатишни ташкил этиш учун Бухорони тарк этди. Шу муносабат билан у кейинчалик шундай ёзади: «Бироқ замбараклардан ўққа туттиш кучаяётгани, қурбонлар сонини ортаётганини кўриб, бундан кейинги вайронагарчилик ва одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш мақсадида пойтахтни тарк этишга қарор қилдим. Менинг Бухорон шарифдан жўнаб кетишим урушга чек қўйиши мумкин деб ўйладим»<sup>18</sup>.

Шундай қилиб, қизил қўшин томонидан «қўзғолон кўтарган халқ»қа ёрдам кўринишида мустақил давлатга очиқдан-очиқ босқинчилик уюштирилди, мавжуд тузум ағдарилди. Бироқ бунга халқ иродаси билан эмас, балки қўшни давлатга қуролли бостириб кириш туфайли эришилди. 24 ёшли Ф. Хўжаев албатта бостириб киришнинг даҳшатли оқибатларини кутмаган эди. У афтидан «советлар» ёрдами беминнат бўлади, деб ишонган. Бироқ кўп ўтмай Бухоро ҳукуматига бошчилик қилган пайтларданоқ марказнинг қат-

<sup>17</sup> Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане, с. 699.

<sup>18</sup> «Фан ва турмуш», 1991, 4-сон.

тиққўл ва аннексиячи, яъни босқинчилик талабларини ўз кўзи билан кўрди.

Ф. Хўжаев ўз хусусиятига кўра биринчи босқичда «буржуа-демократик» инқилоб<sup>19</sup> деб ҳисоблаган, аслида эса «Бухорода 1920 йил сентябрь инқилоби» деб номлаган тўнтаришдан сўнг, 11 сентябрда ёш бухоролик инқилобчилар партияси тарқатилиб, кўпчилик аъзолари (14 мингдан 9 мингга) ўз йўлбошчиси Файзулла Хўжаев раҳбарлигида тўғридан-тўғри Бухоро коммунистик партияси таркибига кирди<sup>20</sup>.

Бухорода 1920 йил 6 октябрда очилган I Умумбухоро халқ вакиллари қурултойи Файзулла Хўжаевни ҳукумат бошлиғи — БХСР Халқ Нозирлари Совети раиси этиб сайлади.

Файзулла Хўжаев жуда қийин ва мураккаб шароитда кечган БХСР ҳукумати бошлиғи лавозимида ўз қизғин фаолиятини бошлади. Сентябрь тўнтаришидан сўнг тез орада Бухорода мустақиллик учун курашчилар ҳаракати — тарих ва аввал адабиётларда «босмачилик» деб аталган ҳаракат юзага келди ва ривожланди. Унинг илҳомчиси ва ташкилотчиси дастлабки пайтларда тахтдан ағдарилган Санд Олимхон бўлди. Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумат қаршилик кўрсатиш ҳаракати билан курашиш учун ўз қуроли кучларига қарийб эга бўлмай, мамлакат ҳудудида турган қизил қўшин қисмларига бутунлай суюнишга мажбур бўлди, бу эса Бухоро ҳукуматини РСФСРга тобелигини кучайтирди. У ҳукумат раҳбари сифатида дастлабки даврда қаршилик миллий отрядлари билан муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга бутун кучини бағишлади. У «босмачилик fronti» инқилобий ҳарбий совет аъзоси, шарқий Бухоро РВС раиси, I Бухоро қизил қўшин қўмондонини эдики, булар унга кенг кўламда музокара-лар юритишга имкон берарди<sup>21</sup>.

Мамлакатдаги нафақат ҳарбий, балки ички сиёсий шароит ҳам мураккаб эди. Бу пайтда БКПда мамлакатда оширилган тўнтаришнинг хусусияти ва бундан кейинги ривожланиш йўллари масалалари бўйича ўтқир ғоявий кураш бошланди. БКП сафидаги «сўллар» Бухородаги тўнтаришнинг ҳақиқий мазмунини тушуниб етмай ва мамлакатдаги аниқ ижтимоий-иқтисодий ва

<sup>19</sup> Файзулла Хўжаев. Кўрсатилган асар, 316-бет.

<sup>20</sup> Победа советской власти в Средней Азии и Казахстане. с. 700—701.

<sup>21</sup> Қ. Ражабовнинг шу тўпلامдаги мақоласига қаранг.

сиёсий шароитни ҳисобга олмай мамлакатда социалистик ўзгаришларни амалга оширишга дарҳол ўтиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Умумбухоро МИҚ раиси Абдуқодир Муҳитдинов бошчилигидаги «ўнг» гуруҳ Бухорода одатдаги буржуа-демократик инқилобни рўй берди деб ҳисоблаб, шу асосда БХСР ривожланишини капиталистик йўлдан йўналтиришга интилди. Бу принципал масалаларда Ф. Хўжаев гуруҳи марказчи вазиятни эгаллаган бўлиб, унга, Г. Сафаровнинг айтишича, «мамлакатдаги аҳволга аниқ баҳо берувчи» кишилар кирганди<sup>22</sup>. Ф. Хўжаев шуни яхши тушунардики, марказ сиёсати ва мафкурасига очиқчасига қаршилик кўрсатиш фоживий натижаларга олиб келиши мумкин ва Бухоро республикаси ривожланишининг иқтисодий ва миллий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда тараққиёт сари ўзига хос йўлга эга бўлиши лозим. Шу боис Ф. Хўжаев Бухоронинг мураккаб шароитларида тўғри мўлжални ололган, мамлакат тараққиётини халқ-демократик йўлга йўналтирилган ва БХСРнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида кенг демократик ўзгаришлар олиб боролган раҳбарлардан бири бўлди.

Бироқ бу орада мамлакатнинг халқ-демократик йўлдаги эволюцион ҳаракати сунъий равишда тўхтатиб қўйилди. 1924 йил сентябрда бўлиб ўтган V Умумбухоро советлар съезди, ички объектив шарт-шароитлар мавжуд бўлмаслигига қарамай, Бухорони социалистик республика деб эълон қилди.

Файзулла Хўжаев донмо марказнинг диктати остида оғир шароитларда ишлаганига қарамай, Бухоро республикаси ҳукумати бошлиғи лавозимида ишлаган тўрт йилли унинг учун давлат, хўжалик-ташқиллий фаолиятининг улкан мактаби бўлди.

Файзулла Хўжаев Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишини тайёрлаш ва ўтказишда фаол қатнашди. Бухоро республикасида бу масаланинг душманлари кўп бўлиб, тарихий таркиб топган Бухоро давлати бўлинишига қарши эди. Улар бўлиниш Бухоро ва бошқа Ўрта Осиё давлатлари ўз мустақиллигини йўқотишига, марказга тўлиқ тобе бўлиб қолишига олиб келади деб огоҳлантирирдилар. Ниҳоят, маҳаллий раҳбарларда бу борада бошқача фикр бор эди. Жумладан, ТКП МК ва Туркесублика МИҚ қўшма мажлиси (1924 йил фев-

<sup>22</sup> Известия ТуркЦИК, 13 января 1921 г.



ралида бўлиб ўтди) Туркистон ва Бухорога инсбатан бу тадбирни ўтказишни зарур деб билиб, аини пайтда миллий-худудий бўлиниш миллий республикаларни Урта Осиё федерациясини яратишга олиб келади деган фикрни билдирди. Бироқ Москва Туркреспублика раҳбар органлари таклифларини рад эгди. Ф. Хўжаев эса миллий республикалар Урта Осиё конфедерациясини яратиш гоясини қўллаб-қувватламади. Унинг таклифи билан БКП МК 1924 йил 24 февралда Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг миллий-худудий чегараланишини ва миллий республикалар Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР барпо этилишини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон Советларининг I Таъсис съездида (1925 йил 13—17 феврал) Ўзбекистон ССР ташкил этилиши эълон қилинди. 1924 йил 18 ноябрдан ревком — Ўзбекистон ССР вақтли ҳукуматига раҳбарлик қилган Ф. Хўжаев I сессиянинг I-чақириқ Халқ Комиссарлари Советининг раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши бир хил бўлмаган оқибатларга сабаб бўлди. ЎзССР ташкил этилишининг ижобий потенциали советлар империяча уништар сиёсатининг кучли салбий таъсири туфайли чекланди. Ўзбекистон Урта Осиёнинг бошқа миллий республикалари сингари марказга тўлиқ тобе бўлиб қолди. Республика ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай муҳим масалалар Москвада ҳал этилар ёки у билан албатта келишиб олиш зарур эди. Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги фақат номигагина бўлиб, буни ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев тўлиқ ҳолда ўз бошидан кечирди.

Совет тоталитар тизими Файзулла Хўжаев ва республиканинг бошқа раҳбарлари қўл-оёғини боғлаган, ташаббускорлиги ва мустақиллигини бўғиб, ўз халқи манфаатларини тўлиқ ҳолда ҳимоя қилиш ва ёқлашга йўл қўймас эди. СССРда тоталитаризм ҳукмронлик қилган йилларда ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим масалаларини ҳал этишда биринчи ўринга марказ манфаатлари қўйиларди. Москванинг империя сиёсатига заррача қарши чиқиш, ўз республикаси манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш миллатчиликнинг намоён бўлиши деб ҳисобланар ва бешафқат жазоланарди.

Коммунистик тузум ҳукмрон бўлган мана шундай қийин шароитда, маъмурий-буйруқбозлик тизими, Сталин шахсига сиғишиш мустаҳкамланаётган бир даврда Ф. Хўжаев ва Ўзбекистоннинг бошқа раҳбарлари ўз халқига эътиқод билан хизмат қилишга интилишди, она

Ватаннинг социал-иқтисодий ва маънавий уйғониши ишига кўп куч сарфлашди. Бироқ Ўзбекистонда, бутун СССРдаги каби тарихий жараён ўта зиддиятли кечди, улкан талафотлар, йўқотишлар, фожиалар содир бўлди.

Жумладан, республика саноатидаги тезкор суръатлар, шубҳасиз, ижобий ҳодиса эди, аynи пайтда у деҳқонлар оммасини талаш эвазига амалга оширилди, саноатни ривожлантириш эса бир ёқлама хусусият касб этди.

Уша йилларда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, аynи пайтда деҳқонларни қишлоқ хўжалигини оммавий коллективлаштириш орқали асосан куч ишлатиб социализм йўлига олиб ўтишдек большевистик тажриба ўтказилди.

Мазкур даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча кўпайди, бироқ у марказ кўрсатмаси билан тобора бир-ёқлама, пахта якка ҳокимлиги томон ривожланди, яна бундан 95 фонзидан ортиғи республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилди.

20—30-йилларнинг иккинчи ярмида республика умумтаълим мактабларига, олий ўқув юртлиари, техникумларнинг кенг тармоғига эга бўлди, аynи пайтда халқ учун анъанавий бўлган диний ўқув юртлиари — мактаб ва мадрасалар тугатилди.

Уша йиллари миллий зиёли кадрлар — техник, илмий, ижодий соҳа вакиллари тезкор суръатларда шакллантирилди. Аynи пайтда «ўзгача фикр»ни ифодалаган, марказнинг Ўзбекистондаги моҳиятан мустамлакачилик сийёсатидан норозилигини билдирган, СССРни «қизил империя» деб атаган, ўз республикасининг мустақиллиги ва ўзига хос йўли учун курашган, маънавий мерос, миллий қадриятлар, ўз халқни анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга интилган ўзбек зиёлелирининг вакиллари кенг кўламда қувғин ва қатағон қилинди. Илҳомчиси ва раҳбари Ф. Хўжаев бўлган машҳур «18 лар гуруҳи»га онд миллий ватанпарварларга ҳокимият томонидан «буржуа миллатчилари», «панисломист», «пантуркист», «халқ душмани» деган ёрлиқлар ёпиштирилди.

Давлатни бошқариш ишига «меҳнаткашлар» (большевиклар талқинидаги) кенг жалб этилди, аynи чоғда «ишламайдиган аҳоли» деб номланадиган кўпсонли қатламлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди; қоғозда кенг фуқаролик ҳуқуқларини эълон қилган, «совет демократияси афзалликлари» ҳақида доимо бонг урган тотали-

тар тузум ўз халқи, барча миллатларнинг энг ажойиб намоёндаларига қарши оммавий равишда асоссиз қатагонларни амалга оширди. Фақат 1937—1939 йилларнинг ёзида Ўзбекистонда 41 мингдан зиёд киши қамоққа олинди, улардан 37 мингдан ортиғи устидан ҳукм чиқарилди, 6 минг 920 киши отиб ўлдирилди<sup>23</sup>, улар сафида Файзулла Хўжаев ҳам бор эди. Совет ҳукмронлигининг мана шундай уқубатли йилларида Файзулла Хўжаев ва у бошчилик қилган ҳукумат республиканинг иқтисодий ва маданий юксалишига кўп куч-қувват сарфлади.

Билимдонлик, тadbиркорлик, принципаллик, ташаббускорлик, иқтисодий ва унинг эҳтиёжларини яхши билиш Файзулла Хўжаевни юқори лавозимда ташкилотчилик қобилиятини очиб юборди. Уша йилларда барпо этилган бирорта саноат, қишлоқ хўжалик, маданий ишоот йўқки, у ёки бу даражада Файзулла Хўжаев даҳлдор бўлмаган бўлса.

Унинг ташаббуси билан 1926 йили Бўзсув ГЭСи қурилиши бошланди — у Ўзбекистоннинг ilk гидростанцияси бўлди. Уша йили Ф. Хўжаев ВКП(б) МК ва Иттифоқ ҳукумати олдига Чирчиқ электркимё комбинати қуриш ҳақидаги масалани қўяди. Бу таклиф Москва томонидан қўллаб-қувватланади. Ф. Хўжаев комбинат қурилишига ёрдам бериш қўмитаси ранси этиб тасдиқланади. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида Бойсулда кўмир, Олмалиқда мис, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида мрамор, рангли металллар конларини топиш ва ўзлаштириш бўйича ишлар, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши бошлаб юборилди. Бу даврда республикада 400 га яқин саноат корхоналари ва ўнлаб электр станциялари ишга туширилди. Узоқда жойлашган Хоразм вилоятини Ўзбекистон ва Туркменистоннинг бошқа ҳудудлари билан яқиндан боғлаш имконини берувчи Чоржўй — Янги Урганч темир йўли қурилиши ташаббускорларидан бири бўлди.

Файзулла Хўжаев Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, аввало, пахта ҳосилини ошириш ишига кўп куч-қувват сарфлади. Катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган Фарғона ва Зарафшон водийлари, Қарши чўлидаги янги ерларни ўзлаштириш режасини ишлаб чиқишда ҳам унинг хизматлари катта.

<sup>23</sup> «Правда Востока», 15 сентябрь 1991 г.

Улканнинг маданий юксалиши йўлида ҳам Ўзбекистон ҳукумати ва унинг раҳбари Файзулла Хўжаев томонидан анчагина ишлар қилинди. Уша йилларда республикада 18 тилда дарс олиб борилган умумтаълим мактабларининг кенг тармоғи қўлоқ ёзди, олий ва ўрта ўқув юрлари (маълумки, 1937 йилда Ўзбекистонда 31 та олий ўқув юрти, 86 та техникум бўлган), илмий ва маданий-оқартув муассасалари фаолият кўрсатди<sup>24</sup>. Мана шуларнинг ортида халқимизнинг шижоаткорона меҳнати, республика совет органлари, Ф. Хўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон ССР ҳукуматининг катта ташкилотчилиги ишн турарди.

Биз юқориди Ўзбекистонни моҳиятан мустамлакага айлантирган тоталитар тузум ҳақида сўзладик, бироқ ўша даврда республикамиз ривожланишида муайян ижобий ўзгаришлар ҳам бўлганлигини инкор этмаслик керак. Агар биз улар ҳақида тўхталиб ўтмасак, ҳақиқатга қарши борган, ўтган аждодлар, оддий меҳнаткаш ва раҳбарлар, оталаримиз, оналаримиз, ака ва опаларимиз хотирасини ҳақорат қилган бўламиз, чунки улар ўша даврнинг оғир шароитларида шижоатли меҳнати билан мамлакат қўтисодиёти ва маънавий юксалишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Биз тарихий жараёни бўяб-бежаб кўрсатиш мумкин эмаслигига чуқур ишонамиз, бироқ яқин тарихий ўтмишимизни фақат салбий, қайғули ҳолда кўриш ҳам мумкин эмас. Уни аслида қандай бўлса шундай, бутун мураккаблиги ва зиддияти билан баён этиш керак. Бунинг биз, олимлардан республикамиз Президентини талаб этмоқдалар. «Тарихимизни ёритишда, — деб кўрсатади И. А. Қаримов, — биз уни даврнинг ўзгарувчан қарашлари фойдасига бузиб талқин этишни қоралаймиз... Ўтмишда кечган ҳамма нарса — яхшиси ҳам, ёмони ҳам — бизнинг тарих, аждодларимиз хотираси»<sup>25</sup>.

Файзулла Хўжаев бизга катта илмий мерос ҳам қолдирди. Далилларининг ўзига хослиги ва хилма-хиллиги билан ажраллиб турувчи кўплаб асарлари 1970—1973 йилларда унинг уч томлик «Танланган асарлари»нинг нашр этилиши туфайли жамоатчилик мулкига айланди.

Ўзбекистон ҳукумати ранси Файзулла Хўжаевнинг қизғин фаолияти 1937 йил ёзида узилди. У «ўнг-троц-

<sup>24</sup> История Узбекиской ССР. Том III. Ташкент, 1967, с. 503, 595, 634, 640.

<sup>25</sup> Правда Востока, 2 ноября 1991 г.

кийча блок»ка алоқадорликда айбланиб, қамоққа олинди. Ҳозирда яхши маълумки, у сталинчи жазо органлар хоналарида тўқиб чиқарилган, бу барча «иш», шу жумладан ўзбек халқининг содиқ ўғлонларининг мазкур «блок»да иштироки ҳам бошидан охиригача уйдирма бўлиб чиқди. Ф. Хўжаев ССР Иттифоқи Олий Судининг Ҳарбий Коллегияси қарори билан 1938 йил март ойида отишга ҳукм қилинди ва у ўлиmidан анча кейин оқланди.

Д. А. Алимова

## ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ ВА ЖАДИДЧИЛИК

*(Ф. Хўжаев асарлари асосида)*

Ўзбекистон тарихининг шундай ажойиб саҳифалари борки, улар узоқ вақтлар мобайнида унутилиб, ёҳуд коммунистик мафкура ақидаларига мослаштириш учун нотўғри талқин этиб келинди. Жади́дизм тарихи ана шулар жумласидан бўлиб, фақатгина янги давр — мустиқлик даврига келиб ҳолисона таҳлил қилишга муваффақ бўлинди. Маълумки, жади́дчилик Марказий Осиё қитъасида Осиё ва Овруподаги илғор ислоҳотлар оқими таъсири остида XIX аср охири — XX аср бошларида вужудга келди ва ижтимоий тараққиётда бурниш босқичини белгилаб берди. Миллий эълилар, илғор тараққийпарвар кучлар Россияга ярим қарам бўлган Бухоро ва Хива хонликларидаги инқирозли аҳволни, бу ўлкаларнинг умумжаҳон тараққиётидан тобора ортда қолаётганини, маҳаллий аҳолининг эрк учун олиб борган курашларининг бостирилиш сабабларини чуқур англаб етдилар. Бу эса уларнинг онгида жамиятнинг ислоҳ этиш ғояларини уйғотди, бусиз тараққиётни тасаввур ҳам этиб бўлмас эди. Ватанимиздаги бу ислоҳотчилик ҳаракати тарихий жиҳатдан қийин ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Жади́дчилик турли мамлакатлардаги ислоҳотчилик ҳаракатининг фалсафий тажрибасини танлаб олди ва уни миллий асосда қайта ишлаб чиқишга интилди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг асосий ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилдики, уни биз бугунги кунда амалга оширилаётган ишларнинг ғоявий нишонаси, кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг асоси сифатида баҳолашимиз мумкин.

Марказий Осиёда жадидчилик серқирра бўлди. Унинг асосий оқимларидан бири Бухоро жадидчилиги эди. Бухоро жадидчилиги ўз ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, у амирликдаги иқтисодий, сиёсий ҳамда жамиятнинг ахлоқий аҳволи билан боғлиқ эди. Бухоро жадидчилигида Ф. Хўжаев ва унинг маслакдошлари марказий ўринни эгалларди.

Ф. Хўжаев жадидчиликдек ноёб тарихий ҳодисага алоқадорлиги туфайли у бир неча ўн йиллар давомида, ҳатто турғунлик йилларида ҳам эътибордан четда қолмади. Ф. Хўжаевнинг Бухоро жадидчилиги тарихига доир асари нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон тарихшунослигида ҳам бебаҳо хазина ҳисобланади. Ф. Хўжаев сўзлари билан айтганда «муҳолиф зиёлилар тўдаси» саъй ҳаракати билан бошланган жараён қай тарихқа «миллий тараққиёт ҳаракати»га айланди: Бу тарихий саволга Ф. Хўжаев ўз мақолалари ва «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» (1926) асарида жавоб беради. Энг аввало бу асарнинг ёзилиш ва қайта чоп этилиш тарихига мурожаат этайлик. Чунки бу ҳам 20—30 йиллардаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва ҳукмрон тизимнинг илмий тафаккурга таъсири ҳақида маълумот берувчи бир тарихдир.

Жадидчиликка, унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиёти таъсирига баҳо илк бор Ф. Хўжаевнинг «Жадидлар» номи билан чоп этилган мақоласида берилган эди<sup>1</sup>.

Бу мақолада Шарқ мусулмон давлатларидаги жадидчиликнинг умумий тавсифи ва унинг Бухоро жадидчилигининг юзага келишига таъсири кўрсатиб берилган эди. Бу ўринда у Туркия, Эрон, Афғонистонда бўлиб ўтган инқилобларга, миллий-озодлик ҳаракатларига, Россиядаги 1905 йилги қўзғолоннинг таъсирига, Бухородаги жадидларнинг ислоҳот ғояларини уйғотган ички турғун ижтимоий-иқтисодий аҳволга тўхталиб ўтади.

Мақола муаллифи ҳар қандай ғоявий таъсирлардан холи бўлиб, жадидларга ижтимоий таъриф беришга, уларнинг дастури ва ижтимоий таркибини таҳлил этишга ниҳоятда холисона ёндашди. У жадидчилик-

<sup>1</sup> Очерки революционного движения в Средней Азии. М., 1926 (Бу тўпламга Е. Фёдоров, Т. Рисқулов, С. Гинсбургларнинг 1905 йилдаги маҳаллий аҳоли ҳаракати. 1916 йил қўзғолони. Фарғонадаги босмачилик ҳаракати ҳақидаги долзарб мақолалари ҳам киритилган).

нинг даврий чегараларини аниқ кўрсатиб беради. Ф. Хўжаев фикрича жадидчилик ёш бухороликлар партияси ташкил топиши билан тугайди. Ёш бухороликлар партияси дастури жадидларнинг радикал мақсадларидан фарқ қилиб, ўз олдига амирини ағдариб ва Бухорода инқилоб қилиш вазифасини қўйган эди, деган фикрини билдиради. Лекин, Ф. Хўжаев «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» асарида бу масалага бошқача ёндашиб жадидчиликни ёш бухороликлар тарихининг ажралмас қисми, асоси сифатида ёритади.

Ф. Хўжаев «Бухоро инқилобининг тарихига материаллар» асарида жадидчиликнинг ички ривожланишини, унинг бошқа мамлакатларда озодлик учун олиб борилган курашлар билан алоқасини ҳамда тараққиёт босқичларини кўрсатиб беради. Рус ва ўзбек тилларида чоп этилган бу асар жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди ва тезда сотилиб кетди<sup>2</sup>. Жадидлар ҳақидаги тасаввурлар ҳали ҳам кишилар хотирасида яхши сақланган, жадидлар эса Совет ҳокимияти ўрнатилиб бўлган бу даврда ўлкада омма ўртасида маърифат ва таълим ишларини ривожлантириш йўлида бор кучларини сарфламақда эдилар. Аниқ далиллар, илмий таҳлил асосида ёзилган бу асардаги инкор этиб бўлмайдиган маълумотларнинг қайд этилиши ҳукумат доираларини ташвишга солиб қўйди. Тоталитар режим тобора барқарорлашиб бораётган бир шаронда, ҳукумат доиралари томонидан «жадидчиликни улуғлаш большевизмни ерга уриш» деб қабул қилинди. Матбуотда Ўрта Осиё Коммунистик Университети кафедра мудирини П. Галузонинг Г. Туркестанский тахаллуси остида чоп этилган мақоласида унга шундай айб қўйилди<sup>3</sup>. Бу тақриз юқоридан берилган буюртма асосида ёзилган эди. Бу Ф. Хўжаевни таъқиб қилиш компаниясининг дебочаси эди. У дарҳол ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва ЎзКП(б) МК нинг мажлисига чақирилиб, мажлисда бу масала юзасидан муҳокама ўтказилди. Ф. Хўжаевнинг хатолари, унинг жадидчиликка муносабати масаласи Ўзбекистон КП III съездида ҳам кўтарилди. Ф. Хўжаев Г. Туркестанский томонидан қилинган таъқибга ишбатан берган атрофлича жавобда уни қисман таъқибчилар билдир-

<sup>2</sup> Китоб билан бир вақтда Ф. Хўжаевнинг «Историк-марксист» журналида «О младобухарцах» номли мақоласи ҳам чиққан (1926, 1-сон, 123—141-бетлар).

<sup>3</sup> Туркестанский Г. Об одном историческом документе // Коммунистическая мысль. 1926, № 2, с. 196—198.

са ҳам унга қарши гуруҳвозлик тўхтамади<sup>4</sup>. Г. Туркестанский (П. Галузо) бу билан кифояланиб қолмай алоҳида жадидчиликка бағишланган иккита тақриздан иборат рисола чоп этади. Ундаги тақриزلарни бири «Ўрта Осиёда инқилобий ҳаракат очерклари» номли тўпламда чоп этилган. Ф. Хўжаев мақоласига ва жадидчилик ҳақида Е. Фёдоров, Т. Рисқулов ва С. Гинзбурглар томонидан билдирилган қарашларга, иккинчиси эса Ф. Хўжаевнинг иккинчи китобига бағишланган эди<sup>5</sup>.

Ф. Хўжаевнинг «миллатчилик характеридаги гоявий хато»ларининг танқидига қўшилган сўнги ҳисса ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби Я. К. Бауманнинг Тошкент шаҳар партия анжуманида (1932) сўзлаган нутқи бўлди. Ф. Хўжаевни танқид қилиш олти йил давом этди. У асарни қайта ишлашга мажбур бўлди ва асар ўзгартиришлар билан 1932 йилда чоп этилди. Ф. Хўжаев асарнинг кириш қисмини ва хулосасини қайта ишлади ва унга Бухоро Халқ Совет Республикасидаги аҳвол ҳамда Ўрта Осиёда миллий-озодлик чегараларни масалаларини киритди. Натижада жадидчилик қуйидагича большевикча баҳо олди: жадидларнинг хизматлари бор, бироқ улар аксининқилобчи бойлар ва қулоқларнинг позициясини эгаллаб «капиталнинг содиқ малайлари бўлиб қолдилар». Ф. Хўжаев хулосани ўзгартирсада, асосий моҳиятни сақлаб қолишга уринган. Асарнинг биринчи нашри 60 йилдан ортиқ давр мобайнида кутубхоналарнинг махсус бўлимларида сақланиб, кенг китобхонлар оmmasига тавсия этиш тақиқланган. Бугунги кунда бу асар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тафаккур ҳамда миллий тараққиёт учун ҳаракатлар тарихини ўрганишда беқиёс аҳамиятга эгадир. Унинг қиммати асар муаллифи ҳам Шарқ, ҳам Оврупо таълимини олган юксак салоҳиёт эгаси бўлиб ва шу туфайли Бухоро турмуши ва ҳаётининг миллий анъанавий ва диний хусусиятлари белгиланадиган шарт-шаронгларни ҳисобга олган ҳолда Европача тараққиётнинг устуллигини англаб етган жадидларни тўғри тушунгани билан белгиланади. Ф. Хўжаев бу ҳаракатнинг энг ёш аъзоларидан бўлиб Москвада ўқишни тугатиб, 1912 йилда Ватанига қайтиб келгач иш бошлайди. У

<sup>4</sup> Ходжаев Ф. Справка и ответ//Коммунистическая мысль, 1926, № 5, с. 153—161.

<sup>5</sup> Туркестанский Г. Кто такие были джадиды. САКУ. Ташкент, 1926, с. 22.



жадидчиликка бу ҳаракат маърифат мактаблари ва тўгаракларидан кучли илғор ташкилотга айланганда кириб келди. Ф. Хўжаев аҳоли ўртасида маориф бўйича кенг ташвиқот юритиш билан иш бошлаб тез орада жа-дидчилик сардорларидан бири бўлиб қолди. У жадид ташкилотининг мунтазам равишда қайта сайланиб ту-радиган Марказий Комитетнинг ҳар бир таркибига кир-ган. Сафдошлари унга ишонч билан қараб, ҳурмат қил-ганлар ва қадрлаганлар. Ф. Хўжаев икки мартаба амир саройига юборилган делегация таркибига кири-тилгани ҳам шундан далолат беради. Бу делегациялар рус резиденти Миллер ва амир билан музокара қилиш учун юборилган эди. Лекин Ф. Хўжаев ўз фаолиятини камтарона баҳолаб, жадидчиликнинг ташкил топиши ва ривожланишида А. Фитрат, Абдул Воҳид Бурҳонов, Муҳиддин Рафаат, Муса Саиджонов, Усмон Хўжаев ка-би шахсларнинг ролини юқори баҳолайди. У Бухорода-ги жадидчилик тарихи ҳақида ёзишни узоқ вақт режа-лаштириб юрган. Унинг бу мақсадни амалга ошириши С. Айнийнинг хотиралар кўринишида ёзилган «Бухоро инқилоби тарихига доир материаллар» китоби чоп этилгач тезлашди. У муаллифнинг айрим қарашларини маъқул топмади. Ф. Хўжаев бўлиб ўтган ижтимоий та-рихий воқеаларни чуқур илмий асосда, ҳужжатларни жалб этган ҳолда ёзиш лозимлигини тушуниб етди. У Садриддин Айний асарини тарихий психологик эссе сифатида юқори баҳоласада, ундаги жадидчиликни большевизм билан бир қаторда унинг ажралмас қисми сифатида баҳолашига қарши эди. Ф. Хўжаев больше-визмга тилёғмалик қилмади. Г. Туркестанский сўзи би-лан айтганда ўзининг бу қарашлари билан у больше-визм ва жадидчилик ўртасига аниқ тўсиқ қўйди. Ҳақи-қатдан ҳам большевизм жадидчиликдан мақсади, мо-хияти билан тубдан фарқланар эди. Бу асарнинг маз-мунидан сезилиб туради.

Ф. Хўжаев Бухорода жадидчиликнинг юзага кели-шига хонликнинг иқтисодий негизи, жамият тараққиё-тига тўсиқ бўлиб турган «ғайритабиий ва даҳшатли тартибсизликлар» сабаб бўлган — деган фикрини билди-ради. Айни пайтда муаллиф Бухоро Урта Осиёнинг энг марказида, қадимий савдо йўлларининг туташган ери-да жойлашганини, аҳолининг кўп қисми саводсиз бўл-сада юксак араб-форс маданиятининг излари ҳар қа-дамда учраб турганини яхши тушуниб етган. Ана шун-дай салбий ва ижобий вазиятлар уйғунлашиб кетган

шароитда Бухоро амирлиги жадидчилик ватани бўлди. Ҳар қанча ажабланарли бўлмасин Ф. Хўжаев фикрича айна шу сабаблар билан Ўрта Осиёни банклар, деҳқонлардан хом ашё сотиб олувчи савдо конторалари қоплаб олган ва Ўрта Осиёга ўз мануфактураси ва бошқа фабрикаларни келтираётган рус капитализми тобора кучайиб жамиятнинг илғор қисмини ўйлантириб қўйган ва жадидчиликка сабаб бўлган. Бухородаги мавжуд бошқарув тизими ва иқтисодиёт соҳасида ўзгаришлар юз бериши жамиятнинг тадбиркор савдогар қисмини оғир аҳволга солиб қўйган. Шу туфайли «жадидчилик савдогарлар синфининг илғор қисми маишатида ифода этган». Қишлоқ қулоқлари, бир табақа наст турган кичик ер эгалари ислоҳот таъсирига берилмадилар, чунки улар энг серҳосил бўлган ерларга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустақил ва эркин эдилар. Уларнинг таъсирида бўлган деҳқонлар бетараф ва суи муносабатда эдилар. «Жадидларнинг кўпчилиги моддий жиҳатдан ўрта ва кам таъминланган эълолар ва майда буржуа вакиллари, диний мактаб талабалари, майда амалдорлар бўлиб, майда дўкандорлар эди, улар орасида йирик савдогарлар ҳам бор эди. Бироқ улар камчилигини ташкил этса-да, ташкилотда ўзлари фаолият кўрсатмаган бўлсаларда, моддий жиҳатдан улар таъминланганлар. Масалан, Мулла Икром (мулла Икром ўша даврдаги Бухоро аҳволини танкид остига олган рисола билан яхши таниш). Бироқ партия асосан шаҳар ўрта ҳоллари партияси эди»<sup>6</sup>, деб ёзган эди Ф. Хўжаев. Фикримизча Ф. Хўжаевнинг жадидчиликда савдогарлар роли ҳақидаги хулосалари ниҳоятда тўғри. Савдогарлар савдо капиталини ривожлантириш учун Бухоро тараққиётини европаштириш ва у ерда оддий ҳуқуқий нормаларни қарор топтириш зарурлигини тушунар эдилар. Ўша даврдаги Бухоро амирлигидаги аҳвол бундай шароит яратиб бера олмас эди. Шунинг учун савдогарлар муҳолифиятга мойил бўлиб, жадидлар ҳаракатига қўшилиб уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлар эдилар. Улар Колесов воқеаларидан сўнг юз берган қатағонлардан қўрқиб, амирга қарши ошкора курашишга қарши эдилар. Чунки улар, Ф. Хўжаев ибораси билан айтганда, бу курашда бирор нарсага эришишдан кўра кўпроқ йўқотишла-

<sup>6</sup> Ходжаев Ф. Қ историни Бухарской революции. Ташкент, 1926, с. 12.

ри мумкин эди. «Улар оммавий ҳаракатдан чўчирдилар, бироқ бусиз инқилоб муваффақият қозона олмас эди. Капитал манфаатларига зарар етказадиган умумхалқ кўзғолони уларнинг режаларига кирмаган эди. Улар учун қисман ислохотлар етарли бўлиб, инқилоб керак эмас эди. Уларнинг жадидчиликдан кетиши ташкилотни анчагина таянчдан маҳрум қилиб, ҳаракатни сусайтирди»<sup>7</sup>.

Ф. Хўжаевнинг фикрича, жадидчилик Бухорода Туркистонга қараганда кечроқ юзага келган бўлсада, жамоат ҳаётидаги оғир муҳит унинг тараққиётини тезлаштирди ва бу ҳаракат 1915 йилдан бошлаб маданиятдан сиёсатга қараб йўл тутди. У Бухоро жадидларининг публицистик ва бадний асарларида, хусусан А. Фитрат (масалан, «Баёноти сайёҳи ҳинди») асарларида кўзга ташланади. Ф. Хўжаевнинг Фитрат асарлари адабий қимматга эга бўлиб қолмай ташвиқот учун ҳам қимматли эди деган фикрига қўшилиб, шунинг қайд этиш лозимки, Туркистон жадидларининг, хусусан Бехбудийнинг мақола ва асарларининг танқидий кучи бундан кам эмас эди. С. Айнидан фарқ қилиб, Ф. Хўжаев жадид мактабларининг сиёсий аҳамиятини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича бу мактаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари орасида янгиликни тарғиб қилиш билан бирга ҳукуматга қарши муҳолиф кайфиятнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Тарихнинг кўрсатишича, жадидчилик ҳаракатида орқага қайтиш йўқ эди: маърифатчилик ва тор дунрадаги маданийлаштиришдан иш бошлаб у сиёсий ҳаракатга айланди, ўз олдига жамиятни ва уни бошқаришни қайта қуришдек вазифаларни қўйди. Масалан, жадидчилик Татаристонда «Мусулмон иттифоқи», Туркистонда «Шўрон Исломия» ва бошқа партияларни, Бухорода ёш бухороликлар партиясини юзага келтирди. Бироқ сиёсий талаблар шу партиялар пайдо бўлгандан кейингича қўйла бошланди деб ҳисоблаш хато бўлур эди. 1910 йилдан кейин жадидчилик ҳаракати ташкилий тус олгач, «жадидларнинг энг илғор қисми орзусида унинг программа максимумида асосий ўрин тутган гоё, Бухорода ғарб намунасида капитализм ва демократияни ривожлантириш эди». Ф. Хўжаевнинг ўзи ҳам бу гоёларга хайрихоҳ эди. 1926 йилда чоп этилган асарида баён этилишича, демократия ва капитализмни бирга

<sup>7</sup> Кўрсатилган асар, 33-бет.

тасаввур этишга ўша йиллар вазияти ва илдиз олган большевикча тушунчалар халал бера олмаган.<sup>8</sup>

Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди: биринчидан 1914—1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз, газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиши; ҳокимият жадидларининг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга йўл бермаслиги жамиятда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаслигини кўрсатди; иккинчидан жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган бухороликлар, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолиш билан қониқмай аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгилаштириш шу талаблар жумласидан эди. Жадидлар бир-бирига зид бўлган икки оқимга ажралдилар; эски жадидлар ва Фитрат бошчилигидаги ёшлар. Натижада ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлган бирлик юзага келди. Бу эса келишиб олинмаган ҳаракатларга сабаб бўлди, амир манифестини қўллаш учун ўтказилган тинч намойиш қувғин этилди ва жадидларга қарши қатағонлар бошланди. Ф. Хўжаев ана шу сўл ёшлар гуруҳига мансуб бўлиб, кейинчалик ҳам шу позицияда қолди. У жадидларининг кекса авлодларидан фарқ қилган ҳолда чиқишлар тактикасини хато ҳисобламас эди. С. Айнийнинг фикрича «Фитрат ва Ф. Хўжаев бошчилигидаги сўл гуруҳ узоқни кўра олмаганлиги ва вазиятни потўғри тушунганлиги туфайли жадидлар гуруҳи тор-мор этилди». Ёш жадидлар вакилларига ҳурмат ва хайрихоҳлигимиз чексиз бўлсада, шунинг билан олиш лозимки, кейинги йилларнинг тарихий воқеалари шунини кўрсатадики, Абдул Воҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Муҳиддин Рафаат, Муса Саиджонов, С. Айний ва бошқалар вазиятни тўғри баҳолаганлар, жадидчилар аҳолининг асосий оммаси ўртасида таъсирга ва кучга эга эмас эдилар. Омма консерватив руҳонийлар таъсири остида бўлиб, инсталланган вақтда унинг даъвати билан жадидларга қарши кўтарилиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Бунинг англаб етган «Катта авлод» жадидлар инқилобсиз, айниқса қонли тўқнашувларсиз, аста-секин, босқичма-босқич ўтказила-

<sup>8</sup> Кўрсатилган асар, 13-бет.

диган ислоҳотлар тарафдори эдилар. Аслида аввалига манифестация, кейин эса Колесов воқеаларининг ташаббускорлари ҳам қуролли қўзғолондан қўрқмайдиган, инқилобий кайфиятдаги сўл жадидлар эдилар. Бироқ сўл бухорочилар қизиққон бўлсаларда, ташкилотни ажралиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Абдул Воҳид Бурҳоновни ташкилот раиси сифатида қолдирдилар. Улар 1917 йил мартдаги амир қатағонидан сўнг аҳвол кескин ўзгарганини яхши англаб борардилар. «Жадидчиликнинг ижтимоий базаси торайди, чунки савдогар вакиллари кетиб қолдилар ва уларнинг моддий ёрдами ҳам тўхтади. Мулкдорлар курашдан четлашдилар. Сўл қанот марказий ўринни эгаллади. Ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши аҳолининг мулксиз табақалари ҳисобига борди... Ташкилот заифлашди, унинг жамиятга маънавий таъсири ҳам заифлашди»,— деб ёзган эди Ф. Хўжаев<sup>9</sup>. «Мулкдор синфи»нинг жадидчилик тараққиётидаги ролини бундай очиқчасига тая олиш Г. Туркестанскийнинг юқорида қайд этилган тақризидagi танқиднинг асосий мавзуси бўлди.

1910—1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат, сабот-матонат ва қатъийлик натижасида жадидлар, Ф. Хўжаев ибораси билан айтганда, «миллий инқилобни бошқаришга» қодир бўлган ёш бухороликларнинг сиёсий партиясига айландилар. Бу пайтда Ф. Хўжаев амирни ағдариб ва инқилобни амалга оширишда ёш бухороликлар партияси «Совет Тошкенти» ёрдамидан фойдаланганига самимий ишонар эди. Бу масалада асосий ўринни РКП(б) тутгани, ёш бухороликлар эса Бухорони босиб олишда уларга қўшимча восита бўлганини Ф. Хўжаев анча кеч тушунди. Колесов воқеаларининг фожиали моҳиятини яхши англади. Туркистон АССР ХКС раиси Колесовнинг Бухорога 1918 йил мартда қилган юриши мағлубият билан тугагач, 1500 та жадид ва уларга хайрихоҳлар қириб ташланди. 3000 та турли миллат вакиллари бўлган беғуноҳ кишилар амир уюштирган қирғин қурбони бўлдилар. Ф. Хўжаев рўйростлик билан шундай дейди: «Мен Марказий Комитет раҳбарларидан бири сифатида Марказий Комитетнинг Колесов воқеаларида йўл қўйган хатоларига бошқалардан кўра кўпроқ жавобгарман. Мен эндиликда тушунишимча камтарона ютуқларимизга берилиб кетиб, қуролли қўзғолон муваффақиятли бўлиши-

<sup>9</sup> Кўрсатилган асар, 17-бет.

га умид қилганман»<sup>10</sup>. Орадан саккиз йил ўтгач, Ф. Хўжаев Ўрта Осиёни тула большевиклаштиришга икки марказ халал берганини тушуниб етди. Бу икки марказ Туркистон мухторияти ва Бухоро амирлиги эди. Ф. Хўжаев РКП(б)нинг бу йўналишдаги сиёсатини иложли борича ошкора шарҳлашга ҳаракат қилган: «1918 йил февралда Туркистонда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг амир билан курашиш вазифаси Совет ҳокимияти учун биринчи даражали вазифага, кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифага айланиб қолди. Чунки Совет Тошкентининг бевосита душмани Фаргона мухтор ҳукумати тугатилди». Эндиликда барча кучларни амрликни тугатиш учун бир жойга жамлаш керак эди. Ф. Хўжаев китобидаги Колесов шахсига тегишли қуйидаги енгил кинояни цензура сезмаган кўринади: «Қўқон ғалабасидан маст бўлган Колесов Бухоро амирлигини ҳам шундай осонликча тугатмоқчи бўлди, бироқ бунинг акси бўлди... енгил ғалабага ишонган Колесов ички кучлар қаршилигига эътибор бермади. У ёш бухороликлар ёрдамида ўз кучларни билан Бухорони осонгина эгаллашга ишонган эди».

Ф. Хўжаев ўз мақолалари ва асарларида Ўрта Осиёда миллий-инқилобий ҳаракатга бошчилик қила оладиган кадрларни тайёрлашда жадидчилик асосий негиз бўлганини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Унинг бу фикри мухолифларининг кескин танқидига сабаб бўлган. Уларнинг фикрича «жадидлар миллий-инқилобий ҳаракатга бош бўлмаганлар... Туркистонда инқилобга РКП(б), яъни ВКП(б) бошчилик қилди, жадидлар тарбиясини олганлар эса кейинчалик ВКП(б) йўлини маълум даражада қўллаб-қувватлаб, унинг қаторида элемент сифатида ўрин олганлар»<sup>11</sup>. Ҳақиқатдан ҳам Россиядан экспорт қилинган инқилоб халққа бегона эди, маҳаллий аҳоли манфаатларига жавоб бермасди. Туркистонда жадидларнинг кўпчилиги Қўқон воқеаларидан сўнг сиёсатдан узоқлашдилар. Бухорода у бир оз кечроқ содир бўлди, чунки амрлик ағдарилгандан сўнггина жадидлар Ф. Хўжаев билан биргаликда ҳукуматда раҳбарлик ўринларини эгалладилар. Дастлабки пайтларда собиқ БХСР ҳукумати асосан жадидлардан иборат эди. Россиянинг империячилик сиёсати миллий мустақилликка йўл бермаслигига ишонч ҳосил қилган-

<sup>10</sup> Кўрсатилган асар, 51-бет.

<sup>11</sup> Туркестанский Г. Кўрсатилган асар, 25-бет.

ларидан сўнг, уларнинг баъзилари қаршилиқ кўрсатиш лагерига ўтиб кетдилар. Бироқ Бухоро республикасининг кейинги тарихини, ундаги раҳбарлик, ички кураш, ғоявий оқимларни жадидчилик тарихини билмай туриб тушуниш қийин. Чунки жадидчилик кейинчалик ҳам воқеалар ривожига ва Ф. Хўжаевнинг тутган сиёсатига ва ишларига ўз таъсирини ўтказганди. Совет тарихшунослигида Ф. Хўжаев 1920 йилдаги Бухоро инқилобидан аввал, Москвада муҳожирликда юрган кезларида марксизм-ленинизм билан танишиб, «коммунистча онги шаклланди», — деб таъкидланади. Шунини таъкидлаш лозимки, Ф. Хўжаев имкон даражасида принципиал позицияда бўлишга ҳаракат қилган. Тошкентда ташкил этилган инқилобий ёш бухороликлар партиясининг Марказий Туркистон бюроси коммунистча йўлдан боришни истамаган. Коммунистлар гуруҳидан фарқ қилиб, Бухородаги барча кучларнинг, жумладан коммунистик ғояларни тушунмаган ва уларни қабул қилмаган, лекин ислоҳот тарафдорлари бўлган майда савдогарлар, ҳунармандлар, ўрта ва майда амалдорлардан амирга қарши курашда фойдаланишга уринганликлари шундан далолат беради. Инқилобий ёш бухороликларнинг Туркистон Марказий бюроси дастури РКП(б) дастури таъсирида ёзилган бўлса ҳам, унда ёш бухороликлар партиясининг пойдевори бўлган жадидлар ҳаракатининг тарихий аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ф. Хўжаев бу икки ҳодисани — янги ёш бухороликлар партиясини ва жадидчиликни бир жараённинг ажралмас босқичи сифатида таърифлаган. Бу билан у жадидчилик Урта Осиё халқлари ҳаётининг барча соҳаларидаги илғор жараёнларга асос солганини таъкидлаган. У «эски жадидлар» янги қарашларни тушунмагани, янги ҳаёт қуришда иштирок этмаганидан афсусланади. У ўз китобининг хулоса қисмида янги ҳукумат ҳақида салбий фикр билдира олмаган бўлса ҳам, жадидчилик ҳақида ҳам танқидий фикрлар билдирмаган. Узоқ давом этган танқидий хуружлардан сўнггина асарнинг иккинчи нашрида қайд этилган фикрлар муаллифнинг чин юрагидан билдирилмаганини сезиш қийин эмас. Нима бўлганда ҳам Ф. Хўжаев жадидчиликка бўлган содиқлиги ва муҳаббатини ўзгартирмади, тарихчиларга Ўзбекистон тарихи бўйича қимматли манба қолдирди.

## ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲАРАКАТИ

Таниқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев ҳаётида 1920—1924 йилларни ўз ичига олган «Бухоро даври» алоҳида ажралиб туради. Бу пайтда у Бухоро Халқ жумҳурияти Нозирлар Шўросининг раиси лавозимда фаолият кўрсатган эди.

Ф. Хўжаевнинг истиқлолчилик ҳаракати — «босмачилик»ка нисбатан бўлган муносабати кўпчилиكنи қизиқтириши табиий. Биз янги топилган архив ҳужжатлари ва кўпчиликка ҳали таниш бўлмаган бошқа манбалар орқали мазкур мақолада ушбу саволга бир қадар жавоб бермоқчимиз.

Ф. Хўжаев Бухоро ҳукуматига бошчилик қилар экан, шароит тақозоси билан Қизил армиянинг босқинчилиги ва тажовузкорлигига қарши бош кўтарган кучларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлган эди. Лекин шундай бўлишга қарамасдан, у миллий озодлик ҳаракатига ўзгача бир умид билан қараган, бу ҳаракатдан тўғри йўналишда ва аниқ сиёсий мақсадни кўзлаб фойдаланишни мўлжаллаган.

Архивларда сақланиб қолган ўша даврдаги айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, Совет Россияси ҳукумати ва унинг Бухородаги вакилларига бизнинг халқимиз советлаштиришни қабул қилолмаяпти, халқ буни хоҳламапти, шунинг учун қўлига қурол олиб, уюшиб курашни учун кўтарилаяпти, деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилинган. Ф. Хўжаевнинг фикрича, бир вақтнинг ўзида тарқоқ «босмачи» гуруҳларни йириклаштириш ва сиёсийлаштириш йўлида иш олиб бориш керак. Чунки яхши қуролланган ва курашларда тажриба ортирган бу кучлар ўртасида жанговар сардорлар ва ботир жангчилар пишиб етилган бўлиб, улардан келажакда миллий армияни жуда тез шакллантириш мумкин. Совет Россиясидан ажралиш масаласи вақти келиб кўтарилса, унда муайян кучга эга бўлишадди.

Масалан, 1921 йилнинг ёзида Файзулла Хўжаевнинг топшириғи билан Душанбега келган Бухоро ҳукумати-нинг Фавқулодда Мухтор вакили Отаулла Хўжаев бошчилигидаги комиссия Шарқий Бухородаги миллий озодлик ҳаракати вакиллари билан алоқа ўрнатиши ва қўрбошилар розилик билдирса икки ўртада шартнома тузиши ҳам керак эди. Отаулла Хўжаев Ф. Хўжаевнинг



амакиси бўлиб, ўша даврдаги Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмон Хўжаев (Усмонхўжа Пулатхўжаев)нинг укаси ҳам эди. О. Хўжаев Шарқий Бухоронинг маъмурий маркази Душанбега келиб, бу ерда кўплаб қўрбошилар ва халқнинг пуфузли вакиллари билан учрашди. Натижада шу нарса ойдинлашди-ки, «босмачилар» умуман олганда янги тузилган Бухоро ҳукуматига қарши эмаслар, балки улар Қизил армиянинг зўравонлиги ва босқинчилигига қарши курашга отланганлар. Буни қарангки, миллий озодлик ҳаракати йўлбошчилари ва Бухоро ҳукумати раҳбарларининг асл мақсадлари бир нуқтага келиб туташди. Ҳар икки томон Қизил армиянинг Бухоро тупроғида ортқ қолшини истамас, ўзининг асрий анъана ва урф-одатларидан иборат бўлган шарқона ахлоқ ҳамда исломий руҳдаги турмуш тарзига «коммунистча тўн» кийдирилишини хоҳламас эди.

Ф. Хўжаев билан телеграф орқали бўлган мулоқотлардан сўнг Отаулла Хўжаев қўрбошилар билан музокаралар ўтказди. Музокаралар натижасида Шарқий Бухородаги йирик қўрбошилар ҳисобланган Давлатмандбек ва Султон Эшонлар Балжувон ва Фарм инқилобий қўмитаси (ревкоми)нинг раиси қилиб тайинландилар<sup>1</sup>. 1921 йил 12 августда Балжувонда бўлган учрашувда О. Хўжаев билан Давлатмандбек Камолитдинбек ўгли ўртасида шартнома (келишув битими) имзоланди. Мазкур шартнома матни Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати архивида сақланиб қолган бўлиб, у 8 моддадан иборатдир<sup>2</sup>. Қўйида ундан парча келтирмоқчимиз:

«Биз Шарқий Бухоро халқи розилиги билан Мустақил Бухоро республикасини тан оламиз ва унинг қонунларига оғишмай амал қиламиз:

— муқаддас Бухорони босиб олган Россия қўшинлари дарҳол олиб чиқиб кетилиши ва давлатда тартиб ўрнатиш — Мустақил Бухоро ҳукумати қўлида, ўз армияси кучидан фойдаланиш орқали бўлиши керак;

— бирорта ҳам хорижий мамлакат муқаддас Бухоронинг ички ишларига аралашмаслиги керак;

<sup>1</sup> Ўзбекистон РГАА. 14-фонд, 1-руйхат, 22-иш, 24-варақ.

<sup>2</sup> Қиличев Ф. «Истиқлолнинг фожиали йўли» мақоласида ушбу шартнома ҳақида фикр юритади. Лекин у шартнома матнини қайси манбадан олганлигини нимагадир кўрсатмайди. Бу ҳақда қаранг: Қиличев Ф. Зулматдан садолар. Тошкент, 1994, 27—28-бетлар.

— ҳамма бўғинларда раҳбар ходимлар фақат аҳли Бухоро орасидан танланши керак. Улар бизнинг урф-одат ва анъаналаримизни билиши ҳамда ҳурмат қилиши шарт;

— талаб кетилган мулк ва бойликларимиз Россия ҳукумати томонидан Бухорога қайтарилши шарт;

— мазкур шартларга рноя этилса, биз ўз ислом отрядларимизни тарқатиб юборамиз ёки ҳукумат ихтиёрига ўтамиз. Лозим бўлса муқаддас Бухоро давлати вакилларига қуролларимизни топширамыз. Бухоро душманлари — бизнинг душманимиз, дўстлари — бизнинг дўстимиз бўлиб қолажак;

— агар Россия давлати бизга ўз ҳукмини ўтказиш сиёсатини тўхтатса, уни ҳурмат қиламыз;

— халқимизга тазйиқ ўтказганлар, миллат олдида жиноят қилганлар жазога тортилши керак (12 кишининг рўйхати берилади)...»<sup>3</sup>.

Бошқа бир архив ҳужжатида келтирилшича, Ф. Хўжаев 1921 йил 24 июнда Бухоро шаҳридаги масжидда кўпчилик олдида сўзлаган нутқида «Бухорога большевизмни киритмасликка ваъда берган...»<sup>4</sup>.

Фикримизни тасдиқлаш мақсадида яна бир нечта далилларни келтириб ўтмоқчимиз. Шаҳрисабз вилоятида ҳаракат қилаётган қўрбоши Худойберди Бойвачча ўзининг 5 йнгити билан музокаратлар ўтказиш натижасида 1923 йил 14 январда Шаҳрисабз ревкомига таслим бўлди. Шу кунларда Шаҳрисабзга юборилган Халқ Нозирлари Шўроси раисининг ўринбосари Отаулла Хўжаев Ф. Хўжаевнинг буйруғига биноан ҳибсда ётган Худойберди қўрбошини қамоқдан озод қилди<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг Бухоро республикаси фондларида қўрбошилар номига ёзилган бир нечта мактублар сақланиб қолган. Ана шундай мактублардан иккитаси Бухоро ҳукумати идораларида ишлаган Аҳмаджон Камол ўғли (Камолов) қаламига мансуб бўлиб, улар 1923 йилнинг февраль-март ойларида ёзилган. Биринчи мактуб Бухоро қўрбошиларининг умумий етакчиси Мулла Абдулқаҳҳорнинг укаси Наим Полвон — миллат қаҳрамони номига битилган бўлиб, унда муаллиф Бухоро ҳукумати ҳозир чорасиз аҳволда қолганлиги ва «босмачилар»га қарши кураш бутунлай «ўруслар» қўлига ўтиб кетганлиги таъкидла-

<sup>3</sup> Ўзбекистон РПАА. 14-фонд, 22-иш, 25—26-бетлар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон РПАА. 122-фонд, 1-рўйхат, 83-иш, 25-варақ.

<sup>5</sup> Ўзбекистон МДА. 48-фонд, 1-рўйхат, 171-иш, 19-варақ.

нади. Гиждувон туманида ҳаракат қилаётган кўрбоши дасталари номига битилган иккинчи мактубда ҳам (уни Гиждувоннинг Мухтон қишлоғида яшовчи киши кўрбошиларга етказиши керак эди) юқоридаги фикрлар баён қилинади. Мактубда кўрсатилишича, Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати жуда ҳам қийин аҳволда қолган. Уларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари «ўруслар» томонидан тортиб олинган<sup>6</sup>.

Туркистонда ўша даврдаги сиёсий кураш марказида турган сиймолардан бири Аҳмад Закий Валидий эди. Валидий 1920 йил декабридан то 1921 йил ноябригача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги миллий озодлик ҳаракатини ягона марказга уюштириш мақсадида катта ишлар қилган. Унинг машҳур «Хотиралар» китобида эслаб ўтилишича, 1921 йил октябрь—ноябрь ойларида Анвар Пошшо билан Ф. Хўжаев ўртасида Бухоро шаҳрида қизғин суҳбат ва мунозаралар бўлиб ўтган. Бу суҳбатлардан кейин Ф. Хўжаев Анвар Пошшонинг Шарқий Бухорога бориб, истиқлолчилар сафига очиқ равишда қўшилишини ва Закий Валидийнинг Бухоро республикасини тарқ этишини тушуниб етган. Ф. Хўжаев Закий Валидий билан сўнгги учрашувида қаттиқ бир дард билан айтишича, у энди «босмачиликка» қарши очиқ равишда кураш олиб боришга мажбур бўлади. Ҳолбуки, руслар ундан бу ишни кўп вақтдан буён талаб қилишган<sup>7</sup>.

Файзулла Хўжаев «Танланган асарлар»нинг 1-жилди синчиклаб кўздан кечирилса, унинг кўплаб мақола ва маърузаларида истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан бўлган муносабати яққол кўринади. Совет давридаги қатағонлар авжига чиққан бир пайтда ёзилган ва унинг вафотидан кейин қайта нашр қилинган мазкур китобда албатта очиқ равишда бу ҳаракатга ижобий муносабат билдирилмайди. Лекин китобда келтирилган кўплаб далиллар кишини ўйлантирмасдан қолмайди. Синчков тадқиқотчи китоб саҳифаларидан бош кўтаргач, Ф. Хўжаев бу ҳаракатга нисбатан душманларча муносабатда бўлмай, балки унга озми-кўпми хайрихоҳ экан деган фикрга келиши мумкин. Тоталитар тузум даврида раҳбарлик қилган бошқа бирорта давлат арбобининг китобларида биз «босмачиларга» нисбатан бу қадар эъти-

<sup>6</sup> Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 171-иш, 109—110-варақлар.

<sup>7</sup> Заки Валидий Тўғон. Хотиралар//Шарқ юлдузи. 1995. 5—6-сонлар.

роф ва ошкора муносабатни кўрмаймиз. Ф. Хўжаев шахсида намоён бўлган бу ҳолат балки унинг жадидчилик ўтмиши билан изоҳланади. Балки Ф. Хўжаев бу ватанпарварлар тинчлигида ўзининг ҳазон бўлган миллий давлатчилик орзуларини амалга оширувчиларни кўргандир. Яхшиси, Ф. Хўжаевнинг ўз сўзларига яна мурожаат қилайлик.

Ф. Хўжаевнинг ёзишича, у Ғузур ва Шаҳрисабз вилоятларида ҳаракат қилган Жаббор кўрбоши билан музокара ўтказиб, 1922 йил баҳорида уни Бухоро ҳукуматига таълим бўлишига кўндирган. Жаббор кўрбоши ва унинг сафдошларига Бухорода эркин яшашлари учун руҳсат берилган. Лекин орадан кўп ўтмай, Ф. Хўжаев Бухоро шаҳрида бўлмаган бир пайтда, «Жаббор кўрбоши ва унинг сафдошлари алдаб қамоққа олинган ва иккинчи кунгё... отиб ташланган»<sup>8</sup>.

Ф. Хўжаевнинг Бухородаги миллий озодлик ҳаракатига нисбатан бўлган муносабатини кўрсатишда бир гуруҳ кўрбошиларнинг 1922 йил бошларида Бухоро халқ жумҳурияти ҳукумати раҳбарларига йўллаган мактуби характерлидир. Ф. Хўжаевнинг асарида<sup>9</sup> мактубларнинг тўла матни келтирилган. Бу мактубларга мужоҳидларнинг бош қўмондони Ғози, Бухоро инқилобчиси Қори Абдулла, Норқул Ботир ва Доннёрбек эликбошилар имзо чекишган. Мактубда Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг асосий моҳияти лўнда қилиб кўрсатилган. Кўрбошилар Бухоронинг мустақиллиги учун, эркин ва ҳур Ватан қуриш учун курашаётганликларини, бундай Ватанда коммунистлар бўлмаслиги лозимлигини, Фавқуллода комиссия орқали камбағал аҳолининг мол-мулки тортиб олинаётганлигини, рус большевиклари жабр ва зулми авж олдириб юборганликларини ва ниҳоят, Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Мактубда келтирилган қуйидаги сатрлар кишини бугун ҳам бефарқ қолдира олмайди:

«Бир ярим миллион кишидан иборат бўлган Бухоро аҳолиси чўл ва тоғларда ўзининг иссиқ қонини тўкиб, қўлига қилнч олиб миллиат хонлари билан жанг қилаётганлигини ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Биз ҳам ватанимизнинг ҳақиқий фарзандлари билан бирга мам-

<sup>8</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар, 1-том, Тошкент, 1976, 457-бет.

<sup>9</sup> Хўжаев Ф. Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир. Тошкент, 1932.

лакати миз мустақиллиги ва равнақи учун сиз коммунистларга қарши курашаверамиз. Бизлар босмачилар, эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итоатли ходимларимиз, душманларимиз бўлган русларни ватанимиздан ҳайдаб чиқарамиз ва уларни абадий йўқотамиз. Худога минг қатла шукрки, бизнинг йўлимиз ва ғоямиз ҳақ йўлдор ва ҳақ ғоядир, биз ишимизни соат сайин ҳеч бир тўхтовсиз авж олдирмоқдамиз. Мусулмонлар қўлларига қурол олиб ғазавотда қатнашмоқ учун ўз ихтиёрлари билан ҳамма томонлардан тўпланиб келмоқдалар, ислом динини ва мусулмонларни қутқариш учун биз билан бир бўлиб курашмоқдалар. Исломининг фатҳи учун ҳамма отланган. Шу сабабли биз шарафли ватанимизни яқин фурсатда кофирлар ва виждонсизлардан тозалашимизга ва уларни йўқ қилиб ташлашимизга аминимиз»<sup>10</sup>.

Шуниси характерлики, мазкур мактубда қўрбошилар Ф. Хўжаевни ўз сафларига чорлаб, уни Қизил армияга қарши очик кураш олиб боришга даъват қилганлар ва ўзаро ҳамкорликда ишлашга умид билдирганлар: «Маслаҳатимиз учун авф этгайсиз, фурсатни қўлдан бермай биз томонга ўтингиз ва миллатга хизмат қилиб унинг ташаккурини олингиз. Тарихда яхши ном қолдирмоқ учун ислом йўлида курашаётганларнинг сафида ишлангиз...

Агар ислом учун курашаётганлар билан иттифоқ бўлишни истасангиз, русларни шарофатли ватандан чиқариб юборингиз. Шундай қилсангиз ватан равнақи йўлида бирга ишлайверамиз — бизнинг бирдан-бир тилагимиз мана шу»<sup>11</sup>.

Бухородаги миллий озодлик ҳаракатининг ўзига хос томонларини кўрсатишда 1922 йил 5 апрелда Ф. Хўжаев томонидан РСФСР Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Л. М. Карахан номига ёзилган хат ҳам диққатга сазовордир. Ф. Хўжаев ушбу хатда Бухоро жумҳуриятидаги бу ҳаракат қисқа муддат ичида оммавий тус олганлигини, хусусан, туркиялик ҳарбий саркарда Анвар Пошшо Шарқий Бухорога боргач, мужоҳидлар ҳаракати энг авж нуқтага кўтарилганлиги, ҳатто бу ҳаракат Шарқий Бухорода Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига нисбатан ҳам кучайиб кетганлигини эътироф этади. Ф. Хўжаевнинг ҳақ-

<sup>10</sup> Қаранг: Хўжаев Ф. Танланган асарлар, 1-том, 249-бет.

<sup>11</sup> Уша асар, ўша бет.

қоний равишда таъкидлашича, «Шарқий Бухородаги босмачилик ўзининг стратегик мавқеи жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга ва сиёсий жиҳатдан қараганда, Фарғона босмачиларига нисбатан кучлироқдир»<sup>12</sup>.

Файзулла Хўжаевнинг ниятлари пок, мақсадлари улғу эди. У Бухоро халқини амир зулмидан озод қилган 1920 йилдаги инқилобга етакчилик қилар экан, Бухоро инқилоби халқига рўшнолик, озодлик, қолаверса, бир бутун юрт — Туронзаминга мустақиллик олиб келади деб ўйлаган эди. У Бухоро давлатига бошчилик қилар экан, жуда мураккаб шароитда иш олиб боришига қарамасдан, турли хато ва камчиликларга йўл қўйса-да, мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилди. Давр оғир ва бешафқат эди. Бухоро ҳукумати ичида унга «сўл»дан ҳам, «ўнг»дан ҳам хуружлар кучайди. Бир томондан Бутун Россия МИК ва ХКС ҳузуридаги Турккомиссия мустақил давлат — Бухоро жумҳуриятининг ички ишларига қўпол суръатда аралаша бошлади. 1922 йил бошларига келиб Бухоро масаласи жуда кескинлашди. Жуда оғир ҳолатда иш олиб бораётган Ф. Хўжаев шу кунларда РСФСРнинг Туркистон ишлари бўйича комиссия раисига мактуб йўллади. Мактубда аччиқ киноя ва ғазаб билан Марказни Бухоро ишларига аралашаётганини қаттиқ қоралайди, қўғирчоқ раҳбар бўлишни ва беҳудага қон тўкилишини истамай ҳокимиятни улар хоҳлаган киши қўлига топширишлари мумкин эканини билдиради. Ф. Хўжаев мазкур хатда бундай ёзади: «...Бу ерда, Бухорода ҳеч бир ҳокимият, ҳеч бир партия биз қилган ва қилаётган ишдан кўпроқ ишни ҳеч қачон қила олмайди...

Сизга журъат қилиб шуни айтаманки, ...Бухорода ҳокимиятни алмаштиришдан иборат бирор эксперимент ўтказишни зарур деб топсангиз, буни бизга олдиндан хабар қилиб қўйишингизни илтимос қиламиз, бу ишда Сизга хизматимизни аямаймиз ва Сизга ким маъқул бўлса, (унга) ҳокимиятни топшириб қўя қоламиз.

Бизнинг ҳар қандай ўжарлик қилишимиз ва Сизнинг зўрлик чоралари кўришингиз ҳалокатли бўлишини, Сизлар учун ҳам, бизлар учун ҳам номақбул оқибатлар келтиришини жуда яхши биламиз.

Биз зўрлик билан қилинадиган тўнтаришларни истамаймиз, чунки шундай экспериментлардан сўнг Бухоро муқаррар хароба чўлга айланишини жуда яхши би-

<sup>12</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар, 1-том, 461-бет

ламиз, амирнинг бош кўтариб чиқиши тўғрисида ҳамда қабилавий ва миллий душманлик негизида бир қанча кўзғолонлар кўтарилиши ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади»<sup>13</sup>.

Бахтга қарши Ф. Хўжаевнинг миллий муроса ва келишувга, тинчлик ва бирдамликка чорловчи бу каби қақириқлари «инқилобий курашлар»нинг даҳшатли пўртаналари остида фарқ бўлди. Мустақил Ўзбекистон республикасини тузиш орзулари ҳам амалга ошмади. Кейинчалик унинг ўзи тоталитар режимнинг қурбонларидан бирига айланди. Ушанда СССР Бош прокурори А. Я. Вишинский давлат қораловчиси сифатида Ф. Хўжаевни «Мустақил Ўзбекистон республикаси»ни тузишда айблаган эди. А. Я. Вишинскийнинг суддаги айблов хулосасига кўра, Ф. Хўжаев «Миллий истиқлол» ва «Миллий иттиҳод» фирқаларини ташкил қилиб, улар ёрдамида кўзғолончилар отрядларини тузиб, қўрбошилар орқали ўз мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган. А. Я. Вишинскийнинг ўша пайтда Ф. Хўжаевни қоралаб туриб айтган қўйидаги эътирофи характерлидир: «...Сизлар Хўжаевни кўрдингизлар, у ўта маданийли инсон, ўзи қатнашган курашнинг бутун нозик томонларини ишдан игнасигача майда-чуйда тафсилотлари билан жуда яхши таҳлил қила олади»<sup>14</sup>.

Файзулла Хўжаевдек инсонлар тарихнинг бурилиш палласида ҳар бир халқ ҳаётида, ҳар юз-икки юз йилда бир пайдо бўладиган камёб истеъдод эгалари, бебаҳо шахслардир. Зероки, шоир айтганидек:

Аср-асрда порлаб чиқар буюк даҳолар,  
Даҳоларнинг қадрини давр ўзи баҳолар.

Афсуски, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати таркибидаги миллий ватанпарвар кучлар (собиқ «ёш бухоролик» жадидлар) билан муҳолифатдаги қуролли мужоҳид гуруҳлари йўлбошчилари ўртасидаги очиқ келишув амалга ошмади. Агар бу келишув амалга ошганда эди, бу подир ҳодиса Туркистон халқлари миллий озодлик ҳаракати тарихидаги энг шонли саҳифани ташкил қилган бўларди. Ҳолбуки, ҳар икки томон ҳам миллий бирлик, тинчлик ва муросага қараб интилган эди. Ҳар икки томоннинг ҳам пировард мақсади Тур-

<sup>13</sup> Хўжаев Ф. Танланган асарлар, 1-том, 452-бет.

<sup>14</sup> Вышинский А. Я. Судебные речи. М., 1948, с. 511.

книстонни яхлит ва бир бутун ҳолда ҳақиқий мустақил давлат ҳолида кўриш эди. Лекин уларнинг бу орзуларини тоталитар режим ҳукм сурган даврда амалга ошириш имконияти йўқ эди. Бироқ Файзулла Хўжаевнинг тинимсиз ҳаракати ва уринишлари беҳуда кетмади. Орадан ярим аср ўтиб, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, унинг орзулари ушалди ва бедор руҳи шод бўлди.

Д. Х. Зияева

### МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШ ВОҚЕАЛАРИ ФАЙЗУЛЛА ХУЖАЕВ ТАЛҚИНИДА

XX аср бошида Туркистон ўлкасида юз берган икки муҳим тарихий ҳодиса — Россия яккаҳокими чоризмга қарши кўтарилган 1916 йил қўзғолони ва 1918 йилдан бошлаб 20 йиллар давомида Совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш воқеалари мустақиллик учун кураш тарихида алоҳида ўрин тутадди.

Айнан шу даврда ўткир сиёсатчи ва арбоб сифатида танилиб, ўз ҳаётини бир умрга халқ тақдири билан боғлаган Ф. Хўжаев бу воқеаларга бефарқ бўлмади, албатта.

20-йилларда ва айниқса, 30 йилларга келиб авж олган мафкуравий тазйиқ, ғоявий тўсиқ, кучли цензура шароитида, мураккаб ва кескин сиёсий вазиятда бу қўзғолон ҳамда курашлар ҳақида ҳаққоний ва ҳолисона фикр-мулоҳазалар билдириш мушкул бўлсада, Ф. Хўжаев ўз салоҳияти ва қатъияти туфайли маълум даражада бунга эриша олди.

1916 йил қўзғолони юз берганда Ф. Хўжаев Бухорода амир зулмига чек қўйиш йўллари устида бош қотириш билан банд эди. Бироқ ўз даврининг чуқур билимли ва ўткир зеҳли вакили сифатида у Туркистон генерал-губернаторлигидаги мустамлака тузум асоратларидан яхши хабардор бўлиб, бу масала хусусида тўғри хулоса чиқара олганди.

1936 йилнинг 1 августида Тошкентда 1916 йил қўзғолонининг 20 йиллигини нишонлаш муносабати билан ўтказилган халқ митингида Ф. Хўжаев ҳукумат раҳбарли сифатида нутқ сўзлаган. У бу тарихий воқеани ўз мулоҳазалари ҳамда аниқ маълумотлар асосида баҳолаб, қимматли фикрларни илгари сурган. Чунинчи, Ф. Хўжаев 1916 йил қўзғолонини Ўрта Осиё меҳнаткашларининг миллий мустамлакачилик зулмига қарши кураш-



ларидаги муҳим босқич сифатида баҳолаган. Қўзғолон сабаблари хусусида тўхталиб қуйидагиларни таъкидлаган: «Подшо ҳукуматининг Туркистон аҳолисини фронт орти ишларига сафарбар этиш ҳақидаги фармониини қўзғолоннинг асосий сабаби сифатида кўрсатиш нотўғридир. Қўзғолон жуда кўп омилларнинг натижаси бўлиб, уларнинг энг муҳими — халқнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги, аҳолининг рус ва маҳаллий буржуазия томонидан зўр бериб эзилишида эди... Уруш туфайли янада кучайган иқтисодий, сиёсий зулм, кескинлашиб кетган синфий ва миллий зиддиятлар қўзғолонга сабаб бўлди, подшо фармони шу оловга ёғ бўлиб қуйилди»<sup>1</sup>.

Шунинг алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, қўзғолон сабабларини фақатгина мардикорликка олиш ҳақидаги олий фармон билан изоҳлашга уринишлар чоризмнинг Туркистондаги маъмурларига ҳамда айрим совет тарихчиларига хос бўлиб, Ф. Хўжаевнинг бу борадаги таъкидлари ҳақиқатни эътироф этиш билан бирга уларга қарши зарба ҳам эди. Бу ўринда чоризмнинг Туркистон маъмурияти ўз айбларини яшириш, олиб бораётган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини тап олмаслик мақсадини кўзлаган бўлса, айрим маркесчи тарихчилар «Туркистоннинг қолоқ ва онгсиз халқларидаги эрк ва озодлик нстаги, сиёсий онг ва манфаатлар большевиклар таъсири остида уйғонди», деган мазмундаги большевикча ақидани сингдириш мақсадида шундай қарашларни илгарин сурдилар.

Туркистондаги 1916 йил арафасидаги аҳволдан ҳамда халқнинг асрий орзу-истаклари, ўтмиш тарихдан яхши хабардор бўлган Ф. Хўжаев бундай қарашларни инкор этади. Аввало Туркистон халқлари бутун ўтмиш давомида миллий озодлик учун босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб боргани, эрк ва озодлик нстаги улар учун энг муқаддас орзу бўлганига тарих шохид. Қолаверса, қўзғолон арафасида ўлкада юзага келган ижтимоий-иқтисодий аҳвол, сиёсий ҳуқуқсизлик, адолатсизлик бундай қўзғалишга олиб келиши шубҳасиз эди. Бу ҳақда Ф. Хўжаев қуйидагиларни қайд этади: «Туркистон аҳолиси ўз юртида бегонадек яшади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларининг бузилиши қонуний ҳол эди, мустамлакачилар эса алоҳида имкониятга эга эдилар... Ўрта Осиё деҳқон ва чорвадорлари ярим феодал дав-

<sup>1</sup> Хўжаев Ф. 1916 йил қўзғолонининг тарихий аҳамияти// Правда Востока, 1936 йил 5 август.

латнинг ҳуқуқсиз қўллари аҳволга солиб қўйилган эди... Урта Осиёда 530 та рус посёлкалари мавжуд бўлиб, улар учун 4 000 000 га энг яхши, унумли, сугорилган ерлар маҳаллий аҳолидан тўловсиз тортиб олиб берилган. Бу ерда яшовчи маҳаллий вакиллар эса ер ва яйловларидан маҳрум бўлиб, тоғу тошларда очлик ва қашшоқликда яшаганлар... Россия империализми пахта етиштирган деҳқонни шилиб, сўриб олди, уруш бошлангач эса нарх-наво (айниқса озиқ-овқат нархи — Д. З.) ошиб турган бир пайтда пахта нархи ниҳоятда пасайтирилди, натижада улар (деҳқонлар — Д. З.) очликка гирифтор бўлдилар: 1916 йилда очарчилик бутун ноҳияларини қамраб олди»<sup>2</sup>.

Қўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби, қўзғолоннинг аҳамияти ва сабоқлари масаласининг ёритилишида Ф. Хўжаев ўз даврининг талабларидан четга чиқа олмагани намоён бўлади. 30 йилларга келиб аллақачон чуқур илдиз отиб улгурган маъмурий-бўйруқбозлик тизими, тоталитар режим шариҳида тарих фанининг сиёсий масала даражасига кўтарилган «большевикча» талқини нафақат ҳукумат раҳбари, ҳатто энг оддий тадқиқотчи учун ҳам ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб қолган эди. 1931 йилдаёқ матбуотда 1916 йил қўзғолонининг «большевикча талқини» муаллифининг сиёсий душман эканлиги ёки эмаслигини аниқловчи бош мезон бўлиб хизмат қилиши ҳақида огоҳлантирувчи кўрсатма — мақола эълон қилинган эди<sup>3</sup>. Даҳшатли қатагон тегирмони «сиёсий душманлар»ни излаётган маънум 1936—1937 йиллар таҳдиди Ф. Хўжаевни бу масалалар ҳусусида вазиятга қараб фикр билдиришга мажбур этди. Бироқ бу унинг қўзғолоннинг асл моҳияти ҳақидаги қарашларини инкор эта олмади. 1916 йил қўзғолони Ф. Хўжаев талқинида «чексиз зулм ва истибоддан кескин норозиликни акс эттирган халқ ҳаракати» шифатида акс эттирилди.

1918 йилдан бошлаб кенг оммавий тус олган, қамрови ва муддати жиҳатидан миллий озодлик курашининг энг йирик кўринишларидан бўлган Совет ҳокимиятига қарши кураш талқинида ҳам Ф. Хўжаев алоҳида ўрин тутди.

<sup>2</sup> Хўжаев Ф. 1916 йил қўзғолонининг тарихий аҳамияти// Правда Востока, 1936 йил 5 август.

<sup>3</sup> Галузо П. За большевистскую концессию восстания 1916 г. в Средней Азии//Туркменоведение, 1931, № 7—9, с. 59—62.

Совет тарихшунослигида «босмачилик» деган тухмат тамғаси ёпиштирилган бу кураш воқеалари ҳақида 1926 йилда илк наشري чоп этилган Катта Совет Энциклопедияси учун маълумот тайёрлаш Ф. Хўжаевга топширилади. Ниҳоятда масъулиятли бу вазифа Ф. Хўжаев учун тақдир ва вайдон синови эди. Файзулла Хужаев ушбу тарихий ҳодиса ҳақидаги ҳақиқатни расмий қарашлар қолипида ёритиш йўлини танлади. Ф. Хўжаев берган таъриф ва баҳо бу курашнинг бош айбдори ва душмани бўлган совет ҳокимиятига маъқул келадиган ва айни пайтда ҳақиқатни ҳам инкор этмайдиган бўлиши лозим эди. Акс ҳолда раҳбарият ва энциклопедия таҳририяти бу вазифани бошқа кишига топшириб, уни ўзи истаган мазмунда ёритиши мумкин ва муқаррар эди.

Ана шу ҳолатларни назарда тутганда бу масъулиятли вазифа ниҳоятда катта маҳорат ва жасорат талаб қилар эди. Айтиш мумкинки, Ф. Хўжаев буни улдасидан чиқишга муваффақ бўлди.

Авалло умуман «босмачилик»ка таъриф бериб, Ф. Хўжаев «босмачилар деб, қадимдан Ўрта Осиёда мавжуд бўлиб келган қуролли ўғри босқинчилар отрядлари назарда тутилгани, улар карвонлар, қишлоқларга ҳужум қилгани»ни қайд этади. Рус подшолиги ҳукмронлиги давридаги «босмачилик» сабабларини Ф. Хўжаев мустамлака маъмурияти томонидан меҳнаткашларни мислсиз эзилиши, рус ва маҳаллий буржуазиянинг деҳқонларни чексиз эзиши билан изоҳлайди, яъни Ф. Хўжаев рус подшолиги ўлкани босиб олгач, «босмачилик» қароқчилик тусини йўқотиб, зулмдан норозилик кўринишига кирганини таъкидлайди.

«Революциядан (Октябрь тўнтарилиши назарда тутилган — Д. З.) кейин эса,— деб ёзади Ф. Хўжаев,— бу ҳаракат аниқ сиёсий, советларга қарши тус олиб, Ўрта Осиёнинг уччала республикаси — Туркистон, Бухоро, Хоразмда деҳқонларнинг деярли оммавий ҳаракатига айланган»<sup>4</sup>. Бу таъриф «босмачилик — эксплуататор синфларнинг меҳнаткашлар ҳукмронлигини ўрнатилишига қарши кўтарган синфий кураши эди»,— деган большевикча ақидани мутлақо инкор этади, бу ҳаракат деярли барча деҳқонларни (демак, маҳаллий аҳолининг асосий қисмини — Д. З.) ўзига жалб этган.

---

<sup>4</sup> Катта Совет Энциклопедияси. М., 1926, 3-жилд, 35—38-бетлар.

Совет ҳокимиятига қарши қаратилган сиёсий ҳаракат экамлигини кўрсатиб беради. Ф. Хўжаев бу ҳаракатга Кўр Шермат, Иброҳимбекларгина эмас, балки маҳаллий зиёлилар, муллалар ва бойлар ҳам бош бўлганини қайд этади. Курашнинг оммавий тус олиб, узоқ давом этишини эса иқтисодий сабаблар ҳамда маҳаллий Совет ҳокимиятининг Туркистон туб жой аҳолисининг миллий хусусиятларини ҳисобга олмагани билан изоҳлайди. Ҳаракатнинг кенг ва оммавий тарқалиши Қизил гвардия томонидан «Кўқон мухторияти»нинг тугатилиши билан бошланган, деб кўрсатиб ўтади.

Ушбу кураш воқеаларини ёритишда Ф. Хўжаев «босмачилик» тухмат тамғаси остидаги расмий қарашлар қолинида моҳирлик ва шарқона дипломатия билан бу курашнинг асл моҳияти ва сабабларини очиб беришга муваффақ бўладики, бунинг натижасида Катта Совет Энциклопедиясида большевиклар «босмачилик» сифатида қоралаган кураш аслида совет ҳукуматига қарши оммавий тус олган сиёсий ҳаракат экамлигини қайд этишга эришилади. Ф. Хўжаев ўз халқини тухмат тошидан вақтинча бўлса ҳам сақлаб қолди. Бу албатта катта жасорат эди.

Катта Совет Энциклопедиясининг иккинчи, учинчи нашрларида бундай жасоратга йўл қўйилмади. Масалан, учинчи нашрида «босмачилик — Урта Осиёдаги 1917—1926 йиллардаги қуролли миллатчилик ҳаракати бўлиб, бой, қулоқ, мулла, миллий буржуазия, феодалларнинг Совет ҳокимиятига қарши синфий курашнинг кескин кўринишидир» деб таъриф берилди<sup>5</sup>. Катта Совет Энциклопедиясининг 1950 йилда чоп этилган иккинчи нашрида ҳам шу мазмунда маълумот берилган<sup>6</sup>.

Файзулла Хўжаевнинг бу жасорати бошқа тарихий хизматлари билан биргаликда қимматга тушди — у «миллатчи» сифатида қатағон этилди. Халқ ва ватан манфаатлари йўлида хизмат қилган, мустақиллик учун кураш ғояларига содиқ қолган бу улуг инсон хотираси бугунги кунда мустақил Ватан ва озод халқ қалбида абадий сақланади.

<sup>5</sup> Большая Советская Энциклопедия. М., 1970. Том 3, с. 29.

<sup>6</sup> Большая Советская Энциклопедия. М., 1950. Том 4, с. 286—287.

Ф. Хўжаев

## БУХОРО ИНҚИЛОБИНИНГ ТАРИХИГА МАТЕРИАЛЛАР

ЎЗУВЧИДАН

Ушбу асар Бухородаги инқилобий ҳаракат тарихини ва қисман маҳаллий зиёлиларнинг — жадидчилик ҳаракати тарихини ҳужжатлар, хусусий хотиралар ва муосирларнинг шаҳодати бўйича юзага чиқармоқлик йўлида бир тажрибадан иборатдир.

1921—22 йилда мазкур мавзуда «Бухоро инқилоби тарихига оид материаллар» деган номда Айнийнинг бир китоби чиқди. Айний жадидчиликнинг зуҳурдан бошлаб ишлаган ҳам унинг раҳбар ва муассасаларидан биридир.

Айнийнинг асари жадидчилик ҳаракатининг айрим даврларини тасвир этадурган жуда қимматлик материаллари ичига оладир. Бу асар руҳий жиҳатдан айниқса қизиқ бўлиб, жадидчилик ҳаракатининг айрим раҳбарлари ва шу жумладан Айнийнинг ўзининг кечирган ҳаёти ва туйғуларини чиройлик қилиб тасвир этадир.

Лекин Айнийнинг бу асари Бухоро инқилоби тарихи учун қимматлик материал бўлиши билан баробар, маънааассуф, бирмунча катта камчиликлари ҳам бордир. Бу камчиликлар ҳозирги кунгача ўзини ғойиб этмаган ва ижтимоий-инқилобий ҳаракат бўлган жадидчиликнинг тарихи характерини (таърифламасини) янглишлиққа солиш билангина қолмасдан, балки унга нотўғри ҳам ортиқча мужаррад баҳо бериб қўядир.

Ҳаммадан қизиғи шундадир, ки Айний жадидчилик билан большевизмни бир-бирига жуда қаттиқ боғлаган ва узилмайдурган бир нарса деб кўрсатишга урунадир.

Кейинги вақтларда фирқанинг зиёлиларга алоқаси муносабати билан жадидчилик тарихи фирқа ва шўро доираларини яна қайтадан қизиқдира бошлади. Маҳаллий ва марказий матбуот саҳифаларида, илмий жур-

налларда бу мавзуъда мақолалар кўрина бошламоқда- дир // [4]. Лекин Айнининг китобида ва бошқа айрим мақолаларда жадидчиликнинг ички динамикаси (қувват ва ҳаракати) очилмаган, равшан қилинмаган ва текширилмаган ҳолда қоладир. Айнининг китобида жадидчилик ташкилотининг мураккаб ва қарама-қарши тараққиётни ҳеч бир тасвир этилмагандир.

Ёш бухороликлар ҳаракати деб маълум бўлган ҳаракатни улар жадидчилик ҳаракати билан аралаштирдилар.

Бўлиб ўтмиш воқеаларга бирмунча равшанлик бериш зарурати фақат бир тарихий маълумот (справка) нуқтан назаридан эмас, балки бизнинг кўз олдимизда ўтган айрим инқилобий ҳаракатларга баҳо бериш юзасидан муҳимдир.

Шу мақсад билан ёзувчи ўзидаги ва бошқа ўртоқлардан бўлган материалларни йиғиб, қисман хотирада қолган эсдаликлар бўйинча «Жадидчиликдан Бухоро Коммунист фирқасига» деган ушбу асарни ёзиб чиқармоққа қарор қилди.

Ёзувчи очикдан-очиқ эътироф этадир, ки асосан эсдаликларга суяниб ва шошилиш билан ёзилган бу асар Бухоро, айниқса ҳозирги Ўзбекистон доирасидаги озодлик ҳаракатига муҳим таҳлил бера олмайди (бу — Урта Осиёдаги инқилобий ҳаракатларни ёзғучи истиқлолдаги муаррихларнинг ишидир). Аммо ҳар ҳолда ул ишонадир, ки бу кичкина асар шарқдаги ва қисман Бухородаги озодлик ҳаракатини билишга қизиққанларга маълум фойдани бера олса керак, юқорида кўрсатилган асардаги хатолар ва аниқ бўлмаган нарсалар, мазкур воқеаларда иштирок эткан ва ҳозир ҳаёт бўлган биродарлар томонидан тузатилса керак // [5].

### ЖАДИДЛИКНИНГ МАНБАЪИ

Рус-япон уруши ва 1905 йил инқилобидан кейин Бухоро ҳам Туркистон ерлик халқининг тараққийпарвар ва маълумотлик доираларида мутараққий унсурларнинг жонлик ҳаракати кўрина бошлади. Бу ҳаракат кейин-кейин жадидлик номини олди.

1905 йилдаги рус инқилоби Оврупай русийнинг ўзидаги кейинда қолган халқлар ва шу жумладан турк-тотор қавмлари орасида ижтимоий ҳаракатга бевосита таъсир қилди, умумий инқилобий ва миллий фирқа ҳам

гуруҳларнинг туғилишига йўл очди ва инқилобий ҳаракат илдиз отиб кенгайган сари ул Туркистон ярим мустақил давлат бўлган Бухоро, Хоразмга ўхшаш узоқ жойларда ҳам воқеъларнинг инкишоф этишга тазйиқ кўрсатти.

Натижада бу инқилобий ҳаракат Урта Осиёнинг ўзига билинмасдан туриб, уни Русиянинг ижтимоий-сиёсий инкишофотининг бориши билан қаттиқ боғлаб қўйди. Масалан, Марказий Русиянинг тоторлари, Қрим ва Қофқоз турклари бир қанча йиллаб Урта Осиё халқларининг сиёсий ва маданий тараққиёт инкишофотининг бутун умумий боришига таъсир қилиб келдилар.

Уларнинг «Таржимон», «Вақт» газеталари ва кейинги йилларда кулги «Мулла Насриддин» журналлари Урта Осиё халқларидан тараққий ва миллий озодлик мафқураларининг ўсишида катта рол ўйнадилар.

«Жадид» номи остида Урта Осиёнинг бутун тараққийпарвар кучлари бирлашиб, кураш олиб бордилар, «Қадим» номи остида иртижоъ (тесқарлик)нинг бутун кучлари онглашилди. «Жадид» (янги), «қадим» (эски) сўзлари аслида араб сўзлари бўлса ҳам булар // [6] тоторлардан келгандир. Хур фикрлик ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим тўдаларидан бошланиб Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Самарқандда очилган маданий маориф жамъиятлари шаклидаги уюшмаларидан жадидчилик ташкилоти таркиб бўлди.

Бу жамъиятлар аввал бошлаб мавжуд бўлган мактабларни ислоҳ қилиш учун ташвиқот юргизди, ундан кейин дунёвий маълумот олмоқ зарурлиги йўлида ва унча катта бўлмаган ислоҳотлар талабида қойим бўлди. Ўзининг ўсиб бориши баробарида аввал, маълумки Туркистонда расмий маданий-маориф характеридаги бир ҳаракатга айланди, кейин натижада ўзининг бу маданий-маориф талабларига яна майда идоравий ислоҳотларни қўшиб олди. 1917 йил инқилобидан кейин Туркистон муҳторияти байроғи остида борди.

Бухорода ҳаракат бошқа йўл билан борди. Бухоро жадидчилиги деҳқонлар ва майда савдогарларга тушадурган солиқ оғирлиқларини енгил қилиш ҳам солиқ ишларини умумий тартибга солиш тўғрисида очилган гапдан бошлаб, тадрижий суратда кўп аъзолар, шўъбалар ва Бухоро халқининг ҳар хил табақалари орасидаги ўзига хайрихоҳ омма билан бирга ҳақиқий бир яширин жамъиятга айлана борди.

Бундан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Туркистон ва Бухоро миллий озодлик ҳаракати йўлидаги фарқ ўшал вақтда Русия Туркистони ва ярим мустақил Бухорода бўлган иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг фарқидан оқиб чиқмишдир. Туркистон, Бухорога инсбатан, хўжалик ишлари яхши, зубда рус ишчилари кўп, ҳам рус сиёсий фирқаларининг анчагина тараққий топган жойи бўлганидан, подшоҳ — сармоядорларининг икки ёқлама зулми остида ётган Ўрта аср Бухоросига қараганда унда тараққиёт мафкураларининг ўсиши учун қулай шароит бор эди.

Расмий суратда ишлашга имконият борлиги Туркистон жадидларини расмий йўлга туширишга сабаб бўлди; амир зулмининг оғирлиги Бухоро жадидларини яширин жамъият тузишга мажбур этди // [7].

1905 йил рус инқилобини манбаъ қилиб олган Туркистон ва Бухоро жадидчилиги, бора-бора бир-бирдан ажралди, тўғриси айтганда Туркистон ва Бухорода жадидчилик алоҳида ташкилот шакллари олдди, ки бу — уларнинг сиёсий тараққиёт йўллари тайинлади.

Шубҳасиз, Бухорода жадидлар томонидан ваъз этиладурган фикрлар Туркистонда ҳам тақсим олдди ва аксинча ўшал вақтда Туркистон ва Бухоро жадид ташкилотлари орасида мақсад ҳам ва сиёсат бирлиги йўқ эди.

Туркистоннинг айрим жадидлари ўшал вақтда ҳам бу фарқни ангадилар ва Бухоро ҳам Туркистон жадид ташкилотларидаги иш кураш ва сиёсатнинг тафриқасига қарамасдан, умумий яхши натижаларга эришмак учун бутун кучлари билан ҳаракатда бўлдилар. Бу тўғрида Маҳмудхўжа Беҳбудий\*ни хотирга олмай ўтиш мумкин эмас. Сиёсий, ижтимоий хизмат ҳам ҳар хил маълумот жиҳатидан ўшал вақтдаги Туркистон жадидларидан ҳеч ким унинг билан тенг бўла олмаса керак.

Бухоро жадидлари тўғрисида шуни этиш керак, ки улар ўрта аср зулмларига эга бўлган амирлардан ва Бухородаги қора сиёсий шароитдан норози бўлган айрим тараққийпарвар унсурлардан иборат бўлиб, аввал бошида ҳеч қандай фирқавий ташкилот шаклига мо-

---

\* Маҳмудхўжа Беҳбудий бир неча инқилобий нъесалар ёзган. «Ойна» журналининг муҳаррир ва ношири бўлиб, Самарқандда жадид ҳаракатининг раҳбари эди. 1917 йил Бухоро воқеасида фаол иштирок этган ва ўзбекларнинг маълум жамоат ходими эди. Қарши (ҳозирги Беҳбудий) шаҳарида Амир томонидан ўлдирилди.



лик эмас эдилар, ҳам бир сиёсий фирқа бўлмай, балки ҳукуматга қарши турғучи зиёлилар тўдасидан мураккаб эдилар. Лекин ҳар ҳолда мана шу тўда, натижада кучлик миллий маданий ҳаракатга айланган ва жадидчиликнинг номи билан маълум бўлган ташкилотнинг бошланғичи эди // [8].

Жадидчилик ҳаракати фақат 1910 йилда бир ташкилот характерига эга бўлди, ки бу вақтда Туркия ҳам Эрон инқилоблари таъсири остида бутун ислом шарқи очиқ миллий-инқилобий уйғониш билан ўралиб олган эди.

## АМИР БУХОРОСИ

Жадидчилик ва натижада ёш бухороликлар ташкилоти бўлган жамъиятнинг мақсад, состав ҳам сиёсати нимадан иборат эди?

Унга қандай шароитда ишлашликка тўғри келди?

Айниининг айтишича бутун ишлар бирдан, сеҳр-афсулдек чиқиб қолади, жадидчилик мафкураси Аҳмад Қалланинг\* бошида кучга ошадир; биз бундан фарқли ўлароқ, иқтисодий, маданий-сиёсий шароитдан бошламқни зарур топамиз, ки мана шу соҳада ва шунинг юзасидан жадидчилик инқишоф этти.

Бу асар, албатта, бир илмий тадқиқ эмас ва биз амир Бухоросини матлуб даражада таҳлил қилмоқ даъвосида эмасмиз; лекин ҳар ҳолда, Бухоро халқининг ижтимоий алоқалари ва айрим табақа ҳам гуруҳлар орасидаги қаршиликларга енгил бир йўсинда қараб кетмакин биз жуда зарур деб фикр қиламиз, чунки инқилобдан илгариги Бухорода мавжуд бўлган ушбу кучларнинг ўзаро ҳаракатлари ва мазкур курашларга боқланиб алоқада бўлинмаса, туриб жадидчилик ҳаракати тасодифий ва мажхул бир ҳолда қолади.

Ўшал вақтдаги Бухоро, ҳатто сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ғарбга қараганда бир неча ўн йиллар кейинда қолган чор Русияси билан солиштирилиб қараганда ҳам, ажойиб ва маъжуб бир муҳофазакорлик — эскилик (анахронизм)дан иборат эди.

Жуғрофий ҳолатдан Ўрта Осиёнинг ичкарисида бўлиши, ҳозирги замон маданиятининг йўлларидан узоқлиги, лекин қадимги дунё йўлларининг энг марказида

\* *Аҳмади Қалла* — Аҳмади Донинининг лақаби (*Ред.*).

бўлиши, эзилган ва саводсиз халқ ва шунинг билан баробар // [9]. Ҳозирги замонимизда албатта бир эскиликдан иборат бўлиб қолган араб-эрон маданиятининг ҳар қадамда учрайдурган излари, амирнинг сиёсий кўринишдан рус найзалари билан сунъий суратда сақланадурган ва эскилик ҳолида маҳфуз этиладурган оғир зулми ва бутун икки зулмат оддий қурилиши амир Бухоросининг умумий ҳоли эди.

Амир идорасидан бошқа ҳеч қандай қонун чиқаргучи бир куч (Законодательный орган) шариятнинг диний қонуларидан бошқа ҳеч қандай бир қонун ва Бухоро халқида шахсий ва мулкӣй бир амонат (неприкосновенность) йўқ эди. Амирнинг буйруғи билан истанилган вақтда истанилган киши тутилар ва унинг мулкӣ мусодара этилар эди. Бухоро сайлаб қўйиладурган ҳеч қандай бир идорани билмас эди. Мамлакатни идора қилиш ишлари халқ ва маъмурлар томонидан тафтиш этилмас, бу тўғридаги йўл-йўриқлар жимжит сарой кансалариясида берилар эди. Табиий, бу усул орқасида порахўрлик ва бузуқлик жуда тез илдиз олиб кетти. Амирнинг маъмурларига солиқ тўлайдирган халқ ҳатто ўзининг тўлаган пулларининг қаёққа кетишини билиб тасалли топиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди. Давлат даромади ва баромадларини амирнинг хусусий рўзғоридан ажратиш бир ёқда турсин, шундай катта бир мамлакат худди амирнинг уй-рўзғоридек идора қилинар эди. Ҳақиқатан бу шундай эди: амирлар бутун Бухорога ўзларининг мулкларидек худди уларнинг уй-рўзғори деб қарар ва шундай фаҳмлар эдилар.

Буларнинг ҳаммаси ёш феодализм даври учун оддий бир нарса бўлиб, ўрта асрлардаги Европада ҳам шундай эди. Урта аср Европасида ҳам давлатий ҳуқуқ ва шахсий ҳуқуқ ишлари идора қилинғучилар ва идорачиларнинг фикрида — шуурида ҳеч бир чекланмаган эди.

Қишлоқларда ярим натура (табиий) рўзғор-хўжалик ҳукм суриб баъзи жойларда (Шарқий Бухорода)ги рўзғорлар ҳатто натура характеридадур // [10]. Лекин ҳар ҳолда Бухоро хўжалигини умуман натуралний (табиий) деб ҳисоблаш қўпол бир хато бўлар эди, ки бу баъзида учраб қоладир.

Русия билан иқтисодий алоқаларнинг ўсиши таъсири остида Бухоро хўжалигида техника экинлари бошлича пахта катта ва катта рол ўйнай бошлади, ки бу, албатта, табиийлик (натуралнийлик) билан бир жойга

сиға олмайди. Бу деҳқон рўзгорининг мато (товарний) рўзгор эканини очикдан-очик кўрсатади. Мана шу товарност (маточилик) тўғрисида мукаммал тўхтамоғимиз лозим.

Урта Осиёни туташ ишғол қилиб олган рус капитализми ўзининг банклари, савдо канторалари билан уни хўб қоплаб олиб, деҳқонларнинг хом ошёсини зўр бериб сотиб олди ва Урта Осиёга ўзининг газлама ҳам бошқа фабрик маҳсулотини кирита берди. Мана шу рус капитализми ўзининг боришида Туркистон ва Бухоронинг иқтисодига (экономикасига) ҳам шунинг билан баробар уларнинг ижтимоий қурилишларига анча чуқур ўзгаришлар киритди.

Европо капитализм маданияти ўзига оид бўлган бутун манфий ва мусбат ҳодисалари билан кириб, кейинги ўн йилларда Туркистоннинг қиёфасини жуда ўзгартириб юборди. Чунончи: капитализм кириши билан деҳқон рўзгори маточиликка айланди, деҳқонлар камбағал ва бой табақаларига ажралдилар, савдо капитали ўсди, феодализм ва уруғ-аймоқ алоқалари қақшаб йўққа юз тутди ва бошқалар.

Бухорода ҳам шундай ҳодисалар бўлди, оталиқ дари ва ўрта аср ҳаётида бўлган Бухорога ҳам рус капитализми кира бошлади, лекин Туркистонга қараганда анча заиф эди.

Амир ҳукумати ҳам ундан чиқадирган натижалар капитализмнинг ўсишига асосий монёв бўлди. Ҳуқуқий асосларнинг йўқлиги маҳаллий капитализмга табиий суратда ўсишга имконият бермади; капитализмгача бўлган ва амир томонидан кучайтириладурган эски тартиблар: маъмурларнинг «боқилиши», атрофлардаги уруғ-аймоқ феодализм бошлиқлари // [11] ва бутун мамлакатда руҳонийларга берилган лавозимлар ҳам Бухоронинг Европолашмоғига катта тўсуқ бўлди.

Эски араб-форс маданияти Бухорода ўзига мустақкам уя солиб олганлигини юқорида этиб эдим. Ҳисобсиз мактаблар, мадрасалар, файласуфлар, ёзувчилар ва алоҳида маълум олимлар ўз вақтида Бухорони араб-форс маданиятининг мунаввар бир жойга айлантирган эдилар. Бутун Урта Осиёда ва умуман сунний мазҳабдаги мусулмонлар орасида Бухоронинг руҳоний таъсири катта эди.

Бухоро амирлари мусулмон дунёсида турк халифаларидан кейин иккинчи ҳукмрон деб ҳисоб қилинар эдилар. Инқилобгача Туркистон ва Русиянинг ўн минг-

лаб мусулмонлари Бухоронинг руҳоний мактабларида ўқудилар.

Исломининг Урта Осиёдаги руҳоний маркази бўлган Бухоронинг мана шу хусусияти унда ҳар қандай ислохотни лозим ва шунинг билан бирга қийини бир ҳолга қўядир.

Эски руҳоний маданият ва унга содиқ хизматкор бўлган муллалар — руҳонийлар юз йиллар давомида жонларини илтириб олиш ҳам уларга раҳбарлик қилиш учун тадбирлик аппарат туздилар. Бухоро амири руҳонийларнинг қудратлик ҳукмронлиги (теократiasi) билан ихота қилиб олинган эди. Бухоро руҳонийлари Бухоро халқининг 3 прасантини ташкил қиладурган руҳоний кишилар эканликлари билан диққатни жалб қилар эдилар. Булар — мактаб кўрган, саводхон (саводсиз мамлакатда бунинг аҳамияти катта эди), яхши муташаккал, интизомлик ва бундан ташқари мадрасаларга вақф қилиниб кетилган жойларга эга бўлиб, моддий жиҳатдан катта кучга соҳиб эдилар; вақф даромадлари руҳонийларнинг ихтиёрида эди.

Руҳонийлар яна маъмурлик учун кишилар берадурган асосий манбаъ эдилар. Суд ва адлия ишлари мулкларининг қўлида эди: кичкина // [12] бир масжиднинг имоми ҳам қози бўла олар, қози бўлмоққа ўзини чоғлар эди. Шундай қилиб, муташаккал, давлат билан алоқалик сиёсий бир марказга эга эди, ки бу 12 муфти, бир охун ва бир қозикалондан иборат бўлар эди.

Амир ва руҳонийлардан иборат бўлган бу икки кучнинг бирлиги, гўё, Бухоро ҳукуматининг (Бухородаги асосий каттаконларнинг) бузилмас кучини ташкил қилар эди. Бу каттаконлар бутун идора, суд ва илм-маориф ишларини ўз қўлларига монополия қилиб олдилар. Халққа дунёвий илм олишга имконият бериши — ўз қаршиларини тайёрламоқ, ўрта асрнинг ягона ва суякларга сиғиб кетган усул идорасига қозик қоқмоқ демак эди, ки Бухоро шу усулда идора қилинди ва шу сабабдан дунёвий илм олишга имконият бермади. Бухоро ҳукумати ҳар томондан эски усулдаги мактаб, мадрасалар, муқаддас ва охират китобларини ўргатадурган руҳоний илмларни ривож олдириб, Евруно усул таълимидан олабдан қўрққандек қўрқди. Бухоро ҳукумати табиий шавқ билан хис этди, ки ҳисоб ва табиийёт илмлари — капитализм маданиятининг энг содиқ хизматкорларидир, булар жонлик апахронизм бўлган амир Бухоросини йўқ қиладилар. Иккинчи томондан, демократия ва

савдо капиталининг мафкурачилари бўлган жадидлар ўз маслақларида энг олдин янги усул мактабларини, Ёвропо илмларини ва оз бўлса ҳам матбуот эркинлигини талаб қилдилар. Улар тўғри фикр қилар эдилар, ки фақат мана шу зарур маданий шароит туғилгандагина озодлик кураши мумкиндир // [13].

### АМИР БУХОРОСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҚУРИЛИШИ (СТРУКТУРАСИ)

Ижтимоий ўз оро алоқа, ижтимоий муҳит қандай эди, ки шулар ичида Бухорода ишлашга тўғри келадир?

Бухоро халқининг айрим гуруҳларининг ижтимоий ва сиёсий қиёфати (физиономияси) қандай эди?

Ижтимоий иҳромнинг юқори учидан бошлаймиз.

Юқорида катта маъмурлар ва руҳонийлар турар эди. Юқорида уларнинг бир-бирлари билан қандай зич алоқада эканликлари кўрсатиб ўтилди, бу алоқа шундай зич эди, ки бир кишининг ўзи, масалан, амирнинг ўзи ва қозин Қалон, олий дунёвий ишлар билан бирга руҳоний вазифаларни ҳам адо қилар эди.

Халқни доимо талаб туриш натижасида уларнинг қўлида анчагина бойликлар тўпланиб қолди. Мана бу нарса халқнинг бу тўдасига сармоя билан саррофлик қилмоқ машғулиятига йўл очди. Маъмурларнинг савдогарларга қарз беришлари, маъмурларнинг савдо ишларига пул бериб туришлари олдинки бир ҳол олди, ки шундай қилиб булар қарз бергучиларга боғланиб қолдилар.

Маъмурлар, руҳонийлар, пулдор аристократлар бир-бирларидан ажралиб кетмадилар, улар бириккан кампания ва амир Бухоросининг ярқиллаган улуғлари бўлдилар, ки бу савдо капитализмининг ёш даврида олдинки бир ҳолдир.

Албатта, халқнинг бу қисмида қанчалик тараққий-парварлик мафкураси борлигини ҳисоблаш қийин эди. Халқнинг бу қисми, шубҳасиз амирга содиқ ва ҳар қандай зулмат ваҳшатнинг энг умидлик суянчиси эди.

Бундан кейин Бухоро бойларининг (кўнасларининг) [кўпец, савдогарларининг] табақаси келадир // [14]. Кўп ёврополиклар, мана шу Бухоро бойлари жадидчилик ҳаракатининг бош суянчиси ва асоси деб этадилар. Бу — ҳеч тўғри эмас. Иш бундадир, ки Бухорода катта ва мустақил бойлар жуда оз эди; қолганлари эса рус савдо фирмалари ва банкларининг воситачилари

ҳам даллоллари эдилар. Улар рус капиталистларининг эксплотациясини (истисморини) ўтказишга хизмат этдилар. Уларнинг иши рус капитализмига хизмат қилиш бўлди. Бу — мустақил тижорат фаолияти бўлмай, балки хўжайинга ишлаб бериш бўлди.

Буларнинг ҳаммаси банкларга донмий қарздор эдилар.

Бухоро бойларининг рус капиталига боғлиқлиги қолишлари уларнинг пул жиҳатидан кучсизликлари, тўлов қобилиятларининг заифлиги орақасида яна кучайди, бу заифликлар ўшал вақтда қарзлар тўғрисида жорий бўлган қонунларнинг тақозоси билан яна ортди ва ривож олди.

Ҳеч бир Бухоро бойи йўқ эди, ки ул синмаган бўлсин. Бундай синишлар кўпинча маҳаллий бойларга таъсир қилди, қарзни ундириш учун синган одамнинг мулкларини сотиш-хатлаш кўп тарқалган ва бунда энг олдин банкларнинг даъволари қопланар, фақат қолганларигина бойларни қаноатлантирар эди. Бойларнинг кўпчилик қисми муайян бир шаклга эга бўлмаган, иртижочи эди. Унинг бошқа халқ орасида фарқи оз эди. Бойлар ҳам умум халққа ўхшаш қора ва чала савод бўлиб, рус капитали ва саррофлик қилғувчи катта маъмурларга боғлиқ бўлиб қолишлари уларни жорий бўлиб турган қурилиш билан марбуд этди; улар амирликнинг ярим мустафал хизматкорлари бўлиб қолдилар. Бу боғлиқлиқ — бойларни медаль ва заррин чопонларга қуллуқ қилишларини фақат оширди.

Маълумдир, ки биз жадидчиликнинг чиқишини донмо оғиб турғувчи ва саботсиз бу савдо тўдасидан изла-маслигимиз керак.

Албатта, жадидчилик савдо капиталининг олдинги қисмининг манфаатини кўзлаган бўлса ҳам, лекин ул бевосита шу савдо синфининг қўли билан тузилгани йўқ // [15].

Бухорода савдогарлардан кейин ўзининг иқтисодий қудрати бўйича қишлоқ бойлари (кулаклари) келадир. Бу қишлоқ бойлари кўпинча натура хўжалиги билан кечиниб, анчагина мустақилдир. Улар бошқаларга қараганда атрофдаги таъсирларга камроқ берилганлар ва ўзларининг уруғ-аймоқ алоқалари ҳам иқтисодий кучлари сабабидан теварак четдаги деҳқонлар орасида катта обрўга эгадирлар.

Ана худди шулар руҳонийлар билан бирга ҳар хил ислоҳотга қарши қўрқинчилик ва кучли душман, ҳам

эски тартибнинг ортиқ даражада содиқ мудофаачилари эдилар.

Нима учун? Буни ҳозир айтамыз.

Уларнинг ерлари унча кўп эмас, ўрта ҳисоб билан 30—20 десятина бўлиб, катта ер эгаси деб аташ қийин. Аммо уларнинг ҳозирги вақтдаги маънисидагидек оддий кулак, яъний оддий бой деҳқон ҳам эмасдирлар.

Гап ҳаммаси шунда, ки уларнинг ери яхши бўлиб, «мулк» ва «мулкхўр», деб аталадир, бу ерларнинг бир қисми суғориладиган ва «танҳо» деб аталадургани баҳорикор бўладур. Бир кишининг баҳорикор ерлари 150—100 десятинаяча етиб борадур. «Танҳо» ерлар айниқса Ўрта ва Шарқий Бухорода кўп.

«Мулкхўр»лар ҳам, «танҳо»лар ҳам амир томонидан ҳадъя қилинган ерлар бўлиб, у ўзинча бир навъ шарқ бинифицияларидир, ки бу бинифициялар билан ўрта аср Европоси яхши ошно эди. Ҳукумат бошлиғи бундай ерларни хизмат кўрсатгани учун ўзининг маъмурларига берадур, аммо ҳақиқатда улар хизмат қилмайдилар; булар ўзларининг ерларида худди бир кичкина чинакам феодал (ер беги) бўлиб яшайдурлар. Улар ерларни ўзлари ишламайдурлар; бу ерларни чорикорлар ишлаб, улар ўз ишлари учун ҳосилдан тўртдан бир қисмини оладурлар. Бундай «кулаклар», айниқса Шарқий Бухорода кўп. Бу // [16] ерларининг бошқа қисмларида, ҳосилнинг одатда давлат фойдаси учун кетадурган 40 просенти, мазкур ерларни ҳадъяга олган маъмурлар фойдасига бериладур; давлатнинг мана шу қирқ просенти (40%) «танҳо» деб аталадур.

Амирлар ўзларининг нима иш қилганликларини ўзлари билар эдилар. Улар мана шу ҳадъялар орқали атрофда қабила ва уруғларнинг улуғларидан ўзларига содиқ хизматкорлар тайёрлаб, шулар воситаси билан атрофдаги нотинч халқни идора қилар эдилар.

Номус кучлик қилса ҳам айтиш керак, ки бизга инқилобдан кейинроқ бир неча марталаб ушбу уруғ-аймоқ отлик ҳокимиятидан фойдаланишга, уруғ-аймоқ ва қабилаларнинг обрўли улуғларига бизга ёрдам беришлари учун мурожаат қилмоққа тўғри келди.

Бундан кейин мато ишлаб чиқарувчи асосий майда деҳқонлар оммаси келади. Мана шу деҳқонлар амир саройининг ва руҳонийларнинг зеб-зийнат исрофлари, ҳам сафоҳатларини ўз елкаларида ташидилар, худди мана шу деҳқонлар маҳаллий сармойани ва рус сармойадорларининг фойдаларини ташкил қилдилар, мана шу

деҳқонларнинг ҳисобига улардан олинган пора ва ришватлар ҳисобига жуда кўп таъмахўр ва тўймас маъмурлар яшаб келди, лекин ўзининг ҳуқуқсизлиги, ўз елкасига тушадурган иқтисодий оғирликларга қарамасдан ялпи деҳқон оммасида ўшал вақтда инқилобий руҳ йўқ эди.

Туркистонни рус ҳукумати ишғол қилгунча Ўрта ва Шарқий Бухорода қандай бўлса ҳам бир инқилобий ташкилот ёки қандай бўлса ҳам бир масала юзасидан ўздан-ўзи чиққан бир қўзғалонни тузиш ва ёхуд шуларга ёрдам бериш учун деҳқонлар жуда қора, эзилган, саводсиз ҳам руҳонийлар панжасида қаттиқ сиқилган эдилар; бу қўзғалонлар ҳар гал амирларнинг кучлари билан босилар эди. Лекин, албатта, иккинчи жиҳатдан, деҳқонлар эскилик (иртижо)нинг суянчиғи ҳам эмас эдилар // [17]. Булар ҳолис ва ҳаракатсиз (пассив) бир омма эдилар.

Бухорода чин маъноси билан пролетариат, яъни фабрик- завод ишчилари йўқ каби эди.

Рус чор ҳукумати сиёсий мустамлака жойларда маҳаллий миллий саноат тузишга ҳар жиҳатдан монетарлик қилди. Бу атрофдаги жойлар марказ учун фақат хом ашё тайёрлаб берадурган манбаъ бўлиб, шундан бошқа нарса эмас эди.

Бир неча пахта заводлари, албатта, Бухорода пролетариат туза олмадилар. Маҳаллий пролетариат синфининг йўқлиги инқилобий ҳаракатларга жуда ноқулай таъсир қилди: пролетариат йўқлигидан бу ҳаракатлар заифланди ва бузилиб кетди.

Бухоро жадидлари ва кейинги вақтда ёш бухорликлар, ўз орқасида муташаккал пролетариат кучларини сезмасдан, юқорида кўрган импоздек халқ табақаларида умидлик суянчиққа эга эмас эдилар, табиий, ихтиёт билан ишлашга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари, пролетариатнинг йўқлиги ва ҳатто савдогарлар синфи бўлса ҳам бошқа бир иттифоқдош топининг зарурлиги ҳаракатда миллият шнорларини илгари сурди ва билиб туриб ёки билмасдан туриб ижтимоий қаршиликларни суваб юборди.

Аммо ҳар ҳолда Бухорода ярим пролетариат унсурлари бор эди: ҳаммоллар, сувчилар, дўзандалар ва ҳар хил ихтисос кустарлари ҳам мастеровойлар бор эди. Буларнинг ҳаммалари бирга 10.000 дан ортиқ ҳисоб қилинар эдилар.



Ҳоким доиралар амрнинг маъмурлари ҳам руҳонийлар билан иқтисодий жиҳатдан боғланмаган, лекин ўз орқаларида оғир солиқлар ва амир зулмини ташиган бу одамлар шаҳарда яшаганлари учун анча ўсган ва ҳаракатчи эдилар, агарда раҳбарлик қиладурган бир марказ бўлса, улар яхши инқилобий материал бўлиб хизмат қила олар эдилар. Лекин, мутаассиф, бундай марказ йўқ эди // [18].

Халқда ҳақиқий инқилобий омил бўлиб ишлаб оладурган яна бир гуруҳ бор эди; булар — қишлоқ ишчилари ва ерсиз деҳқонлар. Бухорода қишлоқ ишчиларининг ҳаммаси бир неча минг бор эди. Булар кўпинча Шарқий Бухоро, Фарм ва Кўлоб районлари, яна Чоржўй (туркман) ҳам Қаракўл (ўзбек)дан чиқдилар.

Амир, беклар, ҳам вақф ерларини ҳосилнинг бир қисми учун ишлаб берадурган йиғирма минглаб деҳқонлар ҳаракатдан бир четда қолдилар, лекин, шубҳасиз, шаҳар камбағаллари даражасида бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу қишлоқ камбағаллари табақасини инқилобий ишга тортмоқ ва фаол инқилобчи қилмоқ жуда мумкин эди.

У ва шуларнинг, қишлоқ хўжалик ишчиларининг ҳам «инимкор»ларнинг уюшмаганлиги, қоралиги, эзилганлиги ва ҳам уларнинг тарқоқлиги бу икки гуруҳни жадидларнинг назаридан нарига ташлади.

## ЖАДИД ТАШКИЛОТИНИНГ ҲАЙАТ ВА МАҚСАДИ

Жадидлар кимлар эди? Жадид ташкилоти, кўпинча, кимлардан ташкил этилган эди?

Жадидлар асосан шаҳар манфаатини кўзлаб, қишлоқда уларга ёрдам қиладурган ҳеч бир унсур йўқ эди. Шаҳар халқининг хизмат қилғучи қисми тараққийпарварлик руҳида эди (бу, албатта, каттақонларга, маъмурларга оид эмас).

Жадидларнинг кўпчилиги моддий жиҳатдан ўрта ҳол ва ёмон таъмин этилган зиндилардан ёки майда бойлардан (буржуазиядан) иборат руҳоний мадрасаларнинг талабалари, майда дўкондорлар, майда маъмурлар, катта бойлар ҳам бор эди ку, лекин биринчидан, улар мустақилол ҳолда бўлиб, иккинчидан, ўзлари ташкилотда моддий жиҳатдан ёрдам берган даражада ишламас эдилар, булардан Мансур ўғли ва Ёқуб ўғлиларини атаб кетсак бўладир. Ташкилотда, масалан, мул-

ла Икромдек катта руҳонийлар ҳам бор эди (Мулла Икром ўшал вақтдаги Бухорони // [19] танқид қилган рисоласи билан машҳурдир): аммо умумий жадид фирқаси шаҳардаги ўрта ҳол кишиларнинг фирқаси эди.

Бу ерда жадид ташкилотини қурғучилардан баъзиларининг исмларини ва уларнинг ижтимоий ҳолларини айтиб ўтамиз:

САДРИДДИН АЙНИЙ — мадраса талабаси, деҳқон; АБДУВОҲИД БУРХОН УҒЛИ — котиб, кейин майда маъмур; ФИТРАТ — толиби илм, шоир, унча катта бўлмаган шаҳар савдогарининг ўғли; УСМОНХУЖА УҒЛИ — мулла ва ўрта савдогарининг ўғли; ЖУРАБОЙ — вобкешлик деҳқон ва ўзида энг биринчи усули жадид мактаби очган ва бошқалар.

Биринчи вақтда ижтимоий жиҳатдан пастда бўлганлар ташкилотда йўқ даражасида эди. Февралда, айниқса Уктабр инқилобидан кейин иш ўзгарди; инқилобий ҳаракат деҳқонлар ва аскарларни ўз ичига олди, лекин бу жадидчилик даврига тегishлик эмасдир.

Аскарлар орасида ташвиқот ишлари тўғрисида кейинроқ гапирамиз. Ҳозирча, жадид ташкилотининг ҳайатини аён қилиб, жадид ташкилотининг симосини кўз олдига келтирмак ҳам урушдан илгари ва уруш йилларидаги таркиботи қандай эканини билмак учун, унинг талабларини, платформасини (ҳақиқий программа йўқ эди) ва хатти-ҳаракатини қисқача баён этмакка ҳаракатда бўламиз.

Бу шаҳарнинг ўрта ҳол кишилари, зиёлиларига жадидларнинг платформаси ва хатти-ҳаракати ҳам мувофиқ эди.

Жадидларнинг асосий талаб ва вазифалари шулар эди: турк-тоторлар томонидан чиқарилган диний-дунёвий адабиётни нашр этиш йўли билан диний таассуб билан курашмак; эски диний ва хурофот мактаблар ўрнига ёврупоча янги усулда дунёвий мактаблар очмоқ ҳам халқга илм беришда ўрта аср схоластик усулини ўзгартиб, замон талабларига жавоб бера оладирган ҳолга қўймоқ; матбуотга озроқ ҳуррият бериш. Булар мафкура (идеология) соҳасидаги талаблари эди; иқтисод ва // [20] маъмурият соҳасидаги талаблари эса булардан иборат: солиқлар камайтирилсин десалар ҳам бу очиқ шаклга қўйилмаган эди, лекин солиқ ишларини бир тартибга қўйиб бу тўғрида бекларнинг бузуқ ҳаракатларини битириш бош талаблари эди, ҳалиги беклар ҳар хил йўллар билан солиқларни деҳқоннинг умум

ҳосилотининг 30 фоизга довур оширар эди, ки бу — албатта халқни фақирликка олиб борди.

Қонун тўғрисида жадидларнинг талаби капиталистлар маданиятининг сояси тушиб турган Бухоро халқ хўжалик ишларининг тўғри олиб борилиши учун қандай бўлса ҳам ҳуқуқ таъминоти киритишдан иборат эди. Жадидлар ўзларининг бутун фаолиятларини охиригача бунда ҳам ўзларининг нима хоҳлаганликларини очиқ эта олмадилар.

Жадидлик талабларининг илдизи, жадидликнинг ширин ҳасли ва программаси кейинги инқилобдан илгариги йилларда Бухорога ёш туркларнингга ўхшаш Конституция (Қонун асоси) киритмакдан иборат бўлса ҳам, бу программ ҳақиқатда ташкилотнинг катта қисми томонидан эътироф этилмаган ва фақат жадидларнинг айрим кўзга кўринарлик вакиллари томонидан чиқарилган эди. Шундай қилиб, биз кўрамизки, жадидларнинг программаси демократия (халқчиллик) ва сармоядорликнинг Ғарб усулига тараққий қилишига ва гуллашига суялган эди, лекин бу ғарб усули (нусхаси) анчамунча эскириб қолган эди. Урта аср зулмати (деспотия) ни битириб, шунинг ўрнини асрий буржуа-демократия қурилиши билан босиш — ёш бухороликларнинг Феврал инқилобининг биринчи кунларидаги ғоялари эди.

Биз инқилоб тарихида кўпинча шундай ҳодисага иштирок қиламиз, ки буржуазияда ухлаб ётган инқилобий мафкурани уйғатувчилар ва уни ўтказишга воситачи бўлганлар зиёлилардан иборатдир.

### 1917 ЙИЛ ФЕВРАЛ ИНҚИЛОБИГАЧА ЖАДИДЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Инқилобдан илгариги вақтларда жадидларнинг хатти-ҳаракати (тактикаси) мантиқий ва мувофақат жиҳатдан ўшал вақтдаги шаронт // [21] билан мос келиб, кўпинча маданият ишларига ёпишар эди. Инқилобий ҳаракат ва тўғри ташвиқот учун ул вақтда офоқий (объектив) майдон йўқ эди.

Жадидларнинг расмий ваъзалари ҳам амирларнинг таақиботига учрар ва бутунлай руҳонийлар таъсирида қолган мутаассиб қора авомнинг шиддатлик қаршилигига йўлиқар эди.

Бу тўғрида Абдувоҳид Бурҳон ўғли ҳам Низомиддинларнинг янги мактаб очишлари юзасидан бўлган воқеълар жуда хусусий ҳодисадир.

1908 йилда, Абдувоҳид Бурҳон ўғли томонидан очилган янги мактабнинг давомига бир йил тўлгандан кейин шогирдларнинг оталари, руҳонийлар ва шаҳардаги маълумотлик кишиларнинг иштироки билан тантаналик имтиҳон мажлиси қилмоққа қарор бўлди. Бунга Бухоро шаҳар халқининг бошқа табақаларининг вакиллари ҳам таклиф қилинган бўлиб, жамъий 100 кишича эди.

Имтиҳон вақтида иштирок қилганлар орасида катта жанжал чиқиб кетди. Бутун жамъият бир-бирига душман гуруҳларга ажралди. Жанжалга сабаб бўлган нарсанинг бири янги мактабга баҳо бериш ва иккинчиси таълим этилган дарслар эди.

Маълумотлик кишиларнинг гуруҳи мулла Икром бош бўлган ҳолда янги мактабларни шаклан ва асосан мамлакат маорифининг гуллаши учун фойдалиқ деб билди ҳам унда ҳеч қандай динга ва ҳукуматга қаршилик йўқ деб топди. Шунинг учун улар, жадидларнинг назарига мувофиқ таълим усулини мадрасаларга довур ислоҳ қилмоқни ёқлаб чиқдилар.

Мулла Абдураззоқ бош бўлган ҳолда иккинчи гуруҳ янги мактабларнинг зарарлик эканини айтиб чиқди; янги мактабни динга ва ҳукуматга қарши топиб, унга қарши жамоат ва ҳукуматнинг курашмаги зарур эди. Эскичилар янги мактабга қарши икки асос кўтариб чиқдилар // [22]:

1) мактабда таълимот шакли мусулмонча эмас, ул ўрус ёки ёврупочага яқин (болалар парталарда ўлтирадилар, бир вақтда ҳам ёзиб, ҳам ўқийдилар ва бошқалар); 2) усули жадид мактаблари исломнинг асосига жавоб бера олмайди, уларда дин ўқутса ҳам, бузилди, бундан ташқари яна ҳисоб, жуғрофия, айниқса табиёт ўқутиладир, ки бу мусулмонларнинг зеҳниятига (мирвоззариесига) жуда хилофдир.

Еврупо ҳам Яқин Шарқдан келган янгилик назари билан эскилик назари орасидаги бу жанжал ва мусодама, албатта, мактаб девори ичида қолиб кета олмади, фақат имтиҳон вақтларидагина бўлиб қўя қолмади, ул юқори ва юзага чиқмоғи Бухоро жамъиятининг кенг доирасига кирмаги лозим эди. Мана бу — жадидларнинг қадимлар билан бўлган биринчи катта мусодамасидир.

Бутун Бухоро жамъияти деярлик ҳаммаси бунда иштирок қилди ҳам икки гуруҳга — жадид ва қадимга бўлинди. Жадидларнинг бошида мулла Икром, қадим-

ларнинг бошида маълум иртижоъчи мулла Абдураззоқ турар эди.

Шу сабабдан 1915 йилдан жадидларга бутун фаолиятларини ярим расмий ҳолга ўтказишга тўғри келди ва бу ярим расмий тўғараклар расмий ҳолдан кўра серҳаракатроқ бўлиб ишладилар, ки бу аҳвол кўпинча шундай бўлади. Бундай ташвиқотчи яширини ташкилотлар Бухорода уруш вақтларида 10 тага борар эди; буларнинг ичида энг кучлиги ва серҳаракатроқлари Бухоро, Қарки ва Шаҳрисабз ташкилотлари эди. Бухорода жадидликнинг тараққиёти шундай борди. Туркистоннинг бошқа ёқларидан кўра бу ерда кейинроқ чиққан жадидлик, Бухорода ўзига анча қулай замин топди. Бухоро ижтимоий турмушининг кўтариб бўлмайдурган даражадаги муҳити амирнинг икки ёқлама зулм ва тааддиси жадидликни маданият йўлидан сиёсат йўлига тушурди, буни Бухоро // [23] жадидларининг адабий фаолиятларидан кўриш мумкиндир, ки бу Туркистон инқилоби ташвиқотидан кўра яна инқилобийроқ эди.

1909 йилдан 1915 йил орасида Бухородаги қурилишнинг қаттиқ тақдир қилган, ундаги соғисиз камчиликларини аямай кўрсатган ва амирликнинг чуруқ усули идорасини очик баён қилган бир мунча китоблар чиқди. Буларнинг қаторига энг олдин Фитратнинг «Сайёҳи ҳиндий», шеърлар мажмуаси «Сайёҳ», «Онла» деган асарларини ва бир мунча пьесаларини, масалан «Бекжон» китобини қўшмоқ керак. 1912 йилда чиқарилган «Тўрон» ва «Бухорон шариф» газетлари озодлик адабиётида катта ўрин тутти. Мана шу ондан жадидларнинг иккинчи маданий-маориф даври расмий ҳолда бошланадир.

Уларнинг фаолияти, илгаригича, Бухорода бошланди, лекин тезда Шаҳрисабз ва Қаркигача тарқалди.

Усули жадид мактаблари ушбу маълум жадидлар томонидан очилди: Абдувоҳид Бурҳон ўғли, Усмонхўжа ўғли, Мукамил Бурҳон ўғли, Ҳамидхўжа ўғли ва бошқалар.

Бу вақтда жадидларнинг асосий ишлари мана шу усули жадид мактабларини ташкил этишдан иборат бўлади, ки бу хусусда Айинийнинг асарида мукамил маълумот олоқ мумкин. Лекин Айиний амирга қарши сиёсий кураш ҳозирлашда бу мактабларнинг аҳамияти, ҳукуматга қарши муҳолиф унсурлар ва тўғри ташвиқот ташкил этишдаги ишлари, шогирдларнинг оталари ва туғишканларини ишга жалб этгани тўғрисида ҳеч

наrsa этмай сукут қиладир. Бунинг шундай чиқиши мумкин, ки Айнийнинг ўзи жадидларнинг эски гуруҳига онд бўлиб, амирлик билан курашда серҳаракатлик билан курашишга хайрихоҳ бўлмай ва фақат фирқанинг хатти-ҳаракатини маданият ишлари томонига бурғучилар тарафида эди // [24].

Мен ўзим жуда яхши эслаймак, ки Усмонхўжа\* ўғли, Бурҳон ўғлининг ва бошқаларнинг мактабларида бизнинг ўртоқлар йиғилишиб, шогирдларнинг туғилганларини ва болаларнинг ўзларини йиғиб қандай бўлса ҳам бир баҳона билан аввал силлиқ қилиб, кейин амирнинг шахсига ва унинг ҳукуматига қарши ташвиқот юргизар эдилар. Бу ташвиқотда Русия чорлари қўлида кул бўлиши, таназул, маданиятсизлик, руҳонийларнинг нодонлиги, амир қасрининг сафоҳат ва тазийноти, амалдорларнинг бузуқчилиги, солиқ юкларининг оғирлиги ва бошқа кўп нарсалар.

1913 йилда ва 1914 йил бошида амир усули жадид мактабларини бекитгандан кейин, Фитрат, Отахўжа ўғли ва бошқа кўп кишилар Бухорони ташлаб кетиб, ҳам тез фурсатда ҳар шаҳарда яна шундай усули жадид мактабларини очиб ташкил қилишга эришдилар. Халқ уларни катта ҳайрихоҳлик билан қарши олди. Амир ҳукуматининг фармонларига қарамасдан маҳаллий ҳукуматлар усули жадид мактабларини ёпа олмадилар. Карки ва Шаҳрисабз шаҳарларида халқнинг янги мактабларга ёрдами жуда катта эди. Амир Бухоросида жонлик ва тирик бўлган ҳар бир наrsa ва ҳар ким шул мактаблар атрофида бирлашдилар. Бу мактаблар инқилобнинг истиқболдаги ишчиларини тайёрлайтурган корхона эдилар.

Инқилобга тайёрланиш ишларида жадид мактабларининг аҳамияти жуда улуғ экани ҳар қандай шубҳадан ҳам холидир. Бу ҳеч бир жанжалсиз даъводир.

Шундай қилиб, усули жадид мактаблари ва яширин тўғараклар атрофига тараққийпарвар муҳолиф кучлар секин-секин йиғилиб уюшдилар // [25]. Бу кучлар ҳали унча катта эмас эдилар: кенг халқ асл оммаси ҳали жадидлик ташвиқоти ичига олиниб ҳаракатга келти-

---

\* Усмонхўжа ўғли 1912—1917 йиллар даврида тараққийпарвар жадидларнинг раҳбарларидан эди. 1918 йил март воқеасида фаол иштирок қилди. Сентабр инқилобидан кейин молия нозирини бўлиб турди, кейин Бухоро Халқ Шўролари Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси бўлди. 1921 йилда Анварпоширо тарафига ўтиб кетди.

рилмаган эди, лекин жадидчилик шитоби, унинг боши бу ишда уюшкан ва бир шакл олган эди.

Атрофдаги шароитнинг хусусияти юзасидан, катта меҳнат ва оҳишталик билан бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда ёш бухороликларнинг истиқболдаги фирқа мойиллари ўсди ва мустаҳкамланди.

Бу — эринмас, вазмин ва чўзиқ ҳам унча билинмас иш ва кураш эди.

Ҳукуматнинг шиддатли таъқиботи, қандай бўлса ҳам бир синф томонидан кучлик ёрдам йўқлиги, халқнинг миясига юз пудлик тошдек оғирликни солиб ётган диний хурофотнинг зўрлиги, албатта, жадидлик ҳаракатига ташқаридан монеълик қилди.

Маданиятсизлик, хурофотлар билан ўралашиб қолганлик, оила турмушидаги феодал-патриарх асослари, хизматда савдога жон-дил билан қайгуриш, умуман жадидларнинг ўз шахсий манфаатлари юзасидан ҳам ишлари — ичкаридан туриб ҳаракатни заифлатдилар ва бўлиб юбордилар. Муташаккал ва идора қилғучи аппарат бўлган фирқа ўз аъзоларини интизомлик ҳолда қўйиш учун заифлик қилди. Айниқса ҳозир шўролар интифоқи коммунистлар фирқасининг темир интизому ва ташкилот қурилиши билан солиштириб кўрганда фақат яширин жадид ташкилоти у ёқда турсин, балки ёш бухороликлар ташкилотининг ҳам қаттиқ ва саботлик эмаслиги кўзга очиқ ташланиб турадир.

1914—15 йилларда жадидлик ғалаёнга ўхшаш бир ҳол ўтказди, икки қатлат сензуранинг сиқиши орқалик нашр қилиниб турган газеталар ёпилди ва амир тўраларининг расмий жамъиятларга бўлган муомалалари чатоқлашди, шу жумладан китоб магазини «Маориф»га ҳам ёмон қарашлари ўсди. Бунга бўлак бир фурсат ёрдам қилганини айтмасдан ўта олмаймиз // [26] ҳамда ул жадид ишчиларининг сафида баъзи бир ихтилофлар чиқишига сабаб бўлди.

Бу фурсат шундан иборат, ки Истанбул ва Оренбургдан ўқиб қайтган шогирдларнинг кўпи, мақсад ҳамда ишларнинг усули тўғрисида ўзларининг илгариги муаллимлари — эски жадидчилардан бошқа фикрда эдилар. Улар илгариги жадидларнинг Бухоро ичидан ташқари чиқмаган тор доирадаги маданийлаштириш ишлари билангина қаноатланмадилар, сиёсий фурсатларни қўзғатишни, сиёсий вазифаларни аниқ белгилашни талаб қилдилар. Уларнинг янги талабларида халқчиллик йўли очиқ кўринар эди. Улар солиқларни ка-

майтириш учун, деҳқонларнинг оғир ҳолларини енгиллаштириш учун курашмак бўлдилар. Амалдорларнинг ишларини танқид қилиб, амалдорларнинг бошбошда қилиқларига чек қўйиш мақсади билан жадидларнинг ишга аралашинларини талаб қилдилар.

Уқувдан қайтган ёш жадидларнинг бу янги талабларини, Бухоронинг шул вақтдаги халқининг турли табақаларидаги жадидчилик тарафдорлари бўлган ёшлар жуда яхши қарши олдилар. Жадидчиларнинг сафлари биринчи мартаба табақаланиб, эски жадидчилар ҳамда сўл жадидчиларга бўлиндилар. Сўл жадидчилар ёшлардан иборат эди.

Эски жадидчиларнинг бошида Абдувоҳид Бурҳонов, сўл жадидчиларнинг бошида Фитрат турар эди.

Бу ихтилофларнинг Бухоронинг кейинги воқеаларга қандай таъсир қилганини ўз ўрнида кўрсатиб ўтамиз.

Шундай бўлса ҳам бир томондан амир маъмурларининг, иккинчи томондан рус сиёсий агентларининг ҳамда чор ҳукумати политециясининг сиқини ташкилотнинг яширин бўлишига ҳамда унинг бирлашишига хизмат қилди // [27].

### **ФЕВРАЛ ИНҚИЛОБИ ҲАМДА ЖАДИДЛАРНИНГ БИРИНЧИ ТАНГЛИГИ**

Аmmo жадидчиларнинг турли табақалардан бўлиши ҳамда амирнинг сиқини орқасидаги юзага чиқмай турган сиёсий ажралиш, иш шартлари енгиллаш билан юзага чиқди: Русияда Феврал инқилобидан кейин булар дарҳол қувватли равишда вужудга чиқди, ҳаттоки 2 ой тинч ишлашга ҳам йўл бермади.

Феврал инқилобидан кейин бошда ихтилофнинг муҳим фурсати Русиянинг Феврал инқилобига муносабат ҳамда ташкилий ва хатти-ҳаракат йўлидаги масалаларда бўлди.

Эски жадидчилар, Русия инқилобининг таъсири билан амир ислоҳот йўлига рози бўлиб, ҳаттоки идора усулларини ҳам ислоҳ қилса керак деган фикрда бўлдилар: амирни бўлмаганда ҳам бекларнинг ишларини тафтиш қилиб турадурган халқ вакилларини ташкил қилиш; беклар ва қушбегиларнинг халқ вакиллари олдидан масъул бўлишлари ва гайрилар.

Эски жадидчилар яширин ишларнинг лузуми йўқ, яширин ишлар ҳаракатини бузадир ва амирнинг қўрқинишига сабаб бўладир, деган натижага келдилар.



Ёш жадидлар бошида Фитрат бўлган ҳолда бошқа фикрда эдилар. Улар халқнинг ҳаракатсизлиги орқасида амир вақтлн ҳукумат билан келишиб, ислоҳот бўлган ҳолда ҳам озгина (аҳамиятсиз) бўлишини ўйладилар. Шунинг учун тамом очиқ суратда иш қилишга кўчишни маъқул топмадилар, чунки амир томонидан ташкилотни тамом тарқатиш кўрқинчи вужудга келиши мумкин дедилар.

Бу ихтилофлар, расмий ва гайри расмий (яширин) гуруҳларни бирлашдирувчи бир марказ ташкил қилингангача давом этди. Аммо бунинг босилиб туриши Абдулвоҳид Бурҳонов озчилик билан келишган вақтида вақтинчагина бўлиб, бир қанча муҳим масалаларни ҳал қилганда яна пайдо бўлди. Абдулвоҳид Бурҳонов ва унинг тарафдорлари билан Фитрат // [28] бошида турган озчилик ўртасида яна ихтилоф чиқди ва янги марказ ташкил қилинди.

Мен янги марказда жадидчиларнинг бутун йўлбошчи ишчилари билан биргалликда бир оз вақт иштирок қилганим ҳолда йўлларнинг янадан ўзгаришига ишонган эдим.

12 кишидан иборат йўлбошчи гуруҳда низоли бўлган асосий масалалар қуйидагилар:

1) амирнинг чиқаришга ўйлаган фармони олийсига (манифестига) муносабат;

2) амирнинг фармони олийси муносабати билан ташвиқот ва намойиш масалалари.

Бу масалаларнинг қандай музокара қилинганини ва қандай қарорлар қабул қилинганини кейинроқда кўрсатамиз. Энг муҳим нуқта шундаки, бу низода жадидларнинг 12 кишидан иборат йўлбошчи гуруҳи давом қилишдан тўхтади ҳамда унинг билан бирликда жадидчилик бирлашма ҳолида давом қилишдан тўхтади. Мен шунинг этмакчиманки, кейинроқ ёш бухороликлар инқилобий фирқаси аталган ташкилот шу вақтдан расмий равишда бошланди.

Жуда катта аҳамиятга молик бўлган бу иш жадидчиларнинг энг яхши ғалабаларидан биттасидир.

Бу муддат ичида (1910 йилдан 1917 йилгача) кундалик ишлар натижасида Бухорода миллий инқилоб кўтаришга қодир бўлган фирқа вужудга келди.

Феврал инқилоби, унганча жадидлар ўртасидан вужудга келган янги ёш бухороликлар ташкилотини қувватлантирди.

Ул бизнинг олдимизга халқ ҳокимиятининг кенг истиқболини очди. Ёш бухороликлар ўзларининг шимолий қўшилари бўлган Русиянинг бошида чор ҳукумати эмас, балки ул вақтда тараққийпарвар ҳисобланган вақтли ҳукуматнинг ўлтирганини кўрганларидан кейин, фаол ҳаракат // [29] бошлашга ҳамда амирдан идораи маршрута ҳамда Оврупо усулида мактаблар талаб этишга қарор қилдилар.

Аммо ташкилот оммавий инқилобий ишларга тайёр бўлмаган эди: Русиянинг Феврал инқилоби бунда ҳозирликсиз қаршиланди.

Шундай бўлса ҳам баъзи уезд маркаслари билан (Карки, Чоржўй ва Шаҳрисабз) маҳкам алоқа вужудга келтирилди.

1917 йилда янги аъзолар қабул қилиниб, меҳнаткашлар ва зиёлилар билан ташкилот кенгайтирилади. Ташкилот, юқорида кўрсатилган асосларда бу янги муҳим ишларга йўлбошчилик учун марказ қўмита сайлайди.

Янги марказ қўмитага қуйидаги кишилар сайланди:

Абдулвоҳид Бурҳонов (ранс), Фитрат (саркотиб), Усмон Хўжаев (хазиначи), аъзолари: Муҳитдин Рафъат, Мусо Саиджопов, Отахўжаев, Аҳмаджон Абдусанов, мен ҳамда Ҳомидхўжа.

Марказий қўмита ташкилотни амирнинг жосусларидан сақлаб тез ва яширин равишда кенгайтириш учун 12 лик усулини вужудга келтирди. Марказ қўмита аъзоси 12 та кишига йўлбошчилик қилди ва бу 12 та кишининг ҳар биттаси яна 12 та кишини, улар яна ўз навбатларида шул равишда ташкил қилди. Бу чоралар билан яширин ишларда муҳим бўлган сирларга ва бирликга эришилди.

Бу йўл билан фирқа кўпгина кенгайди. Бундай ташкилотлар ёлғиз Бухоронинг ўзидагина 50 тага етди. Шунинг билан баробар фирқанинг олдида янги вазифалар пайдо бўлди.

Русиядаги инқилоб чор ҳукумати ўрнига тараққийпарвар буржуазия ҳукумати вужудга келиши, ёш бухороликларнинг ишларида аҳволни тамом ўзгартирди рус демократияси ва ҳукуматига таяниб, ислоҳ талаб қилишга имкон очилди.

Ўзида чор ҳукуматини тугатган Русиянинг, Бухоро тараққийпарварларига, ислоҳчиларга ёрдамга келиб Бухоро амирининг истибдодчилик асосидаги идорасини ислоҳ қилиши жуда мувофиқ бўлар эди // [30].

Аммо ўзининг доҳилий ишлари билан машғул бўлган Русия ҳукумати бошда амир ҳокимлиги остида бўлган Бухорога эътибор қилмади. Русия ҳукумати Бухоро амирини унинг ўрта асрлардан қолган идора равишда ўзгартиришга чақирмади, ҳаттоки чор ҳукуматининг Бухородаги сафоратхона идорасини шул равишда қолдирди.

Чор ҳукуматининг сафири Миллер ҳамда унинг эски идорага жон-тани билан берилган масъул ишчилари ўз ўринларида қолдилар.

Бу аҳвол ёш бухороликлар ҳаракатининг тараққийсини жуда оғирлаштирди. Чунки умумий сиёсий мавқеъи бўйинча рус сафоратхонаси тараққийпарвар жадидчилар билан бирликда бўлиши керак эди.

Аммо ул амалда икки юзлик (мунофиқлик) кўрсатди.

Ҳар ҳолда Феврал инқилоби истибдодчилик занжирларини узган Русия билан ёрдамлашиб ишлаш учун ёш бухороликлар фирқаси олдида янги усуллар ҳамда янги йўллар очди.

Жадидчилар аябатта бу йўллардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Ёш бухороликлар фаол ишчиларининг махсус кенгашида (бу кенгашда мен иштирок қилмадим, шул сабабли унинг ҳаёати эсимда аниқ қолмаган) Вақтли ҳукуматга ва Петроград ишчи-солдат вакиллари шўросига телеграф орқали мурожаатнома юборилди. Бу мурожаатномада ёш бухороликлар озодлик олган Русия халқини унинг ҳукумати орқали табрик қилиб, рус ва Бухоро халқининг тарихи муносабатларини кўрсатиб, Вақтли ҳукуматдан Бухорода ислоҳотни қилинсин учун амирни сиқини сўрадилар.

Бунга жавоб кечикмади: Русия сафири Миллерга ҳамда амирга Петрограддан телеграм келди. Бу телеграмда тезликда ислоҳот ўтказишни хоҳлаш баробарида Русиянинг янги идорасида, яқин ва қўшни халқларнинг ҳам ҳуқуқга молик бўлишлари лозим эканлиги кўрсатилган.

Аммо ислоҳот бўлмади.

Узоқ вақт куткандан кейин ташкилотнинг Марказ кўмитаси Петроградга яна телеграм юбориб, амирга таъсир қилишни сўради // [31]. Бу телеграмни мен туздим. Фитрат ва Саиджонов имзо қилдилар. Бу телеграм Самарқанддан телеграф бўйинча бериш учун Самарқандга юборилди. Телеграмни Самарқанддан юбо-

ришининг сабаби шундаки, Бухородан юборилган телеграммаларни рус сафоратхонаси кўрадурган эди. Эскилик тарафдори бўлган сафир Миллер, амир билан яхши муносабатда бўлганликдан, амирнинг бу телеграмманинг мазмунидан хабардор бўлиши шубҳасиз эди.

Ташкилот Петроград билан хат алоқаси билангина қаноатланмасдан, Вақтли ҳукуматни Бухоронинг ҳолидан хабардор қилиш учун ҳамда Русия мусулмонлари ўртасида мумкин бўлган жойларда жадидчилик томонига ташвиқот қилиш учун Петроградга вакиллар юборишга қарор қилди.

Вакиллар ҳайати Фитрат ва Усмон Хўжаевдан иборат сайланиб Петроградга юборилди. Аммо улар Оренбургга бориб етиш билан, Бухорога жадидлар билан амир ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун Русиядан комиссия юборилганлик хабарини олдилар. Вакиллар комиссия келганда, Бухорода бўлишни лозим топдилар.

Буларнинг ҳаммаси умуман жадидларнинг инқилобий Русиядан ёрдам бўлишига не даража катта аҳмият берганларини кўрсатадир.

Бу ёрдамдан бошқа мустақил равишда ишлаганда, Бухорода гарчи қисмангина маъмурий-ҳуқуқий ислоҳ учун, маориф ишларини ислоҳ қилиш учун (амирни тушириш тўғрисида сўзлашга ҳам тўғри келмайдир). Кўп йиллар бўйича тайёрланган керак бўлар. Мазкур ишлар ўл вақтда инқилобий вазифалардан саналар эди.

Бу вақтда Миллер, гарчи ўзи ҳоҳламаса ҳам, Петрограддан берилган буйруқларни амалга ошира бошлашга мажбур бўлди. Миллер ҳар кун амирга борар эди. Баъзан бутун кун Бухорода қолиб, халқнинг жадидчиликка бўлган муносабатини билиш ҳамда тараққийпарварлар ва эскилик тарафдорлари фирқаларининг кучларини ҳисобга олиш учун, халқнинг турли табақалари билан сўйлашар эди // [32].

Охирида Миллер жадидларнинг бошлиқларидан бир нечаларини хусусий кенгашга чақирди: Усмон Хўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов ва хайрилар уларнинг жадидлардан эканини ҳамма билар эди.

Миллер улардан жадидларнинг талаблари нималардан иборат эканини, нима билан қаноатланишларини сўради.

Абдулвоҳид ва бошқалар ихтиёт билан ва фирқа сирини сақлаб ҳар биттаси айрим ҳолда жадидларнинг фикрларини билдирдилар.

Ёш бухороликларнинг талаблари (меним хотирлашим бўйинча) қуйидагилардан иборат:

1) амир ҳузурида ҳам беклар ҳузурида халқ вакиллари бўлиши, маъмурликларни яхшилаш ва уларнинг устидан халқ вакилларининг тафтиши;

2) солиқлардан шарият бўйинча белгиланганларидан бошқаларини бекор қилиш;

3) мактаблар ва матбуот ҳурлиги (озодлиги);

4) амирнинг мутаассиб ва эскилик тарафдори бўлган амалдорларидан баъзиларини алмашдириш.

Миллер ўзининг жавобида, жадидларнинг талаблари жуда катта ҳамда хиёл эканини, чунки жадидларнинг ҳақиқий кучлари кам ва сонлари оз бўлганини ҳамда амирни мажбур қилишга қодир эмасликларини билдирди.

Миллер унда йиғилганларга бир катта дафтар кўрсатди, бу дафтарда ташкилот аъзоларидан кўпининг номлари ёзилган эди.

Эскилик тарафдори бўлган Миллернинг бу хилда очиқ сўйлаши бизнинг кўзимизни очди: ташкилотнинг ичда сотилган кишилар (хиёнатчилар) бўлмаганда Миллер бу қадар маълумотга молик бўлмас эди.

Биз қанча ҳаракат қилсакда хиёнатчиларни оча олмадик.

Ҳар ҳолда бизнинг ҳаракатимиз ҳамда Русия ҳукуматининг буйруқлари натижасиз қолмади // [33].

## **АМИРНИНГ ФАРМОНИ ОЛИЙСИ ВА НАМОЙИШЛАР**

Кўп вақтдан берли кутилган Фармони Олий амир томонидан 17 мартда эълон қилинди. Бу Фармон аслида жуда кичкина бўлиши билан ёш бухороликларни қаноатлантира олмади. Иккинчи томондан эскилик тарафдорлари руҳонийлар орқали Фармони олийга қарши ҳамда исломдан четлашган жадидларга қарши кучли ташвиқот юргаздилар.

Бухоронинг озодлик йўлидаги ҳаракатлари тарихида катта аҳамиятга молик бўлган бу ҳужжатни — Фармони Олийни тўла равишда ёзиб ўтаман:

### **ФАРМОНИ ОЛИЙ**

Садоқатли фуқароларимизнинг бахт ва саодатлари тўғрисида доим ҳаракатда бўлганимиз ҳолда, биз халқнинг тилагига мувофиқ сайлов асосида бутун идорала-

римизни яхшилашга ҳамда бутун хиёнатлар ва нотўғрилиқларни йўқ қилишга киришмак учун қарор қилдик.

Бутун тартиблар ва фойдалиқ ўзгартиришлар учун бирдан-бир асос фақат муқаддас шариаат бўлганини садоқатли фуқароларимизга билдириш баробарида, Бухорони халқимиз учун фойдали бўлган маданият ва маърифат нурлари билан ёруғлантириш йўлида қабул қилган қатъий қароримизни амалга ошириш учун ҳаммани ёрдамга чақирамиз.

Энг илгариги биз тўғри ҳукм, хирож, закот ва бошқа солиқларга адолат асосини қуриш билан баробар, хонлигимизда саноат ва савдонинг, айниқса, Русия билан тараққий қилишга алоҳида аҳамият берамиз. Амалдорлар ва бутун хизматчилар устидан тафтиш (контрол) қўйилдилар. Амалдорлар ва хизматчиларга хизмат ҳақлари белгиланиб, хизматлари учун ундан ташқари ҳақ (мукофот) олиш манъ қилинадир. Янадан мамлакатимизда шариаатга мувофиқ равишда фойдалиқ ишлар ва билимларнинг тараққийси учун бутун чоралар кўрилгусидир. Пойтахтимизда яшаган // [34] фуқароларимизнинг саодати учун, халқимизга ўзларининг эҳтиром қилган кишиларидан Шўро сайлашни тақдир қилишга қарор бердик. Бу сайланган кишилар хонлигимиз пойтахтининг соғланиши ва обод бўлиши учун ҳаракат қилурлар.

Бу кундан бошлаб давлат хазинаси таъсис қилиниши ҳамда давлат ихтиёжлари учун даромад ва харажатларни аниқ ҳисоблаб хонлигимизнинг бюджетини белгилашни зарур топамиз.

Бухоро давлатининг саодати ва ободлиги йўлида бизнинг бошлаган ҳамма ишларимизни ва буйруқларимизни бизнинг садоқатли фуқароларимизнинг ҳаммаси вақтида аниқ билиб туришлари учун Бухоронинг пойтахтида босмахона (матбаа) тузишга амр бердик. Бунинг биринчи вазифаси, Бухоро халқининг умумий фойдаланиши учун, лозим бўлган миқдорда нашриёт ишлари билан машғул бўлишдир.

Халқимизнинг роҳати учун, ихтиёж кўрилган даражада Бухоро хонлигининг идора ишларини тараққий қилдириш йўлида келгусида ҳам бутун кучимизни сарф қиламиз.

Ушбу тантаналиқ воқеа ҳурматиға бизнинг ҳимоячимиз бўлган буюк Русия билан бирликда халқнинг розилиги ва мувофиқ кўришиға биноан қамоқхоналар-

да қамоқда бўлганларни озод қилишга амр берамиз.

Жумадиясонининг 28-ида жума куни, 1335 санаи ҳижрий. Бухорои Шариф.

Бухоро амира Саид амир Олим Саид амир Абдулаҳад ўғлининг катта муҳри.

---

Фармони Олийни эълон қилиш Бухорода қабул қилинган тантана билан бўлди.

Меним бу тантанада ҳозир бўлишимга ул вақтда мансабда турган амаким Латиф Хўжаев сабабчи бўлди. Бу тантанани тасвир қилиб ўтиш ортиқча бўлмаса керак. Амирнинг саройига эътиборлик уламолар, муфтилар, шайхулисломлар, сарой ҳузурдаги ҳамма амалдорлар ва бой савдогар // [35] лардан 15 тача киши чақирилган эди. Жамъи 200 тага яқин киши йиғилди. Шул жумладан Русия сафири Миллер, унинг муовини Шулга (Фармони олийни тузувчи), сафоратхона чиновинги Введенский, Когон шаҳарий ишчи-солдат депутатлари шўросининг аъзоларидан баъзилари, Самарқанд ишчи-солдат депутатлари шўросидан вакиллар, тараққийпарварлардан Маҳмудхўжа ҳамда яна битта уламо бор эди.

Амир хонанинг (бўлманинг) ўртасида ўлтирди. Унинг ортида қозикалон ва маъмур Шарифжон мақсум ўлтирган эди (Шарифжон мақсум исломчилар тарафдори бўлганликдан, эскилик тарафдори бўлган Бурҳониддин ўрнига янгидан тайинланган эди).

Шарифжон мақсум амирининг топшириши бўйинча Фармони Олийни ўқиди. Йиғилган халқ Фармони Олийни жуда мувофиқ дэб топди.

Маҳмудхўжа ҳаммани ва амирни Фармони Олий билан табрик қилди. Ҳозирувларга Фармони Олийнинг кўпиялари берилди, сўнгра халқ тарқалди.

Шарифжон мақсумни белгилаш баробарида тараққийпарвар тарафдорларидан янги ранслар ҳам белгиланди.

Шул куни соат учда ёш бухороликлар Фармони Олийдан кейин вужудга келган янги аҳволни музокара қилиш учун Аҳмад Наймининг ҳовлисига йиғилишдилар. Бу йиғинда фирқанинг эътиборли аъзолари ҳамда Самарқанд ишчи-солдат депутатлари Шўросининг вакиллари ҳам иштирок қилди.

Воқеадан ҳамма хурсанд бўлиб, амирининг Фармони Олийсини, катта муваффақият ва асрлар бўйинча ҳу-

қуқсизликда келган Бухоро халқини озодликка чиқаришда биринчи қадам деб қаралди.

Фирқаннинг олдида бу тарихий кунлар муносабатин билан нима қилиш масаласи турган эди. Бу масала ўз навбатида икки қисмга бўлинди:

1) оммавий сифатга молик бўлсин учун таптанаш қандай ташкил қилиш? // [36];

2) амирнинг Фармони Олийси учунгина эмас, балки умуман иккилобий намоён қилиш мумкинми ва керакми?

Биринчи масалада қаршилик бўлмади: ҳамма йиғинлар, ташвиқотнинг ҳамда Фармони Олийни кенг равишда тушунтириш зарур эканини билдирди.

Иккинчи масалада — намоёнш керакми деган масалада фикрлар турлича бўлди. У иккилобнинг асосида фикрларнинг чуқур ва жиддий ажралоши бор эди. Юқорида айтилганча бу фикрларнинг ажралоши ёш бухороликлар фирқасида илгаридан яширин суратда давом қилиб келган бўлса ҳам, эндигина юзага чиқди.

Фармони Олий эълон қилинишидан икки ҳафта илгари Фитрат ва Усмон Хўжаев Бухорода бўлган вақтда бу масала қаралган эди.

Унда ҳам ҳозирги фурсатда Аҳмад Наним ҳовлисидаги йиғиндаги каби фикрлар ажралган эди.

Шубҳа йўқ, ки фирқада икки хил оғим давом қилди.

Бир оғим, иккилобий ўзгаришлар қилмасдан ҳамда қон тўкмасдан доимий ва секин-секин ислоҳ қилиш тарафдори бўлди.

Бу оғимнинг тарафдорлари жадидчиликка эскича маъно берувчилар эди. Бу гуруҳда жадидчиликни эскича аниқлаган жадидлар ҳамда Марказ Қўмитанинг раиси Абдулвоҳид Бурҳонов ҳам бор эди.

Улар намоёнш масаласида намоёнш қилишга қарши бўлдилар. Улар иккилобий намоёнш эски фикрдаги халқга ёмон таъсир қилиб, уларни амир теварағига тўплашга хизмат қилар ҳамда ҳақиқий талабларни биз очиқ қўйишимиз орқасида ҳаттоки қон тўкилишларнинг бўлиши ҳам мумкин дедилар. Намоёншлар билан машгул бўлмасдан ўзимизни ташкилотимизни маҳкамлашимиз керак. Замон ўзи амирни Фармон Олийнинг кучини сақлашга ҳатто, ки кенгайтиришга мажбур қилади, дедилар.

Абдулвоҳид Бурҳонов, Муҳиддин Рафъат ва Мусо Саиджонов ушбу фикрда эдилар. Айниқ ҳамда Аҳмаджон мақсум бу фикрга қўшилмадилар // [37].



Иккинчи оғимда, фаол ва инқилобий ҳаракатлар, ҳаттоки қуроллик исёндан ҳам қўрқмовчилар бўлиб, улар намоёишни ўтказиш тарафдорлари эдилар. Намойишнинг лозим ва кераклигига қўйидаги сабаблар кўрсатилди:

Ҳар ҳолда амир билан бизнинг ўртамизда низоъсизлиқ бўлмайди. Амир ўзининг душманларини биллади ва эсида тутди. Жаҳидларнинг дини бузишларига қарши кураш баҳонаси билан уламоларнинг ёрдами орқасида бутун нодон ва мутаассиб халқни бизга қарши ҳаракатга келтиради.

Неча минглаб уламолар, руҳонийлар, қўшун, ақчалар ҳамда давлат аппарати амирнинг хизматига тайёрдирлар. Ул ҳоҳласа (албатта ҳоҳласа керак), бизнинг ҳаммамизни битталаб қўлга олади. Шулар равнча бизга, ҳоҳласак ҳоҳламасак ҳам амир билан тўқнашга тўғри келади. Биз ҳаракатсизлигимиз билан ўзимизнинг тарафдорларимизни совитамиз, уларнинг ўртасида жаҳидчилик ишларига илтифотсизлик туғдиради.

Агарда биз намоёиш қилсак, гарчи муваффақиятсиз бўлганда ҳам қўйидаги жуда муҳим натижаларга эришамиз:

1) кучимизни тажриба қилиб кўрамиз ва ҳисобга оламиз;

2) омма ўртасида кенг ташвиқот ўтказамиз, биринчи маротаба ишонларимизни очиқ билдирамиз;

3) бизнинг намоёишимизга қарши намоёиш бўлганда бизни урганларида ҳам, ташкилотимиздаги хиёнатчилар ва ишонсиз унсурлар четлашиб, ташкилотимиз тозаланади ва маҳкамланади.

Намоёиш фирқа аъзоларини жоплантиради, уларга қувват беради. Ҳар ким очиқ курашга инқилобчи тариқасида чиқади. Демак, бу иш, хизмат ёхуд савдо ўртасида кундалик ташвиқот ишларини олиб бориш эмас. Инқилобий очиқ курашда молдан, роҳатдан ва оилавий урфу одатлардан кечишга тўғри келади.

Еш бухороликларнинг бутун сўл қаноти намоёиш томонида бўлди. Айниқса уни қувватловчилар мен, Фитрат ва Усмон Хўжаев эдик.

Аҳмад Навининг ҳовлисида намоёиш тўғрисида бўлган мажлисида икки тараф ҳам баробар бўлганлигидан, бу тўғрида рус сафири Миллернинг // [38] фикрини билдиришга қарор қилиб, Миллерга қўйидаги вакиллар юборилди. Маҳмудхўжа, Бахшудлаҳон, Мирза Ғулом, Мирза Иззатулла, Ғиёсхўжаев ҳамда мен. Шунинг бароба-

рида рус ҳукуматининг жадидларга бўлган муносабатини билиш ҳам вакилларга тўнширилди.

Вакилларга Миллер намоишни маслаҳат кўрмайман деб қисқачагина жавоб берди. Аммо Миллернинг жавоби масалани ҳал қила олди, чунки бизнинг бир қисмимиз Миллернинг шундай жавоб беришини илгаридан билган эдик. Шул сабабли масала низоллий ҳолда қолди. Районларда фирқа аъзоларининг йиғилиш ўринлари ва намоиш тўғрисида хабар тарқатиш учун ўртоқларни кўндиришга мен кўп меҳнат чекдим.

Ҳар ҳолда иш вужудга чиқазилди: йиғилиш эрта соат 8 га «Ширкати Баракат» магазини олдига белгиланди.

Фазлиддин Мақсум, Мухиддин Рафъат, Мирзо Шоҳ Мирза Изатулла, Айний, Ҳомид Хўжа ва ғайри ўртоқлар намоишга тамои қарши бўлсалар ҳам, ташкилотнинг кўпчилиги бизнинг таклифимизга қўшилганликдан, намоиш бўлди.

Эртагисин эрта билан соат 8 да одатда йўлбошчилар ва фаол ишчиларнинг йиғилишадурган жойлари бўлган «Ширкати Баракат» магазинига келганимда, унда 150 тача киши йиғилган эди. Уларнинг ўртасида марҳум Фазлиддин Мақсум ва Абдулвоҳид Бурҳонов ҳам бор эди.

Намоишга қарши бўлган бу иккаласи менад Миллернинг намоишга рози бўлганлиги ростми деб қасам билан сўрадилар. Мен белгисиз жавоб бердим. Улар мени тинч қолдирдилар.

Йиғилган ва йиғилмоқда бўлган фирқа аъзолари намоиш бошлашни талаб қилдилар. Бошлиқларга рози бўлишдан бошқа иш қолмаган эди.

Намоиш эрта билан соат 8—9 да бошланди.

Намоишда майда миллат яхши иштирок қилдилар: персиёнлар, яҳудлар, лезгинлар. Амирнинг Фармони Олийси уларга баробар ҳуқуқ берган эди // [39].

Бу майда миллатларнинг намоишда иштирок қилишлари мутаассиб диндорларга ёмон таъсир қилди. Улар бир яҳуднинг диндор мусулмон билан баробар ҳуқуқда бўлишига ҳечда келиша олмадилар.

Бошда намоишда иштирок қилувчилар бир мингга яқин эди. Йўлда борган сари бизга янги гуруҳлар қўшилиб, намоишчиларнинг сони тездан 5 минг—7 минг кишига етди.

Намоишчиларнинг кўтарган қизил байроқларида ўзбек ва яҳуд тилларида ёзувлар ёзилган эди. Асл ши-

ор «Яшасин озодлик, маршрутняг, матбуот озодлиги ва мустақил мактаб!» деган шиор эди. Ҳаттоки «Яшасин озодлик берувчи амир!» деган шиор ҳам бор эди. Унинг қай гуруҳ томонидан қўйилганлиги хотирамда қолмаган.

Намойишчилар бозор кўчаси орқали катта чет бозоридан ўтиб Гавкушонга борди ва бунда бир неча ёш бухороликлар ва халқ қози калон ҳовлисига томон бориб, унинг намойишни табрик қилишини сўрадилар. Намойиш ўсгандан-ўсиб, хиёбонга томон йўналди.

Хиёбонда шиаларнинг (персиёнларнинг) вакиллари намойишни гуллар билан қарши олди.

Бунда катта митинг бўлди.

Сўнгра намойишчилар Регистонга қараб йўналди. Бунда бизга бир неча ўртоқлар келиб, қора гуруҳлар томонидан бизнинг намойишимизга қарши намойиш тuzилганлигини қўйидагича хабар бердилар: Муллалар томонидан ташкил қилинган 7—8 минг қора гуруҳлар ҳаяжонга келиб, Регистонга йиғилганлар. Амирнинг пиёда ва отлик аскарлари шунда чиққан (пиёда аскар — 200, отлик аскар — 300). Уларнинг нима мақсад билан чиққанлиги маълум эмас. Аскарнинг бизга қарши ҳаракат қилиш кўрқинчи бор.

Бизнинг намойишимиз тўхтатилди. Фирқанинг эътиборлик аъзолари аҳволни музокара қилгандан кейин ихтиёрий тарқалишга қарор қилинди, чунки ҳеч ким қуроллик ҳужумни ўйламаган эди.

Тарқалиш тўғрисида йиғилган халққа Абдулвоҳид эълон қилди. Намойишчилар бир даража кўрқув билан тарқалди // [40].

Англашилмовчиликлар бўлмасин учун ҳамда қушбеги назоратига намойишнинг тинч сифатда бўлганини билдириш учун қушбегига Ота Хўжаев, Мирбобо ва Юсуфзода (Абдурахим Мударрис) юборилди.

### ЭСКИЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ. УНГЛАРНИНГ ЕНГИШИ

Ёш бухороликларнинг тинчлик билан иш кўриш фикрлари ёрдам бермади. Амир ўзининг душманларидан қаттиқ ўч олишга қарор қилди. Рус ҳукуматининг сиқини орқасида Фармони Олий эълон қилишга мажбур бўлган амир, бўлак йўл қўйилар бир четда турсин, ҳаттоки Фармони Олийни ҳам амалга оширишни ҳоҳламади.

Намойиш орқасидан дарҳол эскилик тарафдорларнинг таптанаси ҳамда ёш бухороликларнинг кейинига тушиш ҳалигача шубҳада бўлган кишиларга «Озодлик берувчи» амирнинг ким эканлигини очиқ кўрсатди.

Намойиш кунида халқ ўртасидан ўтиб қушбегига борган бизнинг вакилларимиз Ота Хўжаев, Мирбобо ва Юсуфзода Арқда қамоққа олинган.

Янадан қамоққа олишлар давом қилди. Амирнинг политсияси эътиборли жадидларни — намойишда иштирок қилганларни ушлашда давом қилди.

Жамъи 30 тача киши қамоққа олинди. Шул жумлада Айний, Мирза Назрулло, Мирза Саҳбобей ва айримлар. Шарқнинг одати бўйинча амир қамоққа олинганларни калтак билан уришга буйруқ берди.

Мирбобо ва Айнийга 75 тадан урганлар. Мирза Назруллонинг бошига ва орқасига 150 та урганлар.

Бу масъулиятли фурсатда қўрқинчилик тўғрисида фирқанинг бўлак аъзоларини ҳам огоҳлантириш ва тарқалган кучларни қайда бўлса ҳам тўплаш зарур эди. Бунинг эски Бухорода ишлашга имкон йўқ эди, чунки жуда кўп сонни ташкил қилган мутаассиблар, жадидчиларни амирга ушлашиб беришга ёрдам қилар эди. Бунинг халқий руслардан иборат ҳамда рус сафирининг турган жойи бўлган Когонда (Янги Бухорода) // [41] ишлашгина мумкин эди. Когонда туршимиз мумкинми ва қўрқинчисизми эканини билиш учун Абдулвоҳид ўз кишиларини Когонга юборди. Менга жавобини кутмасдан Янги Бухорога кетишга тўғри келди.

Иш қўйидагича бўлди:

Намойишчилар тарқалиб уйларига кетганларидан кейин мен ҳам уйга кетдим. Унда аҳволни музокара қилиш учун яҳуд халқининг вакиллари ҳам келди. Мен яҳуд вакилларига ночор ҳолда эътиборли ишчиларни Янги Бухорога юборишга маслаҳат бериб, уларни тинчлантирдим. Воқеаларга яқин туриб, ул тўғрида ўртоқларга хабар бериб туриш учун мен Эски Бухорода қолишга ҳоҳладим.

Аммо менга Эски Бухорода қолишга тўғри келмади.

Бир соат ўтгандан кейин Бухоронинг турли донраларида бўлган дўстларимдан жуда кўп кишилар менга келдилар, уларнинг ўртасида руслар ҳам кўп эди. Уларнинг ҳаммаси амир ҳукуматининг менга катта аҳамият бериб, мени қамоққа олиш ҳаракатида бўлганини билдирдилар ва дарҳол қочишни сўрадилар.

Мен бунга аҳамият бермадим ҳамда кетишдан бош

тортдим. Улардан биттаси менга телефонда хабар бериб туришга ваъда қилиб кетди. Мен ўзининг дўстларимдан иккитасини аҳволни билиш учун дарҳол Регистонга юбордим. Телефонда хабар беришга ваъда қилган танишим, ярим соат ўтгандан кейин телефон орқали менга, ўзининг меним ёшимга янадан келиши мумкин бўлмаганини билдириб, дарҳол мени унинг ёнига боришимни сўради.

Мен боши берк кўчалардан бориб, белгилаган жойга етдим. Унда меним танишим ҳамда менга маълум бўлмаган бир урус бор эди. Меним танишим ўзининг олган хабарига қараганда халқнинг ҳаттоки аскарнинг меним ҳовлимга ҳужумга ҳозирлаганини билдирди. Чунки халқ шуни талаб қилган. Ул мендан дарҳол яширинишимни сўради. Мен бошда рози бўлмасамда, охирида Янги Бухорога кетишга рози бўлдим // [42].

Ижро қилишга қараганда розилик бериш енгил эди. Меним бунда эканимни билиб, халқ айлапа теваракни ўраб олган эди. Мен Обид деган бир лезгин билан яширишиб чиқдим. Иккаламиз ҳам маузер (тўппонча) билан қуроланган эдик. Яҳуд маҳалласи орқали ҳовлима келдим. Регистонга юборган кишиларим ҳам келиб, танишим сўйлаган сўзларини билдирдилар.

Мен қочишга қарор қилиб, биржадаги Аҳмад деган извошчини чақирдим. Бу киши менга жуда садоқатли эди. Аҳмад яҳуд маҳалласи томонидан меним ҳовлимнинг орқа тарафига келди, мен ер остидаги йўл билан чиқдим. Бу йўл меним ҳовлимдан яҳуд маҳалласига чиқади ва ҳозирги кунда ҳам бордир.

Қуролланган 3 та отлиқ кишилар билан мен яҳуд маҳалласи ва Намозгоҳ дарвозаси орқали Эски Бухородан чиқдим. Вокзалда бизни ушламоқчи эдилар, биз қочиб улгурдик. Мен Зивиннинг\* уйига бордим ҳамда унинг билан ва унинг ёрдамчилари билан биз Янги Бухорога саломат келдик.

Бошқа ёш бухороликлар ҳам Янги Бухорога келган эдилар. Нима қилиш кераклигини ҳал қилмоқ учун қайда бўлса ҳам йиғилиш зарур эди. Бирдан бир мувофиқ жой Россия мусулмонларининг клуби эди. Бу клубнинг ишчи аъзоларидан кўпи русларнинг сотсиал революционерлар ва сотсиал демократлар фирқаларида аъзо эдилар. Биз ҳар вақт улардан ўзимизга тарафдорлик ва ёрдам кута олар эдик.

---

\* Китобнинг 1970 йилги нашрида Левин номи ёзилган. (Ред.).

Биз янглишмадик: рус йўқсиллари номидан Қогон ишчи ва солдат депутатлари шўросининг сўл инқилобий қисмининг ёрдами билан тарқалган кучларимизни йиғиб, Бухоро халқининг озодлиги учун янги кураш бошлашга муваффақ бўлдик.

Бизнинг сафларимизда истибодчи зolim ҳокимиятга қарши курашганлар буни ҳеч қачон унутмайдилар //

[43] Биз йиғилишимиз билан бизнинг олдимизда қамоққа олинган ўртоқларга ёрдам масаласи турди.

Биз икки йўл билан иш қилишга қарор бердик:

1) Эски Бухоронинг ўзида ташвиқот ўтказиб, унда мумкин бўлганда протест намоёнини ташкил қилиш;

2) рус ишчилари, умуман рус халқи ўртасида ташвиқот юргизиш ҳамда Туркистоннинг ўлка инқилобий ташкилотларини ва солдатларини ёрдамга чақириш.

Ишлар қизиди. Фирқаннинг мазкур қарорларини амалга ошириш йўлида Бухорода Бурҳонов, Тошкентда Фитрат, Усмон Хўжаев, Абу Саидовлар кўп иш қилдилар.

Бошида Қори Йўлдош Пўлатов бўлган ҳолда, Карки ташкилотининг ҳаракати бизга жуда кўп ёрдам берди (Қори Йўлдош Пўлатов Каркида ёш бухороликлар ҳаракатини тузувчилардан биттасидир).

Шул вақтда бизга, илгариги вақтда Бухородан қочиб кетган ва жадидчиларга тарафдор бўлган Мирза Муҳиддин Мансур деган машҳур киши қўшилди. Унинг Бухородан қочишининг сабаблари бошқа бўлиб, амирга жуда яқин бўлган Эски Бухоронинг бой савдогарларининг бошида турган ва бутун халққа машҳур бўлган карвонбоши Азизов билан хусусий рақобат орқасида қочқондир.

Бу савдо рақобати сиёсий курашга айланиб, Муҳиддин Мансуров қочишга мажбур бўлган, чунки ўзининг эскилик тарафида бўлган рақобатчисининг интиқомидан қўрқган.

Шул равишда Қогонга қочиб келган ёш бухороликларга Муҳиддин Мансуров 3 та ўғли билан қўшилди.

Бизнинг рус инқилобчиларига Тошкент рус инқилобчи ишчиларига бўлган мурожаатларимиз жавобсиз қолмади //

[44] Тошкент ишчи солдат депутатлари ўлка шўросининг амри бўйинча Самарқанддан комиссия келди: комиссияда сотсиал револуционер Чернов ва битта жуда яхши нотиқ солдат бор эди, унинг фамилияси ёдимда қолмаган, ўзи сотсиал демократлардан бўлса керак.

Янги Бухорода жуда кўп ишчи ва солдатларнинг иштироки билан, ёш бухороликлар ва жадидларнинг вакиллари билан биргаликда ишчи ва солдат депутатлари шўросининг мажлиси очилди. Бу мажлисда ёш бухороликлардан мен, бизнинг ишларимизга хайрихоҳда бўлган мусулмонлардан (ёш бухороликлар фирқасининг аъзоларидан эмас) Бекбердиев ва Ориф Каримовлар сўйлади. Бу мажлисда ёш бухороликларнинг қўлга тушириб олган хати ўқилди. Бу хат рус сафоратхонасининг биринчи саркотиби Шульга томонидан қози калонга ёзилган. Шульга бу хатда ёш бухороликларнинг ҳаракати кучайиб борган сари кўп халқни ўз ичларига олганлигини билдириб амир ҳукуматини огоҳлантиради. Ёш бухороликларга раҳмсиз суратда жазо беришни амирга маслаҳат қилиб, қози калонга кучли ёрдам беришни ва ўзининг ҳар вақт унга ёрдамчи эканини ваъда қиладир.

Бу хат кўп жапжалга сабаб бўлди: инқилобчи ишчилар ва солдатлар ёш бухороликлар билан биргаликда Шульгани қамоққа олишни талаб қилдилар. Рус сафоратхонасида яширми хиёнатчилар, инқилобни сотувчилар борлигини сўйладилар.

Буржуазия номидан кадетлар: Гальперин ва Рабиновичлар Шульгани мудофаа қилиб сўйладилар. Охирида биринчи галабага эришилди: Шульгага уй қамоғи эълон қилинди.

Амир ҳукумати рус қора гуруҳлари устидан турган идора борлигини кўриб, рус инқилобий ташкилотларининг кучини ҳис қилиб, ёш бухороликларнинг рус инқилобчиларида иборат кучли иттифоқчи топганини тушиниб, йўл қўйиш сиёсатига киришди //

[45] Ота Хўжаев, Юсуф-зода ва бўлак кўп кишилар озод қилиниб, рус вакиллари ҳам Бухоро амалдорлари билан улар Эски Бухоро станциясига юборилди. Станцияда уларни ўртоқлари ҳамда жуда кўп халқ кутиб олди. Ота Хўжаев ва Юсуф-зодалар билан бирликда калтак билан урулган Айний, Мирбобо ва Мирза Назрулла ҳам бўшатилади. Мирза Назрулла жуда қаттиқ касал бўлиб ўпкаси йринглаши бошланган эди. Қийналган Айнийнинг укаси ҳам зарарланган эди. Озод қилинганларнинг ҳаммасини Янги Бухорога келтирилди ва касалларни касалхонага ўрнаштирилди.

Эртагусин Мирза Назрулла ўлди. Улиш олдидан ул сиёсий васият ёзиб қолдирди. Васиятномасида халқни суйганлигини, ўлиш олдидан ҳам халқнинг зулмдан,

қулликдан озод бўлишига ишонганини билдирадир, жаллоднинг қўлидан даҳшатли ўлим билан ўлиш менга қўрқинчли эмас, аксинча хурсандман, чунки меним ўлимим озодлик соатининг яқинлашишига хизмат қиладир, деди.

Мирза Назруллани кўмиш жуда катта бўлди. Қўрқитиш ва манъ қилишларга қарамасдан кўн халқ келди. Янадан бутун инқилобий ташкилотлар, ёш бухорликлар, рус ишчилари, аскарлар, умуман Янги Бухородаги жон эгасининг ҳаммаси иштирок қилди.

Мирза Назруллани кўмиш ва қамалган ўртоқларни озод қилиш ишлари тамом бўлганидан кейин, жадидчилар ташкилотининг ўнг гуруҳи фирқанинг бошлиқларини янгидан сайлаш учун умумий йиғин чақирдилар.

Бунда ташаббус қилувчилар Бурҳонов, Фазлиддин Мақсум ва Муҳиддин Рафъат эдилар. Намойиш охирида бўлган қайғули воқеалардан фойдаланиб улар — бизнинг «эски жадидчиларимиз» бутун воқеада бизни айблаб, фирқанинг сўл гуруҳига қатъий равишда қарши чиқдилар.

Мажлисга Муҳиддиновлар оиласи чақирилди. Болалари келдилар, ammo Муҳиддин Мансуров ва унинг ўғли Абдуқодир келишдан бош тортдилар //

[46] Мажлис Бурҳоновнинг бошлама сўзи билан очилди. Қисқагина докладдан кейин ул, фирқанинг олдидида катта вазифалар турадир: амир ҳукумати ва рус сафири билан сўзлашиш керак, шунинг учун фирқанинг бу вазифаларни бажара оладиган эътиборлик ва лаёқатли Марказ Қўмитасини вужудга келтириш керак, айниқса, Марказқўмнинг эски аъзоларидан Фитрат ва Усмон Хўжаев каби эътиборли аъзолари бўлмаганлиги сабабли бу жуда зарур, деди.

Бурҳонов фирқага йўлбошчилик рулини Муҳиддин Мансуровга беришни таклиф қилиб, Мансуров ақлли одам, руслар ўртасида ҳам эътибори катта, деди. Ҳақиқатдан Мансуровнинг рус буржуасияси билан хусусий алоқаси катта бўлиб, рус сафоратхонасига ҳам кира олар эди.

Эски Марказ Қўмитага қарши чиқиш фурсати муваффақиятли сайланган бўлиб, Бурҳонов янгидан сайловни ўтказишга муваффақ бўлди.

Янги Марказ Қўмитага қуйидаги кишилар сайланди: Муҳиддин Мансуров раис ва йўлбошчи, Абдуқодир Муҳиддинов, Муҳиддин Рафъат, Абдулвоҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Ориф Каримов, Мирза Исомуҳиддинов,



Мусо Саиджонов, Мухтор Саиджонов, мен, яна икки-уч киши, уларнинг номлари эсимда йўқ. Ва улар биринчи мажлисдан кейини ишламадилар ва Марказқўмдан чиқарилдилар. Кейинроқ Марказқўмга эски Марказқўм аъзоларидан Фитрат, Ота Хўжасев кирдилар. Марказқўмни янгидан сайлашдан мақсад Муҳиддин Мансуровни Марказқўмга раис ва йўлбошчи қилиш ва унинг ўғилларини Марказқўм ҳайатига киритиш эди.

Шул равнишда иқтилобдан қўрқувчи ўнг гуруҳ иқтилобчиларимиз енгилдилар. Бунга протест (морозиллик) баён қилиш мумкин эди, чунки бу сайловлар ғайри қонуний эди: сайлов мажлисида ёш бухороликлар фирқа ташкилотларининг кўпи иштирок қилмаган эди, янадан ҳозир бўлган аъзолардан кўпгина киши Марказқўмнинг янги ҳайатига қарши эди. Аммо мен ва сўл // [47] гуруҳдан бўлган бўлак аъзолар фирқа ичида кураш бошлашни ҳоҳламадик, аҳвол жуда чатоқ эди: амир бутун фирқа аъзоларини қўлга олиш ҳаракатида эди. Мен ўзим яшириниб, ҳали бир уйда, ҳали иккинчи уйда ётиб юрар эдим (мен кўп вақт Левин заводда ҳамда Русня страховой общество агенти Муҳаммадовнинг квартирасида яшириниб ётдим). Албатта бундай фурсатда фирқа ичида жанжал бошлаш бизнинг бутун ишларимизни бузар эди. Ишларда йўлбошчиликни вақтинча ўнг гуруҳга беришга тўғри келди.

### **АМИР БИЛАН СЎЗЛАШУВНИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ, БИЗНИ ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАРИ, МАНСУРОВ ҚҰМИТАСИНИНГ ТАМОМ БҮЛИШИ**

Янги Марказ Қўмитанинг биринчи мажлиси Мансуровнинг турган нумирида бўлди. Бундан сўнгра биз ҳар кун деярли унга йиғилиб фирқага тегишли масалаларни музокара қилдик.

Бу мажлисларда келгусидаги ишлар учун икки йўл белгиланди: 1) рус ҳукумати орқали амирдан авфни умумий олиш, жадидларни қидиришни, жазолашни тугатиш, умуман яширинмасдан тинч ишлаш шартларига моллик бўлиш; 2) амир ҳукуматини қонуний суратда сиқиб билан фойдаланиш баробарида, фирқани яширини равнишда қуроллантириб қуролли исёнга ҳозирлаш ҳамда вилоятларда яроғлик тўдалар (партизан) қўзғалтирилари ташкил қилиш.

Иккинчи таклифни қилган кишининг ким эканлиги хотирамда йўқ, аммо сўл гуруҳнинг фикри эди. Мансу-

ров ишга киришган кундан бошлаб ҳар қандай қуролли қўзғалишларга ва зўрлик чораларига қарши бўлганини билдирди. Ул фақат биринчи йўлга, қонуний йўлга, амирни ва унинг амалдорларини рус сафоратхонасининг ёрдами билан кўндириш, ўғитлаш йўлигагина рози бўлди. Янги қўмитанинг кўпчилиги ортиқча инқилобий қувватдан маҳрум бўлмасда мамнуният билан Мансуровнинг таклифига қўшилди //

[48] Қуролли ҳаракат рад қилиниб, ўғитлаш йўли қабул қилинди. Ҳукуматни ўғитлаш ишини маҳкамлаш учун маҳаллаларга ташвиқотчилар учликлари (3 кишилик ҳайатлар) юборишга қарор қилинди. Улар йиғинлар ясаб, халққа кейинги воқеаларнинг сабабларини, фирқанинг тутган йўлини тушунтириб, амирнинг эълон қилган Фармони Олийсини тезликда амалга оширишни талаб қилишга тегиш эдилар. Бундан ҳеч нима чиқмади: ташвиқот гуруҳлари вужудга келтирилгани йўқ. Фақат Фатхулла Хўжа ва Юсуф-зодагина Чоржўйга юборилди.

Фирқанинг бутун ишлари амир ва рус ҳукумати билан сўзлашишдан иборат бўлди. Сўзлашувлардаги бутун чораларнинг бошида Мансуров турди. Мансуров ўзи Миллер билан узоқ вақт сўзлашгандан кейин кутилмаган ҳолда бизга Миллер орқали амир билан сўзлашиш зарурлигини билдирди. Бу тўғрида қўрқинч борлигини билдириб ўз фикримни айтдим, лекин ҳеч ким қулоқ солмади. Ушбу мажлисда мазкур сўзлашишларни олиб бориш учун комиссия сайланди. Комиссияга Муҳиддин Мансуров, Абдуқодир Муҳиддинов, Исо Муҳиддинов, Мусо Саиджонов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Ота Хўжаев, Хўжа Абдусаттор, Мухтор Саиджонов ва мен сайландик.

Марказқўмнинг оғзаки дастури қуйидагидан иборат: «Жадидларга тегмаслик ва фирқанинг амир Фармони Олийсига мувофиқ расмий ишлар кўриши асосида амир билан келишув». Кўп кишилар бундай ўрта йўл тутганда фирқа учун қандай бўлсада расмий иш қилишга имкон берилишини умид қилдилар. Мансуров, мен ва Бурҳоновга илгари Миллер билан сўзлашиш топширилди.

Биз Миллерга бордик. Миллер бизни қабул қилди. Сўзларни Мансуров сўйлади. Миллер: «Муваффақият бўлишига кафил бўла олмайман, аммо ёрдам беришга ҳаракат қиламан, бирдан бир йўл амир билан сўйлашув, бўлак чора йўқ» деди //

[49] Шу равишча бу масалани биз Миллер билан муваффақлаштириб, иккинчи кунда амирга кетдик. Миллер, Введенский ва ишчи, солдат вакиллари шўросининг бир қанча аъзолари ҳам бизга қўшилдилар. Самарқанддан келган аскарый бўлимлардан ҳеч ким йўқ эди. Улар Эски Бухоро вокзалида қолдилар; улар билан сўзлашиб бир фикрга келадурган киши топилмади. Жума кун эрта билан биз поездга ўлтириб, Эски Бухоро вокзалига кетдик. Унда бизни амирнинг араваси билан бир қанча маъмурлар қарши олдилар. Бизни бир аравага иккитадан ўлтиргизиб, ёнимизга биттадан маъмур ўлтирди. Мен бир аравада Мансуров билан бирга эдим. Мусулмонларнинг жуда кўпчилиги масжидлардан чиқиб келган вақтда бизни бозор орқали олиб кетдилар. Регистонда бизларни 5000 киши кутиб турар эди. Йўлда борган вақтда халқ бизни сўкиб, устимизга тош ташлаб қоладир эдилар. Мана бу ҳол кўрсатадир эдиким, келгусида бизга яхшилик кўрилмайдир эди:

Ниҳоят бизни қушбегининг сафирлар шўъбасига олиб келдилар (одатда бош вазир унда меҳмонларни қабул қиладир), бизга узоқ вақт кутишга тўғри келмади: икки соат вақт ўтгандан кейин ҳаммамизни амирнинг тахт золига чақирдилар. Ҳаммамиз иккита-иккита бўлиб амир олдига кетдик. Бизни рус маъмурлари узата бордилар, амир олдига нима учун олиб боришлари тўғрисида ҳеч нима сўрамадик ҳам.

Амир золида биз Бухоро ҳокимларининг ҳаммасини кўрдик: мансаб эгаси бўлган тўраларнинг ҳам дин бошлиқларининг ҳаммаси бор эди.

Бизнинг келиб киришимиз билан шовқин кўтарилди: бизни ҳар томондан сўка бошладилар. Бизни амирнинг орқасига руслар билан бир қаторга жойлаштирдилар. Биринчи сўз Мансуровга берилди. У тахминан қуйидагича сўз бошлади: «биз ватанимизни ҳам ҳозирги усули идорани яхши кўрган Бухоро тобеъларимиз, амир ҳазратларининг манифестида бизнинг мақсадимизга тўғри келиб етмаган баъзи бир камчиликларни // [50] танқид қилган бўлсак ҳам, эй давлатнинг буюк ҳокимлари ҳозир биз сизларга қўлларимизни чўзамиз, амир ҳазратларининг иродаси вужудга чиқсин!»

Мансуров гапира бошлаши билан ҳаммаси ўринларидан сакраб туриб, қўлларидаги асолари билан ҳаракат кўрсата бошладилар, бизни: хоинлар, сотилганлар, кофирлар деб сўка бошладилар, баъзиларимизни

ура бошладилар. Шу вақтда амир ўриндан туриб, Мансуровга ва мансаб эгаларига хитобан дедик: «Сиз ҳам, сизлар ҳам меним тобеъларим, сизнинг орангизда англашилмовчилик бор. Бу англашилмовчиликларнинг ҳаммаси ўтиб кетар, тинчланинглар, аҳвол бурун қандай бўлган бўлса, шундай бўлур». Шу сўзлардан кейин ул дарров чиқиб кетди. Биз сарой олдидаги минглаб халқнинг кучлик шовқинини эшитдик. Улар вакилларни ўз қўлларига, ўз йиртқич ҳукмларига беришни талаб этар эдилар. Вакиллар фақат шу вақтдагина бир-бирига дўст бўлган амир билан Миллернинг мақсадларини англадилар. Лекин бизни халқ қўлига бермадилар: бизни уй ичидаги йўлчада оз-моз тутиб тургандан кейин, йўлдан четга сиқилиб ҳайдалган халқнинг шовқинлари ичидан олиб чиқиб бурунги жойга келтирдилар. Мана биз шу равишда, бизни ўз қўлларига беришни талаб қилган халқнинг шовқинларини тинглаб, бутун кун ўлтирдик.

Русия Вақтли ҳукумат вакилларининг сотлиқ роллари мана шу вақтда очиқ маълум бўлди. Миллер ҳам Введенский, амир билан бирликда ўзлари кавтаб чиқарган шу бахтсиз ўйунда, ўзларини хусусий маклер қилиб кўрсатишга тирришар эдилар. Улар бир вақт бизнинг олдимизга кирсалар, иккинчи вақт амир олдига, ундан халқ олдига чиқиб, кирадир эдилар, ўзларини гўё шу халқни тинчлантиришга чиққан киши каби кўрсатадир эдилар, аммо ҳақиқатда бизнинг қонимизни кутадир эдилар, чунки уларни Эрон инқилобчиларининг қонларигина қаноатлантирмаган эди // [51].

Мана шу вақтда, кейин Бухорони озод қилган ва шўролар тузилишининг кенг йўлига чиқазган иттифоқ ўзини очиқ кўрсатдиким, бу иттифоқ — шарқнинг миллий инқилобчилари билан чор ҳокимиятини ағдариб ташлаган рус ишчи, деҳқонлари орасидаги иттифоқ эди.

Буржуазия сотлиқлари ва унинг бажарувчилари: тараққийпарварлик паранжиси тагига ўзларининг тескаричиликларини яширган Миллер ва унинг йўлдошлари бизни халқнинг йиртқич ҳукмига беришни истаганлар эди, лекин бунга йўл қўймайдурган куч ҳам топилди. Бу куч — инқилобий рус аскарлари ва Янги Бухоронинг ишчилари эди. Улар амирнинг ва амир дўстлари бўлган рус жаллодларининг планига монё бўлдилар. Биринчи навбатда бизга ёш бухороликлар жамияти билан яқин алоқада бўлган Янги Бухоро ишчилари, ундан кейин, Янги Бухорода ва Эски Бухоро вокзалида жойлашган инқилобий аскарлар ёрдамга келдилар.

Амир саройида ётган вақтда биз — вакиллар бизни мудофаа қиладирган кучларнинг борлигидан хабарсиз эдик, биз жаллод қўлидан, ёхуд бизни йиртқишлаб ўлдиришга тайёр турган халқ қўлидан ўлим кутади эдик. Бир вақт ҳеч бир қутилмаган воқеа бўлди: бизни Насрулла қушбеги ва Урганчий зиёрат қилдилар. Ҳар иккаласи бир оғиздан билдирдиларки, ушбу воқеага амир таассуф билдирадир, ҳам саройни қамаб олган 10 мингга қарийб халқнинг таассибига норозилик изҳор қилади, халқ 12 соатдан буён вакилларни осиб ўлдиришни, ёхуд ўз қўлига беришни талаб қилса ҳам, бунга йўл қўйилмағусидир, чунки амир масалани тинчлик йўли билан ҳал қилишни истайдир. Шу сўзлардан кейин Урганчий бизни эрта билан озод қилиш мумкин бўлғусини билдирадир. Ҳар ҳолда ишчиларнинг ва инкқилобий аскарларнинг зиёратлари амирга ҳам унинг мансаб эгаларига таъсирсиз қолмаган бўлса керак // [52]. Бундан кейин Урганчий, Янги Бухоро шўросининг аъзолари жуда чарчаганлар, ҳозир кетсалар керак, деди. Биз бирдан-бир мудофаачиларимизнинг кетишларига норозилик билдирдик, улар ҳам албатта қолишга рози бўлганлар.

Миллер, шўро аъзолари ва ишчилар томонидан бизнинг мудофаа қилганимизни кўргандан кейин, чўчиган бўлса керак, бизни озод қилдириш тўғрисида ҳаракат қила бошлади. Соат 12 да биз озод бўлдик ҳам Янги Бухорога кетдик, унда бизни пахта заводларидаги ва темир йўлдаги жуда кўп ишчилар қарши олдилар. Ушбу саёҳат Марказий Қўмитага ва унинг раиси бўлган Мансуровга ниҳоят берди.

Фитрат келгандан кейин икки ҳафта ўтиши билан ташкилотда қолган аъзоларнинг ялли мажлиси янги Марказ тузди, ул жадидлик ҳаракатида қолган меросларни, шунингдек ичида унинг тор маданият рамкаси ичига сиқилишини ва сиёсатда саботсизлигини ҳам йўқотди. Бугунги жадид фирқаси жойда ёш бухороликлар фирқасини тузиш, унинг программани тайёрлаш ишлари, яъни янги ишлар бошланди; шунинг билан бир вақтда ва қишлоқларда ташвиқот ишлари кучайди. Марказий Қўмитанинг энг биринчи ва муҳим қарорларидан биринини юзага чиқариш учун амир аскарлари орасида, ҳатто ёш бухороликларга манфаатдор бўлган гуруҳларга тўплаш учун Эски Бухоронинг ҳунармандлари ва аравакашлари орасида инкқилобий ишлар бошланди.

ИЖТИМОИЙ КУЧЛАРНИНГ ГУРУҲЛАРГА АЖРАЛИШИ.  
ЖАДИДЛАР УНГ ГУРУҲИНИНГ ИНҚИЛОБДАН  
УЗОҚЛАШИШИ

Русиядаги Февраль ўзгариши ва ундан кейин Бухорода бўлган // [53] воқеалар (жадидларнинг яширин маркази тузилиши, амирнинг манифести, намойишлар ва амирнинг жаллодлик ҳаракати) юқорида кўрсатқанимизча ўнг жадидлар, яъни тадрижий ислоҳот йўлида борғувчилар билан инқилобий йўлга кириб борган сўл жадидлар орасидаги ажралишни тезлаштирдилар ва чуқурлаштирдилар.

Жуда кўп масалалар (яширин ишлашга, амирнинг манифестига бўлган муносабатлар) устидаги музокаралар ва низолар жуда куч олдилар. Бухоро инқилобчиларининг янги хатти-ҳаракати эски жадидларнинг очиқ танқидларига сабаб бўлиши билан бирга Бухоро тараққийпарвар жамоасининг фикрларини узоқ вақт ишғол қилди.

Колесов воқеасигача ҳам Бухородан кўчиб кетгангача ёш бухороликлар ташкилотда ҳам унинг жойлардаги шўбаъларида кучли фикр курашлари давом қилди.

Амир истибдоди куч олган, ёш бухороликлар торумор келтирилган вақтда ёш бухороликлар ташкилотларида ўнг қапотнинг сўлларга бўлган ҳужуми ҳам қувват олди, албатта кетга қайтган вақтда, инқилобий ҳаракатнинг орқага қайтган вақтида бу ҳолнинг бўлиши табиийдир.

Янги ва эски жадидлардан бошқалари, ҳали шу вақтда тараққийпарварлик ҳисобланган бир оғим тарафдори бўлганларни, уларнинг аҳволга очиқ кўз билан қарай билмаганликлари ва аҳволни тўғри тушулмаганликлари сабабли жадидларнинг ташкилоти торумор келтирилди, деб айблайдир эдилар. Шунинг учун Мансуров раис бўлган эски Марказий Қўмита билан амир ҳукумати ўртасидаги натижасиз музокаралардан кейин ва янги ҳаракат раҳбарлиги сўллар қўлларига кўчкандан кейин ташкилотда бирлик бўлиши мумкин эмас, ташкилот бир-бирига душман бўлган икки томонга ажралур, деб ўйланган эди. Лекин бу ҳол бўлмай қолди. Янги Марказий Қўмита бу вақтда қуйидаги кишилардан иборат // [54] эди: раис Абдулвоҳид, аъзолар: Раҳмат Рафиқ, Фатхулла Хўжа, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Тағиев, Фазлиддин Маҳзум, Мусо Санджонов, Оғдоров, Усмон Хўжаев, Ота Хўжаев, Ҳожи Мир-

боев (уч ойдан кейин Фатхулла Хўжаев ўрнига Муъин Аминов киргизилди). Мана шу аъзолардан иборат янги Марказий Қўмита аҳволни эътиборга олиб, ҳам келгусидаги муваффақиятларнинг ташкилотдаги бирликка боғлуқ эканлигини тушуниб, ажралишга йўл қўймас учун ҳамма чораларни кўрди.

Марказий Қўмита аъзоларидан бир қисми жадид фирқаси деган номни ёш бухороликлар фирқаси деган ном билан ўзгартиришни талаб қилган бўлсалар ҳам, Марказий Қўмита эски жадидларни чўчитмас учун бунга рози бўлмади, ҳатто бир қанча вақт эски жадидчилардан машҳур Абдувоҳид Бурҳоновни раислик вазифасида сақлаб келди.

Янги Марказий Қўмита жадидларнинг фикри ва хатти-ҳаракатида ҳар хил гуруҳларга ажралган вақтларида ҳам ташкилоти алоқани сақлаб келди. Фақат Мансуров ва Муҳиддин Рафъат гуруҳигина унинг учун мақбул эмас эди, бу гуруҳ ташкилотдан тамом узоқлашди.

Ҳар ҳолда шуни этиш лозим, ёш бухороликлар ташкилотининг фикр ва мақсуд жиҳатидан ҳар хил гуруҳлардан иборат бўлиши Бухорода ўзгариш ишларига кўп зарар келтирди, айниқса бу ҳол Колесов воқеаси вақтида очиқ кўрилди.

Намойишлардан кейинги давр Бухорода инқилобий ишларни олиб бориш учун айниқса оғир бир давр эди. Намойишлардан кейин аҳвол тамом ўзгарди, ҳатто шу намойишлардан норози бўлган баъзи бир раҳбарларнинг истакларига қарамасдан, тўғридан-тўғри амир ҳукуматига қарши инқилобий кучларнинг очиқ намойишлари ҳолига айланди. Шу курашларнинг чуқурлигини ва амир зулмининг куч олиши натижасида Бухоро савдогарларининг катта таъсир қиладурган гуруҳлари ҳам янги ҳаракатдан ажралдилар // [55].

Бухорода савдо сармоячилари куч олиб келадир эди, шунинг учун ул Бухоронинг европолаштирилишини, унда қандай бўлса ҳам сармоячиларнинг куч олиши учун берар ҳуқуқларининг киргизилишини талаб қиладир эди. Аммо амир усул идораси савдо сармоячилигининг тараққий этишига йўл қўймайдир эди, шунинг учун савдогарлар амир усул идорасига қарши эдилар, лекин бу қаршилик амир ҳукуматига қарши инқилобий йўл билан курашишдан иборат эмас эди. Чунки инқилобий йўл билан курашган вақтда уларнинг фойдага қараганда ортиқроқ зарар кўришлари эҳтимол эди. Ин-

қилобнинг муваффақият қозонадирган омма кураши уларни чўчитар эди. Ҳар ҳолда сармоянинг манфаатига зарар кетиратурган умум халқ ихтилоли деган нарсанинг бу савдогарлар гуруҳининг программиде бўлиши мумкин эмас эди. Уларга инқилоб керак эмас, балки қисман ислоҳот керак эди, шунинг учун улар Бухоро инқилобининг янги йўлга киришини истемадилар, шу йўлда ишлаш ҳам олмагадилар эди. Уларнинг кетишлари ҳаракатни кучсизлантирди, чунки ташкилот катта бир ёрдамдан ажралди.

Албатта ҳақиқий инқилобдан, ҳатто ҳақиқий тараққийпарварликдан узоқ бўлган гуруҳ ҳам, уламолар билан боғланган мулло Икром гуруҳи ҳам янги ҳаракатдан ажралди. Унинг ислоҳот программиде амирини йиқитишгача бўлган инқилобий кураш кирмайдир эди.

Янги ҳаракатдан бойлар ҳам узоқлашдилар. Бутун иш оғирлигининг маркази чап томонга кўчди, чунки ташкилотни бундан кейин кенгайтириш камбағаллар ҳисобидан бўлди.

Шу равишда жадидлик ҳаракатининг ижтимоий маънаси сиқилди.

Ташкилотнинг кучи камайди ва унинг жамиятга бўлган таъсири кучи ҳам камайди. Айниқса шу аҳвол ҳам энг муҳим эдиким, Марказий Қўмита деҳқонларнинг дўстона бетарафлигиде ишонган эди, лекин деҳқонлар // [56] жадидларнинг тарғиботида бурунгида қараганда ҳам ортиқроқ аҳамият бермай бошладилар. Деҳқонлардан қуролик отрядлар тузиш ҳам амирга қарши кураш муваффақиятли равишда борса, шу деҳқон отрядларининг ёрдами ва янги Русиянинг ёрдами билан қуролик ихтилол кўтариш умиди бекорга чиқди, чунки шу вақтда деҳқонлар ҳар бир ислоҳотга совуқ қарайдир эдилар. Янги Марказий Қўмита очиқ кўрдиким, деҳқонларнинг шу инқилобий ҳаракатга яхши қарашлариде ҳам ишонч мумкин эмас эди.

Аҳвол яна шундай бир воқеалар билан оғирлашди ва қийинлашдиким, вақтли ҳукуматининг ҳам Туркистон ишчи, солдат вакиллари шўроларининг ўлка идораларининг вакиллари, Бухоро деҳқонларининг аҳволига совуқ қарашларини кўриб, амир ҳукумати билан келишув йўлига кирдилар. Шунинг билан баробар Бухоро жадидлар ташкилотининг кенг оммавий инқилобий ишларга кўчишига йўл қўйимов мақсади билан жадидларнинг ҳар хил гуруҳлариде ва Марказий Қўмитага таъсир ижро қила бошладилар.



Мана шундай шароит ичида Марказий Қўмитанинг тутган эҳтиёт йўли албатта тўғри эди. Яхши фурсат келганигача ташкилотни сақлаш, тадрижий йўл билан унинг ижтимоий манбаъини кенгайтириш керак эди.

Ўз ғалабаларининг меваларидан фойдаланиб амир ҳукумати шу вақт ичида жадидлар ҳаракатига ниҳоят бериш учун ҳамма чораларни кўрадир эди. Расмий Русиянинг аҳвол и руҳиясидан ўз жосуслари орқали яхши хабардор бўлган амир ҳукумати, Русиянинг жадидларини мудофаа қилиш мақсади билан Бухоро ишларига мудоҳила қилмоғусини билиб, жадидларга қарши жабр-зулмини кучайтирди, жадидларнинг ташвиқотига йўл қўймайдир, тўғри келса жадидларнинг бошлиқларини бурчакдан туриб ўлдирадир эди // [57].

Терский казачий полкида ва амирнинг ўзини мудофаа қиладирган аскарда инқилобий гуруҳларни тузган Хусайн Хўжаев мана шундай йўл билан ўлдирилди. Аскарлар орасида фирқа раҳбари бўлган Ҳалилбек Абдужалилов ҳам шу йўл билан ўз уйида бўғилиб ўлдирилди. Жадидларнинг бошқа бир қанча бошлиқлари ҳам шундай йўл билан ўлдирилдилар. Мана бундан кўриладир, ким амир ҳукумати аскарлар орасидаги ташвиқотни энг қўрқинчлик ташвиқот деб тўғри тушушган.

Амир ҳукумати жабр-зулм билангина қаноатланмасдан халқ ўртасида жадидларга ўзи учун даркор бўлган муносабатни вужудга келтиришга тиришиди. Жуда яхши ташкил қилинган жуда кўп аппарат ишга бошлади: халқ кўзида жадидларнинг эътиборини туширишга, ёмон кўрсатишга ҳамма чораларни кўрди, жадидларни ислом динининг асосларини бузишда ҳам ватанин русларга сотишда айблайдилар эди. Инқилобий қўзғалишлардан қўрққан Бухоро савдогарлари уламоларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатар эдилар.

Бу гуруҳларининг ҳаммаси жадидларни ҳар хил гуноҳи кабирда айблайдир эдилар. Мана шунинг натижасида ҳар хил тараққийпарвар гуруҳларни бирга тўплаган янги Марказий Қўмита жуда қийин аҳвол ичида қолди. Маҳкам, биргина хил синфий манбага молик бўлмаган ва халқнинг ҳар хил гуруҳлари ичидан ўзинга иттифоқчилар ва тарафдорларни қидирган ҳам уларга молик бўлган жадидлар ташкилоти, табиий равишда музоичқа (мозанка) ҳолига қолган эди: унинг ичида гуруҳбозлик доний бир ҳодиса бўлиши лозим эдиким, бу ҳодиса айниқса тескаричиликнинг қувват олган даврида очик кўрилди.

Энг муҳим масалаларда бир фикрга келиш умумий программни, ишнинг умумий усулларини белгилаш билан ишларни натижалик равишда олиб бориш ҳар ҳолда мумкин эди // [58].

Шунинг учун Марказий Қўмита ташкилотининг номини ўзгартиришга шошилмади, балки қуйидаги икки вазифа устида ишлашга тиришди: 1) ташкилотнинг амалий программасини тайёрлаш; 2) ташкилотга мумкин қадар кўпроқ ишчи-хунарманд, солдатларни ва мумкин қадар деҳқонларни жалб қилиш мақсади билан халқ орасида ишлашнинг усулларини белгилаш.

Жадидлар ташкилотининг ижтимоий, демак фикрий жиҳатдан ҳар хилда бўлиши натижасида биринчи масала, яъни программни тайёрлаш ҳаммадан оғир масала эди.

Программнинг ҳар хил фикрий қарашларга йўл қўйиши, амир ҳукуматига умумий норозилик билан жадидлар ташкилотига бирлашкан ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг майфаатларини таъмин қилиши керак эди. Масала жуда оғир эди. Унинг ҳал этилиши жуда эҳтиёт бўлишни талаб этадир эди, чунки жадидлар ташкилотининг бутун ҳолда қилиниши шу масаланинг муваффақиятли равишда ҳал қилинишига боғлуқ эди.

Программада сиёсий талаблар имконият доirasидан четга чиқмаслиги керак эди, чунки ортнқча радикаллик (турмушни асосидан ўзгартиш маслагиди бўлиш) ташкилотни шу даврда жуда қиммат бўлган ва катта таъсирга молик бўлган ўнг аъзоларидан маҳрум қилгуси эди. Шунинг учун бир қанча музокаралар ва низолардан кейин программ тайёрлаш масаласи очиқ қолдирилди. Музокараларда олинган фикрларга қараб ислоҳот лойиҳасини тузишга, мазкур лойиҳада, мумкин қадар жадидлар ташкилотида бўлган сиёсий оғимларнинг фикрларини кўрсатишга қарор берилди. Мазкур лойиҳани тузиш вазифаси Фитратга топширилди. Лойиҳада талабларнинг оз бўлиши, яъни бутун ташкилот маъқул кўрган донрадагиша бўлиши лозим топилди.

Икки ойдан кейин, ёдимда яхши қолган бўлса, 1918 йилнинг январ охирида Фитрат мазкур лойиҳани Марказий Қўмитага топширди // [59]. Марказий Қўмита озгина ўзгартишлар билан мазкур лойиҳани қабул қилди ва умумга эълон қилишга қарор берди. Шу мақсад

билан эски ишчилардан Раҳмат Рафиқ Самарқандга юборилди, ул нашриёт ишларини яхши биладир, «Маърифат» китоб магазинида бир қанча йил ишлаган.

Ёш бухороликларнинг очиқ программни мана шу Фитрат лойиҳаси билан тамом бўлди, фақат 1920 йил бошидагина, яъни жадидларнинг Бухородан кўчиб кетганидан кейинги даврдагина мазкур программни ёш бухороликларнинг Туркистон бюроси номидан эълон қилишга муваффақ бўлдик. Бу тўғрида кейин сўзлашармиз. Биз бунинг билан бир қаторда, Фитрат томонидан ишланиб, Марказий Қўмитада қабул қилган лойиҳанинг асосий моддаларини кўрсатиб ўтганини лозим топдик.

### **ФИТРАТ ТОМОНИДАН ИШЛАНГАН ВА ЁШ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚ ҚИЛИНГАН ИСЛОҲОТ ЛОЙИҲАСИ**

Фитрат томонидан ишланган ва Марказий Қўмита томонидан тасдиқ қилинган ислоҳот лойиҳаси жуда эътиборни жалб қиладир. Озгина талабларни ичига олган программ бўлиши билан ул қонун асосий масаласини ҳал қилмайди. Ва идораи мустақилла усулини ўзгартирмайди. Шунинг билан баробар, иккита асосий мақсадни кузатадир ким, унинг очиқ таклифлари ҳам шу икки мақсадни амалий равишда юзага чиқаришдан иборатдир. Бу икки мақсад: Бухорога ҳуқуқли давлат усулини киргизиш. Урта асрдан қолган шарқ мустабидчилигини йўқотиб, унинг жойига Европадаги каби маданий монархия усулини киргизиш ва Бухоро халқининг иқтисодий маданий тараққиёсини таъмин қиладурган равишда Бухорони иқтисодий, сиёсий ҳам ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам қилиш // [60]. Ушбу лойиҳа сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан жуда эҳтиёт йўлини тутса ҳам, маданий, иқтисодий янгиликлар киргизиш масаласидан жуда қатъий йўл тутадир.

Лойиҳа деҳқончилик, қишлоқ рўзгорчилиги масаласига кўп ўрин берадир, яъни ислоҳот давлат ташкилотидан эмас, балки шу масалалардан бошланадир. Лойиҳа бўйича, ҳайдаладурган ерларнинг ҳаммаси уч хилга ажраладур.

Вақф ерлари, хусусий мулкда бўлган ерлар ва давлат ерлари.

Давлат ерлари (амлак) ҳам ҳукумат мулкидаги ерлар «хирож» номи билан бирлашдириладирлар (алоҳида шартлар билан ижарага берилладурган давлат ерлари).

Хусусий кишилар қўлида бўлган ерларнинг ҳаммаси ўз эгалари қўлида қоладир, фақат хирож ерларгина олинадир.

Вақф ерларини идора қилиш учун алоҳида муассаса тuzиладир. Солиқ ишларига лойиҳа катга аҳамият берадир, солиқларни олиш тўғрисида кўп қондалар тuzилган.

Солиқ масаласида жуда кўп ҳаққониятсизлик ва тартибсизлик ҳукм сурадир эди, бу масалага жадидларнинг раҳбарлари алоҳида аҳамият берганлар.

Лойиҳа меҳнаткашларга ва давлатга қарашлик ерларга тушадурган солиқ миқдорини камайтиришни лозим топадир.

Лойиҳа бўйинча бирлашиб ишланадурган ерларга ва «мулки хирож» ерларига тушадурган солиқ камайтириладир, шунинг билан баробар бир мунча эгри солиқлар, чунончи «кафсан», «от ёли», «ускуна пули», «чун пули» ва ҳашардай «кўтара боқи» деган солиқлар йўқотиладир.

Шунинг билан баробар лойиҳа, «мулк» (хусусий кишиларнинг) бирига ва «мулки хирож», яъни давлат мулкида бўлса ҳам хусусий кишиларга мустаҳкам қилинган ерларга тушадурган солиқ миқдорини ортдиришни лозим топадир // [61].

Солиқ масаласида кўрсатилган мана бу ўзгаришлар, меҳнаткашлар учун солиқни янгиллаштириш ва бойларнинг ерларига солиқни ортдириш ҳақидаги фикрларни амалий равишда юзага чиқариш учундир. Деҳқончилик ва қишлоқ рўзгорчилиги масалаларида лойиҳанинг иккинчи мақсади — қишлоқ рўзгорчининг ҳосилотини ортдириш ва экинзор ерлар миқдорини кўпайтириш ҳам деҳқончилик ишларини машиначилик усулига кўчириш йўлида чоралар кўришдан иборатдир.

Лойиҳанинг очиқ таклифлари мана қуйидагичадир: экилган ва экилмаган ерларга солиқ тегиз солинсин, бу ҳол албатта ҳамма ерларнинг экинмасдан қолмасликларига, эка олмаса эка оладурган рўзгорга сотилишига сабаб бўлур. Бундан кейин сугориш масаласида лойиҳа таклиф қиладир, ким Зарафшон сувидан фойдаланиш, яъни Бухоро, ҳам Самарқанд вилоятлари ўртасида ҳаққоният йўли билан тақсим қилиш масаласи ҳал қилинсин. Лойиҳа сугориш учун Амударёдан фойдаланишни, бунинг учун даркор бўлса мажбурий ҳашар ўтказишни таклиф этадир. Аммо бошқа вақтларда бу-

дай мажбурний хизмат йўлини ўзининг тараққийпарварлик руҳига мувофиқ равишда маъ қиладир.

Қишлоқ рўзгорчилигини тараққий бир йўлга қўйиш учун, қишлоқ рўзгори учун кредит беришни ва машиначилик усулини таклиф этадир. Бу масалада лойиҳа ҳамма чоралардан тўхталиб қолмайди, ул шунча асосий ўзгаришлар ва амалий чоралар кўрсатадир, ким Бухорода қишлоқ хўжалиги банки очишни, жойларда унинг жуда кўп шўьбаларини вужудга келтиришни таклиф этадир. Бу банк Бухоро деҳқонларини қишлоқлардаги жуда кўп олиб сотар, савдогарлар қўлидан озод қилур. Лойиҳа Бухорога қишлоқ хўжалиги машиналари келтириб, уларни деҳқонларга тарқатишни, деҳқонларни шу машиналар билан ишлашга ўргатишни таклиф қиладир. Лойиҳада қишлоқ хўжалиги мактаблари, халқ ўртасида зироат билимларини тарқатиш ҳам кўрсатилган // [62]. Мана бу чораларни амалга қўйиш тўғрисида зироат назорати деган муассаса чоралар кўрса керак.

Лойиҳа вақф масаласига ҳам кўп жой берди. Лойиҳа вақфини шу равишча қолдиришни жуда фойдали санаш билан баробар, вақфдан фойдаланиш усулларини ўзгартишни таклиф этадир. «Илм-фанга ёрдам кўрсатиш мақсади билан Бухоро доирасида тузилган вақфлар жуда кўп. Вақфлар тўғри асосда ташкил қилинса, вақфдан келган даромад ҳақиқатан илм-фан йўлига харажат қилинса, Бухоронинг маданиятда тараққий қилишига албатта жуда кўп таъсир бўлар эди». Лекин шу вақфларнинг ҳозирги ҳоли жуда ёмондир. «Вақф мулкларидан келган даромаднинг ярмидан аксарини ижрочилар халтасига кирадир». Вақфларни идора қилиш учун вақф назорати тузилса керак, ким вақф дўконлари, китобхоналар, ошхоналар ва бошқаларнинг ҳаммаси, яъни бутун вақф мулки шу вақф назорати қарамонига топширилиши лозим. Вақфдан келган бутун даромад вақф назорати ҳузурида бўлган алоҳида вақф хазинасига тўпланиши керак. Мазкур хазинанинг сармояси нқтисодий жиҳатдан фойда берадурган йўлга тутилсин, ундан келган просент пулига «янги мактаблар, мадрасалар, халқ китобхоналари, етимлар учун етимхоналар, фақирлар учун касалхона ва ошхоналар очилсин. Вақфининг даромад ва баромад ҳисоби яхши юргизилиб, улардан ҳисоб бериш усули киргизилсин, бу ҳисоб умум халқга маълум қилинсин, вақф қўлида-

ги ерлар ҳаққоният асосида деҳқонларга ижарага берилсин».

Вақфлардан шундай тўғри йўл билан фойдаланиш орқали маориф ва ижтимоий таъминот ишларига моддий манбаъни тайёрлаганидан кейин ҳам юқорида кўрсатилган чоралар билан Бухоро деҳқонларининг ободлигини // [63] ва қишлоқ рўзгорчилигининг унумдорлигини кўтарганидан кейин, лойиҳа ҳарбий ва молния ташкилоти ишларига кўчадир, ким лойиҳани тузувчилар каби, ҳамманинг фикрича ҳам, шусиз кучлик мустақил давлатнинг бўлиши мумкин эмасдир.

Биринчи навбатда лойиҳа аскарнинг сонини орттириш масаласига тўхтайдир. Русиянинг бурунги ҳукумати билан тузулган муоҳадага биноан Бухоронинг аскари 12 мингдан иборат бўлса керак эди, лекин амир шу муоҳададан фойдалана билмади. Аскарни тузишда Ёвропо усулларини киргизиш керак: «Аскарний хизматнинг ҳамма учун мажбурий бўлиши лозим». Аскарний хизматга олинадурган кишилар дўхтурлар қарамоғидан ўтишлари керак, касаллар, майиблар бундан озод бўладир. Аскарний хизмат муддати икки йил. 22 ёшга етилган ҳар ким аскарний хизматга мажбуран чақирилладир. Бундан кейин лойиҳа аскарларни ўргатиш ва таъмин қилиш масаласига тўхталадир. Лойиҳа жуда катта казармалар ишлатишни, Бухорода қўмондонлар тайёрлаш учун ҳарбий мактаб очишни, аскар учун хазинадан овқат, кийим беришни, аскарларга оз бўлса ҳам ойлик маош беришни талаб этадир.

Лойиҳа амир қўшунида катталарнинг аскарлар билан бўлган ёмон муомалаларини, жабр-зулмларини тасом йўқотишни талаб этадир. Оврупо усулида тузнладирган Бухоро янги қўшунида хизмат қилиш учун Бухоронинг ўзида ерлик офитсер ва инструкторлар этишмаганлиги сабаблик, Русия қўшунида хизмат қилган ва хизмат қиладурган мусулмон офитсерларни, мусулмон инструкторларни Бухоро янги қўшунига келтиришни таклиф этадир. Бутун ҳарбий ишларнинг бир марказга, яъни ҳарбий ишлар назоратига тўпланиши лозим.

Бухорода жуда тарқов ҳолда бўлган молния ишлари ҳақида лойиҳа амирнинг у пулини давлат хазинасидан ажратишни, солиқларни очиқ белгилашни ҳам йўлга қўйишни, ҳар йилни бюджетини эълон қилишни ва шу // [64] равишча ислоҳ қилинган молния ишларини идора қилиш учун молния назорати тузишни талаб этадир.

Ички ишларда лойиҳа Бухорода муассасаларнинг

маъмурлик жиҳатидан маълум қисмларга ажратилиб белгиланишини, уларнинг ҳукумат ва маҳаллий идоралар томонидан таъмин қилинишларини ва идора ишларининг марказият усулига қўйлишини талаб этади. Ички шаҳар идораси лойиҳада чекланадир, фақат ҳукуматнинг пастги ячейкалари — оқсоқолларгина халқ томонидан сайланадир.

Албатта маҳкамалар шарият қонунлари бўйича ишлайдилар ва руҳонийлар қўлида қоладилар. Адлия нозир «Қози калон» бўлади. Лойиҳа бўйича ҳукм ишлари шу равишча бурунгича қолиб, унинг ташкилот шаклигина ўзгаради. Бухорода йўлларни тараққий қилдириш учун йўллар назорати ташкил этилади, ким ердан олинадурган бойлик саноати ҳам ушбу назорат қарамоғига топширилади.

Ҳукуматнинг маориф ишларида кўрадурган чораларини мазкур лойиҳадан айнан кўрсатиб ўтамиз.

«Халқ ўртасида маориф тарқатиш учун маориф назорати ташкил этилади; унинг устига қўйидаги вазифалар юклатилади: ҳамма вилоятларда ҳукумат хазинаси ҳисобидан 2-нчи босқич мактаблар, олий билим юртлири очиб, мазкур мактабларга ўқитувчилар белгилаш, ҳамма мактаблар учун программлар тайёрлаш ва мазкур мактаблар устидан назорат қилиш. Мактаб очиб ҳуқуқи ҳаммага берилур. Фақат вақф назорати қарамоғида бўлган мактабларгина бу ҳуқуқдан мустаснодир. Бу масалада ҳеч бир чеклаш бўлмаслиги керак.

Маориф нозир маориф назоратининг имтиҳон комиссияси билан бирликда мактабларни тамом қилган кишиларга шу мактабларни тамом қилганликлари ҳақида шаҳодатномалар берур» // [65].

Нозирлар шўроси ўнта нозирдан иборат бўлур:

- 1) ер ишлари назорати;
- 2) вақф назорати;
- 3) ҳарбий ишлар назорати;
- 4) молия назорати;
- 5) ички ишлар назорати;
- 6) адлия назорати;
- 7) милитсия назорати;
- 8) йўллар ва саноат назорати;
- 9) маориф назорати;
- 10) хорижий ишлар назорати.

Ҳарбий нозир ҳузурида кенгашчиси бўлур.

Бухороликлардан мутахассислар тайёрланганига чак кенгашчилар вазифасига Русия, Туркия ҳам Озар-

байжондан чақирилган билимлик мутахассисе мусулмонлар чақирилур. Юқорида кўрсатилган 10 та назирдан иборат шўро «Назирлар шўроси» деб исмланур.

Хорижий ишларни юргизиш, Русия ва бошқа хорижий давлатлар билан алоқа ишлари хорижий ишлар назирига топшириладир, ким ушбу вазифа назирлар шу росининг рансига юклатиладир.

Юқорида кўрсатилганлардан маълумки, лойиҳа монархия давлатчилигидан четга чиқмайди. Ҳатто парламентчиликга ҳам бориб етмайди; назирларнинг сайланиб қўйилишлари ва халқ олдида масъул бўлишлари ҳеч бир жойда кўрсатилмаган. Шунинг учун лойиҳа Бухоро шаронтида ҳам қаноатланишлик эмасди, бунинг 1920 йилда ёш бухороликлар Туркбюросининг программини тайёрлаб эълон қилган жадидларнинг ўзлари ҳам аниқлади.

Бухорода халқ ҳокимиятчилиги даврига кенг йўл очган ушбу иккинчи программда биринчи лойиҳага қараганда катта қадам илгарига борганлигини кўрсатади эди // [66].

Лойиҳанинг энг катта камчилиги шунда эдиким, Фитрат ўнг қанотни аччиқлантиришидан чўчиб, хилоф чегарагача кириб кетган, яъни ёш бухороликлар мафкурасининг инқилобий найзасини ўткурелантирган, у ҳеч бир жойда очиқ суратда жумҳурият талаб қилишини ҳам кўргазмади. Бу ҳол албатта кечирилмаслик, кучсизликдир. Ҳатто ўнглариинг бошлиғи бўлган Абдулвоҳид Бурҳонов ҳам жумҳурият усулининг кераклиги ҳақида сўзлайди эди. Шундай бўлса ҳам мазкур лойиҳа кўп фойда келтирди, ул керак бутун ташкилотнинг ва керак Марказий Қўмитанинг мақсадларини халқга аниқлади. Бунинг устига мазкур лойиҳа ёш бухороликлар устидан, улар динни йўқотишга тиришадирлар, деган айбни олиб ташлади. Бу ҳол бутун табақаларнинг жадидларга бўлган муносабатида катта рол ўйнайдир эди, шунинг билан баробар, лойиҳа руҳонийлар қўлида тескарчилик ташвиқоти учун қурол бўлган сабабларни олиб ташлади.

Иккинчи масалада, яъни ярим пролетариат ва камбағаллар ҳам аскарлар ҳисобидан ташкилотни кенгайтириш ҳақида катта ихтилоф йўқ эди. Бу йўлдаги ишлар янги Марказий Қўмитанинг биринчи қадамларидан биттаси эди, ҳам ул жуда яхши муваффақият билан тамом бўлди.



Амирнинг тескари ҳаракати ярим пролетариат ва камбағалларга албатта ҳеч нима бермади, кун сари уларнинг иқтисодий ҳоли оғирлаша борди. Мапа бу ҳол шу гуруҳларнинг инқилобга томон яқинлаша боришларига замин ҳозирлади, шунинг учун ёш бухороликлар улар орасида ва амирнинг ҳарбий идорасидан норози бўлган аскарлар орасида юргизган ташвиқотлари муваффақият қозонадир эди.

Озгина вақт ичида амир аскарлари орасида икки, учта ячейка тузилди. Буларнинг аъзолари юзга яқин бўлиб, юқорида кўрсатилганича амир томонидан ўлдирилган ўртоқлар раҳбарлик қиладир эдилар // [67]. Юсуфзода ва Ота Хўжаев идорасида Эски Бухоронинг аравакашлари ҳам ҳунармандлари орасида ҳам 2 та ячейка ва эронликлар орасида кучлик яширин бир ташкилот тузилди. Ушбу яширин ташкилотда 150 тага яқин ҳунарманд, деҳқон ва бошқалар аъзо бўлиб, раҳбарлари Ҳожини Ҳасан Иброҳимов ва Шер Али Тагнев эдилар.

Бухоронинг бошқа шаҳарларида ҳам ишлар борар эди. Меҳнаткашлар ҳисобидан ташкилотни кенгайтириш ва программ тайёрлаш билан бир қаторда, Марказий Қўмита керак. Фирқа аъзоларини ва керак унга тарафдор бўлганларни фирқа ҳаёти ҳам навбатдаги ҳодисалар билан хабардор қилиш ниятида ташкилотни маҳкам бирлаштириш учун тоторларнинг «Шўрои ислом» клубида ташкилотнинг очиқ аъзоларининг ҳар ҳафтада бир мартаба ялпи йиғилишларини ўтказадурган бўлди.

Одатда яширин ҳолда бўлмаган аъзолардан 200—300 таси ва улар билан бирга яширин ячейкаларнинг кўп аъзолари ҳам шу йиғилишларга тўпланадир эдилар. Мажлисларда фирқа ҳаёти ва навбатдаги аҳвол масалалари билан бир қаторда шу вақтнинг аҳамиятли масалалари ҳам қараладир эди, мунозаралар бўлиб, лексиялар ўқуладир эди. Шу клубда Марказий Қўмитанинг жуда катта ташкилот ва ташвиқот ишлари давом қилди. Кун сари өммавий ранг олиб борган ушбу ишлар катта муваффақиятларга эришдилар. Шу ўқтябргача бўлган даврда ёш бухороликлар фирқаси биринчи мартаба чин меҳнаткашлар: ҳунарманд, аскарлар ва қисман деҳқонлар ичига кира бошлади, шунинг билан амир зулмига қарши янги кучларни тайёрлади // [68].

## РУСИЯ УҚТАБРИ ВА УНИНГ БУХОРОГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ

Мана худди шу вақтда, Феврал ўзгаришидаги каби, иккинчи мартаба Бухорога Русиядан янги, кучлик инқилоб тўлқунлари келиб етдиким, бу тўлқунлар бу мартабасида шарқ мазлумларига тамом озод бўлиш йўлини очдилар.

Уқтабр кунлари келди. Тарихнинг янги саҳифаси очилганлигини, ижтимоий ва миллий озодлик учун кураш даври келганлигини бошида бизнинг ташкилотимиз англамади.

Вақтли ҳукуматнинг ағдарилиши ҳақидаги хабар биринчи кунларда ёш бухороликларнинг умидсиз бир руҳга берилишларига сабаб бўлди. Русияда нима воқеа бўлганлигини ҳеч ким тушуна олмади. Шу вақтда большевиклар ташкилоти бўлмаган Янги Бухорода темир йўл ишчилари орасида жуда кучлик тескаричилик ташвиқоти борадир эди: большевикларни немисларга жосуслик қилишда, инқилобга жиноят қилишда ва шундай ишларда айблайдир эдилар.

Яхши хабардор бўлмаганликдан, бошида бизнинг ташкилотимизда Уқтабр ўзгаришининг асл маъносини тушунишда баъзи бир тутқарлиқ кўрилган бўлса, аммо амир аҳволни жуда тез англади. Ул Русияда ҳокимият мустабидлар ва зolimларнинг энг ёвуз душманлари қўлига кўчканлигини жуда тез тушунди. Ул жуда яхши англадиким, Русия билан бир фикрга келиш мумкин эмас, Феврал ўзгаришидан кейин, расмий Русиянинг вакиллари: Миллер, Шульга, Введенскийлар энг яқин дўст бўлган ва амир ҳукуматининг энг яхши кенгашичлари бўлган вақтда қайтадан бошланган дўстлик муносабатларининг Уқтабр инқилобидан кейин Русия билан амир ҳукумати орасида мумкин эмаслигини амир яхши англади // [69].

Амир ҳукуматининг аҳволни шундай очиқ тушунишига албатта бошқа тескаричилар билан бир қаторда шу юқорида кўрсатилган бурунги Русия вакиллари ёрдам қилган бўлсалар керак.

Амир ҳукумати Русиянинг янги ҳукумати билан раҳмсиз равишда курашиш, Марказий Русиядан ўлкаларга сикилиб чиқарилган тескаричилар билан ва мустабид Афғонистон билан яқин дўст бўлиш ўзининг яшаб қолмоғи учун бирдан-бир йўл эканлигини англади.

Масковдаги каби ҳокимият большевиклар қўлига кўчкан Тошкент тамом ўз ишлари билан машғул эди,

ул ўзи тинчсиз бир ҳолда қолди, кўп вақт ўтмасдан уни бутун атрофдан душманлари қамраб олдилар, шунинг учун ул Бухорога қуролли куч бера олмади, ҳатто Бухородаги тараққийпарвар унсурларга аҳволни тушунтириш учун фирқалик ишчилардан даркор тарғиботчи ва ташкилотчиларни ҳам бера олмади.

Амир Тошкентнинг шу кам кучлилигидан фойдаланиб ўзгаришга қарши икки йўл билан кучлик кураш бошлади.

Биринчи — амир ҳукумати шўролар ҳукуматини танимасга ва Бухоронинг руслар турадирган жойларида большевик шўроларининг пайдо бўлишларига бутун кучи билан қарши туришга қарор берди. Бу масалада ул руслар яшайдирган жойлардаги бурунги ҳокимият идоралари билан дарров бир фикрга кела олди. Уларда ўлтирган кадетлар, меньшевик ва эсэрлар, алоҳида бутун монархистлар большевизм хавфига қарши курашда амирнинг ёрдам кўрсатишидан жуда шод эдилар; улар шундан бошқа ҳеч нимани истамас эдилар. Бурундан ҳам амир сиёсатидан унча ажралмаган уларнинг сиёсий йўллари шу кундан бошлаб тамом амир сиёсати билан бирга қўшилдилар. Амир ҳукумати билан руслар яшаган жойларнинг вакиллари ўртасида даллолик қилган киши яна шу Введенский бўлди // [70].

Бухородаги рус ҳокимият идоралари билан шундай дўстликни жойлаштиргандан кейин, амир ҳукумати ёш бухороликларни қаттиқ равишда таъқиб қила бошлади.

Иккинчи — амир ҳукумати шошилнч равишда қуролли куч туза бошлади ва Туркистоннинг ҳамма тескари ташкилотлари билан алоқа боғлаш ҳаракатига тушди. Ҳамма тескаричилар каби амир ҳам шу вақтда большевикларнинг кучига ишона олмаса керак, Русияда большевикларнинг узоқ вақт яшай олмағусиларига имон келтирган бўлеа керак, шунинг учун душманлик ҳаракатларига очик равишда тайёрланадир эди.

Хабарсизлик натижасида Уктабр ўзгаришининг аҳамиятини тушунмовчилик ва шу йўлдаги тутқарилик албатта вақтли нарса эди. Лекин шу давр ўткандан кейин бизнинг ташкилот аъзолари дарров бутун ҳодисаларни ангадилар ва Уктабр инқилобининг бизнинг ҳаракатимиз ҳам шарқни озод қилиш учун жуда яхши нарса эканлигини тушундилар.

Туркистонда шўролар ҳукуматининг ҳаракати ва айниқса умумий душманларимиз орасида большевик-

ларга қарши ҳукм сурган душманлик ёш бухороликларнинг кўзларини очди: биз душманимиз ким, дўстимиз ким эканлигини очиқ кўрдик. Бундай онга ва ёш бухороликлар ташкилотининг большевиклар томонига бурлишига рус инқилобчиларидан, яъни Янги Бухорода бирдан-бир ишчи коммунистлардан бўлган Преображенский, Уткин, Полторацкий ўртоқлар кўп ёрдам қилдилар.

Бухорода аҳвол кундан-кунга жиддийлашди. Амирнинг тескаричилик ҳаракати тамом тизгинини ечиб қўйди. Таъқиб қилиш шунча куч олдим, кўзга кўринган ишчилардан аксари Эски Бухорони ташлаб, Бухоронинг руслар яшаган қишлоқларига, жойларига ва Каркига кўчишга мажбур бўлдилар // [71].

Мана шу янги шароитлар фирқадан янги иш-усулларини ва ҳамма ячейкалар ҳам гуруҳларнинг бутун ишларини яширин бир асосга қўйишни талаб қиладир эдилар. Амир истибдодига қарши курашда биз бирдан-бир иттифоқчимиз, деб коммунистлар фирқасини тандир эдик, шунинг учун Туркистон шўролар ҳукумати билан ва коммунистлар фирқаси билан яқин алоқа боғлаш лозим деган фикр ўз-ўзидан келиб чиқди.

### КОЛЕСОВ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР

Ўртоқ Преображенский маслаҳати билан Марказий Қўмита Туркистон шўролар ҳукумати билан музокара бошлаш учун ўзидан вакиллар юборишга қарор берди. Ушбу музокаралар амирга қарши Бухоро ва Шўролар Русиясидаги инқилобчиларнинг бирлик фронтини ташкил қилса керак эди.

Марказий Қўмита менга ва ўртоқ Преображенскийга Тошкентга боришни таклиф қилди. Менга, бизнинг ташкилотимиз учун аҳамиятлик бўлган ҳамма масалалар ҳақида, ҳатто бизнинг учун энг муҳим масала, яъни амирга қарши бирлашиб қурол кучи билан бош кўтариш масаласи ҳақида ҳам Туркистон халқ комиссарлари шўросининг раиси ўртоқ Колесов билан сўзлашиб бир фикрга келиш вазифаси топширилди. Бирлашиб бош кўтариш ҳақида ўртоқ Колесов билан бир фикрга келган тақдирда, шу ҳаракатнинг очиқ плани даркор деб, уни тайёрлаш учун Марказий Қўмитанинг кўзга кўрилган бир мунча аъзолари билан бирликда хусусий кенгаш мажлислари бўлди ҳам шу даркор план тайёрланди.

2 ҳафта ўткандан кейин Марказий Қўмитанинг шу аъзолари қуролли ихтилолнинг планини тасдиқ қилди. Мазкур планни асосий нуқталари қуйидагича эди: 1) қуролли ихтилолга тайёрланиш узоққа чўзилмасин // [72], ихтилол мумкин қадар тез вақтда бошлансин. Марказий Қўмита худди бир вақтда 2 жойда, яъни Эски Бухоро ва Қаркида ихтилол ташкил қиладир. Эски Бухорода ихтилол ҳеч бир қутилмаган вақтда, кечаси бошланур ва ҳукумат муассасаларини қўлга олиш ҳам амирни ва нозирларни тавқиф қилиш билан бир кун ичида тамом бўлур.

**Изоҳ:** амирнинг тавқиф қилиниши уйда қамаб тутишдан иборат бўлур, яъни бундан мақсад халқдан уни ажратишдир, ул маълум бир вақтгача амир бўлиб қолур, ўз номидан ва руҳонийлар номидан шу руҳонийларнинг бошлиғи сифати билан амир ёш бухороликларнинг бутун талабларини қабул қилганлигини кўрсатиб фармон (манifest) нашр қилди;

2) ихтилолни муваффақиятли равншда охиригача олиб бориш учун ёш бухороликларнинг ўз кучлари камчилик қилиш эҳтимоли бўлганлиги сабаблик, Колесов билан музокарада унинг томонидан рус қизил аскарларидан ёрдам отрядлари сўрашга қарор берилди. Мазкур отрядлар ихтилол кўтариш олдидан темир йўл бўйида жойлашиб ихтилолчиларнинг ўз кучлари етмаса, ёш бухороликлар томонидан амирга қарши курашга иштирок қилишлари керак эди. Ёш бухороликларни қурол билан таъмин қилиш масаласи ҳам шу қаторга киргизилган эди.

Биз ўртоқ Преображенский билан ўртоқ Колесовни кўриб сўзлашдик. Тошкентга келишимизнинг сабабларини, мақсадларимизни ва сўроқларимизни билдирдик.

Колесов бизнинг таклифларимизга асосан рози бўлди, лекин шовилмасга, бизнинг планда кўрсатилганига қараганда тадрижий йўл билан тайёрлик кўришга кенгаш берди. Бу кенгашга сабаб қилиб шунини кўрсатдиким, ул вақтда мустақил буржуазни Туркистон давлати тузиш шiori билан бутун миллий тескарчиларни бирлашдирган Қўқон мухтор // [73] ҳукуматий тузилиши муносабати билан янги воқеалар қутиладир эди. Албатта, бутун ҳаракати шўролар Тошкентга қарши қўйилган Қўқон ҳукумати Колесов учун, Тошкентга тўғридан-тўғри хавфи бўлмаган тескари амир ҳукуматига қараганда аҳамиятлироқ ва қўрқинчлироқ эди.

Шунинг учун Колесов ёш бухороликларга қуролли ихтилолни кечиктиришга кенгаш берди.

Ҳар ҳолда ёш бухороликлар Марказий Қўмитаси билан Колесов орқали большевиклар ўртасида алоқа боғлашга қарор берилди. Колесов ёш бухороликларга ҳамма ёрдамни кўрсатишга ваъда берди. Унинг фикрича фақат икки ойдан кейин, яъни Қўқон томонидан бўлган қўрқинчли тугатгандан кейин, Бухорода қатъий ҳаракатлар бошлаш мумкин бўлур деди.

Колесовнинг фикри тўғри эди. Бизнинг Бухорога қайтишимиз билан Қўқон ҳукуматининг шўроларга қарши душманлик ҳаракати бошланди. Тошкентда Қўқон ҳукуматига тарафдорлик кўрсатиб тескаричилар томонидан намоёнлар ўтказилди. Намойишчилар очикдан-очик Туркистон шўролар ҳукуматига қарши чиқдилар ва Тошкент тескаричилирининг бошлиқларидан Доррер ва бошқаларни турмадан чиқартирдилар.

Бухорога қайтганимиздан кейин Марказий Қўмитанинг махсус кенгаш мажлиси бўлиб, Колесов билан бўлган маслаҳатларимиз тасдиқ қилинди. Марказий Қўмита ва бутун ташкилот Колесов томонидан ваъда қилинган қурол ҳам қуроллик кучни кутиб, қуролли ихтилолга жиддий равишда таъбирлик кўра бошладилар.

### **МАРТ (КОЛЕСОВ) ВОҚЕАЛАРИ ҲАМ УНИНГ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИНИНГ САБАБЛАРИ**

Таассубга қарши, Марказий Қўмитанинг ушбу қаҳрамонона қадами, ушбу ихтилол, кейин маълум бўлдики, муваффақиятсизлик билан тамом бўлди // [74]. Бунга бир мунча сабаблар бор эди.

Биринчи ва энг аҳамиятли сабаб шу эдиким, Колесов берган ваъдасини ерига етказа олмади.

Ёш бухороликларга ваъда қилинган қуролни ўз вақтида ҳам даркор миқдорда бера олмади, шунинг учун натижасида ташкилотимизнинг бутун аъзоларини қуроллантириш мумкин бўлмади. Демак план бўйича ихтилолни ичкаридан кўтариш мумкин бўлмади.

Ичкаридан ихтилол кўтариб курашиш учун ёш бухороликларнинг кучи албатта камлик қилди. Ушбу биринчи сабабнинг натижасида ёш бухороликларнинг ишларига зарар келтирган иккинчи сабаб келиб чиқди. Ушбу иккинчи сабаб қуйидагидан иборат эди: қуроллик ихтилол ичкаридан эмас, балки четдан бошланди;

яъни Бухорода халқ ихтилолий сифати билан эмас, балки рус қизил аскарларининг озгина сонда бўлган отрядлари ва ёш бухороликларнинг отрядлари четдан ҳужум қилишлари сифатлари билан бошланди.

Бухорога кирган аскарлар орасида ёш бухороликларнинг 200 кишидан иборат фирқа дружинаси (ёроқлик тўдаси) бўлса ҳам бу ҳол албатта, Бухорога рус аскарлари киргандан кейин Бухоро халқи орасида еужудга келган ёмон таъсири ҳеч бир ўзгарта олмади. Тескари ҳаракатчилар мана шу қуролик ҳужумни халқга ички ихтилол қилиб эмас, балки ётларнинг муқаддас Бухорога келиб уни истило қилишлари деб тушундилар ва нғво қилдилар.

Шу аҳвол ичида албатта ёш бухороликларга халқ томонидан ёрдам қилиниши, ўзларининг планларига ёрдам олишлари бир томонда турсин, балким кирсинча амир ҳукуматига халқни ёш бухороликларга қарши душманлаштириш, халқ орасида миллий хусусиятни ва диний таассубни қўзғатиш ва ёш бухороликларни жиноятчи, ватанни русларга сотғучи, ислом динини бузувчи қилиб кўрсатиш ҳеч нарса эмас эди.

Муваффақиятсизликнинг учинчи сабаби — ҳарбий ишлардан бўлган сабаби, Колесов отрядларининг етарлик миқдорда бўлмаганлиги ва бизнинг уруш орқамизининг («тыл»нинг) таъмини қилилмаганлигидир // [75].

Ташқи аҳволлар мана шундай эди.

Лекин ёш бухороликлар фирқасининг ўзида, ўзининг ичида ҳам ҳақиқий бирлик, ғалаба учун маҳкам ишонч ва тиллак йўқ эди. Фирқа ҳали 1917 йилининг март воқеаларидан кейин зарбага учраган ва тарқалган кучни тўплаб етмаган эди. Унинг ичида ғоянинг ва мақсаднинг бирлиги йўқ эди. Уни ички қаршиликлари, гуруҳлар ва фикрларининг курашлари жуда кучсизлантирар эди.

Мамлакатда руҳонийларнинг таъсири жуда катта эди. Амир оддий бир ҳокимгина бўлмасдан, руҳонийларнинг бошлиғи ҳам бўлуб, мамлакатнинг руҳоний маънашига раҳбарлик қилиш ишининг бутун ипларини ўз қўлида тутар эди.

Аҳвол шундай бўлган вақтда ҳар бир бетараф қараган кишига ҳужумнинг, қўзғалишнинг муваффақиятсиз чиқиши, қўзғалиш ақлсизликнинг ўзи бўлмаса ҳам жуда хавфли экани жуда аниқ эди.

Шундай бўлса ҳам Марказий Қўмита нима учун шу хавфлик ишга қадам қўйишга қарор қилди?

Марказий Қўмита амирнинг кундан кунга кучайган ва бутун жадиличлик ҳаракатининг қатъий суратда йўқ бўлишига таҳдид қиладирган оғир жазолари ва қаттиқ сиқишларининг таъсири остида ҳужумни бошлашга мажбур бўлди.

Агар бош кўтариб, ҳужумдан тўқнаш бўладурган бўлса, амирнинг чидай олмаслик зулми ва қаттиқ сиқиши давом қилган вақтда, афкор оммани тайёрлаш, куч тўплаш иши жуда секин боргуси ва ушнинг учун жуда узоқ йилларни ўтказиш керак бўлгуси бўлуб кўринди.

Марказий Қўмита мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб ҳужумга бошлашга қарор қилди.

Бунда албатта Марказқўм аъзоларининг бир қадар кўрилганлари, ҳаракат бошлиқларининг ёш бухороликлар фирқасининг Бухоро ҳунармандлари, Бухоро камбағаллари ҳамда амир аскарлари орасида эришган кичкина // [76] муваффақиятларини жуда катта санаб, шунга берилиб кетишлари катта рол ўйнаганини яшириш керак эмас, албатта.

Мана бу ҳоллар ишнинг муваффақиятли чиқишига умид берди. Юқорида кўрсатилган, катта аҳамиятни ичига олган нуқта ва фурсатлар тамоман ва ўз вақтида ҳисобга олилмади ва уларга эътибор қилинмади.

Англашилмовчиликларга йўл қўймас учун мен бунда албатта тўғридан-тўғри ўзим тўғримда айтишим керак. Марказқўмнинг йўлбошчиларидан бириси бўлган, Колесов воқеасида Марказқўм томонидан ишланган бутун ҳодисалар ва бутун хатолар учун бошқаларга қараганда ҳам кўпроқ жавобгар бўлган мен, ўзим ҳам, ҳозирги кунда қараганда, ўзимизнинг жуда кичкина бўлган муваффақиятларимиз билан маст бўлиб юрдим ва қуроллик қўзғолоннинг муваффақиятли чиқишига жуда ишонар эдим.

Бу масалада бўлган юмшоқлик, албатта Марказқўмнинг хатти-ҳаракатидаги хатосидир.

Шундай қилиб қуроллик ҳужумга қарор қилинди.

### **МУЗОКАРАЛАДАН ОЛИБ ҚУРОЛЛИК ҲУЖУМГА**

Ёш бухороликларнинг маҳаллий ташкилотлари, айниқса Эски Бухоро ташкилоти бу қарорни жуда катта дард ва руҳ билан қабул қилди ва жуда катта ғайрат билан ҳужумга тайёрлана бошладилар.

Лекин вақт яқинлашган сари ҳамда Марказий Қўмитада қурол бўлмаганлигидан, халқга қурол берилди



кундан-кунга кечиктирилиб турган сари руҳ очикдан-очик тушди.

Қўқон мухториятлари билан курашишда машғул бўлган Колесов, ўзининг гарданига олган вазифани бажаришни узоққа чўзди. Ёш бухороликлар фирқасининг ўз фикрида айниқса маҳкам бўлган ва ҳаттоким Марказқўмнинг хатти-ҳаракатини маъқул топган курашдан совуна бошладилар ва руҳлари тушгани кўриша бошладди. Бу ҳол айниқса // [77] бўладирган ҳужумнинг арафасида, Марказий Қўмита фирқани расмий суратда ёш бухороликлар фирқаси номига кўчиришга қарор қилгандан кейин очик кўришди.

Шундай муҳим воқеаларнинг арафасида белгисиз ва очик бўлган бир позитсияни (мавқеъни) узоқ вақтларгача сақлаш мумкин эмас эди. Белгилли мавқеъ тутиш ва фирқанинг мақсади ҳамда вазифалари тўғрисида бутун маҳаллий ташкилотларга маълум қилиш ва тушунтириш керак эди.

Фирқага иккинчи ном қўйиш тўғрисидаги бутун Марказқўм ва ҳаттоким ўнг қанотининг бошлиқлари бўлган Абдулвоҳид Бурҳонов ва Фазлиддин Махсумлар томонидан бир оғиздан қабул қилинган мана шу қарор фирқа томонидан жуда совуқ қарши олинди.

Ташкилот курашдан чарчаб қолди.

Ташкилотни ёш бухороликлар номига кўчириш тўғрисидаги қарорнинг бир оғиздан қабул қилинишига кўп ёрдам берган нарса қатъий бир программани қўйиш бўлди. Аъзолар ташкилотнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан жимжит бўлдилар. Шу сабабли бу масалада баҳслашарлик ҳеч нарса йўқ эди.


Шунинг билан бирга эски жадидчиларнинг жуда кўплари воқеадан четда қолдилар.

1918 йилнинг Февралида Туркистондаги Шўролар ҳукумати учун амир билан курашишни биринчи навбатда, зарур бўлган асосий вазифа қилиб олган воқеалар майдонга келди.

Шўролар Тошкентининг тўғридан-тўғри бўлган душмани — Фарғона Мухториятининг ҳукумати битирилди.

Амирнинг кучи тескарисича ўсди ва Туркистон Шўролар ҳукумати учун жуда қўрқинчлик бўла бошлади.

Амир Бухороси бутун тескари ҳаракатчи кучларнинг тўпланиб ўз жонларини сақлайдурган бир «дорумомон» бўлиб қолди. Алланақадар // [78] оқ гвардиячи офитсерлар, эски ҳукуматнинг тўралари, қочиб кетган сар-



Файзулла Хўжаев, 1922 йил (Бухоро).

моядорларнинг ҳаммаси амир томонидан жуда хурсандлик билан қарши олиндилар.

Амирнинг Туркистон Шўролар ҳукумати билан бўлган низоъларининг сони кундан-кунга ўса борди.

Қафказ уруш майдонида бўлиб, аскарий хизматдан бўшатишга Бухоро орқали ўтиб қайтадирган казачий аскар қисмлари зўр бериб Бухорони қурол билан таъмин қила бошладилар. Бундан ташқари яна амир мумкин бўлган ерларнинг ҳаммасидан қурол сотиб олди. Урус тескари ҳаракатлари алоқа боғлашга ва рус офитсерларининг ёрдами билан, шу вақтда бир неча минг кишидан иборат бўлган қўшунини йўлга ва тартибга солишга муваффақ бўлди.

Бунинг устига яна, амир ҳукуматининг молия жиҳатидан яхшигина бой бўлишини, унинг ғалла бойлиги ҳам кўп бўлишини ҳамда Шўролар Туркистонига нисбатан тутган душманлик позициясини келтириб қўшиб, Туркистон Шўролар ҳукуматининг ва Колесовнинг Бухоро амириликни тезроқ битириш тўғрисидаги ёш бухороликларга қараганда баробар тинчсизланишининг ва шунга шовиллишининг сабаби жуда очиқ маълум бўлди.

Шўролар Тошкенти амир Бухоросида жуда қўрқинчлик бўлган хавфни, бутун Ўрта Осиё тескари ҳаракатчиларининг маркази бўлганини кўрди ва унинг тезлик билан тугатиш учун бутун кучини сарф қилди. Лекин бунда Колесов ва ёш бухороликлар ҳисобда янгиликдилар. Амирнинг кучига тегишинча баҳо қўя, уни тўғри ҳисоблай олмадилар.

Ўзининг Қўқон ғалабаси билан маст бўлган Колесов амир Бухоросини ҳам шундай енгиллик билангина тугатишга ўйлади. Лекин ҳақиқат унга қарши бўлиб чиқди. Колесов жуда енгилгина енгини ўйлаб, ичкаридан ихтилол чиқариш ишга аҳамият бермади. У агар ёш бухороликлар салгина ёрдам берсалар, Бухорони олиш учун ўзимнинг кучим етар деб ўйлаган бўлса керак // [79].

### **ЁШ БУХОРОЛИКЛАР ИНҚИЛОБКЎМИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ҚУРОЛЛИК ҲУЖУМ**

Колесовнинг Бухорога юриши тўғрисида бизлар беш кун бурун билдик, Колесов Ашқободдан Тошкентга ўтиб борган вақтида бизнинг вакиллар ҳайатини қабул қил-

ди. Бу ҳайат ичида мен ҳам бор эдим. Бизга ҳужум учун тайёрланиб туришга айтди. Бизнинг ваъда қилинган қурол тўғрисида берган саволимизга қарши гарчи жуда кўп бўлмаса ҳам ўзи билан бирга олиб келгусини билдириб жавоб берди.

Марказий Қўмита мана шу қапоатланарлик бўлмаган сўзларга ва бошқа ноқулай ҳолларга қарамасдан воқеаларга фаол суратда иштирок қилишга қаттиқ қарор қилди. Шунга кўнманча бошқа бир йўл ҳам қолмаган эди. Бухорода ва Қаркида кечаси билан ҳужум қилиш ва умуман планни бажариш тўғрисида албатта ҳеч бир нарса ўйлаш мумкин эмас эди. Марказий Қўмита нима ишлашга мумкин бўлса шуларнинг ҳаммасини ишлади. 200—300 кишилик яроқлик тўда ташкил қилиш, фақат фирқа аъзоларинигина қуроллантириш ишлари бажарилди. Янги Бухорода очиқдан-очиқ ва тинчлик билан ишлашга мумкин бўлганликдан фирқа аъзолари Янги Бухорога чақирилди.

Бошқа ташкилотларга Марказқўмнинг янги қарорларининг мафҳуми маълум қилинди ва уларга маҳаллаларда туришга ва ҳеч бир вазҳа билан қурол олмасдан туриб ҳеч бир ҳужум ва ихтилол деган нарсага қadam қўймасга таклиф қилинди. Нуфузлик жадидчилар ва ёш бухороликлар билан ўз вақтида хабарлашиб туриш ва зарур бўлган вақтда уларни Янги Бухорога чақириб учун алоқа боғланди. Ихтилолга раҳбарлик қилиш учун етти ўртоқдан иборат инқилоб қўмитаси ташкил қилинди.

Инқилоб қўмитасининг ҳайатига: Фитрат, Ота Хўжаев, Бурҳонов, Оғдоров, Пўлатов, Фазлиддин Махсум ва мен кирдик. Мени инқилоб қўмитасининг // [80] раислигига белгиладилар. Шундай қилиб бутун масъулият ва раҳбарлик юқорида кўрсатилган инқилобқўм аъзоларига юклатилган эди.

Охирда узоқдан буён кутилган қуроллик ихтилол куни — 1918 йилнинг 1 марти ҳам келиб етди. Пешиндан кейин Янги Бухорога аскар, замбараклар ва пулемётлар орткан эшелон билан Колесов келиб етди. Унинг келиши Эски ва Янги Бухоро аҳолисининг ичида жуда кўп гапларни майдонга келтирди. Амир ҳукумати ўлим хавфи етганини очиқ сезар эди. Шу куннинг кечасида Янги Бухорода бизнинг ташкилотимизнинг ҳозир бўлган аъзоларига қурол тарқатиб берилди ва Колесовнинг вағонида Колесов билан бирликда ёш бухороликлар бошлиқларининг маслаҳат мажлиси бўлди.

Бу маслаҳат мажлисида қўйидаги масалалар музо-  
кара қилинди:

1) ёш бухороликлар фирқасининг талаблари;

2) амирга қилинадурган мурожаатноманинг равиши  
ва

3) Бухорога қурола билан ҳужум қилинадурган бўл-  
са, қандай йўл билан ва қандай равишда ҳужум қилиш  
(стратегия) плани.

Биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан қўйидаги  
қарорлар чиқарилди:

1. Инқилоб қўмитаси Колесов билан бирликда амир-  
га хат билан мурожаат қилар ва унда ёш бухоролик-  
ларнинг талаб қиладурган бутун ислоҳотлари кўрсати-  
лур.

2. Агар амир ўзига қўйилган талабларга ризо бўла-  
дурган бўлса, Колесов ва ёш бухороликларнинг инқи-  
лобқўми, амирнинг амир бўлиб қолишига ва амирнинг  
ёш бухороликлар Марказқўми аъзоларидан иборат бў-  
либ ташкил қилинган тегишли ташкилотнинг ёрдами  
билан белгиланган ислоҳотларни ўтказишга таъминот  
берадилар. Ҳақиқий ва том ҳокимият ёш бухоролик-  
лар Марказқўмининг вакиллари қўлида бўладир // [81].

Бу талаблар албатта қатъий талаб (ультиматум)  
руҳида эди. Агар амир рози бўлса, 24 соат ичида, ёш  
бухороликларнинг талабига рози бўлганлигини таъкид  
қилиб, ўз имзоси ва муҳри билан инқилоб қўмитасига  
нома юбориши, шу битишиш бузиламасин учун ўзининг  
бутун аскарини қуролсизлантириши лозим эди.

Қатъий талабноманинг охирида, натижада чиқиши  
эҳтимоли бўлган бутун ҳодисаларнинг жавобгарлиги амир  
ва унинг ҳукумати гарданига қўйилғуси маълум қилин-  
ган эди. Шу маслаҳат мажлисининг ўзида амирга юбо-  
риладурган номанинг асл нусхаси Колесов томонидан  
тузилиб, ёш бухороликлар инқилобқўми томонидан кир-  
гизилган тузатишлар билан амирга юборилди. Бу но-  
мага Колесов ва инқилобқўмининг раиси бўлган сифати  
билан мен имзо қилдим.

Бу қатъий талабноманинг мазмуни қўйидагича эди:

«Биринчи: Бухоро амирлиги, шунинг баробарида  
Сизга ёш бухороликларнинг талабларини юборамиз ва  
шу талабларни ҳеч бир кечиктирмасдан ва ўзгартмас-  
дан 24 соат ичида қабул қилишни сўраймиз.

Иккинчи: Ёнингизда бўлган ҳукумат тарқатилиб,  
унинг ўрнига ёш бухороликлардан ижроия қўмитаси  
белгиламасин ва бутун ҳокимият ёш бухороликлар иж-

роия қўмитасининг қўлида бўлур. Янгидан ташкил қилинадурган ҳукумат мазкур ижроия қўмитаси томонидан Сизнинг ризолигингиз ва маслаҳатингиз билан белгиланур.

Учинчи: агар қон тўкишни ҳоҳламасангиз, албатта, мана шу талабларни қабул қиласиз. Агар қабул қилмас экансиз, у вақтда тўкилган қон учун Сиз жавобгар бўлурсиз. Бу ҳолда бутун ва ҳар хил ҳаракат бизнинг қарамоқимиз билан бўлғусидир. Сизнинг жавобларингиз бизнинг талабларимизга муваффақ бўлиши лозимдур. Агар сизнинг қандай бўлса ҳам жавобингиз бизнинг талабларимизга қарши бўладурган бўлса, бизлар ўзимизнинг талабларимиз қабул қилинмаган деб ҳисоб қилғусимиз.

Туркистон халқ комиссарлари шўрасининг раиси — Федор Колесов.

Ёш бухороликлар Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси — Файзулла Хўжаев» // [82].

Энди ихтилолнинг техникасига келсак, ишнинг ҳақиқий ҳарбий жиҳатига тўхтамасдан сўзлаганда иккилоб қўмитасининг тезлик билан халқ ўртасида хитобнома тарқатиш ва унда бизнинг амир билан урушишимизнинг, бизнинг талабларимизнинг мақсадини халққа баён қилиб тушундириш йўлида тadbирлар қилиш тўғрисида чиқарган қарори эсимда қолган. Бу керак эди. Чунки юқорида этганимча рус отрядларининг Бухорога бориб кириши (пайдо бўлиши) халқ орасида ёш бухороликларга ёмон муомала ва душман кўз билан қарашлар майдонга келди ва ҳатто ким миллий ҳиссиёт ва диний таассуб ҳақиқий суратда кўзгалдиб кирган бир равишда кирди. Агар амир тескарилик қилиб ўз сўзида турадирган бўлса, эртан икки колонна билан Бухорога ҳужум бошлашга қарор қилинган эди. Бу колонналарнинг бириси Когон—Бухоро орасидаги темир йўл бўйидан ва иккинчиси тош йўлдан ҳужум қилиши белгиланди.

Туркистонда кейиндан «Колесов воқеаси» номи билан машҳур бўлган воқеа мана шундай бошланди:

Амир бизнинг хатимизга жавоб берди. Лекин унинг жавоби бизнинг талабларимизни рад қилишдан иборат эди. Асосан унинг жавоби шундан иборат эдиким, амининг ўзи қўйилган талабларга қарши эмас ва уларни амалга — турмушга жуда хурсандчилик билан қўйишга тайёр. Лекин халқ қора ва мутаассиб бўлганликдан шу талабларга ҳеч шубҳасиз қарши бўлғусини билдира-

дир. Шу сабабли амир ёш бухороликларнинг қатъий талабномасида кўрсатилган талабларнинг ҳаммасини тезлик билан амалга қўйишни талаб қилмасликни сўрайдир ҳамда қўйилган ислоҳотларни секин-секин юзга чиқаришга ваъда берадир ва шунга рози бўлишни, шунини маъқуллашни сўрайдир.

Қизил гвардия ва ёш бухороликларнинг Эски Бухорога ҳужум бошлашлари олдидан амирдан иккинчи қоғоз олинди. Бу қоғозда амир қатъий талабномани қабул қилганлигини ва ўз томонидан бир неча шартлар қўйганини баён қиладир // [83]:

Биринчи: юборилган қатъий талабнома (ультиватум)нинг бутун моддаларига розиман. Лекин аскар шаҳарга кирмаслиги лозим.

Иккинчи: шаҳарда ёш бухороликлар томонидан намойиш ясалмаслиги лозим.

Учинчи: таклиф қилинган талаблар шу соат эмас, балким мумкин бўлган қадар амалга қўйилғусидир.

Бу жавоб хат билан ёзилган бўлса ҳам амир томонидан имзоланмаган эди.

Бу жавобдан қаноатланмаган, вақтдан фойдаланиб қолишни кўз олдимизда тутиб шунга интилган бизлар иккинчи куннинг эртасида ҳужум бошладик. Бу ҳужумда Колесовнинг отрядларидан бошқа ёш бухороликларнинг тахминан 200 кишидан иборат бўлган партия яроқли тўдаси ва бизга кўпдан буён иттифоқчи бўлуб келган Янги Бухоронинг тахминан юқорида кўрсатилган миқдордаги ишчилари иштирок қилди.

Кучимизнинг энг қувватли қисми темир йўл бўйича жўналтирилди. Тош йўлга эса кўп бўлмаган миқдорда отлиқ тўдалар юборилди ва Янги Бухоронинг ёнига ихтиётчилар-кузатчилар қўйилди.

Биринчи тўқиниш, Бухоро деворларидан бир чақирим узоқликда Фатҳободда бўлди. Амирнинг аскарлари, айниқса отлиқ аскарлари урушни кўпда тиламаган бўлсалар керак. Бир неча ярадор ва ўликларни қолдириб тезлик билан орқага қайтдилар. Лекин унинг қарови бутун қуроолари пичоқ, болта ва калтақдан иборат бўлган эски мутаассиблар, мурид ва муллолар жуда зўр бериб уришдилар. Шулар ичидан биттасининг қўлига калтақ тутиб, оғзига пичоқ тишлаб тўғридан-тўғри бизнинг пулемётчиларимизга қараб келиб, уларнинг устига ташланганини ўз кўзим билан кўрдим. Бу урушда казачий аскарларнинг юз бошиси қўмондон Мирза Шамс ва амир қўшунининг бир офитсери ўлдирилди.

Амир ўзининг зарбага учраганини кўриб, бизнинг бутун талабларимизга ризо бўлганлигини билдирган хат билан ўзининг вакилларини бизга // [84] юборди ва ҳар икки томондан қурбонлар беришни тўхтатиш учун шаҳарга ҳужумни тўхтатишни сўради.

Бизлар албатта бу мартабасида амир чиндан ҳам ён беришга қарор қилган деб ишондик. Шу сабабли бизлар Колесовнинг «уруш тўхтатилсин ва Когонга (Янги Бухорога) қайтсин» деган буйруғига ҳеч бир қарши турмасдан ризо бўлдик.

Мен Колесовнинг вагонидан қайтдим. Унда яна амирнинг вакиллари Усмоибек қушбегги, Ҳожи Закарёе, Азимов ва бошқалар ҳам бор эди.

Колесов ёш бухороликлар томонидан: мени, Фитрат, Бурҳонов ва Фазлиддин Махсумни чақириб амирнинг вакиллари билан музокарага киришди.

Бизлар албатта ҳаммадан бурун вакилларнинг амирнинг ризо бўлганлиги тўғрисида берган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб кўришга қарор қилдик. Амирнинг имзосини ва айниқса муҳрини текширдик.

Амирнинг Фармони Олийси қуйидагидан иборат эди (амир томонидан имзоланган Фармони Олийни бу ерда айнан кўчирамиз):

### «АМИРНИНГ ФАРМОНИ ОЛИЙСИ

Худон таоло ҳазратларининг номи билан бутун халқимизга билдирамиз ким, миллатимиз учун текислик ва озодлик каби буюк бир бахт йўқдир. Агар бизлар ўз халқимизга ҳуқуқ ва озодлик бермасак, ҳукумат идорасини замонанинг руҳига мувофиқ қилиб ислоҳ этмасак мамлакатимизда халқимизни бахт-саодатга ва тинч турмушга эришдирмаганлигимизни жуда яхшй биламиз. Бизлар, халқимизнинг шундай орқада қолишига ва унинг қоронғуликда, жаҳолатда туришига биринчи сабаб бизнинг маъмурларимизнинг ташкил қилинмаганлиги ва халқимизнинг қулликда турганлиги эканини иқдор қиламиз.

Мана шу ҳолларни эътиборга олиб, халқимиз ва мамлакатимизнинг маншатини яхшилаштиришни ҳоҳлаб, буидан ўн бир ой бурун бизнинг тарафимиздан бир Фармони Олий нашр қилинган эди. Лекин баъзи бир // [85] ҳукумат бошлиқларининг ифвоси орқасида бу Фармони Олий амалга қўйилмасдан қолди.



Шунинг натижасида Бухоро халқи жуда катта жа-  
фоларни тортди.

Бизнинг асосий вазифамиз мамлакатнинг бахти ва  
халқимизнинг озодлиги учун ҳаракат қилиш бўлганлик-  
дан бизлар мана шу иккинчи Фармони Олийни нашр  
қилиб, ўзимизнинг қароримиз маҳкам бўлганини бутун  
халқимизга эълон қиламиз.

Халқимизнинг бахти учун мамлакатимизда ўтказа-  
дурган вазифаларимиз қуйидагилардан иборат бўла-  
дир:

Биринчи: халқимизга сўз, ҳунар, касб, жамъият ҳур-  
лиги бериб, таловчилик ва жабр-зулмни қатъий сурат-  
да битирамиз.

Иккинчи: ҳозирги кунгача бўлиб келган мушовар-  
чилар (советниклар) ўрнига Бухоро аҳрорларидан ибо-  
рат қилиб ижроия қўмитаси таъсис қиламиз ва бутун  
ислоҳотни шу қўмитанинг программаси ва кўрсатиши  
бўйинча ўтказамиз.

Учинчи: ҳозирги кунда бўлган ҳукуматнинг бошида  
турадурган зотлар ҳуррият душмани бўлганликдан ил-  
гариги фитналарни туғдиришга тайёрланиди. Улар-  
ни жойларидан бўшатамиз ва уларнинг ўрнига ижроия  
қўмитаси томонидан кўрсатилган зотларни белгилай-  
миз.

Тўртинчи: мамлакат идорасида адолат ва шарият  
асосини ташкил қиламиз.

Бешинчи: амалда бўлган қоида ва низомномалардан  
тан ва ўлим жазосини чиқариб ташлаймиз.

Олтинчи: ҳозирги кунда амалда бўлиб деҳқонларни  
ва мамлакатимизни хароб қиладурган «Амлак» солиғи  
усули бекор қилинадур ва келгусида ижроия қўмитаси-  
нинг кўрсатиши бўйинча қандай бўлса ҳам ҳамма учун  
мақбул бўлган бошқа бир хил солиқ солишни белги-  
лаймиз.

Еттинчи: мамлакатимиз савдо ишларига зарар кел-  
тирадурган «Амниона» солиғи усули бекор қилинадур //  
[86].

Мамлакатимизни ислоҳ қилиш йўлида чиқарган ма-  
на шу қарорларимиз маҳкам эканини бутун халқимиз  
яхши билишни лозим.

Бизни мана шу қарорларимиздан кечишга мажбур  
қила оларлик бир куч ва ҳоким бу дунёда йўқдир.

Агар бир киши, ёки қандай бўлса ҳам бир жамоа  
мана шу Фармони Олийга қарши ҳаракат қиладурган

бўлса, ундайлар, бизнинг томонимиздан энг қаттиқ жа-  
зога дучор қилинғусидир.

19-нчи жумадийул-аввал, 1336-нчи санаи ҳижрий,  
иккинчи март 1918-нчи санаи мелодий

Амирнинг муҳри».

Бутун нарса тўғри топилгандан кейин булар амирга  
ишонмасдан бошда Колесовга ва у, бизнинг фикримизи  
ни маъқул топганидан кейин амирнинг вакилларига  
уруш ҳаракатларини тамоман тўқтатиш учун қўшимча  
шартлар таклиф қилдик. Бизлар амирнинг бутун ас-  
карий қисмларга ўз ихтиёрлари билан қуролсизланиш  
тўғрисида буйруқ беришини талаб қилдик.

Бизлар, уруш ҳаракатлари ҳақиқий сураатда бошлан-  
ганлиги ва бу урушга амир айбдор бўлганини кўра-  
тиб, агар ул ўзининг аскарларини қуролсизландириб  
тинчлик суядурган бир киши эканини исбот қилмаса,  
амирга ишона олмаганлигимизни ва шу сабабли бу та-  
лабни берганимизни исбот қилдик.

Бу қўшимча шартларга амирнинг вакиллари жуда  
қаттиқ қарши турдилар. Улар амирнинг ислоҳотига жу-  
да яхши кўз билан қараганини ва ёш бухоролıklarға  
муҳаббати жуда катта бўлганини сўзлаб бунга узоқ  
вақтлар ризо бўлмасдан турдилар.

Улар бизга амирнинг шу талабларини бажаришга  
тайёр бўлганини, лекин бунинг ҳақиқатда мумкин бўл-  
маган бир нарса эканини сўзладилар. Чунки амирнинг  
аскарлари ва муллалар шу қадар ҳаяжонга келган-  
ким, ҳар ҳолда амирнинг буйруғини ҳам бажармаслик-  
лари жуда мумкин бир ҳолдир деган сўзларни айтди-  
лар // [87].

Лекин улар бизларнинг бу масалада ён бермасли-  
гимизни кўргандан кейин фақат қуролсизландиришнинг  
муддати тўғрисидагина узоқ савдолашиб ён беришга  
қарор қилдилар. Бошда уч кун таклиф қилдилар. Ке-  
йиндан бориб бир кунга ҳам рози бўлдилар.

Бунинг баъдан, қуролсизландириш тўғрисидаги  
битимнинг бажарилишини жойида назорат қилиб туриш  
учун бизнинг томонимиздан Эски Бухорога вакиллар  
ҳайати юборишга сўз қўйилди. Бу битим бажарилган-  
идан кейин бизлар тинчлик ва тартиб билангина Бухо-  
рога киришимиз лозим эди.

Амир аскарини қуролсизландириш ишини назорат  
қилиш учун бизнинг томонимиздан юборилган вакиллар  
ҳайатига, ҳайатнинг раиси ўртоқ Уткин, Абдурахмон ва

Самарқанд вилоятининг ҳайатининг ҳарбий комиссияси раиси (афсуски бу ўртоқнинг фамилияси эсимдан чиқиб қолди)дан бошқалари ҳаммаси ҳарбий — аскар кишилардан сайланган эди.

Бизнинг ишимизнинг тамоман муваффақият билан чиқишига ишониб янги Бухорода қолдик ва ўзимизнинг вакиллар ҳайатидан хабар кута бошладик.

Аммо амир эса мана шу тортинишлар ва қуролсизланиш тўғрисида юргизган ҳилалик музокараларнинг ёрдами билан вақтдан фойдаланиб қолишининга кутган. Бизга таслим бўлишни ўйлаб ҳам кўрмаган.

Таслим бўлиш бир томонда турсин, у бизнинг вакилларимизни жазолаш учун шу соат қамаб қўйган. Ўзи эса бизни ва бизнинг кам миқдордагина бўлган аскарий кучимизни (отрядларимизни) эзиш ва бутунлай йўқ қилиш мақсади билан бизга қарши янги ҳужум бошлаш учун зўр бериб тайёрлана бошлади. У жуда яхши муваффақият билан тайёрланиб олди.

Биринчидан, у шу икки ўртада тўғри учун фурсатни олиб ва шу вақтнинг ичида ўзининг бутун аскарий қисмларини Бухоро атрофига тўплади.

Иккинчидан, муллалардан тузилган махсус гуруҳлар // [88] орқали бизга қарши деҳқонлар орасида диний ва миллий руҳда бўлган душманлик ташвиқоти юргизди ва бу ишни жуда яхши ўтказишга муваффақ бўлди. Шундай йўл билан амир, бизга қарши нима тўғри келса, шунинг билан қуролланган 35 минг кишини қўйди.

Учинчидан, у Карманадан Қаракўлга 100 чақиримдан ортиқроқ бўлган темир йўлни бузуб ва бутун телеграф алоқасини узиб, бизни Туркистон билан алоқадан маҳрум қилди. Шундай бўлгандан кейин албатта бизлар ўзимизга ёрдам олишдан ва ҳаттоким, муваффақиятсизликка учраган вақтда яхшилаб орқага қайтиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлдик.

Ўзимизнинг жуда тез ишонувчилик сифатимиз орқасида бизга шундай баҳолар билан курашга тўғри келди.

Бизни битириш учун амир зўр бериб тайёрланган вақтда, бизлар ҳеч бир чора ва тадбирлар қилмасдан ўзимизнинг вакиллар ҳайатидан хабар кутдик. Лекин ҳеч бир хабар олинмади.

Бунда энди амирнинг алдаганини тушунга бошладик.

Узоқ ўтмади, бизнинг фикримиз ростга чиқди. Икки вакилимиз амирнинг бутун томондан турган соқчиларига қарамасдан қочиб қутулишга муваффақ бўлдилар ва

улар бизга бутун ҳолни сўзлаб бердилар. Бизнинг кўз олдимизда ўртоқларимизнинг қандай ваҳшённа суратда жазоланиб ўлдирилганлиги картинаси очилди. Лекин энди сўнг эди. Бизлар ўзимизнинг кесилиб қолганлигимизни ва бу ҳолдан чиқиш учун ҳеч бир йўл бўлмаганини кўриб ишондик.

Ўзимизнинг кичкина кучимиз билан шаҳарга ҳужум қила олмаслигимиз, агар ҳужум қиладурган бўлсак, бизни унда амирнинг бутун аскарни ва муллаларнинг иғвоси билан кўтарилган бир неча ўн минг халқ қарши олғуси ҳаммамиз учун маълум эди. Бундай аҳвол ва шароит // [89] ичида ҳужум қилиш бир томонда турсин, ўзимизни ҳимоя қилиш ҳам жуда оғир ва қўрқинчлик бериш эди.

Амирнинг аскарлари ва иғво билан заҳарланган алла неча мингларча халқ айниқса тош йўл билан ҳужум қилиб келади эдилар.

Бу аҳволдан чиқиш учун бирдан-бир йўл — Карки ва Термездан ёрдам сўраш эди. Унда чегара сақлайдурган аскарларнинг кучлик отрядлари турар эди. Лекин бу иш ҳам бориб чиқмади. Паровозларга (ўт аробаларга) ўтказилиб Карки ва Термезга юборилган кишиларимиз унда бориб ета олмадилар. Чунки унда ҳам йўллар бузилган бўлиб чиқди.

Амир аскарига қараганда бизда бўлган бирдан-бир ортиқлик, бизда Оврупо усулларидаги замбаракларнинг бўлиши эди. Бизлар мана шу ортиқликдан фойдаланишга ва Эски Бухорога шу замбараклардан ўқ ота бошлашга, шунинг билан амирнинг ҳужумини тўқатишга, шаҳарда ҳаяжон кўтариб халқга таъсир қилишга қарор қилдик.

Замбараклардан ўқ отиш бошланди ва бир ярим кунларча давом қилди. Лекин ҳеч бир натижа бермади.

Кейиндан, бизнинг отган тўпларимиздан ҳеч бириси шаҳарга бориб тушмаганлиги маълум бўлди. Мана бу қизиқ ва бизнинг учун куйинчлик бўлган ҳолни иш соатда муллаларнинг ўз усуллари учун фойдаланишга жуда боб тушди. Улар бунни, Худо ва Муҳаммад пайғамбар кофирларнинг ва ислом динига хиёнат қилган ёш бухороликларнинг отган ўқларини муқаддас Бухорон шарифга етказмади, уни бузилишдан сақлади, Худо ва Муҳаммад пайғамбар мусулмонларни ва амирни душманининг ўқидан сақлади, деган гапларни тарқата бошладилар.

Охирда бизнинг бутун замбарак ўқларимиз соп бўлди. Орқага қочишдан бошқа ҳеч бир илож қолмади. Колесов Тошкент томонга қараб шаҳардан чиқа бошлашга буйруқ берди // [90].

### БИЗНИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШИМИЗ ВА БУХОРОДАГИ КЕСИШЛАР

Ёш бухороликларнинг қўлларига милтиқ ушлаб амирни йиқитиш йўлида бўлган биринчи ҳаракатлари мана шундай кўйинчилик ва муваффақиятсизлик билан танил бўлди. Лекин у бутунлай унсиз ва бекорга йўқолмади.

Биргалашиб тўкилган қон Бухорода инқилобнинг илгари кетиш йўлларини илгаридан белгилаб қўйди. Бухоронинг меҳнаткаш халқи билан рус инқилобчи йўқсиллари ўртасидаги иттифоқ мана шу қон билан кўпдан ва ҳаттоким, 1917-нчи йилнинг март воқеалари вақтидаёқ мангуга маҳкамланган ва мустаҳкамланган эди.

Тактика (хатти-ҳаракат) ёғидан муваффақиятсиз бўлган Колесов воқеаларининг маъноси ва аҳамияти, балким тарихий асоси мана шундадир.

Енгган амир ҳукумати шу соат бутун қотиллиғи билан ўзининг бутун душманлари билан ва ўзига душман деб ҳисоб қилган бутун кишилар билан ҳисоблаша, улардан ўч ола бошлади.

Очкўдан-очиқ кесиш, сўйишлар, салгина шубҳалик бўлган кишиларга «ур-йиқитлар» бошланди.

Ғалаба ва қон билан маст бўлган амир ҳукумати икки-уч ҳафтанинг ичида фақат жадидлар ва ёш бухороликлар билангина эмас, балким Оврупо таҳсиллини кўрган, газета ўқийдирган ва шу сабабли ўзига қарши ва тесқари ҳаракатчи бўлиб кўринган бутун кишилар билан ҳисоблашди. Уларни жазолади, улар билан ваҳшийларча ишлар қилди.

Мана шу сўйиш ва кесишлар вақтида жадидлар ва ёш бухороликлардан ҳамма, уларга хайрихоҳ бўлганлардан жамъиси бир минг беш юзтача киши дунёдан ўтказилди // [91].

Қурбон бўлган ўртоқлардан айниқса кўринган ва машҳур бўлганларининг рўйхати:

1. Ҳамид Хўжа.
2. Мирзожон.
3. Қори Ғулом.
4. Фатхулла Хўжаев.

5. Ғиёс Хўжа.
6. Зубайдулла.
7. Абдураҳмон (Мулло Икромнинг ўғли).
8. Абдулҳаким Маъсум.
9. Мирзо Шариф.
10. Қори Мустақим.
11. Маҳди Шамсуф.
12. Қори Аҳмад.
13. Абдулло Бахшуроҳонов.
14. Исмоил Хўжа.
15. Мирзо Раҳматулло.
16. Сирожиддин (Айнийнинг укаси).
17. Низом (ўн кишидан иборат бўлган бутун оиласи билан).
18. Мирзо Исломқул (Шаҳрисабз).
19. Жўрақул (Карки).
20. Мирзо Соат (—, —).
21. Фаттоҳжон (—, —).
22. Мирхон (—, —).
23. Ҳожин Абдусаттор.
24. Бурҳонжон (Фазлиддин Махсумнинг укаси.)

Эски шаҳарда ташкил қилинган ур-йиқитлар тез вақтнинг ичида бутун Бухоро хонлигига жойланди // [92].

Улдирилганларнинг ичида ислоҳотга тарафдор бўлган ва шунга яхши кўз билан қараган кишилар кирадир. Буларнинг ичида амирнинг амалдорларидан жуда кўп кишилар бордир. Улардан айниқса машҳурликлари мана шу кишилардир:

1. Мирзо Мустафо.
2. Насруллобек (17 кишилик оиласи билан).
3. Мирзо Аҳмадбек (ўғли билан).
4. Ҳожин Закарёев Азимов.
5. Мирзо Саҳбо.
6. Ҳожин Дотқо.
7. Исломқул Тўқсобо.
8. Қозин Абдусамад.
9. Қозин Саиджон.

Булардан кейин жадидларга ва ёш бухороликларнинг фирқасига ҳеч бир муносабати бўлмаган, фақат ўқуган ва тараққиётчиликда юрган кишиларнинг рўйхати бошланадир.

Муллаларнинг ифволарига ва қутуртишларига чўмган қора, мутаассиб халқ ёш бухороликларни ва уларга

ҳайрихоҳ бўлганларни ўлдириш, сўйиш, уриш билангина қаноатланмади. Амир тўраларининг раҳбарлиги билан юрган халқининг бутун ваҳшати, бутун ғзаби, темир йўл ишчиларининг ва тўғридан-тўғри бошқа динда бўлган кишиларининг устига жўнатилды. Халқ майда стансиялар ёнидаги қишлоқларга (посёлкаларга) ҳужум қила ва ҳаттоким, Бухорода ўн йилларча турган русларни ва бошқаларни ўлдира бошладилар. Бу қурбонларни сони маълум бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда жуда кўп ва миңларча ҳисоб қилинадир. Бунда тоторлар ва лезгинлар айниқса кўп зарар кўрдилар ва жуда кўп ўлдирдилар. Улар шу воқеаларда тўғридан-тўғри иштирок қилганликдан амир ҳукумати уларга қарши жуда қаттиқ муомала қилди ва тишини чақлади // [93].

Бу ўлдириш ва сўйишлар тўғрисидаги хабарлар ҳали бизнинг Тошкентга қараб қайтишга қарор қилмасдан бурун ҳам кела бошлади. Бу хабар шаҳар аҳолиси ичида жуда тезлик билан тарқалди. Шу сабабли амирнинг ғзабидан қўрққан бутун киши, шаҳарнинг бутун ишчилар қисми ва жуда кўп оддий аҳоли бизнинг билан бирга Тошкентга жўнаш учун хотин ва бола-чақалари билан бизнинг отрядларимизга келиб қўшилдилар. Бухородан қочадирган бундай кишилардан жамъиси 8 миңгача киши тўпланди ва мана бу ташкил қилмаган, тарқоқ халқ бизнинг орқага қайтишимизни жуда огирлаштирди.

Бизлар темир йўл бўйинча жўнай бошладик. Янги Бухородан Қарманагача бутун йўл бўйида бузилмасдан қолган бир чақирим узунлигида йўл ва полотно, ҳеч бир уй-иморат йўқ эди. Ҳаттоким, станса бинолари, заводлар, водокачка ва бошқаларнинг ҳаммаси бузилган эди.

Бизнинг орқамиздан амирнинг отлик аскарлари таъқиб қилиб, баъзи вақтларда бизга ўт очар, ўқ отар эдилар. Бизнинг бахтимизга қарши амирнинг Оврупо усулида артиллерияси (тўб, замбараклари) бўлмаганлиги жуда яхши бўлди. Шундай бўлмаганда бизнинг учун жуда ёмон бўлар эди. Уларнинг эски замбараклардан отишлари хавфсиз эди.

Бизнинг орқага қайтишимиз беш кун давом этди.

Учинчи кун Қизилтепага келгандан кейин янгидан амир билан музокаралар бошланди. Биринчи бошлаб Колесов вакиллар ҳайати юборди. Лекин бу мартабасида амирнинг макрени эсга олиб вакилликка ўз кишиларини белгиламади. Балким чор ҳукуматининг эски

амалдорларидан (тўралардан) Введенский ва Ҳайдар Хўжани юборди.

Колесов вакилларни бизнинг билан ҳеч бир маслаҳат қилмасдан юборди. Бизлар музокаранинг нима устида бўлганини билмасдан қолдик. Лекин бизлар агар Колесов ўзи билан бирга кетмакда бўлган ёш // [94] бухороликларни ёки ҳеч бўлмаса уларнинг ичидан Файзулла Хўжаевни, Фитратни ва Бурҳоновни амир қўлига топширса, амирнинг таъқиб қилишларини тўхтатишга ва бутун ердаги «ур-йиқитлар»ни тўхтатиш учун тadbирлар қилишга рози бўлганини билдик.

Амирнинг бу таклифи Колесов томонидан қатъий суратда рад қилинди. Лекин Бухородан чиққан оддий халқ (обыватель) бундай қарордан жуда норози бўлдилар. Улар бизни тутиб беришни талаб қилдилар. Колесовнинг амир томонидан берилган таклифга рози бўлишнинг талаб қилишга қутуртиб аскарний қисмлар орасида жуда катта ташвиқот юргиздилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай дақиқалар бўлдиким, аҳвол жуда қийинлашди ва агар орқага қайтғучилар орасида ҳеч кутмагандан майдонга келган ва бизни қатъий суратда қутулдиришга сабаб бўлган бахтлик бир ҳол майдонга келмаганда аҳвол жуда ёмон ва нима билан тамом бўлиши маълум эмас эди.

Бизнинг аҳволимизнинг энг оғир бир дақиқасида, ҳеч бир кутилмаганда 150—200 тача кишидан иборат бўлган отряди билан Тошкентдан Колесов бизга ёрдамга эришди. У Қарманани ва унинг йўлларини олиб бизнинг билан алоқа боғлади.

Қизил гвардия ва ёш бухороликларнинг Колесов воқеаси номида юргизиладурган машҳур Бухорога юришлари мана шунинг билан тамом бўладир.

Бундан кейин раҳбарлик қилиш ишлари аскарний ўртоқларнинг ва Колесовнинг қўлига ўтди. Булар ҳар қандай бўлса ҳам амир билан мумкин қадар тезроқ битишиб, шуни имзолашга ҳаракат қилдилар.

Меним фикримча, Колесовнинг ҳар қандай бўлса ҳам амир билан сулҳ тузишга ҳаракати, унинг амир билан курашда ҳарбий жиҳатдан кучсиз бўлганлигидан эмас, балким Бухородан ташқари бўлган ҳодисаларнинг сабаби билан бўлган бўлса керак. Масала, Туркистонда бошланган тескари ҳаракатчиларнинг жонланиши, Туркистоннинг қирғизлар районидаги // [95] очарчиликлар ва бошқалар мана бу икки ҳодиса Туркистон шўролар ҳукуматининг ва Колесовнинг ўзининг



эътиборини Бухородан бошқа томонга жўнатди. Шундай бўлмаганда тўпланган аскарний қисмлар бутун амирликни битириш учун бўлмаса ҳам амирнинг қўшунини тор-мор келтириш учун ҳамда Феврал инқилобидан кейин Тошкент ишчи ва солдат вакиллари шўросининг тўғридан-тўғри амир ҳукуматидан олган ва шунинг олишда шу вақтда Тошкент шаҳрида ишламакда бўлган ўрток Бройдо фаол ва катта рол ўйнаган ён беришларни олишга ва шунга муваффақ бўлишга етарлик эди.

### АМИР ИСТИБДОДИНИНГ УСТИГА ЧИҚИШИ ВА ЁШ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ҲИЖРАТИ

Март воқеаларидан кейин ёш бухороликларнинг кучлари тамоман тарқалди. Танқид сўзини айтишга журъат қилганларнинг ҳаммасини марҳаматсиз суратда ер юзидан йўқотадурган қаттиқ истибдод бошлади.

Ҳокимият, асосан бир ҳовучгина миқдорда бўлган истеъдодсиз, марҳаматсиз муттаҳамлар Имомқуллар, Усмоибеклар ва бошқа шундай ҳеч бир саводсиз чоллар қўлига ўтди. Руҳонийларнинг мутаассиб вакиллари ва амирнинг қора гуруҳ тўралари (амлакдорлари) Бухорони идора қилиш учун беш кишидан иборат шўро белгиладилар ва бу бешлик истеъдодсиз қози калон Бурҳониддин ва хийлакор Урганчий ённга тўпланди.

Урганчий Бухоронинг ҳақиқий ҳокими, идора қилувчиси бўлиб олди\* // [96]. Бўлиб ўтган ҳодисалардан кўрқиб қолган ва Шўролар Туркистонини, Шўролар Русиясини энг ёмон душман кўрган Бухоронинг бошлиқлари Бухорони Русия билан муомаладан бутуллаш ва қатъий суратда кесишга ҳаракат қилдилар. Уни диний таассуб ва қора истибдод билан Туркистондан ажратдилар, икки ўртага таассуб ва қора истибдод дегорини қўйдилар.

Сиёсий истибдоднинг кайфи учун Бухоро халқ рўзгорининг ва майда мол ишлаб чиқаргучи кенг омманинг — Бухоро деҳқонларининг ҳақиқий манфаатлари қурбон қилинди.

Русиядан ўзини ажратиб, ўзини чегаралаб қўйган Бухоро ўзининг хом ашёси учун энг қулай бўлган бир-

\* Урганчийнинг асл номи Низомиддин Хўжа бўлиб, асли Хоразм ўзбекларидан бўлганидан «Урганчий» лақаби берилган. Амирнинг бутун амалдорлари орасида марҳаматсиз бир кишидир. Бу киши ишликлик ва қобилиятли маъмур бўлиб кўп таъинланган.

дан-бир бозорни йўқотди. Унинг молларини сотиш бозоридан ҳар хил савдо муомаласидан кесилиб, саноати бўлмаган Афғонистон билангина савдо муомаласи қиладурган рўзгорий тутқунликда қолди ва кундан-кун тушиб секин натуралний бир ҳолга айлана бошлади.

Бухоронинг амири Бухоронинг ижтимоий ва рўзгор тараққиёти йўлларини суғий равишда иккинчи йўлга солди ва шу тараққиётни бир печа ўн йилларча орқага сурди.

Амир Бухоросининг Англия билан билншланиш, Бухорои камбағалликка, фақирликка туширган Афғонистон билан дўстлашиш даври бошланди.

1918-нчи йилнинг март воқеалари, ундан кейин ортиқ даражада кескин ҳолда кириб Бухорои кучсизлантирган истибдод — кейинги 60—100 йил ичида Бухоронинг тарихида энг қонлиқ топ, амирнинг ва унинг ҳукуматининг ҳамда руҳонийларнинг энг катта жиноятларидир. Ҳеч бир гуноҳсиз 3000 тача кишининг оққан қони, бузулган, тарқалган онлаларнинг кўз ёшлари, камбағалликда қолган деҳқонлар ва умуман Бухорога Колесов воқеасидан тортиб 1920-нчи йилгача бўлган давр ичида келган бутун фалокатлар учун улар жавобгардир.

Шунинг билан бирга Бухорога, унинг тараққийпарвар жамиятларининг // [97] ва меҳнаткашларининг кенг доиралари бошига тушган мана шу қонлиқ истибдод ва мана шу оғир фалокатлар кўп вақтда иккилоб тарихида учрайдурган яхши ва ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлдилар.

Улар ҳеч бир янги шамоллар эсмаган, ҳеч бир қўл тегмаган Бухоро деҳқонларининг асосий табақаларини қўзғатдилар. Улар, кенг халқ ўртасида амирнинг поми руҳоний бошлиқ деган ном билан чўлганган доирани — пардани йиртдилар. Улар амирнинг ва унинг думларининг юзларини халқга очиб кўрсатдилар ва мана шу юзнинг очилиши билан халқ уларнинг шунча икки юзлик, инсониятсизлик ва марҳаматсизликларини кўриб ажабга, ҳайронга қолди.

Колесов воқеаси ўзининг бутун натижалари билан ёш бухороликлар фирқасини ҳам жуда кўп нарсага ўргатди. Ёш бухороликлар фирқаси ўзининг хатоларини кўриб, бундан кейин бундай хатоларни қилмасга, бундай хатоларга йўл қўймасга ўргатди.

Бухоронинг Русиядан кесилганлиги сабабли кундан-кунга оғир ҳолга туша борган иқтисодий аҳволи кенг

деҳқонлар доирасининг бойлиқ ва иқтисодий турмушларини йиқитиб, меҳнаткашларнинг асосий маффаатига зарба бериб, уларнинг инқилобчилик йўлига киришларига янада қатъа ёрдам берди.

Афғонистон билан бўлган савдо фақат Бухоронинг сармоюдорларидан иборат бўлган юқориги табақалари учунгина фойдалиқ бўлди. Улар аёлла нақадар просант фойда қилиб бойидилар. Майда мол ишлаб чиқарғучиларнинг кенг доиралари эса, ўзининг Русияга кета олмасдан турган қимматлик хом ашёсини бутун йўқ баҳосига сотишга ва Афғонистон орқали Бухорога келатурган мустамлака моли номи билан юрадурган молларни уч маротаба қиммат баҳо билан сотиб олишга мажбур бўлди.

Халқнинг яшириниб ётган зори, мунги кучайди.

Инқилобнинг айрим шахслардан иборат бўлган кучлари ва биринчи навбатда ёш бухороликлар фирқаси гарчи илгаригига қараганда кўпгина кучсиз бўлса ҳам, майдонга келган умумий иқтисодий аҳвол Бухорода янги инқилобий қўзғалишлар учун секин-секин қулай шартлар ва қулай муҳит тайёрлади // [98].

Бир-бирига қарши ва мухолиф бўлган мана шу икки ҳол ҳал қилиш учун ортиқ даражада чуволчиқ ва оғир бўлган сиёсий аҳволни майдонга келтирди.

Ёш бухороликлар фирқасининг тарқалиши ва кучсизланиши истибдод даврини узоққа чўзди. Унинг март воқеасигача бўлган ташкилот кучинини йўлга қўйиб, оёққа бостириш учун бутун икки умр керак бўлди.

Истибдод тирноқидан қутулган ёш бухороликларнинг 150—200 кишидан иборат бўлган асосий фаол ишчиларининг гуруҳи шўролар Туркистонига ҳижрат қилди ва унда: Самарқанд, Тошкент шаҳарларида икки сиёсий марказ вужудга келтирди.

Шу марказларнинг доираси ичида куч тўплаш, ташкилотларни кенгайтириш ва ўзгарган аҳволга мувофиқ қилиб янги кураш усуллари тузиш ишлари давом қилдирилди.

Агар мана шу марказлар бўлмаса эди, маънавий аҳволлари ортиқ даражада оғир бўлганлик сабабли иш қидириб Туркистоннинг бутун шаҳарларига тарқалган муҳожирлар — секин-секин ўз ораларида ташкилот алоқаларини йўқотган бўлар эди.

Аmmo бундай ҳол бўлмади. Ташкилотнинг кўчиб келган аъзоларида бўлган инқилобий нақллик ва инқилобий саботчиликлари ҳамда Самарқанд ва Тошкент

марказларининг раҳбарлиги муҳожирларининг тарқалиб кетишларига йўл қўймади.

Самарқанд марказининг бошида: Раҳмат Рафиқ ва Ота Хўжаев, Тошкент марказининг бошида: Оғдоров, Бурҳонов, Фитрат ва мен турар эдик.

Бошида ҳар икки марказнинг аҳволи шундай эди-ким, унда албатта ҳеч бир сиёсий иш тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас эди.

Бизнинг бутун ишмиз ва ҳаракатимиз ташкилот аъзоларига моддий ёрдам бериш, улар учун иш қидириш, ҳар қандай нафақа ва ёрдамларни // [99] тўплаб уларни тақсим қилиб бериш йўлига жўналтирилди. Шундай бўлмаганда ўртоқларимизнинг турмуши оч, ўлимнинг ёқасида эди.

Ташкилотимиз тўзғитиб муҳожирликка чиққандан кейин, ўткан 5—6 ойлик бу давр бизнинг ташкилотимизнинг умрида энг оғир, энг умидсиз ва энг қўрқинчлик давр бўлди.

Тарқалиш ва ташкилотнинг тузилиши натижасида ҳар вақтда бўлиб келадурган ҳоллар узоқ ўтмасдан бунда ҳам кўрнна бошлади. Руҳнинг тушиши ҳоҳ умумий муҳожирлар ўртасида ва ҳоҳ раҳбарлар орасида бўлсин алланеқадар низоъларни ва жанжалларни майдонга келтирди.

Қаттиқ қора ишга (жисмоний ишга) қобилияти бўлмаган баъзи бир ўртоқлар, чунончи: Мулло Рафиқ ва Мулло Маъсум очликдан ҳалок бўлдилар. Бу ҳол бизнинг ташкилотимизга жуда оғир таъсир қилди.

Одатда истибдод даврида бўладурган фирқанинг тарқалиш, аъзоларнинг ташкилотдан чиқиш ва уларнинг бошқа фирқаларга кўчиш майиллари бошланди.

Масалан чап сотсиал революционерларнинг ташвиқотлари таъсири билан бизнинг фирқамизнинг бир неча аъзоси, бошида Булатов, Ота Хўжаев ва Қори Ғулом каби ташкилотимизнинг каттароқ ишчилари тургани ҳолда ёш бухороликлар ташкилотдан чиқиб чап сотсиал революционерларга эргашадурган алоҳида янги бир гуруҳ ташкил қиладилар.

Буларнинг чап (левий) сотсиал революционерлар томонига ўтишлари ёш бухороликлар фирқасининг аъзолари орасида тарқалиш ва англашилмовчиликларни майдонга келтирди. Уларнинг жуда кўплари ҳеч бир далилсиз онла жиҳатидан ҳеч бир қаршилик бўлмаганига қарамасдан фирқадан чиқдилар. Унинг кучини

тарқатдилар ва бутун Бухоро ишидан қўлларини силтадилар.

Ота Хўжаев ва Пулатов каби ўртоқларнинг чиқиб кетишларини вақтинча ахлоқлари бузилганликдан бўлди демасак, бошқа ҳеч бир сўз айтиш мумкин эмасдир.

Албатта буларнинг ҳаммаси бошқа баён қилинди. Улар бунга ўзининг // [100] хато хатти-ҳаракати билан фирқани тарқатишга сабаб бўлган Марказқўмнинг хато-ларига қарши норозилик деган номни бердилар.

Бу айбларнинг энг каттаси айниқса Колесов воқеалари вақтида ташкил қилинган инқилобқўмнинг раиси бўлуи сифати билан кўпрак менга жўналтирилган эди.

Ташкилотимизнинг аъзолари орасида кундан-кун тарқалиш кучая борганини Марказқўмнинг ҳаракатларини доимий суратда танқид қилганликларини, шундай аҳвол ичида фирқани маҳкамлаш ва соғайтириш учун йўл бўлмаганини кўриб — мен ўзимнинг гарданимдан бутун вазифа ва ваколатни ташлаб Тошкент марказидан бутун ишдан чиқиб кетишга мажбур бўлдим.

Инқилоб қўмитасининг тарқалиши билан 1918-нчи йилда Колесов воқеаларидан кейин тўғридан-тўғри майдонга келган муҳожирликнинг биринчи даври тамом бўлди.

**МУҲОЖИРЛИКНИНГ ИККИНЧИ ДАВРИ.  
1918-нчи ЙИЛНИНГ УРТАЛАРИДАН ТО 1919-нчи ЙИЛГАЧА.  
БУХОРОНИНГ АНГЛАТАРА БИЛАН БЕЛЛИШЛАНИШИ\*  
ВА БУХОРО ХАЛҚИ МЕҲНАТКАШ ОММАСИНИНГ  
ИНҚИЛОБЧИЛИК ЙУЛИГА КИРИШИ**

1918-нчи йилнинг ўртасидан бошлаб то 1919-нчи йилгача бўлган давр бизнинг фирқамиз учун оғир ва қўнғилсиз ўтди ва у тамоман ишсизлик билан тасвир қилинди.

Агар фирқа ичидаги юқорида кўрсатилган ва ҳар бир ёш мустаҳкамланмаган фирқа учун истибод даврида бўлмаслиги мумкин бўлмаган ва ўз ватаидаги муҳитдан ажрალიш соясида янада киргинлашган жанжал ва майда масалалар устида бўлган низоъларнинг жонланишини ҳисобга олмасак, фирқанинг ички маишати тамоман ўлди.

Албатта, бу давр бутун Урта Осиё учун энг оғир ва энг чиқишсиз даврларнинг бириси бўлди. Ҳар томондан ўтлик уруш майдони // [101] билан қамалиб оли-

\* Англия тараққиёти йўналишларига мойиллик назарда тутилди — *Ред.*

ган. Русиядан келганлиги сабабли иқтисодий жиҳатдан кучсизланган Шўролар Туркистони ўзининг ҳаётини қаҳрамонларча ҳимоя қилди ва Урта Осиёда Шўролар тузилишининг биринчи негизларини солди.

Ишчилар синфи ва биринчи навбатда Туркистоннинг темирйўлчилари маҳаллий зиёлиларнинг ва шаҳар камбағалларининг олдинги қисми билан бир йттифоқда бўлиб, шу оғир ва камбағаллик йилларида ҳамда Шўролар Туркистонига ҳар томондан кириб тўлдирилган тескари ҳаракатчилар билан узлуксиз урушиб Урта Осиёда шўролар ҳукуматини гарданларига кўтариб олиб келдилар.

Уларнинг ғалабага бўлган маҳкам ишончлари ва инсон болалари чидамай турган оғирликларга ҳеч бир беришмасдан чидаб келишлари, 1917-йилнинг ўртаберида урушиб олинган мавқеъни Туркистонда сақлаб қолишга ёрдам берди. Бу вақт Туркистон учун энг оғир ва энг қўрқинчлик бир давр эди. Ғарб томонидан Оренбург саҳроларидан Туркистонни Русиядан ажратиб, шунинг билан Туркистоннинг иқтисодий аҳволини оғирлаштирган Дутов таҳдид қилар, шарқ томондан душман кўзи билан қараб, душманлик билан суғорилган Еттисув казаклари (қозоқ руслар) таҳдид қилар эди. Жануб томондан англизлар Закаспий уруш майдонини тайёрладилар. Фарғонада босмачилик куч олиб бутун Фарғонани қоплаган эди.

Ғалла марказдан кесилиб қолган ва ҳар вақт кўп миқдорда четдан келтирилган ғалла билангина турадирган Шўролар Туркистони ортиқ даражада оғир ғалла таълигини бошидан кечирди ва чин очарчилиكنинг келиши ҳар минутда кутиллар эди.

Туркистоннинг тилласи бўлган пахта бутунилай кераксиз бўлиб қолди. Русиянинг тўқима саноатидан кесилган ва чет эл бозорига эга бўлмаган Туркистон пахтаси ҳеч бир ерга сотилмади. Шу ҳол Туркистоннинг иқтисодий қувватини тамоман оёқдан йиқитди // [102].

Аҳволнинг оғирлиги Туркистон ичида бўлган тескари ҳаракатчилик, доний суратда бўлган суйиқасдлар билан курашиш, тўраларнинг саботажлари (ишдан қочиши) билан ва шўролар ҳукуматига бўлган душманликлар орқасида ишланган ҳар хил ҳодисалар билан янада кучайди.

Агар бунда мен, Урта Осиё тескари ҳаракатчилигининг икки ўчоғини. Хоразм хонлиги билан Бухоро амирлигини ёзмасдан ўтсам, Шўролар Туркистонига таҳдид

қилган тескари ҳаракатчи кучларнинг саноғи мукам-  
мал бўлмас эди.

Ўзининг ўрта асрдан қолган жабр, зулм асосига не-  
гизланган ҳар бир нарсага ва ҳаттоким буржуазияни  
тараққиётга қарши бўлган усулда тузилган идораси  
бўлган Хоразм ва Бухоро ўзининг чегараси қирғоғида  
тузилган Туркистон Шўролар жумҳуриятига рози бўл-  
мадилар ва унга ҳужум қилиб ўзларига душман бўл-  
ган инқилобни қатъий суратда бўғиш учун фурсатни  
кутиб турдилар.

Темир йўллاردан ва савдо йўлларидан узоқда тур-  
ган, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучсиз бўлган Хо-  
разм хонлиги Шўролар Туркистони учун қўрқинчилик  
эмас эди.

Бухоро амирлиги билан ишлар бутунлай бошқача  
эди. Тескаричилар орасида унинг нуфузи кундан-кунга  
ўсди ва фавқулодда миқдорга бориб етди.

Ўрта Осиёдаги тескари ҳаракатчиларнинг ҳаммасига  
қараганда ҳам Бухоро маълум миқдорда иқтисодий  
қувватга, кўпгина қўшунга ва йўлга солинган давлат  
идорасига молик бўлган бирдан-бир кучлик мамлакат  
эди.

Амир бутун дунё қайнаб турган вақтда халқнинг  
бошига жуда катта фалокатлар келтириб, оқизилган  
қон дарёси ичида ўзининг мамлакати ичида тамоман  
тинчликни қўйишга, 20 минг сарбоз ва навкарлардан  
қўшун тузиб, уларни Оврупо усулидаги қурол билан  
қуроллантиришга муваффақ бўлди // [103].

Бухоронинг юқорида кўрсатканимизча март воқеа-  
ларидан кейин Афғонистон ва Эрон билан Афғонистон  
орқали англизлар билан бошлаган рўзғор ва сиёсий  
яқинлашиш — дўстлиги жуда муваффақиятли суратда  
кенгайди, илгари кетди.

Албатта, Афғон ва Эрон бозорлари рус бозорлари-  
нинг ўрнини, айниқса пахта сотиш тўғрисидаги ўрнини  
босолмасалар ҳам, ҳар ҳолда Бухоро хом ашёси учун  
улар йўл очдилар. Ва Бухоронинг иқтисодий аҳволи  
рус бозори йўқолганлик сабабидан ёмонланса ҳам, ҳар  
ҳолда бирмунча маҳкамланди, ҳар қандай бўлганда  
ҳам бозор деган нарсадан бутунлай кесилган Туркис-  
тонга қараганда яхшироқ эди, Бухорода бундан бошқа  
Туркистонда бўлмайдурган ғалла запаслари бор эди.

Ўзгарган иқтисодий шароитлар таъсири билан Бу-  
хорода, синфий кучларнинг қайтадан генералний (асо-  
сий) равишда тузилиши воқеъ бўлди.

Деҳқонлар илгари кўпинча қора идора (реаксия)-нинг орқа таянчи ва яхши ҳолда бетараф бўлсалар ҳам, сўлга қараб кета бошладилар.

Деҳқон хўжалигининг орқа кетишидан, солиқ оғирликларининг орта боришидан норози бўлган деҳқонлар (амир олий ҳукуматдорлиги 20000 лаб қўшун тузилиши, беҳад миқдорда рус аксил инқилобчилари, оқ гвардия офицерлари ва қочиб келган чиновник (тўра)ларнинг ҳарожати Бухорога арзонга тушмас эди) секин-секин зор қилар эдилар.

Қўшун ҳам ўз вақтида ойлик берилмасликдан, қизганч садақа, хайрга ўхшаган озгина ойлик ва калтак интизомидан ва ҳамда амир қўшунини ичида ҳеч бир саломатликка рноя деган нарсанинг бўлмаганлиги орқасида пайдо бўлган касаллардан ва инҳояти қийин уй-жой шаронтларидан норози эди.

Аввалроқ, маншатнинг қийинлиги таъсири билан ва амирнинг меҳнаткашларининг манфаатига ҳеч бир эътибор қилмаганлиги сабабдан бошланган зорлик, норозилик борган сари ошар эди.

Бухоронинг ўз муҳити, ўз-ўзидан пайдо бўлган хўжалик аҳволи // [104] омманни ғалаёнга келтирди ва бунинг учун бадбахт жадидларнинг ва ёш бухороликларининг ҳеч бир ташвиқотлари керак эмас эди.

Аскарлар қўлларида милтиқ бўлгани ҳолда амир қўшунидан қоча бошладилар ва чегарадан ўтиб, ёш бухороликларга қўшула бошладилар. Марҳаматсиз жазолар ва мумкин бўлган ўлим жазолари норозиларни қўрқута олмас эди.

Амир ҳукумати ва Бухородаги идора бошида турганларнинг Бухородаги ҳар бир инқилоб қўрқунчилик йўқ қилинганлигига ёш бухороликлар фирқасининг бутунлай тўзғатилганлиги ва унинг янгидан бош кўтармаслигига қаттиқ ишонганликлари ҳолда, омманнинг бундай инқилобланишини ва бунинг билан бирга, уларнинг бурун тегида норозиликларининг ўсиб боришини сезмаганлари ҳолда ва ҳамда ҳозиргина кўрсатилиб ўтилганича инқилобнинг махфий (инқилоб ясашга қўлдан келсада ҳозирда жим турган) кучларини қўрмаганлари ҳолда Бухорода илгариде ва ҳозирда бўлган ҳар бир реакция (қора идора) тарафдорлари амир теварагида бирлашар эдилар.

Реаксиячи чиновниклар, уламо ва рус оқ гвардиялари маҳкам бир девор бўлиб, амир тахтининг ёнида турар эдилар.



Бу аҳвол ичида янгилик бўладирган нарса, қаршилик қилиб юрган ва бир тўғрида ислоҳчиликка моил бўлган Бухоро савдогарлари Уктабр инқилобидан ва Колесов фожеаларидан кейин ўзининг бутун асосий тўдаси билан энг қора реакциянинг қучоғига ташланди ва уламо билан бирга бирлик фронт (уруш майдони) тузди.

Савдогарлар ва майда боққоллар, ижорагарлар ва судхўрлар, яъни савдо капитали (сармойаси)нинг бутун вакиллари, Туркистон Шўролар ҳукуматининг ўз мамлакатигаги мулкларни, завод ва капиталларни миллийлаштирганлигидан қўрқиб, ҳар бир янгиликдан четга қочдилар ва қандай мустабидлик бўлмасин, ўзларининг хусусий мулкларидан ажратмаслик учун келишишга тайёр эдилар.

Иқтисодий вайронлик уларга жуда оз таъсир қилди. Афғонистон // [105] билан бўлган савдо, юқорида кўрсатилгандай, майда мол ишлаб чиқарувчиларни бутун бойлигидан ажратганликдан, савдогарларга фойдали бўлиб, улар бу ишда катта фойдалар топишга имкон ҳосил қилар эдилар.

Бухоронинг реакциячилари большевикларнинг тез кунда тушишига ва йиқилишига ишонар ва англизларнинг ёрдами билан янги ўрус подшоҳининг ва унинг билан бирга ўзларининг кечаги хўжайинлари бўлган рус капиталистлари ва фабрикантларининг келишини чидамсизлик билан кутар эдилар.

Олдоғи кўриниш маъносида Бухородаги Уктабр давригача ва 1919-нчи йилнинг бошигача ҳар бир инқилобнинг ҳақиқий ҳаракатландиргучилари бўлган ижтимоий кучларнинг муносабатига баҳо бериш билан бирга, илгари инқилобий бўлмаган деҳқоннинг бу вақтда инқилоб томонига ўта бошлашини, савдогарнинг, агарчи улар, ҳар ҳолда, Уктабр инқилобигача, жадидларнинг энг бошлича куч оладурган манбаълари бўлсалар ҳам, қатъиян реакция томонига кўчишларини айтиб кетишимиз лозим.

Эҳтимолким, инқилобнинг ҳаракатландиргучи кучларининг марказини, мулкдорлардан — рус коммунизмининг бевосита таъсири остида ижтимоий чапга бурган ижтимоий кучларнинг қайтадан гуруҳланишининг ўзи, секин-секин оддий буржуазия — тараққиёт фирқасидан, Бухоро коммунистлар фирқасига айланган ёш бухороликлар фирқасининг бир қисмининг радикалланishi (яъни халқ оммасининг аҳволини яхшилатиш

учун тубли ислоҳотлар яшаш тарафдори бўлишга) йўл тайёрлаган бўлса.

Лекин, албатта, ижтимоий кучларнинг бу ҳолда қайтадан гуруҳланиши қувғин остида юрган ёш бухороликлар фирқасига дарров ва тўла миқдорда таъсир қилмади. Бу вақтда ёш бухороликлар қатъиян Туркистонда, бошлича Самарқанд, Хўжанд ва Тошкентда ўринлашган эдилар.

Русиядаги чап эсэр (сўл ижтимоий инқилобийўн) // [106] қизиқишмасининг битиши билан Ота Хўжаев ва Пўлатовларнинг ёш бухороликлар чап эсэр гуруҳи тез кунда битирилди.

### ЁШ БУХОРОЛИКЛАР КОММУНИСТ ГУРУҲИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Лекин, ёш бухороликлар фирқасида, шубҳасиз, аҳволнинг ўзгариши сабабли, янги йўл ахтариш тўхтамади. Узининг умрини тугатган сўл эсэр гуруҳининг ўрнига, большевикларга қўшилган янги гуруҳ пайдо бўлди. Унинг ташкилотчилари: Мухтор Санджонов, Яқубзода, Азимжон ва кейинроқ уларга қўшилган Хусаннов, Аминов ва Оқчурин ҳам бир мунча озроқ аҳамиятга эга бўлган ёш бухороликлар эди.

Бу янги гуруҳ илгаригига қараганда, яъни эсэр гуруҳига қараганда бошлашга қобилиятли бўлганлигидан, тез кунда кўб инш ишлай бошлади. У қочиб келган муҳожирларни тарбия қилиш ва ўқитишга ўшар вақтда Тошкентда ва бошқа шаҳарларда очилган фирқа ва шўро курсларига айрим аҳамият берди ва ҳамда муҳожирларнинг моддий аҳволларини яхшилаш тўғрисида кўпгина ишлади.

Бир неча ўн ўртоқлар ихтиёрий равишда қизил қўшунга кириб ва Фарғона, Закаспий ҳам Оқтуба фронтларида рус коммунистлари билан қўлма-қўл бўлиб, рус инқилобий йўқсулларининг сафида урушиб, РКФ фирқасига жуда яқинлашдилар.

Қизил қўшунга ихтиёрий равишда кирганларнинг қаторида: Аминов, Санджонов ва бошқалар бор эди. Қизил қўшундаги бу, чин уруш ва сиёсий ишлар бизнинг ташкилотимизнинг аъзоларига, айниқса, хусусий равишда қизил қўшунга кирганларга ўз-ўзидан коммунизм руҳида тарбия олишга ва бизнинг ташкилотимизнинг интизомли аъзолари бўлиш учун кўп парса берди.

Ёш бухороликлар фирқасининг коммунистлар қисми ҳақиқий фаол фирқа ишига берилиб, кейинроқ Бухоро

билан алоқа бойлаганликдан, Закаспий fronti битириниб амирининг англизлар билан бўлган жонли алоқаси йўқолган чоғда инқилоб ишига кўп фойда келтирди // [107].

Муҳожирларининг бошқа қисми коммунистлар гуруҳи билан бирлашса ҳам, кейинроқ пайдо бўлган ва «Учқун» газети теварағида уюшган бошқа ёш бухороликлар гуруҳига ҳам қўшилмасдан, сиёсий ишдан бутунлай четга кетиб, ўзларининг хусусий ишлари: Шўро муассасаларида, халқ маорифий идораларида ва бошқаларда хизмат қилиш билан шуғулландилар.

Сиёсатдан бутунлай четга чиққан ўртоқларининг ичидан: Мусо Санджонов, Ҳожи Ҳамроҳ ва маълум давргача кетган Мирзо Иззатулло ва Абдулвоҳид Бурҳоновлар бор эди.

Фитрат фирқа ва сиёсий иш билан расмий равишда алоқани узмаса ҳам, фирқада фаол ишламади ва бутун бош-оёғи билан оқартиш ишига кириб кетди ва шунинг билан бирга Афғонистон консулхонасига хизматга киришди.

Мен бу вақтда устимда бўлган ваколатларни тушириб, Московга кетганлигимдан Туркистонда бўлмаган эдим.

#### **ТУРКИСТОННИНГ РУСИЯ БИЛАН ҚУШИЛИШИ, ТУРККОМИССИЯНИНГ КЕЛИШИ**

Бу руҳсиз кўриниш, тўла тўхталмиш ва тарқовлик Туркистоннинг Шўролар Русияси маркази билан қўшилганидан кейин яхшигина айланди.

Икки янги ҳодиса, Урта Осиёнинг бошқа инқилобий кучларини асосан ўзгарткандай, ёш бухороликларининг иш шароитини ҳам асосан ўзгартди.

Бу икки ҳодиса — Колчак ва Дутов аксил инқилоб кучларининг тор-мор қилиниши, Туркистон тупроғининг оқ банда (босқунчи)лардан тамоман тозалана бошлаши ва Урта Осиёдаги ишларни йўлга солиш учун бошида Элнава, Фрунзе ва Қуйбишев ўртоқлар бўлган ҳолда РСФСР Марказ Ижроқўмининг махсус Туркистон Комиссиясининг келишидир.

Биринчи мартаба, бутун инқилоб бўлгандан берли хўжалик масалаларига ва ўлканинг жойлашишига ва бошлича, ерли халқ // [108] меҳнаткаш оммасини шўролар қурулиши ишига жалб қилишга катта аҳамият берилган эди.

Туркистондаги шўролар қурулиши, шунгача асосан русларнинг ва Тошкент қурулиши бўлиб, Турккомиссия келгандан кейин кучлик равишда ерлилаша бошлади.

Мана фақат шундагина шарқ халқларининг миллий озодлик тоши, ҳақиқий миллий қурулишининг тоши қўйилган, фақат шундагина биринчи мартаба, миллият масаласи Ленин руҳида қўйилган ва ҳал қилинган ҳам ўзининг ҳал бўлишида ижтимоий ва миллий озодликни бирга қўшқан ва охири секин-секин расмийлаша ва такомиллашиб, СССРни вужудга чиқаришга олиб борган эди.

Ушал вақтда шўролар ҳукумати томонидан Ўрта Осиёда миллий Шўро давлатлиги қуруш ишига аҳамият берилиши, Бухоро масаласини ҳам янгидан кун тартибига қўйди.

Бу нарсаларнинг ҳаммаси ёш бухороликларнинг фирқа доираларида янги жонлик туғдирди. Ушал вақтда янгидан, Бухоро билан сиёсий ва хўжалик алоқаси ясашга ҳаракат қилиб қоралаб, амирнинг қаттиқлиги ва унинг ҳукуматининг сўзга кўнмаслиги сабабидан кутилган натижалар келиб чиқмаса ҳам, ҳар ҳолда ёш бухороликларнинг сафида янги руҳ кўтаринкилик ва умидлар пайдо бўлди.

Дутов тўсувнинг битирилиши ва Тошкент темир йўли бўйинча тўғри йўл очилиши, Русия билан савдо алоқаси бошланиши сабабли Туркистоннинг иқтисодий аҳволи кўп даражада яхшиланди ва ҳамда миллият масаласининг тўғри ҳал қилиниши, унинг ҳақиқий равишда, Турккомиссиясининг кўрсатиши билан, Туркистон ҳукумати томонидан амалга ўтказилиши, Туркистон деҳқонларининг кенг доирасида тубли ўзгариш вужудга келтирди ва биринчи мартаба, ҳозирги вақтда «илимга (смычка)» дегандай, Туркистон деҳқонлари билан Русия йўқсуллари Ўрта Осиёда ҳақиқий бирликни кўрди // [109].

Туркистондаги деҳқонларнинг аҳволи кўп даражада яхшиланганини, меҳнаткашларнинг ва биринчи навбатда деҳқонларнинг энг муҳим масалалари ҳақиқий равишда таъмин қилинганини ва қўшни мустабидлар: Бухоро ва Хоразмнинг деҳқонлари, озод Туркистоннинг аҳволини ўзининг бехтиёр ва гадойлик ҳолати билан текшириб қараб, ғалаёнга кела бошлади. Муллалар ва бойлар ҳар нарса сўзласалар ҳам улар шўролар ҳукуматининг деҳқонлар ҳукумати эканлигини кўрдилар.

Амир билан хоннинг қонли идораси силкини бошла-

ди. Ҳеч қандай девор ва ҳеч қандай тўсин билан Бухоро ва Хоразмни инқилоблашган ва шўролашган Туркистондан чегаралаб, бекитиб бўлмас эди.

Хоразм бундан ҳам сустроқ бўлганлигидан бу нарсани бошлаб сизди. Хоразмнинг инқилобчилари, Хоразм хони билан туркман феодал бошлиқларининг ўртасида бўлган ўзаро урушлардан фойдаланиб, бир неча ўзбек, туркман аралаш аскарний фирқалар ташкил қилдилар ва мазкурлар қизил қўшунининг ёрдами билан 1920-йилнинг бошида Хоразм хонини битира олдилар ва Хоразм шўролар жумҳуриятини эълон қила олдилар.

Амир, Хоразм хонининг тушиши сабабли жуда ваҳималанганликдан янги ғайрат билан ўзининг қўшунини тузишга, унинг ададини ортдиришга ва вилоятлар бўйинча ҳам Бухорода яшайтурган алоҳида уруғлар ва миллатларга аскар солиш йўли билан аскар йиғи бошлади.

Бундан ташқари у ҳар хил йўллар билан, афғон амири — Амонуллохон билан ҳарбий иттифоқ тузишнинг иложини ахтара бошлади.

Амирнинг Афғонистонни ўзига иттифоқ қилиб олиш тўғрисидаги интилиши дастлабки вақтларда муваффақият толиб, Афғонистоннинг амири Бухоросига ташқи томондан яхши қарашига олиб борди ва икки ўртада савдо ва ҳадялар ҳам ҳар хил хушомад гаплар бўлиб ўтди // [110].

Бухоро ва Афғонистон элчилар билан олмошдилар. Амонуллохон ҳатто Бухоро инқилобидан бир неча ой илгари Бухоро амирига бир неча тўп ва тўрт ёки беш уруш филларидан юборди. Мазкурлар амир томонидан тантана билан қарши олиндилар.

Афғонистон ҳукумати амирга хушомадчилик қилиш билан бирга шубҳасиз бутун мусулмон халқларини, бошида Афғонистон бўлган ҳолда, муқаддас исломият байроғи теварагига бирлаштиришни хаёл қилар эди.

Ҳар ҳолда у, тўғри келганда ўзининг тупроғини Шарқий Бухоро тупроғи ҳисобига кенгайтиришга умид боғлар эди.

Юқорида кўрсатилган сабаблардан Афғонистоннинг амири Бухоросига кўрсатган дўстлигининг нимадан иборат эканлиги билинар эди.

Афғонистон ҳукумати, яқиндагина Хундистон чегарасидаги Англия билан бўлган курашда муваффақият топганига боши айланиб, буюк Афғонистонни вужудга чиқаришга вақт келди деб қарор қилди.

Бироқ Афғонистоннинг бу масалада тутган снѐсати жуда ихтиѐтли эди. Агарчи Афғонистон ҳукумати эзги амирни ҳимояси учун Шўролар Туркистонига қарши чиқса ҳам, ҳар ҳолда Шўролар Русияси билан чинакам урушишга қўрқди; тез кунларда Афғонистон билан Шўролар Русияси ўртасида ақд бўлган дўстлик шу нарсага очик далил бўладир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу нарса, шўролар ҳукуматиининг биринчи мартаба танилиши эди.

Амир, Хоразмнинг йнқилганидан кейин жуда қўрқса ҳам, Шўролар Туркистонига хўмрайиб қараб туришда узоқ вақт давом қилди, мамлакатининг ичида ҳеч бир ён бермай, аввалгидай марҳаматсизлик билан, ҳар бир маданий, тараққий ва ҳаммадан ортиқ инқилобий бошланмаларга қаттиқ жазо берар эди: ёш бухороликлар бўлса, илгаригидай қаттиқ қувғин ясалар эди.

Шундай бўлса ҳам, на ур-йиқит, на қўшун ва на амирининг бутун кўнгли билан ишонган Афғонистон дўстлиги фойда бермадилар // [111].

Бухоро халқининг кенг доираси, айниқса, камбағал ва зиѐлилар, юқорида айтилгандай, тўқтовсиз Шўролар Русиясига ўзларини торта бошладилар.

1918-ичи йилги Бухоро фожеаларини, илгаригидай реакция аччиғи билан эсга олмасдан, унга муҳаббат билан қараб, унинг муваффақият билан битмаганига ачинар эдилар.

Ҳеч бир қувғанларга қарамасдан, махфий жамъиятлар ва яширин қўмиталар бириси орқасидан бириси ўса бошладилар.

Қўлга тушқанларининг қаттиқ жазога дучор бўлиши ҳеч кимни қўрқита олмади. Амирга қарши бўлган ҳаракат борган сари ўсар ва кенгаяр эди.

Қўшунининг юқорида эсга олиниб ўтган норозилиги, тўп-тўп бўлиб, қўшундан қочишга ва аскарларининг чегарадан ўтиб, ёш бухороликларга қўшилишларига сабаб бўлди.

Бу фожеаларининг ҳаммаси, оммани қўлга олган бу инқилобий руҳ, табиий, бизнинг юқорида сўзлаганимизча, муҳожирлар ўртасида катта жонланишга сабаб бўлди.

### **ИНҚИЛОБИЙ ЕШ БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ТУРКИСТОН БЮРОСИ ВА УЛАРНИНГ ИШЛАГАН ИШЛАРИ**

Бирданига Тошкент билан Масков қўшилгандан кейин, илгари тузилган коммунистлар гуруҳи билан бир

қаторда бошқа ёш бухороликларнинг жуда таъсирлик ва нуфузлик гуруҳи иш бошлади. Унинг кустарлар ва аскарлар орасида бўлган таъсир, коммунистлар гуруҳи бўлиш билан бирга, халқнинг бошқа қатламлари ўртасида ҳам бор эди.

Бу янги гуруҳ ўзини — ёш бухороликларнинг инқилобий фирқаси атар эди.

Унинг коммунистлар гуруҳига ўхшаган Марказ Қўмитаси йўқ эди. Бу гуруҳнинг раҳбарлик маркази, инқилобий ёш бухороликлар фирқасининг Марказий Туркистон Бюроси деб аталар эди // [112].

Марказий Қўмитаси бўлмасдан унинг ўрнига Марказий Туркистон Бюроси бўлиши инқилобий ёш бухороликлар фирқаси ўз устига Марказий Қўмита вазифаларини олишни нистамаганлигидан деб англатар эди, чунки уларнинг фикрича, Марказий Қўмита март ойдан муваффақиятсиз Колесов фожеасидан кейин, ҳақиқатан тарқалган ва фирқа конференцияси бўллуб, бутун яширин қўмитанинг ва алоҳида собиқ Марказқўм аъзоларининг тегишлик ваколат берганларидан кейингина у янгидан қонуний равишда расмийлаша олар эди.

Ҳар хил чатоқликларга ва янги ажралашларга йўл қолдирмаслик учун, мустақил Марказий Қўмитани вужудга келтирмаслик яхшироқ эди, инқилобий ёш бухороликлар фирқаси ҳам шундай қилди.

Инқилобий ёш бухороликлар фирқаси ўзининг коммунистлар гуруҳи билан бирга яшашни, амирга қарши Бухорода бўлган бутун инқилобий кучлардан, шулар қаторида йўлий коммунистлар фирқаси билан бирга бўлмайдирган: жуда кўп майда савдогарлар, хунарманлар, ўрта ва майда тўралардан фойдаланиш зарурлигидан деб оқлар эди, чунки мазкурлар коммунистлар руҳи билан руҳланмасалар ҳам Бухородаги инқилоб ишига фойда келтира олар эдилар.

Инқилобий ёш бухороликлар фирқаси «Учқун» исмли газета чиқариб, қайноқ сиёсий ишни бошлаб юборди ва 1917-нчи йилдан берли ёш бухороликлар фирқаси томонидан ишланиб келган программани ишлаб битириб эълон қилди. Мазкур программа илгариги программага қараганда, марказнинг илгариги лойиҳаларидан, ўзининг инқилобийлиги ва масалаларнинг, янги шароитларга ва омманинг умумий сўлланишига мувофиқ равишда амалийлиги билан ажралар эди.

Очиқроқ бўлсин учун биз бу программадан бир печабетни ва ҳамда, инқилобий ёш бухороликлар фирқаси-

нинг Туркистон томонидан бириси ўзбекча ва иккинчиси форсийча тилда, қўшунларга ва халққа хиёнат қилиб чиқарилган хитобномадан икки нусхасини бу жойда кўрсатиб ўтамиз // [113].

### ИНҚИЛОБИИ ЁШ БУХОРОЛИКЛАР ФИРҚАСИНИНГ ТУРКИСТОН БЮРОСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Ёш бухороликлар Туркбюросининг программаси, «Зулмга қарши бирлашингиз!» деган шнордан кейин бошланадир: бошланма қисмида Бухоронинг умумий аҳволи ва ёш бухороликларнинг асосий мақсадлари ёзилган; иккинчи қисмида ёш бухороликларнинг амалий таклифлари, уларнинг ислоҳот планлари ва идора ташкилотий планлари бордир.

Бошланмасида дастлаб Бухорода яшайдирган кўп сонли ва ҳар хил уруғлар ҳам миллатлар ўртасидаги талашларни кўрсатиладир ва ундан кейин қуйидагилар сўзланадир:

«Кенагаслар, манғитлар, ўзбеклар, туркманлар ва тожиклар» донмо уруғлар орасидаги курашда кўп қон тўкдилар; бир-бири билан тинчликда яшаш ўрнига улар бириси устидан бириси ҳоким бўлишга имтилдилар.

Амир ва беклар Бухоронинг ободонлигига, унинг иқтисодий ва маданий тараққий қилиши тўғрисида ғамгир бўлиш ўрнига, уруғлар ўртасидаги душманликни ортдириб ва кескишлаштириб, фақат ҳукумат устида туришни ва бойимоқни ўйлайдилар.

Ҳукуматдорлар бойийдилар, халқ камбағалланадир.

Сўнги юз йил ичида Оврупо жаҳонгирлари шарқдан фойдаланишга тиришиб, унга ўзларининг аскарларини юбордилар; Бухоро амирлари ва беклари Оврупо сармоядорлигига қарши ҳеч бир чора кўрмадилар. Ҳатто, улар ўзларининг устларига ким келганини ҳам тушунмадилар. Улар ҳа деб ўзаро урушларни давом қилдирар эдилар.

«Қачонким сўнги юз йилнинг охирида, рус жаҳонгирлари Туркистонни фатҳ қилишга бошлаганлари чоғида Еттисув, Сирдарё ва Фарғона халқлари қаҳрамонларча урушдилар ва рус жаҳонгирлари билан қаттиқ урушни давом қилдирдилар. Худди шу вақтда Бухоро амири ва беклари Фарғона хонлигига ҳужум қилдилар ва шунинг билан рус жаҳонгирларига Туркистонни фатҳ қилишга ёрдам қиладилар» // [114].



Эзилган халқнинг кўп маротабалар кўзғолон яша-  
га умтулган чоғида амир ва беклар уларга марҳамат-  
сиз уруш, ўлдириш билан ва гоҳида рус казакларининг  
ёрдами билан жавоб қайтарар эдилар.

Бечора Бухоро халқи амирият ва рус чорлиғи зул-  
мидан икки томондан додлар эдилар. Улар ҳар бир ма-  
даният, ҳар бир инсоният ҳуқуқидан маҳрум қилинган  
эдилар.

Амирнинг даҳшатлик идораси қарши курашиш учун  
1908-йилда Эски Бухорода махфий равишда инқи-  
лобий фикрдаги одамларнинг қўмитаси ташкил қили-  
ниб ишга бошлади. У қўмитанинг имтилган нарсалари:

1) «Бухорода янги усулда мактаблар очиш, газета  
ва журналлар чиқариш, Бухоро халқининг сиёсий, иқ-  
тисодий, ижтимоий ва маданий даражасини кўтариш  
мақсади билан Оврупога ёш бухороликларни ўқушга  
юбориш»;

2) «шу вақтгача алоҳида уруғлар орасида бўлиб  
келган душманлик муомалаларини битириш ва улар-  
нинг тарқалган кучларини бир марказга йиғинлаш»;

3) «Бухорода демократия асосида ҳукумат қуриш»;

4) «Бухорони хорижий давлатларнинг, унинг ички  
ишларига аралашиншларидан озод қилиш».

Программанинг давомида мазкур тўрт мақсадни  
юзга чиқариш учун ёш бухороликлар тегиншлик мада-  
ний ишларни олиб бордилар, дейилади.

Уктябр инқилоби «Петроград ва Москвада жаҳон  
инқилобининг марказига айланганди» ва Русиянинг  
сиёсатини асосан ўзгартди.

Русия жаҳон инқилобининг бошига қадам қўйди ва  
Шарқнинг озодлик учун бўлган курашига башлуқ  
бўлди.

«Шарқ дунёси олдида Оврупо жаҳонгирлигининг  
зулмидан озод қилинадурган кенг йўл очилади. Мар-  
казий Русияда ташкил қилинган йўқсиллар ҳукумати  
сўздагина эмас, балки ишда ўзининг «Шарқ озодлиги  
учун курашадирганлигини кўрсатди» ва шу сабабдан  
«Шарқ инқилобчиларининг ишончларини жалб қилди»  
// [115].

«Шу сабабдан бутун жаҳон ишчилари ва деҳқонла-  
ри билан бирликда курашишнинг ўзи инқилобчи ёш бу-  
хороликларнинг асосий вазифаси ва мақсадидир».

Яшасни озод ва мустақил Бухоро!

Яшасни Шарқдаги эзилган омма билан Ғарб меҳ-  
наткашларининг иттифоқи!»

Инқилобий ёш бухороликларнинг программаси ўзининг амалий қисмида қуйидаги асосий мавқеъларни келтиради.

Ҳукумат ташкил қилиш тўғрисида ёш бухороликлар амриятнинг йўқ қилинишини, унинг ўрнига халқ жумҳурияти тузишни ва унинг ичига Бухорода яшайдирган халқнинг ададига қараб, ҳар халқнинг вакиллари те-кис равишда ҳукумат ичига киргизишни ва ҳамда, умумий сайлов ҳуқуқини киргизишга ва бу сайлов ҳуқуқини амирга, унинг қавм-қариндошларига, уламолар ва уларнинг тарафдори бўлган аксил инқилобчиларга тарқатмасликни талаб қилар эдилар.

Программа миллият масаласига ва меҳнаткашларнинг байналмилал кўламида бирлашишларига кўп аҳамият беради.

Программанинг бу қисмини биз тўла равишда келтирамиз:

1. «Фирқа, ҳар миллатнинг меҳнаткаш оммасини сиёсий ҳуқуқларда баробар деб таниди ва уларнинг орасида миллий ва диний душманлик пайдо бўлишига йўл қўймайди. Фирқа бутун кучи билан миллатлар ўртасидаги жанжалларга, талашларга йўл қўймасликга имтиладир ва Бухоро халқ жумҳуриятининг ҳар бир граждани (фуқароси)нинг ҳамма билан баробар ҳуқуқда бўлишига ва бутун берилган ҳуқуқлардан баробар фойдаланишларига бутун кучини сарф қилади».

2. «Фирқа Оврупо сармоядорлари билан ҳар қандай бирга ишлашдан воз кечади, лекин меҳнаткашларнинг озод бўлишлари учун Оврупо ишчилари ва деҳқонлари билан биргаликда кураш олиб боради».

3. «Фирқа Оврупо жаҳонгирлиги ҳукуматидан озод бўлиш учун бутун кучлари ва йўллар билан курашади» // [116].

4. «Фирқа, бир Шарқ халқининг иккинчи бир Шарқ халқи томонидан эзиллишига, кучлиларнинг кучсизларга зўрлик қилишига қарши чиқади».

Ер-сувин тақсим қилиш тўғрисида Ўрта Осиёдаги деҳқон хўжалигининг шунга ёпишиб турганлигидан фирқа, жадидлар учун жуда мувофиқ ва тубли бўлган программани таклиф қилди. Чунончи бу программада: иккинчи ҳам амирнинг, бекларнинг ерларини ва зотимлар томонидан деҳқонлардан ноҳақ тортиб олинган ерларини мусодара қилиб, уларни меҳнаткашлар ўртасида тақсим қилишни ваъда қилар эдилар; бундан бошқа деҳқон хўжалигини тараққий қилдириш ва деҳ-

қон камбағалларининг турмушини яхшилатиш мақсадлари билан фирқа, вақф ерлари тўғрисида, солиқларни енгиллаштириш тўғрисида қонун чиқаришга ва ҳам деҳқонларга ҳукумат томонидан просентсиз ёрдам (қарз) беришга ваъда қилди; яна у, бутун Бухоро деҳқонлари қурултойида ерларни чегаралашдириш (тақсим қилиш) тўғрисидаги қонунни ўтказишга ваъда қилди. Суғориш йўлларининг давлат ҳисобига ариқ ишлари ўтказиш йўли билан кенгайтирилиши ва ҳамда сувни тақсим қилиш тўғрисида қонун чиқариш ҳам программада эсдан чиқарилмаган эди.

Юқорида келтирилган тадбирлар билан деҳқонларнинг энг катта манфаатларини таъмин қилиш билан бирга фирқа, программада, ишчиларнинг аҳволининг енгилланишига кўп аҳамият берди. Бу тўғрида ваъда қилинган нарсаларга кирадиган тадбирлар: 8 соатлик иш куни киргизиш, касаба союзлари тузиб, уларнинг қаторидаги бутун меҳнаткаш бўлмаган унсурларни чиқариб ташлаш, кооперасия ташкил қилиш ва унга давлат томонидан кредит беришдир.

Ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тўла озодлик ва ҳатто бир хил ҳодисаларда иш ташлаш ва стачкаларга давлат томонидан ёрдам бериш, давлат меҳнат муҳофазаси, 18 ёшга етмаган одамларнинг бутунига ёлланиб ишлашни манъ қилиш ва охири, қариб қолган ва ишга ярамайдирган ишчиларни давлат томонидан муҳофаза (суғурта) қилиш ҳам программада қараладир // [117].

Программа адлия тўғрисидаги чоралар билан битириладир. Улар қуйидаги уч моддадан иборатдирлар:

1. «Фирқа судларининг фақат қонунга тобеъ бўлишини ва уларнинг озод бўлишларини ва ҳар хил бегона одамларнинг уларнинг ишларига ҳар қандай дахл қилишидан ва таъсир қилишидан сақланишини талаб қиладир».

2. «Судлар ўзларининг ҳукмларини ва қарорларини мажлиси муассасон томонидан тасдиқ қилинган ва нашр қилинган қонунларга биноан чиқарадирлар».

3. «Жиноят судлари, биринчи даражадаги судлар ва иккинчи даражадаги судларга бўлиниб, биринчиси халқ томонидан сайланадир ва иккинчиси, биринчи даражадаги суд томонидан қаралган ишлар бўйича ўзларининг фикрларини, мулоҳазаларини маълум қиладирлар».

Мана ўзбек тилида аскарларга ёзилган хитобнома шудир:

«Зулмга қарши бирлашингиз!»

## БУХОРО АСКАРЛАРИГА ХИТОБНОМА

Инсоният тарихининг аввалдан охиригача, ҳеч бир асрда, айниқса сўнги вақтларда ҳеч бир халқ Бухоро халқидек эзилган эмас. Бухоро халқи Бухоро амрларининг золим идораси остида юз йилнинг ичида юз минг хил ур-йиқит, ос, кес, деган балоларни кўрди.

Бухоронинг уч миллиўнлик халқи бизнинг биродарларимиз, ҳамшираларимиз ва оналаримиздан иборат бўлиб, алҳолда, таърихдан аввал бўлган жабр зулмлардан жафо тортадилар.

Неча ўн йиллар илгари овруполиклар ва Шарқнинг бошқа олдинги қисмлари биздагига ўхшаган зулм ва мунофиқлик, разолатларни ўз устларидан олиб ташладилар.

Масалан олайлик, бизга қўшни бўлган Русияни, ундаги воқеаларнинг ҳаммаси бизнинг кўз олдимиздан ўткан. Русия давлати Оврупо давлатлари орасида энг золим давлат бўлса ҳам, бизнинг Бухоро // [118] амрларидан кучлик зулм қилмас эди. Бунга қарамасдан Русиянинг халқлари, яъни деҳқонлари, қўшун, ишчилари ва зиёлилари ҳаммаси бир бўлиб, Николой ҳукуматини йиқитдилар.

Бошқа мусулмон халқлари, масалан, Туркия, Эрон ва Афғонистон халқлари аскарлар билан биргаликда подшоҳларни, бекларни ва бошқа ўзларининг ҳокимларини тахтдан олиб ташладилар ва уларнинг ўрнига, давлатнинг ҳамма ишларига кўз солиб туриш ва мамлакатни биргалаб идора қилиш учун халқ ваколатлари таъсис қилдилар, бир хил мамлакатларда жумҳурият эълон қилдилар.

Бизга қўшни бўлган рус халқи яна кўпроқ, халқиники бўлган идора шаклини сайлади ва бутун давлат ҳукуматини ишчи, деҳқон ва аскар вакиллари шўроларининг қўлига, яъни бутун меҳнаткаш халқнинг қўлига топширди.

Бу давлат ва мамлакатлар ўртасида бизнинг Бухоромиз бурунгидай бўлиб қоладир ва 4—5 бойлар, беш муфти ва бир неча беклардан бошқа бутун халқ зулм остида яшашда давом қиладир.

Бу сатрларни ўқуган одамлар эҳтимолким, инқилобни ким қилди?— деб савол берсалар, биз бу саволга бутун инқилобларни қаҳрамонлар, қўшун ва халқ қилдилар деб жавоб берамиз. Чунки қўшун деган нарса осмондан тушган ёки ердан чиққан эмас; қўшун ҳам сиздек ва биздек одамлар бўлиб, улар ҳам ўша деҳқонлар ёки ҳунармандлардан, ўша меҳнаткаш ва камбағал халқдан олинади. Улар ҳам халқ билан бирга эзиладилар, улар ҳам зolimларнинг қулларидир.

Подшоҳлар ва амирлар, аввал уларни бир мунча ойлик баробарига жалб қилганлар, ундан кейин уларга, подшоҳ худонинг сояси деб ва ҳар хил йўллари билан алдаб, уларни ўзларининг тарафдорлари қилдилар, ундан кейин улардан ўзларининг биродарларини эзиш учун бўлган қурол равишида фойдаландилар.

Аmmo бир неча вақтлар ўтгандан кейин аскарлар ҳам ишнинг // [119] ҳақиқатини тушуниб, улар ҳам деҳқонларни, ҳунармандларни, етим ва камбағалларни зулум остидан озод қилиш учун халқ билан бирлашиб, бу тўғрида катта муваффақиятларга эришдилар. Улар зolim ҳукуматларни йиқитиб ташлаб, уларнинг ўрнига ўзларининг тилак ва сайловлари билан, юқорида сўзлагандай идора хилларидан бирисини белгиладилар.

Нима сабабдан подшоҳ ва амирларга қарши деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа зolimларгина бормасдан, қўшуниларгина қарши борди?

Бунинг сабаби шу ки, деҳқонларда, ҳунармандларда ва бошқа мазлумларнинг қўлида на тўп, на пулемёт, на милтиқ ва на тўппонча бўлмайди; бошқа томондан уларнинг бир жойда йиғналиб бирор хил маҳкам ташкилот қуришга ҳеч бир имконлари бўлмайди. Бу нарса айниқса бухороликларга оиддир.

Энди аскарлар тўғрисига келсак, улар уюшканлар ва ундан бошқа улар деҳқонлар ёки бошқа мазлумларга қараганда оламда нима бўлганини яхшироқ билдилар, ҳар бир халқ ва ҳар бир фирқа агарда улар қушбеги ва шунга ўхшаганларнинг ёлғонларига берилмасалар, қўллариди тўп, пулемёт, милтиқ ва тўппонча бўлган ҳолда ўзларининг устидаридаги ёмон ҳукуматни йиқитиб ташлаб, унинг ўрнига бошқа яхши ҳукумат қўя оладилар.

Агарда бутун ер юзиди аҳвол шундай бўладирган бўлса, агарда вақт шунин талаб қилса, нима сабабдан Бухоро аскарлари шундай зolim, қонхўр, порахўр ва шарият осийси бўлган амирнинг ва ҳамда халқ қонхўр-

лари бўлган бекларнинг тарафдорлари бўладилар, ни-  
ма сабабдан улар ўзларининг биродарларини шундай  
зулум ҳолига қўядирлар? Балки бу ҳоллар, Бухоро ас-  
карларининг амир томонидан алданганликлари, бир хил  
муфтий ва муллоларнинг оғзидан чиққан шариятга ишо-  
надирганликлари ёки ўзларининг теварагидаги зулумни  
йўқ қилишнинг чораларини билмаганлари сабабдан-  
дир? Ёки улар ҳақиқатни кўриб, биллиб турсалар ҳам  
унга қарши бориб, ўзларининг биродарларини эзишни  
ортиқ // [120] кўрайдирларми? Йўқ. Ҳатто бу фикрнинг  
бўлганлигини ҳам биз ҳеч вақт бошимизга келтира ол-  
маймиз.

Қимматлик ўртоқлар!

Темурнинг шонли авлодлари!

Бу кун ўзинингнинг бутун қаҳрамонликларингизни  
ва ўзларингизнинг кучларингизни кўрсатишингиз лозим  
бўлган кун келди. Ёлонғоч қиллилар билан амирга қар-  
ши, яъни сизни қулга ўхшатиб 130 сўм қоғоз пулга со-  
тиб олиб, очликдан хароб қилган одамга қарши урушга  
чиқингиз.

Амирни, бекларни ва қозиларни, яъни сизнинг биро-  
дарларингизни ва ҳамшираларингизни, жувон қолган  
ва ҳар йили уларнинг юзларига зўрлик қилган ва улар-  
нинг ота ва оналарига жабр қилган ва уларнинг қонли  
ёшларини оқизганларни ўрнидан олиб ташланглар. Зо-  
лимларнинг ўринларини мувофиқ одамларга беринглар  
ва шу тартиб билан золимларнинг ҳуқуқларини маз-  
лумлар учун тартиб олинглар.

Эмдиликда, халқни, сизнинг ота ва оналарингизни,  
биродар ва ҳамшираларингизни, етим ва камбағаллар-  
ни амлок, хирож, бож ва бошқа хил солиқлар билан  
асоратда тутган амлокдорларнинг қуллиғидан озод қи-  
ладурган кун келди; халқнинг ўз қўлига ўзининг мада-  
ният — инсоният ҳуқуқларини олиш керак бўлган ва  
шунинг билан Бухоро ва инқилобнинг таърихи саҳифа-  
ларида шонли ўрин оладирган вақтлари келди.

Эмдиликда, шариятга қарши бориб, золим ва ҳоким-  
ларнинг ҳар хил ёлғонларига фатво берадирган мулло-  
ларнинг ҳаммасини четга олиб ташлаб, уларнинг ўрни-  
га фақат ҳақиқат ва худога кўнгли берган Бухоро мул-  
лоларини ўтказиш керак бўлган вақт келди.

Қўрқманглар, ҳуқуқ ва куч сизнинг томонингизда!

Аввалги замонлардоғидай Николай ҳозир йўқ;  
ушнинг, амирнинг тарафини олиб, сизнинг қаршингизга  
рус аскарларини юборадирган // [121] сафдошлари кўп

замондан буён Русиядан ҳайдалганлар — ҳозир унда фақат ишчилар ва деҳқонларнинг қизил аскарларигина бўлиб, улар ҳам сизнинг томонингизда турадилар. Улар ҳар вақт сизга ёрдамга келишга тайёрдилар.

Ўзингизнинг муродингизга эришишингиз учун ўзларингизнинг ўрталарингизда, ичингизда тўғри ва содиқ, яхши ишга кўнгил боғлаган одамлардан ўзларингизнинг «даста»ларингизни, махфий жамъиятларингизни тузингиз. Бу жамъиятларнинг ичидан 3 та, 5 та одамни бошлиқ қилиб, уларнинг буйруқлари билан амал қилинлар. Агарда сизнинг иш вақтингизда сизнинг ичингиздан бирови амир ҳукумати билан қолса, унинг дарҳол Когонга қочиб, ундан Тошкентга келиши ва ўзини маълум қилиши лозимдир. Тошкентда сизнинг қўмитангиз борким, у сизни тўла равишда таъмин қиладир ва сизнинг учун бундан кейинги ишни тайёрлайдир. Бу қўмита — инқилобчи ёш бухороликларнинг Туркистон Марказий Бюросидир.

Эҳтиёт бўлинглар, ҳийлагар ва ёмон бекларнинг, сизларнинг ҳарбий бошлуқларингизнинг ва амирнинг алдамчилигига кўнгил бермангиз. Агарда сизга бирор нарса тушунарлик бўлмаса, маслаҳат сўраб бизнинг Когон Қўмитасига мурожаат қилингизлар.

Яшасин Бухоро Қизил аскарлари!

Яшасин инқилоб ва ҳуррият!

Яшасин инқилобий ёш бухороликлар!

Яшасин ҳуррият суйгучи рус Қизил Гвардиялари билан инқилобчи Бухоро қўшунининг иттифоқи!

Иўқ бўлсин золимлик!

Ўлим амирга ва бекларга!

Инқилобчи ёш бухороликларнинг

Туркистон Марказий Бюроси // [122].

Мана инқилобий ёш бухороликларнинг Туркистон бюросининг халққа форсий тилида ёзган Хитобномаси.

Бухоронинг мазлум халқлари!

Қимматли ватандошлар!

Агарда сиз Бухоронинг ҳозирги ҳукуматига, Бухоронинг амирига, Бухоронинг тўраларига, Бухоронинг бекларига ва Бухоронинг уламоларига диққат қилиб қарасангизлар уларнинг сизни ва сизнинг қимматлик ватанингни ҳалокатга олиб борганларини кўрасиз.

Бухоронинг ҳукумати, Николайнинг подшоҳлик қилган чоғида сизнинг бутун тақдирингизни Николай тўраларининг қўлига берди ва ўзи сизнинг бутун мулк-

ларингизни ўзининг хусусий роҳати ва бузуқлик ишларига сарф қилди ва шунинг билан кун кечирди.

Рус консулининг буйруғи билан у сизнинг мулкларингизни қўлга олар ва уйлариңизни талси ва тарож қилар эди; бирор банкнинг ёки биронта фирманинг хизматчисининг буйруғи билан сизларнинг уй-асбобларингизни, хотин, бола-чақаларингизнинг нарсаларини сотар ва сизларнинг ўзларингизни ва болаларингизни зиндонга ташлар эди.

Бу нарсалар нима учун ишланар эди?

Николай ва унинг тўраларига яхши кўриниш учун ва уларнинг ёрдами билан ўзларининг роҳати учун Москвада, Питербургда ва Ялтада вақт ўтказиш учун ишланар эдилар.

Бухоро ҳукумати ўзини шариятнинг ҳимоятлари деб ҳисоб қилар эди ва шарият бўйича иш қилган бўлар эди. Аммо агарда унинг ҳам ишларини яхшилаб текшириб қараганда, унинг қилган ишларининг бириси ҳам шариятга мувофиқ бўлмаганлигини кўриб бўлар эди. Масалан, у сиздан шариятда руҳсат қилинмаган «амниона» деган солиқ олар эди, шариятга қарши сизнинг ерингиздан унган ҳамма ҳосилларини тортиб олар эди. Шариятга қарши сиздан сизнинг мол ва рўзгорингизни закот деб ҳар йили бир неча марта олар эди. Сизда ҳеч вақт // [123] бўлмаган ва закотчиларнинг дафтарида ёзилган қўйларингиздан закот олар эди; агарда бир-бирингизнинг ўртаңизда биронта жанжал чиқиб қолса, у то сизнинг бир молингиз ҳам қолмагунча, яъни сизнинг тамом мол-мулкнингиздан ажраганингизча текширилар эди.

Шунга ўхшаб, уларнинг хусусий ҳаётларида ҳам ҳеч вақт шарият тутилмас эди. Улар ўзларининг теварагида мусулмон болаларини йиғишаб, уларни ҳар бир бузуқликларга ўргатар эдилар, аммо қизларни бўлса, шарият бўйича ўзларининг қизлари деб ҳисоблаб, улардан ўзларига ҳарамлар тузар эдилар.

Вазирлар ва беклар, тўралар ҳам ҳамма вақт амирининг шариятга қарши бўлган ишларига ёрдам берар эдилар: улар амирининг исмидан сизнинг ҳам мол ва мулкларингизни тортиб олар эдилар, унинг озгина бир қисмини амирга ҳадя равишда тақдим қилиб, қолганини ўзларининг хусусий фойдалари учун олар эдилар.

Қозилар ва уламолар, ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг ворислари деб ҳисоблаб, мартаба ва ўзларининг ўринларини сақлаб қолиш учун ҳукуматнинг ша-



риятга қарши бўлган ишларига кўз юмар эдилар. Ҳатто амирга ва унинг вазирларига ифлос ишларда ёрдам қилар эдилар. Қозилар халқдан олган пул билан яшайдирганликларидан, шарнат бўйича халқнинг бутун эҳтиёжларини бепул ўташга мажбур эдилар. Лекин улар амирга ва унинг тўраларига ҳадя тариқасида пора бериб, қозилик мансабинини олишга, мартаба ҳосил қилишга ва бойишга ҳаракат қиладирлар.

Ундан кейин улар биронта вилоят ёки туманининг қозисини бўлиб олиб, оқсоқолларнинг ёрдами билан ҳар хил даъво ишларини қўзғатадирлар ва ҳар хил баҳоналар билан муҳр босган учун, хизмат қилган учун, мол бўлган ва талоқ қилган учун мазкур оқсоқоллар воситаси билан пул йиғнайдирлар ва шундай қилиб тинч халқни талайдирлар.

Сағирларнинг мулкани ўзларига ўтказиб олишни улар она сутидан // [124] ҳам ҳалол деб ҳисоблайдирлар ва уларнинг амалий ишларида бир марта ҳам биронта сағир (ёши битмаган ворис) тўла равишда ўзининг меросини ола олгани йўқдир.

Қози ва беклар шарнат тўғрисида ҳаммадан ортиқ қичқирсаларда, ўзларининг қизларини аввал амирга тақдим қилиб, ундан кейин унинг руҳсати билан куёвга берадирлар. Уйлаб қарангиз, дунёнинг қай бурчагида шарнат исмидан шундай бетартибчиликлар ишланадир.

Ёш бухороликлар, Бухоронинг ташқарисида бошқа халқларнинг маданий ҳаётларини кўриб, мамлакат ва халқнинг бундай ҳалокатга тушишига, шарнатнинг бу хилда ҳеч бир қулоқ эшитмаган даражада бузилишига асло рози бўлолмайдилар. Улар мамлакатни ҳалокатдан қутқазиб учун бирдан-бир чора маориф ишининг тараққий қилиши эканлигини кўриб, шу сабабдан уларнинг ўзлари ўқушга бошладилар ва ўз ватанининг болаларини ўқита бошладилар.

Аmmo Бухоро ҳукумати ва Бухоро муллолари халқнинг болалари ўқуган ва кўзлари очилган чоғда ўзларининг бутун ишлари очилиб қолишини сезиб ва кўриб, қора халқнинг кўзини бўяш учун шарнат исмидан ўқушга қарши ҳар хил чоралар кўра бошладилар. Уйлаб қарангизки умрларини хотинлар билан бузуқликда ўтказадирган, ёши етмаган болаларнинг мулкларини ўзларига тортиб оладирган, халқни ва камбағалларни талайдирган, ўзларининг қизларини амирга ва унинг вазирларига тақдим қиладирган одамлар шарнат исмидан ўқини ва ўқитишни манъ қиладирлар.

Албатта буларнинг ҳаммаси халқни талаш учун бир баҳона бўлиб, ҳақиқатда шарият ҳеч кимга, ҳеч қачон ўқушни манъ қилган эмасдир.

Бундай аҳвол фақат Николай подшоҳлиги вақтида бўлиши мумкин ва мумкин эди ва ҳозирда ҳам амирнинг подшоҳлиги замоннда бордир.

Қачонким рус инқилоби Николайнинг тож ва тахтини қора чуқурга отиб ташлагандан кейин, бунинг учун ҳаммадан кўп Бухоро амири ва Бухоро ҳукумати хафа бўлди, чунки ўзининг ҳимоячисининг // [125] ҳалок бўлиши билан Бухоро ҳукуматдорлари Ялта ва бошқа жойлардаги кўнгилли турмушдан маҳрум бўлдилар.

Ёш бухороликлар бўлса бунга хурсанд бўлдилар, чунки улар Бухоронинг зулумдан озод бўлиши билан Николай ҳукуматининг битирилиши бирга бойланган эканлигини билар эдилар.

Русия инқилобидан кейин ёш бухороликлар яна ғайратлироқ ва жиддийроқ ўқушга, шариятнинг ҳақиқий асосларига биноан ҳаёт қуришга, зулм ва жабрни йўқ қилишга ва шу йўллар билан ўз ватанини обод, озод ва маданий қилиш учун ишга бошладилар.

Агарчи амир аввалдан ҳуррият эълон қилишга рози бўлса ҳам 24 соатдан кейин ўзининг манифестини бекор қилиб яна аввалгидан ҳам баттар халқни ўлдириш, кесишга ва юз чандон зиёда зулм, жабр қилишга бошлади.

Русиядаги шўролар ҳукумати ўзининг халқларига, ўз олдиларига миллий идора қуришга ҳуқуқ бергандай, Бухоро халқига ҳам ўз олдига ҳукумат қуришга имкон берди.

Аmmo Бухоро ҳукумати ўз халқига ҳуррият бериш ўрнига яна марҳаматсизроқ равишда ўз халқини эза бошлади. Бухоро амири ҳозирги аҳволда бугун халқ мулкини ўзининг хусусий мулки деб ҳисоблайдир, агарда у истаса фуқародан бирисининг мулкини ва болаларини тортиб ола оладир. Агарда бировни ўлдиришни истаса, уни ўлдира оладир. Ва буларнинг ҳаммаси шарият исмидан ишланадир.

Ислом ҳукумати ва шарият ҳукуматининг шундай бўлиши лозимми? Ислом дини шундай ўргатадирми?

Бир ривоят бор ки: Халифаи Умарнинг замоннда бир вақт унга бир саҳоба келган экан, Умарнинг устонида бир косада асал, бир косада ёғ турганлигини кўриб қайтиб кета бошлаган.

Умар нима учун бундай қиласан деб саҳобадан сўраганида, саҳоба унга жавоб берган ки: «Икки тобоқда томоқ ейдирган идора қилгучи билан бирга ўлтуролмайман» деб // [126].

У вақтда Умар унга асал ейиш учун ва ёғ этукка суркаш учун деб аниқлаткан. Шарият-бўйичча амир ҳам шундай қиладирми?

Ислом идорачилари халқ мулкига шундай муомала қилганлар экан, Бухоро ҳукуматдорлари ҳам шундай қиладиларми?

Улар халқ ақчасига бузуқлик қиладилар ва унинг кейинидан ўзларини исломнинг ҳукуматдорлари ва шариятнинг ҳимоячилари деб ҳисоблайдилар!

Уларнинг, буларнинг ишларидаги фарқ албатта жуда каттадир.

Ўз халқини эзиш ва халқ мулкини талов ҳам бузуқлик қилишдан бошқа Бухоро ҳукумати Англия ҳукумати билан, яъни исломнинг душмани деб ҳисобланадирган ва Макка, Мадинаи вайрон қилиб ва тўпга тутиб, бутун ер юзини исломдан тозалашни истаган давлат билан ҳам дўстлик муносабати тутадир.

Бухоро амири буларнинг ҳаммасини Бухородан қочкан чоғда Лондон шаҳрига бутун Бухоро халқига тегишлик бўлган олтин, кумуш, қимматбаҳо нарсалар ва қорақўлни юборишга имкон пайдо қилиш учун ишлайдир.

Қимматлик биродарлар, қимматлик ватандошлар! Қўзларингизни очинглар ва Бухоро ҳукмдорларининг ишларига қаранглар. Бу худосизлардан ўзларингизни эзишга йўл қўймаглар! Уларнинг халқ мулкини талашларига бундан кейинликда йўл қўймаглар! Ҳеч кимдан қўрқмаглар — ҳақиқат сизнинг томонингизда! Қўрқмаглар — бутун куч сизнинг қўлингизда! Қўрқмаглар — бутун тўп ва милтиқлар сизники! Бутун аскарлар ва ихтиёрий аскарлар сизнинг томонда! Муллоларга ишонмаглар: улар — амирнинг тарафдорлари ва шариятга қарши борадилар // [127].

Виждонли ва ҳақиқий шариятга ишонадирган муллолардан шарият илмини сўранглар.

Юринглар бизнинг билан бирга! Ёш бухороликлар сизнинг болаларингиз ва биз сизларга ёрдам қилишга тайёрмиз.

Ёш бухороликлар зулм ва жабрни битириш учун ва турмушга ҳақиқий шарият ва ҳурриятни ўтказиш учун шу дамгача бир неча мартаба бошларини берди-

лар ва келгусида ҳам ўзларини қурбон қилишга тайёрдирлар.

Биз билиб, кўриб қурбон бўлишга борамиз ва охириги томчи қонимизгача бизнинг ватанимизнинг бахти учун курашгумиздир.

Уйғонинглар, қимматли биродарлар!

Инқилобий ёш бухороликларнинг  
марказий қўмитаси.

### 1920-нчи ЙИЛ СЕНТЯБР ОИИДАГИ БУХОРО ИНҚИЛОБИНИ ТАЙЕРЛАШ

Бу давр — Турккомиссия келганидан 1920-нчи йил Бухоро инқилобигача ёш бухоролик муҳожирларнинг ҳаётида қатъий бир давр бўлган эди. Чунки улар бевосита Бухородаги сентябр инқилобига ўзини бағишлаган эдилар.

Ёш бухоролик муҳожирларнинг икки гуруҳи ҳам Бухоронинг ичкарасида ва ташқарисида ғайратлик иш бошлаб юбордилар.

Коммунистлар гуруҳи маҳкамланди ва бошлича Бухородан қочқан аскарлар ҳисобидан ўсди. Унинг «Қутулиш» исмли газетаси бўлиб, унинг теварагида йиғилиб ишлашканлар фирқа аъзоси бўлмаган ва бу вақтларда ишдан кетган собиқ ўнг жадидлар бўлиб, улар: Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов ва Абу Саидовлар ва ҳамда 1917-нчи йилги манифестасия (намойиш)дан кейин, узоқ вақтгача ёш бухороликлар сафидан кетиб туриб, янадан сиёсий ишга қайтган ва коммунистлар фирқасига кирган Абдуқодир Муҳиддинов эди.

Коммунистлар гуруҳи билан бирликда менинг томонимдан кўрсатилиб // [128] ўткан «Учқун» газетаси теварагида бирлашкан иккинчи ёш бухороликлар гуруҳи ғайратли равишда ишлади. Бу гуруҳга қуйидаги кўпроқ кўзга кўринган муҳожирлар кирган эди: Пўлатов, Усмон Хўжаев, Мукамил Бурҳонов, мец, Мўшинжон Аминов ва Иззатулло Аминовлар.

Бизнинг гуруҳимизнинг ҳам коммунистлар гуруҳига ўхшаб Туркистоннинг ҳар бир Бухорога чекдош бўлган шаҳарларида қўмиталари бор эди ва қаттиқ равишда Бухоро хонлиги ичидagi, айшиқса, Эски Бухоро, Қарки, Чоржўй ва Шаҳрисабздаги кучлик яширин ташкилотлар билан маҳкам бойланган эди. Унинг Бухорода жуда машҳур бўлиши билан бирга яширин ячеёка аъзо-

ларни бўлишидан бошқа халқнинг бутун қатламларининг: буржуазия ва зиёли ёшларнинг майда савдогарлар, кустарлар (косиблар), деҳқонлар ва аскарларнинг муҳаббатини жалб қилган эди.

Бизнинг гуруҳимиз томонидан Бухоро халқи ўртасида ёш бухороликлар фирқаси исмидан катта ташвиқот ва ташкилот иши юргизилар эди; Тошкентдаги муҳожирлар гуруҳи ўзини мазкур фирқанинг вакили ҳисоб қилар ва инқилобчи ёш бухороликлар фирқасининг Туркистон бюроси исми билан бирлашган эди.

Бу икки гуруҳ ўртасида бир қатор асосий сўз бошқаликлари бўлиб, уларнинг Сентябрь Инқилобини тайёрлаш даврида ва Шўролар Бухоросининг биринчи кунларида жуда катта аҳамиятга эга бўлганликларидан, улар тўғрисида бир неча сўз айтиб кетиш зарурдир.

Ҳар ҳолда асосан сўз қаршиликларни бўлишга қарамасдан, бошланиш икки гуруҳ бутунлай иттифоқда эдилар; иккиси ҳам амириятнинг тамоман битирилганигача кураш олиб бориш зарур деб ҳисоблар эдилар ва иккиси ҳам Бухорода шўро шаклидаги давлат идораси қуришни зарурлигида бирлашар эдилар.

Инқилобчи ёш бухороликлар фирқасининг Туркистон Бюроси, ёш бухороликларнинг икки гуруҳини ҳам бирлаштиришга имтилиш билан бирга // [129] ўзининг матбуот саҳифаларида ва ўз вакилларининг оғзаки арзларида ўзларининг бир қатор хатти-ҳаракат масалаларида келишиш шарти билан ёш бухороликларнинг коммунистлар гуруҳи билан бирлашишга тайёрликларини кўрсатар эдилар. Туркистон Бюроси қатъий ва иккала гуруҳ учун мувофиқ бўлган, иккала гуруҳга ҳам расмий қўшилишни Бухорода инқилоб бўлгунча қолдириб туриб, бирга хабарлашиб ишлашга имкон берадиган иш плани ишлаб чиқаришни таклиф қилар эди.

Расмий қўшилиш вақтини амириятнинг устидан ғалаба қилган вақтгача қолдириб туриш тўғрисидаги тилагини Туркистон Бюроси қуйидаги уч мулоҳаза сабабидан деб этар эди:

1) иккала гуруҳнинг коммунистлар аълами остида бирлашишлари, кўп муҳожирларга ишлаш учун имкон бермайдир. Модомки улар коммунизм мафкураларини ўртоқлашмас эканлар, уларни инқилоб сафидан чиқариб ташлаш мумкин бўлмайди. Чунки амирга қарши бўлган инқилобчиларнинг ҳар хил сиёсий фикрларига қаралмасдан бирга тўплаш мутлақо зарур бўлган чоғида инқилоб кучларини камайтириш тўғри келмайдир;

2) коммунистлар билан уларнинг байроғи остида расмий бирлашиш бизнинг Бухоро ичидаги ижтимоий асосимизни торайтадир ва бизнинг кучимизни камайтирадир, чунки бундай бирлашишдан кейин, агарчи инқилобий ва амирга душман бўлсалар ҳам, коммунизмга бутунлай бегона бўлган ва ундан қўрқадирган ва шундай бўлса ҳам шодлик билан инқилоб байроғи остида амирга қарши борадирган гуруҳлар биздан четга қочсалар керак. Шу сабабдан Туркистон Бюроси бир оз бойроқ бўлган инқилобчиларни, буржуазия ёшларини, майда савдогарларни ва коммунизмга бегона бўлган бир қисм инқилобий зиёлиларни чўчитмас учун бевақт коммунизм шиорини майдонга отиш ўринсиз деб ўйлайдир;

3) ахирн, тезлик билан қўшилишга қарши сўнгги асосдан иборат бўлган фикр: илгариги, ўтгандаги инқилобий ишни эътиборсиз // [130] қолдириш бирданга 10—15 йил давом қилиб келган ва кувгонлар ҳам муваффақиятсизликларга қарамасдан Бухоро жамъиятининг тараққийпарвар қисмида чуқур томирлар ёйган жадидчиликни ўчириб ташлаш ярамайди. Балки аксинча жадидчиликнинг бу инқилобий меросини, бутун инқилобий кучларни амирга қарши бирлаштириш учун атрофли равишда фойдаланиш керак деган нарсадир.

Коммунистлар гуруҳи, аксинча ўзининг айтганида қатъиян туришда давом қилди. У, Бухоро инқилобида устулик ҳолатини ишғол қилишга имтилиб, Туркистон Бюросининг бутунлай битирилишини ва бизнинг гуруҳимизга алоҳида исм беришни, ҳам Туркистон қўмиталари билан Бухорода бўлган яширин ташкилотларни коммунистлар Марказқўми теварагида бирлаштиришни мажбурий шарт этиб қўйди.

Албатта, Туркистон Бюроси бу ерда кўрсатилган мулоҳазалар сабабидан коммунистлар гуруҳи томонидан таклиф қилинган шартларни қабул қилолмади ва уларнинг ўртасида келишув бўлмай қолди.

Иккала ташкилот ҳам бошқа-бошқа ишлашда давом қилдилар ва бир-биридан яна узоғроқ кетишдилар. Ҳам илгари иккала гуруҳнинг раҳбарлари орасидан бузуқ муомалалар, келишув бўлмай қолгач, яна кескинлашдилар ва тез кунда гуруҳлар ўртасида бўлган ажралаш маҳаллаларга ҳам тарқалди.

Икки орадаги англашилмовчиликлар ва ҳатто тўқнишмалар ўсиб, инқилобий ишдаги бутун муваффақиятни бутунлай жонсизлантирди ва то бу ишга РКФ(б)

Марказқўмининг Туркбюроси оралашгунча давом қилди.

Туркистонда бўлиб ҳамма вақт ёш бухороликларнинг инқилобий ишида ва байналмилал ташвиқот шўросида жиддий иштирок қилган ўртоқ Фрунзенинг ташаббуси билан ёш бухороликларнинг иккала гуруҳи ўртасидаги муносабатни тартибга қўйиш ва Бухородаги бундан кейинликда бўладирган инқилобий ишнинг усуллариини белгилаш учун кенгаш мажлиси чақирилган ва мазкур мажлисга ёш бухороликларнинг иккала гуруҳидан ҳам вакиллар таклиф қилинган эди // [131].

Ёш бухороликлар Туркистон Бюросидан келганлар: Муъинжон Аминов, Пўлатов ва мен; коммунистлар гуруҳидан: Мирзо Бухрон ва Орифов\* эдилар. Кейингиси ташкилотнинг янги ишчиси эди ва бу мажлисгача мен унинг билан ҳеч жойда учрашганим йўқ эди.

Мазкур мажлисда бирлашиш тўғрисидаги масала қўйилган ва бундан бошқа Орифов томонидан ёш бухороликлар фирқасининг программаси ҳақида янги масала қўйилган эди. У инқилобчи ёш бухороликлар фирқаси Туркбюроси томонидан ишланган программани коммунизм мафкураларига тўғри келмайдир ва бирлашишга қаршилик қиладир деб исбот қилар эди. Унинг сўзи бўйичча юқорида Туркбюро томонидан бирлашиш масаласи тўғрисида қилинган арзлар гўёки икки юзли ва ёлғон эди. Дуруст, Орифов, ёш бухороликлар томонидан ишланган программани танқид қилса ҳам, унинг асосий ўринлари қаршисига сўз айталмади ва ҳатто унинг энг кичкина программа бўлган ҳолда, ўзининг томонидан тақдим қилинган гуруҳ учун мувофиқ бўлганлигига кўнди. Аммо бу нарса унинг ёш бухороликлар программасининг таҳририга қаттиқ ҳужум қилишга ҳалал бермади. У ёш бухороликлар талабаларини изоҳининг «дин ва шариат ҳамма вақт камбағалларнинг кучидан фойдаланишга қарши эди» деб бошланишини, бирлашиш учун йўқ қилиниши мумкин бўлмаган қаршилик бўлганидан ислоҳот талабларига ва бошқа нарсаларга тўғри келмайдир деб ҳисоблар эди.

---

\* Кейинроқ инқилобдан сўнг Орифов инқилоб қўмитаси (Ревком) аъзоллигига ва ҳарбий нозирликка сайланган эди. 1922-чи йилдаги босмачилар билан бўлган қаттиқ курашларда Кармина ёшидаги урушда Шўролар ҳукуматининг душманлари томонига ўтди ва кўн вақтларгача Анвар пошшонинг энг яқин ҳамкорларидан бўлиб турди.

Мен Орифовга жавоб бериш билан бирга бизнинг бирлашиш шартларимизнинг моҳиятини баён қилдим ва программа тузилишининг тарихини сўзлаб бердим, Орифов ва бошқа мажлисда иштирок қиладирганларнинг кўпчилиги Бухородаги инқилобий ҳаракатнинг тараққий қилиш тарихи билан таниш бўлмаганликларидан мажлисда, Орифовга ёқмаган сўзларнинг таассуфга // [132] қарши уйга оз маълум бўлган Бухородаги тарғиботнинг ўзига махсус тактика (хатти-ҳаракат) йўлларида эканлигини кўрсатдим.

Мен, ёш бухороликлар фирқаси Туркбюросининг вакили бўлиш сифатим билан унинг қарорини мажлисга эълон қилдим. Мазкур қарорда коммунистлар фирқасининг программасини тўла равишда ва асосан топиш тўғрисида ва мазкурни охирига мақсад этиб бюронинг куралишини зарур топқанлиги тўғрисида сўзланар эди.

Ундан кейин мен Бухородаги инқилобни тайёрлаш тўғрисидаги бундан кейинликда бўладирган биргалик қатъий иш шароитларини ишлаб чиқариш зарурлиги тўғрисида юқорнда кўрсатилган мулоҳазаларни эсга солиб ўтдим.

Мен, ким ки инқилоб ишига фойдали бўлса, ҳозирда уни ташкилот ичиде сақлаш керак, ёш бухороликларнинг ўнг қисмини чўчитмас учун бирлашкан коммунистлар ташкилотига қўшилиш вақтини Бухорода инқилоб галаба қилганича тўхтатиб туриш керак, ундан кейин иккала гуруҳга ҳам икки гуруҳдаги муваффақият, тасодифий иттифоқчилардан тозаланиб биргаликда коммунизм байроғи остига тўпланиш мумкин ва лозим бўладир дедим.

Ўртоқ Куйбишевнинг риёсати остида ва Туркистоннинг кўзга кўринган ишчиларидан бўлган ўртоқ Тўрақулов ва ўртоқ Гопнернинг иштироки билан бўлган кенгаш мажлиси: иккала гуруҳнинг коммунистлар қисми ҳам бирлашсинлар, лекин ёш бухороликлар Туркбюросининг вакили томонидан кўрсатилган муҳожирларни эътибор олиб Туркбюронинг ҳозирча айрим яшовга кўнилсин ва иккала гуруҳга ҳам дарров бирликда қатъий инқилоб ишини бошлаб юборишни таклиф қилинсин, деб қарор қилди.

Бу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ташкилий масалалар заминда воқеъ бўлган амалий тартибдаги жанжаллар ва Бухоро ичидеги ҳар икки ёш бухороликлар ҳаракатининг бошлангани тўғрисидаги жан-



жаллар битдилар ва текисландилар; асосий руҳдаги масалалар бундан кейин // [133] биргаллик ишга қарши бўлмадилар, негаким масаланинг асосан ҳал қилиниши РКФ(б) Марказқўми Туркбюросининг қарорларида очилган эди.

РКФ(б) Марказқўми Туркбюроси томонидан қабул қилинган қарорнинг амалий равишда расмийлашиши учун фақат Бухорода инқилоб бўлишига етмас эди.

1920-нчи йилдаги Бухоро инқилоби 1905-нчи йилги рус инқилобидан кейин пайдо бўлган жадидлар ҳаракатининг якунини йиғинади.

РКФ(б) Марказқўми Туркистон Бюросининг қарори амалда юзага чиқарилди, иккала ёш бухороликлар гуруҳининг коммунистлар қисми Русия коммунистлар фирқасининг бир қисми бўлган, Бухоро коммунистлар фирқасига биргалашиб қўшилдилар.

Собиқ жадидларнинг бошқа қисми Уктабрни тушулмаган ва қабул қилмаганликдан бутунлайинга инқилобдан четга кетди.

Шундай қилиб Сентябрь инқилобига яқин вақтда, Уктабр ва унинг натижалари сабабидан воқеъ бўлган жадидлар ташкилотининг қатламларга ажралиши қатъиян расмийлашди. У генералний (асосий) даражада икки қисмга бўлинди ва унинг биринчи қисми — ўзининг тақдирини Русия Уктабр инқилобининг жаҳон коммунистлар ҳаракатининг ва жаҳон инқилоби учун бўлган курашининг тақдирин билан бирга қўшқан Бухоро коммунистлар фирқаси ва иккинчи қисми — Уктабрдан илгариги ва қисман Февралдан илгариги бўлган хатти-ҳаракатларда ва битирилмаган миллатчилик ғояларида қолган жадидлардир.

Бу сўнгги, эски жадидлар ўзгармай қолдилар ва томиридан ўзгарган турмуш уларнинг ёнидан ўтиб кетди.

Улар турмушдан четда қолдилар, чунки инқилобларларидан ҳеч нарса ўрганмадилар ва инқилобдан илгариги жадидлик мафкураларини эсларидан чиқармадилар. Улар шу кунгача бутун ер юзидаги мамлакатларни ва қисман // [134] Урта Осиёни ўз олови ичига олган қувватлик инқилобий ҳаракатни билишни натамайдилар. Улар, меҳнаткаш омманинг ақлларидаги буюк олға боришни кўрмайдилар. Улар ҳалигача бизнинг бу кунги ва кундалик тўқ умур, маданият, сотсиализм қурилиши истиқболни учун бўлган курашларимизни, муваққат бир нарса, ўйини ва Урта Осиё халқларини

нинг руҳи учун тўғри келмайдирган нарса деб ҳисоблайдирлар.

Улар аввалдагича мустақил бойлар ҳукумати, қонун асосилик (конститутсиялик), тўпроғи илгариги Бухоро, Хева ва Туркистон билан чекланадирган ва ҳатто идораи мустақила (монархия) ва ҳар ҳолда шўро асосида бўлмаган ҳукуматни хаёл қилатурган бўлсалар эҳтимол.

Урта Осиё халқларини коммунизм байроғи остида эмас, балки тўғрироқ қилиб этканда пантуркизм ё ҳатто панисломизм байроғи остида бирлаштириш хаёллари ҳали ҳам уларни ваҳнмага солиб турадир, умумаи улар яхши туш кўрадирлар.

Мен уларнинг тушларини яхши туш дедим, чунки ҳатто Ленинград, Москва ва Тошкентдаги Уктабр тўпларининг овози жадидларнинг бу қисмини уйғотмади. Кўзларини очийшга, ўйланишга ва ўзларининг мафкураларини янгидан баҳолаб кўришга мажбур қилмади.

Улар инқилобдан сўнгги даврни тушунмаслик, унинг халқининг қаттиқ инқилобний курашдаги оғир жафолар билан сотиб олган янги нарсаларининг ҳеч бирисини қабул қилмаслик билан ўзларини ўзлари умум ҳаётдан четга ташладилар.

Уларнинг кўписига ҳатто Феврал инқилобидан кейин Бухородаги намоён ва март фожияларидан кейин қатъиян жумҳурият асосига инқилобний ҳаракатга ўтган ва Русия инқилобига энг тор равишда ҳамкор бўлган ёш бухороликларнинг ҳаракати ҳам таъсир қилмади. Ҳатто улар феврални ҳам ўтканини билмай қолдилар.

Жадидчиликнинг бу ўзгаришида Туркистон жадидлари ҳам истисно ташкил қилмайдирлар. Туркистон жадидлари тараққиёт йўлида бухоро // [135] ликлардан, уларнинг юқоридаги қилган ишларида фарқ қилишга қарамасдан, агарчи уларнинг ижтимоий башаралари инқилоб вақти ндида жуда озгина ўзгарган бўлса ҳам, Бухоро жадидларининг кеткан йўлларида кетиб қатламларга ажралдилар.

Рус инқилоби исиз ўтолмади ва ўтолмас эди.

Улар яна Бухоро жадидларидан ҳам оз миқдорда ишчи ва деҳқон оммасининг оммавий ташкилоти бўлдилар.

Туркистон жадидларининг кўп қисми инқилобни тушунмадилар ва ўзларининг эски миллий буржуазия фояларида қолдилар. Оз қисми зиёлилар ва меҳнаткаш-

ларнинг олдироқ бўлган қисми — коммунизмга қўшилди.

Бу ерда Бухоро жадидчилиги билан бўлган фарқ фақат шундайгина, Туркистон жадидлари тўғридан-тўғри инқилобда иштирок қилмаганларидан ва амирнинг қувғинларига дучор бўлмаганликларидан Бухоро жадидларига қараганда ўзларининг дастлабки башараларини кўпрак сақлаб қолдилар.

Энди бу тўғрида етқулик ёздиқ. Энди бошқа ҳодисаларни ёзишга ўтайлик.

### ЧОРЖЎЙ ҚУРУЛТОЙИ ВА АМИРНИНГ ЙИҚИЛИШИ

Ахири пайваста инқилобий ҳаракатнинг узоқ вақт кутилган соати келди, ёш бухороликлар фирқасининг ҳаётида ва Бухоро меҳнаткаш халқларининг ҳаётида буюк кунлар келди; Русия йўқсулларининг ва унинг қизил қўшунининг ёрдами билан амирни қуролли қўл билан йиқитиш тўғрисидаги масалани иккинчи мартаба амалий равишда қўйишга имкон берадирган вақт келди.

Чоржўйда ёш бухоролик коммунистларнинг қурултойи чақирилиб мазкур қурултойда бошқа масалалар ёнига РКП(б) Марказқўми Туркбюросининг кенгаши мажлиси томонидан қабул қилинган қарорнинг аниқ маъносига мувофиқ ёш бухороликларнинг иккала гуруҳларини бирлаштириш // [136] масаласи ва ҳамда амирият билан қуролли кураш бошлаш масаласи қўйилган эди.

Чоржўйнинг қурултой ўрни бўлиб сайланиши тасодифий эмас эди. Чоржўй темир йўл бўйидаги ишчилар райони бўлганликдан амир ҳукуматига қарши руҳланган эди. Бутун Чоржўй райони ҳам ундаги оз ерли камбағал деҳқонлар, ер суғориш тўғрисидаги катта харажатлар ва амирнинг оғир солиқлари билан бутунлай фақирланганликдан амирга қарши эди; шунинг устига Чоржўй халқининг кўписи деҳқонлар — миллият бўйича туркманлар бўлиб, амирнинг кўписи ўзбеклардан бўлган маъмурларининг қисиншларига ачиқланганлар эди. Агарчи маъмурлар ичида туркманлар кўп бўлсалар ҳам халқнинг бутунлай кўнгли қайтган эди. Чунки амир бўлса, бир мушча нуфузлироқ бўлган уруғ ва эл бошлуқларини ўз идорасига жалб қилиш сиёсатини ўтказиш учун уларга ҳар хил мансаблар ва «танҳо» ерлардан келган даромадлардан инъом қилар эди. Биз-

нинг ишимизнинг аввалида бундай ҳодисаларнинг Шарқий Бухорода тараққий топканлиги тўғрисида сўзлаган эдик: у нарса ҳар жойда бор эди.

Бироқ мазкур Чоржўй райони учун амир маъмурларни ўзбеклардан қўйиш керак деб ҳисоблар эди, албатта бу нарса норози туркман халқини баттаррак шиқлоблашдириди.

Демак шу сабабдан Чоржўй қурултой жойи этиб сайланган эди.

Қурултойда иккала ёш бухороликлар гуруҳини қўшиш ва қуруллой қўзғолон тўғрисидаги икки катта масала яхши томонга қараб ҳал қилинган эди.

Қурултой дарҳол тегишлик ишга бошлади.

Иккала қўмита ҳам яширин ишга бошладилар: Янги Чоржўйга кўп муҳожирлардан ва бизга ўткан аскарлардан ташланди. Шунинг билан бирга ўртоқ Фрунзенинг буйруғи бўйича Бухорога яқин темир йўллар бўйича қизил қўшун қисмлари қўйилган ва мазкур қўшунининг ичида шарқий // [137] мусулмон полки бўлиб, унинг ичида амир қўшунидан қочқан аскарлар ва кейинги вақтда бизга ўткан Бухоро деҳқонлари жуда кўп эди.

Шундай қилиб, Чоржўй қурултойи тамом бўлди.

Ташкилотнинг ишчилари маҳалларга ташланди, ундан кейин иккала қўмитанинг раҳбарлари бутун йиғинилган кучларнинг ҳаракатини биргалаб ҳаракат қилдириш учун Тошкентга маслаҳат мажлисига кетдилар.

Сентабрда амирга қарши чиқиш учун қуруллангани тайёрлаш тўғрисида катта ролни амирнинг сўнги соатдаги идораси остида бирлашиб фаол равишда ишлаган Когондаги иккала ёш бухороликлар гуруҳининг қўмиталари ўйнадилар.

Айниқса коммунистлар қўмитасининг бу ишида ўзларини фаол равишда кўрсаткан ўртоқлар: Мухтор Саиджонов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Ражаб Муҳаммадиев ва Қосим Қориевлар; ёш бухороликлар қўмитасида: Пўлатов, Ота Хўжаев, Музаффаров, Саидов ва Мулло Тўйлар.

1920-йил 1-нчи сентабрга тайин қилинган кунда, қўзғолон деҳқонлар ва қурулланган отрядлар урушсиз Чоржўйни ишғол қилдилар.

Дарҳол Бухоро холигининг бутун халқига хитоб қилиб, хитобнома ва қўзғалишнинг мақсадлари тўғрисида расмий эълоннома чиқарилди. Шу хитобноманинг ўзида РСФСРнинг ҳукумати, йўқсуллари ва қизил қў-

шунини меҳнаткаш Бухоро халқининг қуролланган амир кучлари қарши курашига ёрдам қилишга чақирилган эди.

Қизил қўшни ўзини кўп кутишга мажбур қилмади, у дарҳол ёрдамга етишди, ҳам 2-нчи сентябрда 20 сотатлик урушдан кейин Эски Бухоро қўзғололчилар томонидан ишғол қилинган ва амир билан унинг ҳукумати Афғонистонга қочиб кетган эди.

Икки хил олий давлат қурилиши: Инқилобқўм ва Халқ Комиссарлари Шўросидан иборат, янги ҳукуматга амирнинг юқори мансабдор // [138] ларидан фақат бир неча кишини қамоққа олишга муяссар бўлинди; қолганлари қочиб кетдилар.

Инқилобий Қўмита ўртоқ Абусаидовнинг раислиги остида ва қуйидаги аъзолардан иборат тузилди: Аминов, Оқчурин, Орифов, Юсупов, М. Бурҳонов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев ва Қулмуҳаммадовлар.

Халқ Нозирлар Шўроси қуйидаги ўртоқлардан тузилди:

Раиси ва Халқ Хорижий нозир: Файзулла Хўжаев,  
Халқ Маориф нозир: Пўлатов,  
Халқ Дохиллия нозир: Мухтор Санджонов,  
Халқ Моллия нозир: Усмон Хўжаев,  
Давлат Контроли нозир: Хусанов,  
Фавқулодда Комиссия раиси: Иброҳимов,  
Халқ Адлия нозир: Мукамил Бурҳонов,  
Халқ Ҳарбия нозир: Шихобуддинов.

Бир неча ойлар ўткандан кейин озод қилинган Бухорода Бухоро халқлари вакилларининг қурултойи чақирилиб, мазкур қурултой қатъий равишда Бухоро давлатининг янги шаклларини белгилади ва Бухорони Халқ Шўролар Жумҳурияти деб эълон қилди.

### ЖАДИДЧИЛИК ЯКУНИ

Мана 20 йил илгари бошланган жадидчилик иши, Бухоро халқларини озод қилиш учун бўлган кураш иши тўхтовсиз инқилобий тайёрлик, инқилобий урушлар, ғолибият ва орқага чекинишларнинг натижасида бошланди, лекин янги тўқ ва маданий ҳаёт билан тамоманга битди.

Биринчи мартаба жадидларнинг халқни оқартириш ва унинг оғир ҳаётини енгиллаштириш учун кураш бошлаганларига кўн йиллар ўтди.

Узоқ бурулиш ва қийин йўл бўйинча овруполаштириш, тараққиёт ва қандай бўлса ҳам бирор ҳуқуқий давлатчилик томонига қўрқиб қўйилган қадамлардан то Бухоро коммунистлар фирқасини вужудга чиқаргунча // [139] амириятни йиқитгунча ва Шўролар Бухоросини қуруш ва маҳкамлаш бўйинча биргалаб ишлашгача бу қийин йўлда эски жадидчиликнинг мафкурасидан кўп нарса текширилди ва қайтадан қаралди; кўп нарсдан қўл чекнишга, кўп нарсани қабул қилишга, янгидан ишлаб чиқаришга тўғри келдиким, илгариги жадидчиликда бу тўғрида биронта киноя ҳам бўлган эмас эди.

Эски жадидларнинг кўписи бундай оғир вазифани ўҳда қилолмадилар, уларнинг бурунги сафда ишлайдирганларининг кўписи бу йўлда орқада қолдилар. Улар янги таърихий ҳолатларни тушиналмасдан, умум ҳаётдан четда қолдилар. Уктабр инқилобининг тарихий аҳамиятини ғафлатда ўтказган, уруш ва инқилоб вақтида кенг халқ оммасининг фикридаги ўзгаришни ҳисоблай олмаган, эски жадидларнинг кўписи, Бухоро халқ оммасининг бошида бошқа одамлар турганини, бу янги одамларнинг қисман ташқаридан ва қисман жадидчилик ташкилотидан ва кейиндан ёш бухороликлар ташкилотидан балоғатга эришганларини агарчи жуда секинлик ва қийинлик билан ҳар бир қадам ер учун чарчамай курашсаларда, ҳар ҳолда бутун инқилобий йўлни ўтканларини ҳам амирият йиқилгач, шўролар Бухоросини қуришга ва маҳкамлашга бошлаганларини ҳайронлик билан кўрадилар.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолиятининг янги саҳифалари	8
Р. Х. Каримов. Файзулла Хўжаев атоқли жамоат ва давлат арбоби . . . . .	8
Р. А. Нуруллин. Файзулла Хўжаев ва Затан тарихининг баъзи масалалари . . . . .	23
Д. А. Алимова. Файзулла Хўжаев ва жадидчилик . . . . .	37
К. Ражабов. Файзулла Хўжаев ва миллий истиқлол ҳаракати . . . . .	48
Д. Х. Зияева. Миллий-озодлик учун кураш воқеалари Файзулла Хўжаев талқинида . . . . .	56
Ф. Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар	61

# К столетию Файзулла Ходжаева

На узбекском языке  
Ташкент, «Фан»

Муҳаррир Х. Зарипова  
Техмуҳаррир Л. Тюрика  
Мусаҳҳиҳ М. Саидова

ИБ № 6781

Теринга берилди 07.04.97. Босишга рухсат этилди 02.07.97. Формати 84×108<sup>1/2</sup>. Газета қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма т. 9,24. Ҳисоб-нашриёт т. 11,0. 35-буюртма. 1000 нусхада. Қелишилган нархда.

УзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
УзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Х. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.